

ЧУСТИЙ

# ҲАЁТНОМА

Девон



Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1988

Тўпловчилар: *Музаффар ва Бахтиёр Хўжаев*

### Чустий.

Ҳаётнома: Девон / [Тўпловчилар: М. ва Б. Хўжаев; Кириш сўзи Ш. Юсуповники]. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.—488 б.

Чиқиш маълумотларида авт.: Чустий (Набихон Хўжаев).

Жамоатчилик асосида девон тузувчи Минҳожиддин Ҳайдар.

Илдизи ўнлаб асрлар қаъридан сув ичадиган аруз, ижодкордан улкан ҳаётий сабоқ, юксак бадий маҳорат талаб этади. Чустий ана шундай муқаддас, залворли ижод юкни елкага олган, мўйсафид арузни янги замон маънавий дунёси бойиши учун хизмат қилдира олган шоирлар сирасидан.

Азиз газалхон! Домла Чустийнинг ушбу «Ҳаётнома» девони — шоир қалб қатида бир умр сақлаб, сайқаллаб, Сизга армуғон этмоқчи бўлган орзулари гулдастасидир.

Чустий. Хаятнама: Диван.

Ўз2

Ч  $\frac{4702570200 - 111}{M352(04) - 88}$  Доп. 88

ISBN 5—635—00127—0

Муҳтарам китобхон!

Қўлингиздаги девонни унинг муаллифи шоир Чустий ўзи нашрга тайёрлай бошлаган эди. Бироқ бу эзгу ниятини ниҳоясига етказишга унинг умри кифоя қилмади.

Қарийб олтмиш йил давомида шеърий ижод билан қизғин шуғулланган Чустий адабиётимизнинг Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий сингари забардаст арузнавис намояндалари билан бир сафда туриб, шарқ классик шеърияти энг яхши анъаналарини давом эттирган, арузни янги давр вазифаларига хизмат қилдирган қалам соҳиби эди. Маълумки, кўп асрлик тарихга эга бўлган аруз вазни ижодкордан кенг билим, тинимсиз меҳнат ва улкан маҳорат талаб этади. Ана шу юксак талабларга жавоб бера оладиган асарларгина ўқувчи қалбининг қаърига яширинган анвой нозик туйғуларни қалқитиб, юзага чиқаради, унга чинакам эстетик завқ беради. Ўзбек совет адабиётининг Ҳамза Ҳақимзода, Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Яшин, Шайхзода, Уйғун, Ғайратий сингари энг йирик вакиллари бармоқ, сарбаст вазилари билан бир қаторда арузга ҳам тез-тез мурожаат қилиб турганликларининг боиси, ҳозирда ҳам Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Восит Саъдулла, Абдулла Орипов сингари эл севган шоирлар шитобкор давримиз кишиларининг юксак манавий-эстетик эҳтиёжларини қондиришда аруз имкониятларидан кенг фойдаланаётганликларининг сабаби ҳам шундадир.

Совет даврида республикамизда ижод этган арузнавислар орасида эҳтиросли шоир Чустийнинг ало-

ҳида ўрни бор. Шоирнинг асл исми Набихон Хўжаев бўлиб, у 1904 йил 20 февралда Наманган областининг ҳозирги Чуст шаҳрида камбағал тўқувчи оиласида дунёга келган. Ёш Набихонни шеърятнинг сеҳрли оламига илк бор олиб кирган ҳам, унинг қўлига қалам тутқазиб, дастлабки машқларини баҳолаган ҳам Туробий тахаллуси билан ажойиб ғазал, мухаммас, маснавийлар яратган отаси Нуриллахўжа эди. Бўлажак шоир тўқувчилик касбини отасидан пухта ўрганиб олганига қарамай, мустақил дастгоҳларга эга бўлиш имкони йўқлигидан 12 ёшдан бошлаб бадавлат тўқувчиларга ёлланиб ишлайди. Лекин тез орада Октябрь инқилоби ғалаба қозонгач, ёлланма меҳнат уқубатидан қутулиб, Қўқонда очилган малака ошириш курсларида ўқийди, совет идораларида ишлайди. Республикамизда коллективлаштириш қизғин авж олган 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошларида Фарғона областининг ҳозирги Ленинград районига қарашли Тепақўрғон қишлоғида «батрачком» раиси бўлиб ишлаган Чустий, кейинчалик коллектив хўжаликлар тузишда, шунингдек, матлубот кооперациясида масъул лавозимларда ишлайди.

Янги ҳаёт қуришда фаол иштирок этиш, халқ орасида улар орзу-интилишларини теран ўрганиш Чустийдаги шоирлик истеъдодининг камол топишига катта ёрдам берди. 30-йиллар бошидаёқ унинг кишиларимиз ҳис-туйғуларини яққол акс эттирувчи назмлари матбуотда тез-тез кўрина бошлади. Табиатан тиришқоқ бўлган бу шоир ўтгизинчи йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, республикамизда амалга оширилган чинакам халқ қурилишларининг барчасида фаол иштирок этди. Катта Фарғона, Логон ва Тошкент каналларининг трассаларида, Каттақўрғон, Косон сув омборларининг участкаларида, Фарҳод ГЭСнинг очиқ саҳналарида адабиёт ва санъатимиз арбоблари билан бирга Чустий қурувчиларнинг азият меҳмони бўларди. Табиат кучли овоз ато қилган, ўз шеърларини юксак маҳорат билан ўқийдиган бу шоирнинг ҳар бир асари бир зумда тилдан-тилга кўчар, бастакорлар томонидан у куйга солинар, энг зукко хонандалар томонидан завқ-шавқ билан ижро этилар эди.

Чустий номи тилга олинганида чиндан ҳам киши хаёлига дафъатан унинг сеҳрли шеърлари билан

айтиладиган дилкаш қўшиқлар келади. Шеърят бўстонида хушхон булбулдек сайраб ўтган бу ажойиб шоир худди қўшиқ учун, тўғрироғи, қўшиқнинг ўзи бўлиб туғилгандек эди.

Қўшиқ дегани аслида ўта инжиқ бир жанр бўлиб, қўшиқ учун мўлжалланган шеърни бастакорга, хонандага, қолаверса, тингловчига манзур қилиш, унга кўркам қўшиқ либосини кийдириш мушкулларнинг мушкулдир. Шу боисдан бўлса керакки, қўшиқнавис шоирлар кўпинча ҳали бастакорнинг, ҳали хонанданинг кажбахслигидан изтиробга тушиб, қўшиқ шеърини тинимсиз таҳрир қилиб тинкалари қуриган ҳоллар кўп бўлади. Баъзан чуқур ижтимоий мазмунни, нозик инсоний туйғуларни акс эттирган шеърлар ўзига муносиб бастакор ёки хонандани ўн йиллар, ҳатто асрлар бўйи кутишига тўғри келади. Лекин ҳайратланадиган жойи шундаки, Чустий турли муносабатлар билан яратган қанчадан-қанча ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас ва бошқалар ҳали сиёҳи қуримай туриб, ҳали матбуотда эълон қилинмай туриб, баъзан эса шоирнинг ўзи беҳабар ҳолда эфир тўлқинларида, концерт залларида, тумонат одам йиғиладиган катта маъракаларда янграб қолар, қўшиқ сифатидаги боқий умрини бошлаб юборад эди.

Хўш, бунинг сири нимада? Сири ҳамма соҳада бўлгани каби шоирнинг ҳам ўз касбига чексиз ихлос ва эътиқодида, қўшиқ жанри инжиқликларини бемалол енга олган мардона меҳнатида эди. Чустий шеърлари ўз музыкаси билан бирга туғилди. Чустий кўшиқ дарёсида худди эркин балиқдек бемалол нафас олди, бемалол жавлон урди.

Халқ орасида ўз шеърлари билан катта шухрат қозонган, шарқ классик шеърятини пухта биладиган Чустий республикамызда Алишер Навоий юбилейини ўтказишга тайёргарлик ишлари қизитиб юборилган 1939 йилда Тошкентга ишга чақирилади ва буюк ўзбек шоири ижодини жамлаш, ўрганиш, нашр этиш кўзасидан Ғафур Ғулوم, Ҳамид Олимжон, Порсо Шамсиев, Боқий, Улфат Маҳжур, Собир Абдулла, Ҳабибий сингари шеърят билимдонлари қаторида катта ишларни амалга оширади. Шу даврдан бошлаб Чустий ўз ҳаётини Тошкентда янги ташкил этилган Муқимий номли ўзбек музыкали драма театри билан чамбарчас боғлайди, бир неча йил давомида

театрнинг адабий эмалдоши, кейинроқ эса директори лавозимида ишлайди.

Халқимиз немис-фашист босқинчиларига қарши муқаддас Ватан уруши олиб борган жанговар йиллар Чустийнинг шоирлик истеъдоди, асарлари шуҳрати энг юксак чўққига кўтарилган давр эди. Бу даврда шоир деярли ҳар ҳафтада халқни жанг майдонларида ва фронт орқасида зўр қаҳрамонликларга илҳомлантирадиган бирор асарини яратишдан ташқари, Ўзбекистонлик делегация составида жанггоҳларнинг ўзига борар, ҳарбий қисмларда, госпиталларда, жангчилар ҳузурда, мамлакатнинг ғарбий қисмидан кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишчилари ҳузурда чиқишлар қилар эди. Уруш йилларида шоир даврнинг долзарб масалаларини аке эттирувчи «Даврон ота» (Яшин ва Собир Абдулла билан ҳамкорликда), «Қурбон Умаров», «Қўчқор Турдиев» (Собир Абдулла билан ҳамкорликда) саҳна асарларини яратди.

Улуғ Ватан уруши совет халқининг улкан тарихий ғалабаси билан тугагач, Чустий тинчлик ва бахт тароналарини авж пардаларда куйлайдиган қалам соҳибига айланди. Шундан кейинги ўттиз йилдан кўпроқ давр мобайнида Ўзбекистон Давлат нашриётида таржимон, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим лавозимларида ишлади, 1976 йилдан бошлаб унга республика аҳамиятидаги шахсий пенсия тайинланди. Чустий 1983 йилнинг августда 80 ёшида вафот этди.

Қизғин ҳаётий воқеаларга бой, баракали умр кўрган шоир ўз халқига ана шу қизғин ҳаёт воқеалари муҳрланган бой адабий мерос қолдирди.

Чустий асосан арузнавис ижодкор эди. Унинг ғазалларига, хос равои мусиқийлик уларнинг тез орада кўшиқларга айланиб, оммалашиб кетишига омил бўлар эди. Шоир Чустийнинг кўплаб ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддаслари ҳам ана шундай бахтли тақдирга эга бўлди. Унинг «Боғ аро», «Гул мавсуми», «Ўзбекистонингдаман», «Уйқудан» сингари қўшиқлари урушдан олдинги йилларда грампластинкаларга ёзилиб, шинавандлар ўртасида машҳур бўлиб кетган эди. «Қасам», «Ватан ишқи», «Қўзғол!», «Омон келгил!», «Ёринг сақлагил!», «От солайлик!», «Ёрим бирла мен» сингари кўплаб қўшиқлари эса

Улуғ Ватан уруши йилларидаги республикамыз қўшиқ репертуарининг асосини ташкил этган асарлар жумласига кирар эди. Урушдан кейинги қарийб қирқ йил мобайнида Чустий яратган тинч меҳнат тароналари энг яхши бастакорларимиз эътиборини тортди ва машҳур хонандаларимиз томонидан ижро этилди. «Ёримга савол», «Ноз этма», «Оввора бўлма дейди», «Йўқмикан», «Минг балони енгади», «Кўзларинг», «Ҳаммамиз», «Муҳтож бўлмагай» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Чустий яратган қўшиқлар хилма-хиллиги, уларда классик адабиётдаги анъанавий муҳаббат мавзуи янги давр кишисини қизиқтирадиган энг муҳим мавзуларга вобаста қилиб юборилишидан ташқари, замон руҳи, кишиларимизнинг кўтаринки кайфияти яққол сезилиб туриши характерлидир. Унинг пахтакорлар, чорвадорлар, пиллачилар, тўқувчилар, чиннисозлар ва бошқалар ҳақида яратган қўшиқларида ҳар бир касбнинг ўзига хос поэзияси тингловчи қалбини тўлқинлантирадиган етакчи жиҳати санъаткорона бадий талқин этилади.

Шоир буюк Ленинни, Коммунистик партияни, Советлар Ватанини, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги ажойиб дўстликни қайта-қайта завқ-шавқ билан куйлаганлиги эътиборга лойиқдир. Унинг «Доно доҳийга», «Ленин десам», «Партиям дерман», «Москва», «Ленинград», «Украин қизига», «Ватан ашъори», «Ўзбекмисиз, тожикмисиз», «Халқлар таронаси» сингари асарлари янги инсонни тарбиялашга, ўқувчида юксак интернационал туйғуларни авж олдиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Узоқ умр кўриб, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп бошдан кечирган, катта тажриба тўплаган шоир ўз ижодининг сўнгги йилларида ахлоқий-этик мавзуларда кўпроқ қалам сурди, айрим кишилар хулқ-атворида учраб турадиган ўтмиш иллатларини аёвсиз фош этувчи ҳажвий асарлар яратди. Бундай асарлар, бир томондан, коммунистик тарбия соҳасидаги ишларимизга катта ёрдам берса, иккинчи томондан, ўқувчиларни эскилик сарқитларига нисбатан мурасасиз кураш олиб боришга ўргатади.

Чустийнинг ижоди мавзу хилма-хиллиги, автор ғоявий-сиёсий позициясининг аниқ-равшанлиги билан эътиборни тортади. Китобнинг бошқа кўпгина фазилатлари ҳам мавжуд. Шоир шеърларида ҳамми-

ша ҳаётбахш оптимизм гуркираб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Шоир азал-абал навқирон мавзу — муҳаббат ҳақида куйлар экан:

Эй кўнгил, нолиш йўлин чангу ғубори сенда  
йўқ,  
Ердин ранжиш хаёлин ихтиёри сенда йўқ,

сингари байтлар уларда лейтмотив эканини, янги давр кишисининг янгича севгисини оптимистик руҳда тараннум этади.

Чустий шеъриятига хос юксак оптимизм унинг ҳаёт ва табиат ҳодисаларига янгича муносабатида, классик шеъриятдаги анъанавий образларга янгича маъно беришида, бу образларнинг янги-янги қирраларини очишида ҳам кўзга ташланади. Масалан, қуёш ва ой образлари ўтмиш шоирлар асарларида маҳбубанинг чеҳрасига ўхшатилишидан ташқари, кўп ҳолларда улар — қалбидаги дилгир кайфиятни ифодалаш воситаси сифатида ҳам хизмат қилган. Чунончи, Фурқат «Адашганман» радифли машҳур мухаммасида:

Бошимга тушди ғурбат офтоби на илож айлай,—  
деб ёзганида қуёшнинг қиздириб, қовжиратувчи хусусиятини биринчи планга чиқариб, жазирама қуёш остида ҳимоясиз қолган лирик қаҳрамонга нисбатан ўқувчи қалбида қаттиқ ачиниш пайдо қилишни назарда тутган эди. Чустийда эса биз бунинг тамоман аксини кўрамиз. У:

Кун — ҳаётимнинг саодатномасидан бир варақ,  
Ой — муродимнинг саёҳатномасидан бир варақ,  
дер экан, ўз ижодининг ўзгармас оптимистик характери яққол ифодалашга хизмат қиладиган янги, оригинал образ ярата олган.

Буюк Навоийнинг «Соқийнома»сига жавоб тарзида яратилган «Боқийнома» асарида ҳам шу ҳолатни кўрамиз. Навоий асарида:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,  
Май истарға илкимда синган сафол,

байти ҳар бир банд охирида такрорланиб туриши маълум. Чустий «Боқийнома»нинг ҳар банди охирида улуг Навоий асаридаги шу байтни эслатиб, унга мурожаат қилар экан, ўз асарининг бутунлай янги-



ча йўналишидан, Навоий орзу қилган истиқбол билан давримиз ўртасидаги ҳамоҳангликдан далолат берувчи қуйидаги байтни битади:

У кун бўлса илкингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Бугина эмас, Чустий Навоий, Фузулий, Нодира, Муқимий, Фурқат ва бошқа классикларнинг энг яхши ғазалларига тахмислар (мухаммас) боғлайди, уларга тазминлар қилади. Бу тахмис ва тазминлар китобнинг кўрки эканини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки ўзининг ўтмишдаги буюк устозлари билан ижодий мусобақага киришган шоир бутун истеъдодини ишга солади, уларнинг муносиб шогирди эканини намойиш қилади. Бу ҳол, Навоийнинг:

Мен саргашта жисмим доғ ила қон лолазор  
этмиш,  
Қуюн ёхуд тўкулган лолазор ичра гузор этмиш,  
ва:

Қаро кўзум келу мардумлиғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросига мардум киби ватан қилғил,

матлаъли, Фузулийнинг:

Ҳар китобақим лаби лаълинг ҳадисин ёзалар,  
Риштаи жон бирла ишқ аҳли они шерозалар,

матлаъли, Нодиранинг:

Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз,

матлаъли, Фурқатнинг:

Бир қамарсиймони кўрдум балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасҳирда,

матлаъли энг машҳур, энг таъсирчан ғазалларига қилинган тахмисларда айниқса яққол кўзга ташланади.

Классиклар ғазалларига тахмис боғлашнинг эътиборга лойиқ икки жиҳати бор. Биринчидан, тах-

мис учун шоир ўзи энг яхши кўрган, бадий маҳоратига қойил қолган ижодкорнинг энг зўр ғазалини танлайди. Иккинчидан эса, ҳар бир икки мисрадан ташкил топган ғазал байтлари тахмис талабига кўра беш мисрали бандларга айлантирилганида кейинги шоир томонидан ҳар байт олдига қўшилган уч мисра унга заргарона пайванд қилиб юборилиши, бутун банд гўё бир қалам эгаси томонидан ёзилган-дек таассурот қолдириши керак. Бинобарин, Навоийга, Фузулийга ёки бошқа бир гигант шоирга тахмис боғламоқчи бўлган ижодкор ўз гениал ўтмишдошининг асари руҳига чуқур кириб бориш билангина чекланмай, фикр кўламининг кенглигида ҳам, поэтик парвозининг юксаклигида ҳам, образларни кашфиёт даражасига кўтаришда ҳам унинг байтларига тенг келадиган мисралар битиши зарур. Чустий эса аксар ҳолларда ана шунга эришиб, ўзининг чинакам санъаткорлигини намойиш этади. Фикримизнинг исботи учун Нодира ғазалига қилинган тахмисдан икки бандни келтириш билан чекланамиз:

Гул узай деб хор дардин тортаман,  
 Заҳр олай деб мор дардин тортаман,  
 Умрлардир ёр дардин тортаман,  
 Ёр учун ағёр дардин тортаман,  
 Кўрмадим бир ёрни ағёрсиз.

Мевасиз хижолатда қолмиш арғувон,  
 Айлама мадҳини, эй мўъжиз, баён,  
 Қилса ногаҳ азм сайри бўстон,  
 Берма нисбат қаддига, эй боғбон,  
 Сарвдир бу боғ аро рафторсиз.

Чустий классик шеъриятдаги анъанавий образларга мурожаат қилганида, деярли ҳар сафар, бу образларнинг ўзидан олдинги йирик ижодкорлар нигоҳидан пинҳон қолган бирор янги қиррасини очишга, уларга янгича маъно ва талқин беришга интилади, кўп ҳолларда ўқувчи кутмаган, фавқуллодда кучли хулосалар чиқаради. Масалан:

Қароликни кўзингдан қарз олиб, қарзни  
 узолмасдин,  
 Хижолатдан қочиб юрмиш баланд тоғларда  
 оҳулар,

ёки:

Юзингни гулханида тобланиб холинг куйиб  
қолмиш,  
Бу ўтдан баҳрасизлар таъна айлаб рўсиё дерлар,

ёки:

Сочи ошиқ бўлиб тушмиш изига,  
Йўқ эрса боши ерда судраларму,—

сингари байтларни ўқиганда Чустий кўп асрлик шеъриятимизда тасвирланган маҳбубанинг кўзи, холи, сунбули образларига ҳайратомуз даражада янгича ёндошиб, янги бадий чўққиларни эгаллаганлиги аён бўлади.

Классик шоирлардан қунт билан ўрганиш, улар асарларидаги маҳорат сирларига яқиндан ошно бўлиш Чустий шеъриятига кўп жиҳатдан самарали таъсир кўрсатди. Натижада шоир ўзи яратган ғазал, мухаммас, мусаддас, мустазод, туюқ ва бошқа жанрлардаги асарларида аруз санъатларидан моҳирона фойдаланди, уларда ўйноқи, равон услубга, образларнинг фавқулодда кучли ва таъсирчанлигига, хилма-хил поэтик кашфиётларга эришди. Чустийнинг севги лирикасида уларни кўплаб учратамиз. Масалан, «Зулфинг» радифли мухаммасида шоир маҳбубанинг зулфини тасвирлар экан, арузнинг ташбеҳ, ҳусни таълил каби санъатларидан фойдаланиб, уни зулф эмас, худди тирик, шўх одамга айлантиради:

Тонгнинг шамоли эсди, боғланди жона зулфинг,  
Дил созига чаманда солди тарона зулфинг,  
Ҳуснингни қуршаб олди, илгида шона зулфинг,  
Ухшар қилич кўтарган соҳибқирона зулфинг,  
Чунким, жаҳонда топди шуҳрат ягона зулфинг.

Аввал белинга тушди, сўнгра тизингни ўпди,  
Ювмоққа бошинг эгдинг, у денгизингни ўпди.  
Сўнг тўлғаниб у сувдан чиққан юзингни ўпди,  
Уйнаб оёққа тушди, боқсам изингни ўпди,  
Бу ишни ўргатурга қилди баҳона зулфинг.

Чустий шеърларида бундай чинакам маҳорат намунаси бўлган поэтик кашфиётлар кўп.

Шоирнинг ушбу девонидан унинг машҳур ҳамкасб дўсти Ғафур Ғулом билан мушоира тарзида яратилган икки ғазали ҳам ўрин олганки, бу ғазал-

лар икки ажойиб ижодкорнинг ҳамкорлигидан ташқари, уларнинг классик шеърятимиз анъаналарини янги даврда муваффақият билан давом эттирганликларидан ҳам далолат беради. Чунончи, Катта Фарғона канали қурилишида ўз шеърлари билан меҳнаткашларга янги куч бағишлаётган бу икки шоир канал трассаларидан биридаги концертда катта муваффақият қозониб турган раққосани биргаликда тавсиф этмоқчи бўладилар. Бунга раққоса қулоғидаги қашқарча балдоқ баҳона бўлади. Балдоқни мадҳ этишга киришган икки шоир мушоира-мувашшаҳнинг классик шеърятимизда жуда кам учрайдиган ва ўта мураккаб, ўта заҳматталаб турини танлайдилар. Юксак дид ва улкан эҳтирос билан яратилган ва:

Зумуррад чамбар ичра қатра олмосдур қулоғида,  
Суман баргида шабнам аксидур ё кўз булоғида,  
матлаъи билан бошланиб:

Ҳамиша мен Ғулумий сирғага соҳиб у  
дилбарнинг,

Неча кундурки, Чустий, икки балдоқни сўроғида,  
мақтаъи билан тугалланган мушоира-мувашшаҳдан  
раққосанинг исми — «Сорахон» чиқарилади. Ғафур  
Ғулумнинг ҳозиргача нашр этилган китобларида учрамайдиган иккинчи мушоира ҳам бу юксак дидли  
шоирларнинг классик шеърятга катта эҳтироми  
намунаси сифатида ғоят қадрлидир.

Чустийнинг турли йилларда нашр этилган «Зафарнома», «Тирик жаннатга кирган кампир», «Кийикнома», «Боғи эрам» сингари дostonлари, Саъдий, Ҳофиз, Хисрав Деҳлавий, Собир Термизий, Мирзода Ишқий, Мирзо Ғолиб сингари классикларнинг, Жаббар Ифтихор, Парвин Эътисомий, Али Сардор Жаббарий каби хорижий Шарқ йирик ижодкорларидан қилинган таржималари, «Қўзғол!», «Шамшир», «Лозор», «Ҳаёт завқи», «Гул мавсуми», «Ғазаллар» сингари мажмуаларидан жой олган асарлари ушбу «Девон»га деярли киритилмади. Улар ҳам вақтисоати келиб ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади, деган умиддамиз.

**Шариф Юсупов,**  
филология фанлари кандидати.

# ҒАЗАЛЛАР

## ХАЛҚ МАДҲИЯСИ

Халқимизнинг таърифи ердан буюк осмонгача,  
Топмаган ҳеч эл бу хил шуҳратни бу давронгача.

Кўкда фан чақмоқларин нурида бор зўр ҳиссаси,  
Ерда ҳар бир соҳада турли қазилган конгача.

Солди дарёга жилов, чўл жисмига бахш этди жон,  
Тоғни хизматга солиб, чек қўйди зўр вулқонгача.

Қўл узатди, онпоқ олтин тоғларин устида халқ,  
Бемалол етди қўли кўк хонида ширмонгача.

Бахтиёр ҳар оила, тенгсиз баҳодир, қаҳрамон,  
Ҳар кунни янги туғилган, янги ҳур инсонгача.

Бу улуғ халқ қудратин тинмай муборакбод этар,  
Булбулу созу ғазал, насуру қалам, дostonгача.

Олий мақсадга етишга партия йўл бошлади,  
Чустий, виждоним сафарбар бўлди қалбу  
жонгача.

## ВАТАН АШЎОРИ

Қуёшдек шуъласин сочди Ватан дийдори қалбимга,  
Усиб яшнашни ўргатди Ватан гулзори қалбимга.

Бузилмас бир иморат тиклади, нодир ҳунар бирлаи,  
Ажойиб берди зийнатлар Ватан меъмори қалбимга.  
Кўзим очганда ҳам, юмганда ҳам бирдек жйло  
берди,

Ўзининг суратин чизди Ватан сардори қалбимга.

Тараннум айласам, эл бирла осмон ҳам қулоқ  
солди,

Баланд авжини бахш этди Ватан гулёри қалбимга,  
Ватанни рози қилмасдан туриб ҳеч тўхтама дейди,  
Кўзим ҳар субҳидам очсам, Ватан ҳушёри қалбимга,  
Ватан мадҳини ёзмасдан туролмам бир нафас,

Чустий,

Мудом руҳий ғизо берди Ватан ашъори қалбимга.

## МОСКВА

Москва нурии сочур ҳар дамда боғлар устига,  
Мамлакатлар халқига, дарёю тоғлар устига.  
Сойда сув ўрнида нур оққан каби мавжи тиниқ,  
Шуъласи яққол тушар минг-минг булоғлар  
устига.

Москва васфий ўқишга мен китоб очган эдим,  
Уйга нур тўлди, чироғ ёнди чироғлар устига.  
Эски зулматдан учиб калхат келолмайди яқин,  
Кул қилур бир шуъласи тушганда зоғлар устига,  
Москва нурила эркин ҳарф ўқилган ўлкада,  
Ҳеч киши икки кўзин суртмас оёғлар устига.  
Йўл сололмас элга офат ёғдириб юрган булут,  
Москва номи ёзилган боғу роғлар устига,  
Чустий, тинчликнинг қуёши олам оролик қилур,  
Яшнатиб тобора нур сочмоқда боғлар устига.

## ФАРҒОНА

Зафар осмонига қурдинг азим кошона, Фарғона,  
Эрур шуҳрат қуёши сен билан ҳамхона, Фарғона.

Деди ҳар заршунос халқу заминингга назар  
ташлаб,  
Мисоли куррамизнинг кафтида дурдона, Фарғона.

Оқ олтин кони бўлмиш пахтага устозлар юрти,  
Буюк ҳосил туғилган сенда доим, она Фарғона.

Сувориларга ҳам «зангори кеманг»га газал ёздим,  
Дедим ҳар мисрасида: офарин, Фарғона-Фарғона.

Қуёшга, хирмонингни тенги борму, деб савол  
бердим,  
Деди, бордир ва лекин асли гавҳархона, Фарғона.

Чиқиб сен ғолибият тоғига, элга кулиб боқдинг,  
Бу ишда халқу юртни айладинг хандона, Фарғона.

Сени табрикламоқ қарзим эрур ҳам армуғонимдир,  
Улуғ байрамга келтирдинг улуғ тўёна, Фарғона.

Ватан халқин садосига қўшдим, дедим, Чустий,  
Яша мардона, Фарғона, яша мардона, Фарғона.



## ФАРҲОД ТОҒИДА

Ўлканинг бир нузли зўр маъноси Фарҳод тоғида,  
Ўзбекистон қудратин аълоси Фарҳод тоғида.

Тун деган номи қолиб' асло қароси қолмади,  
Доимо кундузли эл дунёси Фарҳод тоғида.

Нуқрадан минглаб иморатлар фалакка бош урур,  
Эл аро нодир ҳунар устоси Фарҳод тоғида.

Боғлади хизматга бел дарё кўриб эл зарбасин,  
Тош эриб оққан симоб дарёси Фарҳод тоғида.

Ҳимматидан шарқ гулзорига ҳардам нур сочиб,  
Кўкда юлдуздек ватан шайдоси Фарҳод тоғида.

Бу улуғ йўлга улуғ Ленин ҳамиша раҳнамо,  
Очди элнинг ҳиммати ихлоси Фарҳод тоғида.

Э, қалам, Фарҳоду Ширин тўйига бир тухфа ёз,  
Сен билан Чустийни шул савғоси Фарҳод тоғида.

## БАЛДОҚ

(Ғафур Ғулом ва Чустий мушоира-мувашшаҳи)

Зумуррад чамбар ичра қатор олмосдир қулоғида,  
Суман баргида шабнам аксидир ё кўз булоғида.

Демам, шабнам қамар атрофида зийнатли  
кавкаблар,  
Иқомат тузмиш ул юлдуз... абру қироғида.

Шивирлаб сўйламакка дилдаги ҳасратларин гўё,  
Раҳи ишқ заргари солмиш камандин шом чоғида.

Каманд эрмаски, банд ўлмиш ўзи дори муҳаббатга,  
Осилмиш ҳалқа-ҳалқа севгининг заррин тузоғида.

Гўзаллик Зухрасидек кўкка учса ўрнидир аммо,  
Халойиқ ошиқидир сирғасин, юк ёр оёғида.

Шарафлик бахт эрурким ҳар нафасда ёр юзин  
ўпгай,  
Агар тун бўлса нозик ҳалқалар дилбар яноғида.

Ҳамиша мен Ғуломий сиргага соҳиб у дилбарнинг,  
Неча кундирки, Чустий, икки балдоқнинг  
сўроғида.

## ДИЛРАБО СОЗ ВА ДИЛРАБО ОВОЗ

Шўх таронангни эшитдим Ўзбекистон боғида,  
Сенми, эй дилбар, тараннум айлаган тонг чоғида.

Замзаманг шайдоси бўлди гулшаним булбуллари,  
Барча хушхонларни дол этдинг, кўзи тирноғида.

Сен тараннум айлаган чоғингда осмон Зухраси,  
Қолди ҳушдан айрилиб ҳайрат тиши бармоғида.

Созу сўз, овозу хулқинг тўртта фазлингдир сени  
Ҳар бирин бир бошқа таъми бор ҳаёт қаймоғида.

Авжи аксинг жонима жон киргизур бу мўъжиза,  
Уйнашиб бармоқларинг созингни зар белбоғида.

Пок санъат боғининг сўлмас гули ҳам булбули,  
Ушбу унвонинг ёзилмиш ҳар дарахт япроғида.

Не ажаб бўлсанг замонамда жаҳон хонандаси,  
Яллалар қилсанг қуёш шаҳрида, ой қишлоғида.

Ҳамма кўнгил тўрида созингни янгра, куйлагил,  
Битта ҳам одам дилининг қолмагил қирроғида.

Таърифингни боғидан бир олма тутдим, ол, дедим,  
Чустининг савфоси чексиз сенга илҳом боғида.



## НАВРҶЗ ҚҶШИҒИ

Баҳор бонг урди, уйғонди табиат, эрди уйқуда,  
Фақат тонгда булут ёнбошламоқчи нуқра парқуда.  
Қуёш кимёғари қорни қуяр сойларга сув айлаб,  
Бунинг ҳар қатраси ҳам элники, оқмайди беҳуда.  
Улуғ тўй, деб тараддудга тушиб қолган

дарахтларнинг,

Жамолин кўрдим эл бирла, тасаввур номли кўзгуда.  
Ёғар эл бошига ёмғирми ё ҳар томчи гавҳарми,  
Бу хилда томчиларнинг қиймати бир олам инжуда.  
Баҳор меҳрин булоғи ичра кўнглим ўйнар

андоқким,

Балиқлар ўйнаган янглиғ Зарафшон ичра омуда.  
Шошиб бормоқдалар тўлқинланиб боғбон билан

деҳқон,

Мисолин кўрса бўлгай сойлар ичра тезоқар сувда  
Ватан тупроғидан Зухро кўзига сурма элтар қиз,  
Бу йил ким деб баҳордан сўрсам, айди, номи

Масъуда.

Шарафлик анжуман таклифига айлаб амал келди,  
Бу кун наврўзи олам яхши ният, яхши орзуда.  
Баҳордек коммунизм ҳам яқинлаб жилвагар бўлди,  
Бу офтоб шуъласи кўзга кўринди тонгги ёғдуда.  
Бу айём гул узатди Чустийга, япроғи бир дoston,  
Бу маънидан қалам шоду сиёҳдон оғзи кулгуда.

## АТЛАСИМ ЁР УСТИДА

Ишқ торидан тўқилган атласим ёр устида,  
Минг гули раъно очилмиш худди гулнор устида.

Офтоб янглиғ жамоли қоматига нур сочар,  
Ошиён тутмиш қуёш гўёки гулзор устида.

Бебаҳо ёрим ҳаёти, қиймати ундан баланд,  
Бўлмаган, бўлмас бунинг савдоси бозор устида.

Ерима қасд айласа қонига булғансин рақиб,  
Ханжари — рашким мудом ўйнайди ағёр устида.

Жону дилда севгининг васлини ахтарган киши,  
Чўл кезар, дарё кечар, гоҳи юрар қор устида.

Офарин мардоналарга жон олур, гоҳ жон берур,  
Қанча ошиқларни кўрдим бошлари дор устида.

Чустий, гулшан ичра булбулдек мудом ҳушёр  
бўл,  
Чунки гул барги нафис, гул шоҳида хор устида.

## ҚАСАМ

Қасамёд айладим халқ олдида номусу оримга,  
Ватан муҳри босилди дилдаги қатъий қароримга.

Ҳамият ханжари бирлан кесарман риштаи умрин,  
Менга душман эрур дўстим агар қасд этса ёримга.

Унинг йўлида куйса устихоним, сурма деб, дўстлар,  
Ўралган мактубим бирлан беринг, кўзи хуморимга.

Кесилсин панжаси, куйсин, кули кўкларга  
соврилсин —  
Тикон ўтқазмоқ истаркан кими бу лолазоримга.

«Гўзал Ширин» дедим, тоғлар бу овозимга бош эгди,  
Қадим Фарҳоди бу ишда киролгайму қаторимга?

Садоқат бирла ўлсам ҳеч қачон мен чўлда  
қолмасмен,  
Чаман қилгай элим гул ўтқазиб, Чустий,  
мозоримга.

## ЧУСТ БОҒИДА

Тирик жаннатга кирганларни кўрдим Чуст боғида,  
Ҳамиша яйрашур ҳурлар ҳама меҳнат қучоғида.

Тополмай ўтнинг Искандар у кун обиҳаёт излаб,  
Муродинг мавжи бул кун Чустнинг ҳар бир  
булоғида.

Аё Баҳром эшит, тарих ҳижронингни қўй энди,  
Вафо чангин чолур ҳар тонг Дилором ўз равоғида.

Улуғбек қанча йил юлдуз қидирдинг, асли ул  
юлдуз,  
Тамошо айлағай нурин сочар бу боғ чароғида.

Эшитмоққа чиқиб булбуллар овозин ҳавас бирлан,  
Бу боққа зар нисор айлар қуёш олтин тобоғида.

Кумуш бармоқли олтин қўлдилар сайр айлашур  
хуррам,  
Шулар сиймоси нурдир пилла бирлан пахта тоғида.

Букун Хайёми май ўрнига ичди бир пиёла чой,  
Деди, энди ёзилди у хуморим субҳ чоғида.

Туғулган масканим шул деб бу кун илҳом қизи  
бирлан,  
Бу боғда сайр этар Чустий, кулиб оғзи қулоғида.



## ҚАРО КЎЗИНГГА

Ҳеч боқмасин ёмон кўз, жонон, қора кўзингга,  
Жононалар тутибдир минг жон қаро кўзингга.  
Икки қошингму гўё икки қаро баҳодир,  
Тортиб эгиб камонин посбон қаро кўзингга,  
Ул қоп-қаро ичинда машғал ёнар, таажжуб,  
Кўрганда сеҳргар ҳам ҳайрон қаро кўзингга.  
Ут ҳам куйиб кул ўлгай тушса кўзинг олови,  
Қандай боқиб чидолгай инсон қаро кўзингга.  
Холинг лабингда гўё меҳмон каби ярашмиш,  
Мен бўлсам эрди кошки, меҳмон қаро кўзингга,  
Мадҳингга Чустий шеъри арзирмиди, нигорим,  
Мижгонларинг ёзибди дoston қаро кўзингга.

## ЎХШАТМА

Лабин ёқут дединг, жон марҳамини тошга ўхшатма,  
Ёғочдан усталар эгган камонни қошга ўхшатма.

Ёғочдан қошу, тошдан лаб ясаб мақтайсан эй ошиқ,  
Сўзинг ташбеҳчилик тўйида тузсиз ошга ўхшатма.

Юзини ой дединг, осмон бошида мис лагандир ой,  
Кўзини фитнадан сақлар, уни бебошга ўхшатма.

Чизил сурат санам дейсан, пари дейсан чин  
инсонни,  
Ўзингни зоҳирий суратпараст наққошга ўхшатма.

Кўзимдан сув сениб, йўлин супурдим киприким  
бирлан,  
Менинг ишқим йўлидан беҳабар фаррошга ўхшатма.

Қатор мужгонларимнинг риштасига дур  
тизибдирман,  
Унинг ишқида бойман дарбадар қаллошга ўхшатма.

Ҳалол меҳнат туфайлидан юзида дона-дона тер,  
Уни мазлумалар кўзидан оққан ёшга ўхшатма.

Агар бошимни дилдорим йўлига тикмасам Чустий,  
Уни елкамдан ол, ишқига лойиқ бошга ўхшатма.

## УВОЛ ЭТМА

Мени эй соқи, майнинг ошиқидир деб хаёл этма,  
Кўзинг маст этди, менга май бериб майни увол  
этма

Сенинг ишқингдин ўзга менга ҳеч кайфу сафо  
бўлмас,

Бўлакнинг меҳрига ундаб, дилимни хастаҳол этма:  
Кишини бода маст этса, менинг кайфим қочиргуси,  
Бу қандай майпарастлик деб, менга ҳаргиз савол  
этма.

Ичибман Ҳофизу Жомий, Навоий мажлисида май,  
Алоё айюҳас соқий бу ҳақда қийлу қол этма.  
Шу кайфим бирла элга ўлгунимча айлайин қуллуқ,  
Мени айб этма, позинг бирла маҳруми висол этмас.  
Муҳаббат бодасига сув қўшиб айнитма, эй соқий,  
Дилимнинг шишасини олуда бир эски сафол этма.  
Агар бу бода қадри зарра ортиқ бўлса Чустийдан,  
Уни камликда қўйгил, май бериб майни увол этма.

## ФАРҒОНА ДИЛБАРИГА

Минг шеъру рамзу мазмун Фарғона дилбарига,  
Камдур ёзилса ҳар кун Фарғона дилбарига.  
Ҳинду ҳабашда ҳам бор қошу кўзин асири,  
Ким бўлмағайди мафтун Фарғона дилбарига.  
Тўлқин урар Зарафшон сочин келиб ювар деб,  
Мен садқа, дейди Жайхун, Фарғона дилбарига.  
Бўйлаб қарар Тянь-Шань, шайдоси Шоҳимардон,  
Измини берди Сайхун Фарғона дилбарига.  
Тун ойни қилди қандил, кундуз қуёшни кўзгу,  
Тўймай боқар туну-кун Фарғона дилбарига.  
Овозу созу меҳнат тулпорини чопишда,  
Майдонда тегди соврин Фарғона дилбарига.  
Чустий кўнгил берибсан жонинг фидоси бўлсун,  
Ёқмайди лофу афсун Фарғона дилбарига.

## БАҲОР АЙЁМИДА

Тоғу қирдан ҳам қочар уйқу баҳор айёмида,  
Қўлга олғай жилғалар чолғу баҳор айёмида.  
Тўпланиб қушлар дарахт шохида қилгач азкиё,  
Ғунчалар лаълин очар кулку баҳор айёмида.  
Олиҳимматлик булутлар сайр этиб қаҳ-қаҳлашиб,  
Қўйнидан элга тўкар инжу баҳор айёмида.  
Тилла баркаш бошида ҳар кун табиат ҳотами,  
Ерга беармон сепар ёғду баҳор айёмида.  
Ерга беркинган жавоҳир ошкор айлаб ўзин,  
Дур ташир сойларда оққан сув баҳор айёмида.  
Лола сайрига чиқинг тонг юлдузидек, дилбарим,  
Кўкда ҳам қолмайди ҳеч қайғу баҳор айёмида.  
Бўлса меҳнатнинг палови-ю, кабоби, чойи ҳам,  
Иштиҳоларга кирар туйғу баҳор айёмида.  
Завқ-шавқим бирла тирмашдим муҳаббат тоғига,  
Учрагай деб кўзлари оҳу баҳор айёмида.  
Гул каби хушбўй бўлур, дилбар бўлур, Чустий,  
газал,  
Қанча кўн ёзсанг кулиб ушбу баҳор айёмида.

## ЕРИМГА САВОЛ

Э кўнгил, кел ёрима берган саволимдан сўра,  
Дилбарим берган жавобин ақли лалмидан сўра.

Бир кун айдим: дегил қайдан асалнинг лаззати?  
Айдиким: нодон бу сирни лаъли болимдан сўра!

Осмонда ойни юлдуз ўпса мумкинму дедим,  
Айди: ҳусним посбони дона холимдан сўра.

Мен дедим: кокилларинг кўзимга суртсам майлиму?  
Айдиким: оҳиста ушлаб рўймолимдан сўра.

Мен дедим: йўлингда жон берсам тирилмоқ  
бормукин?

Айди: муъжизни масиҳон — висолимдан сўра!

Мен дедим: ой куйди тунда, кундузи кун тўхтади,  
Бу аломатни, деди ўтлик жамолимдан сўра.

Бу муаммоларни билмоқ истасанг бор, э кўнгил,  
Чустийдан мен элчи деб ширин мақолимдан сўра.

## ҒАЗАЛХОН БҮЛМАСА

**Ваъда қилсанг майлига, у ваъда ёлгон бўлмаса,  
Ваъда қилма гар вафо қилмоққа имкон бўлмаса.**

**Ваъда инсон нарзидир, қарзин узолмас ул киши,  
Сурати инсону аммо феъли инсон бўлмаса.**

**У қачон таъсир эгар эл қалбига, э дўстлар,  
Бир ўликдан фарқи йўқ, сўз жисмида жон бўлмаса.**

**Сайра э булбул, саҳар бирлан чаман қадрига ет,  
Қайда ҳам сайрар эдинг, тонгу гулистон бўлмаса.**

**Мунча ҳам ноз айлама, эй гул, табассум бирла боқ,  
Ким сени гул дер эди, ханданг намоён бўлмаса.**

**Бўса сўрдим, лаб буриб: минг жонга ҳам йўқтур  
дединг,  
Кошки турсанг сўзингда бундай арзон бўлмаса.**

**Ишқ устози бунинг қалбига ўргатди ғазал,  
Ким танир эрди агар, Чустий ғазалхон бўлмаса.**

## ЎЙНАГАНДА

Саҳнада гул очилди гунчалаб ўйнаганда,  
Жонни қитиғлаб ўтди, йўргалаб ўйнаганда.  
Куйдирмажон экан-ку, лекин табассум айлаб  
Кўнглимни эркалатди эркалаб ўйнаганда,  
Товусни этди шайдо, оҳуни этди мафтун,  
Икки қаро хуморин сурмалаб ўйнаганда.  
Дурлар кўзин узолмай қолди ёқосин ушлаб,  
Кўйлақ ёқосин ул қиз тугмалаб ўйнаганда.  
Икки қўли белини қимчиб, юракни ўйди,  
Ерни оёқ учида пармалаб ўйнаганда.  
Дерсизки, икки юлдуз ўйнаб булутга кирди,  
Икки қўлин юзига пардалаб ўйнаганда.  
Шөгирд экан бу дилбар элнинг Мукаррамига,  
Билдим бун юракка ўт қалаб ўйнаганда.  
Минг жон фидо этардим, жон битта, Чустий,  
найлай,  
Мингга бўлай бу жоним майдалаб ўйнаганда.



## КЕРАКМАСАН МЕНГА

Ниятинг бўлса ёмон, э дил, керакмасан менга,  
Сўзларинг бўлса зиён, э тил, керакмасан менга

Дониш ўргатдим тузук одам бўлур деб қанча йил,  
Ўзлигим бўлсанг ҳамон жоҳил, керакмасан менга.

Гар ёмон хулқинг билан элга хунук бўлсанг юзим,  
Ерга кир, бўлгил ниҳон, кетгил, керакмасан менга.

Ақдан бўш қолсанг, эй бошим, бу говакни нетай,  
Бўлмасанг бир нуқтадон, оқил, керакмасан менга.

Кўзларим, балли, ҳақиқат ҳуснининг шайдосисан,  
Бўлмагил ўзга томон мойил, керакмасан менга.

Қўл-сөгим қилмасанг эл хизматин мардонавор,  
Син, кесил, эй потовон, билгил, керакмасан менга.

Эй менинг арзанда умрим, ўтма беҳуда юриб,  
Бермасанг элга тузук ҳосил, керакмасан менга.

Барчадан ҳам Чустий, энг қатъий хитобим сенгадир,  
Ниятинг бўлса ёмон, э дил, керакмасан менга.

## КЕРАКМАСМУ СЕНГА?

(Фузулий ғазалига назира)

Мунча эздинг жонни, жононинг керакмасму сенга?  
Уйнашурсан ишқ ила, жонинг керакмасму сенга?

Ишқ қонунида икки севги тутмоқ куфр эрур,  
Севдинг икки қошин, имонинг керакмасму сенга?

Кўзлар узра қошларинг ухлаб қолибдир, эй санам,  
Уйғотиб қўй, чашми мастонинг керакмасму сенга?

Ҳушими яғмо қилибдир йўлда ишқинг раҳзани,  
Қувлама, беҳушу нодонинг керакмасму сенга?

Тири ишқига қилибсан ою офтобни сипар,  
Осмон, бу икки қалқонинг керакмасму сенга?

Ҳулкарингни ёр бошедан нисор этмоқчи сан,  
Эй фалак, зийнатли маржонинг керакмасму сенга?

Камтарин Чустий жамолинг боғида хомуш эмас,  
Тингламайсан бу ғазалхонинг керакмасму сенга?

## ЎЗ УВОЛИ БЎЙНИГА

Гулнинг уйғоқлик гуноҳи, тонг шамоли бўйнига,  
Булбулнинг нолонлик айби, гул жамоли бўйнига.

Ғунчага, ёқут нечун рашк этди деб эрдим, деди,  
Шул сабаб тош ўлди, бу нуқсон заволи бўйнига.

Э кўзим, нечун туну кун мижжа қоқмайсан,  
дедим,  
Айди: бу иллат унинг фикру хаёли бўйнига.

Кўргали ҳар бир нафас жон шошилур, дил  
толпинур,  
Бу шошилмоқлик гуноҳи ёр висоли бўйнига.

Мумиё излаб синиқ кўнглим учун, юрдим неча,  
Бу синиқ гар битмаса, лаб узра холи бўйнига.

Қоматим таъзим била, бўлди савол шакли каби,  
Бу эгилмоқ нуқси, қошларнинг саволи бўйнига.

Чустийдек ишқ ўйна, аммо қилма бу йўлда хато,  
Ким хато қилса бу йўлда, ўз уволи бўйнига.

## УЙҒОНМАСА

Ғунча васлин топмагай, булбул саҳар уйғонмаса  
Жилва бермас ғунча ҳам, субҳий ҳабога қонмаса.

Васлидан жон бахш этар, ёрим эмас жон офати,  
Дилбарин кўйида кимки жонини қизғонмаса.

Ишқ ўтидан ким шикоят айласа, ошиқ эмас,  
Бўлмагай равшан кўнгил, гар унда гулхан  
ёнмаса.

Кўз қаро, кинрик қаро, сочи қаро, боис надур.  
Ҳеч қораймасму қуёш атрофида ўртанмаса.

Ишқ айбим бўлса, бу айбим эрур фахру шараф,  
Аслида инсон ўшалдир севганидан тонмаса.

Бер хабар Фарҳод ила Мажнунга, Чустий, ишқдан,  
Ишқи кэмил бўлмагай, бу даврдан ўрганмаса.



## ЮМУЛГУНЧА

Уял эй кўзларим, ёр ҳуснига боқмай юмулгунча,  
Тутулсанг-чи, тилим беҳуда сўз бирла тутулгунча.

Сўкил бағрим, вафо илгида дилдор айтса оғринма,  
Вафосизлик билан эл оғзида номинг сўкилгунча.

Қўлим, чобик қалам бирлан мислсиз севги  
таърифин,  
Ёзиб шарҳ айлагил еру само лавҳига тўлгунча.

Тараннум айла бу боғда саҳар булбулни ҳайрон  
эт,  
Чаман илгида лола жомига шабнам қуюлгунча.

Муҳаббат маъниси дилдор илан бўсу канор эрмас,  
Бу сир ошноси бўлгил ҳаммадан бегона бўлгунча.

Мурод-мақсадга етмасдан жаҳондан ким ўтиш  
истар  
Менинг чин мақсадим хизмат қилай халқимга  
ўлгунча.

Бу даврон завқини ёр ила сурмоқ вақтидир  
Чустий,  
Уялсин кўзларинг ҳуснига боқмасдан юмулгунча.

## САДОҚАТ МАДҲИ

Икки юлдуз биз садоқатнинг тиниқ осмонида,  
Иккимиз бир сафда ҳар доим вафо майдонида.

Иккимиз бир сафҳа узра икки мисра шеърдек,  
Лекин асли маънимиз бирдир ҳаёт девонида.

Худди бир тил сўзлагандек икки оғиз сўзимиз,  
Таъми ўзгармас асал турса асалнинг ёнида.

Сиздан ўргандим ширин сўзликни, даврон  
дилбари,  
Қобилият бор экан шогирдингизнинг қонида.

Икки қошу икки кўздек бир вужудда иккимиз,  
Битта йўл бирла борурмиз ишқнинг фармонида.

Жон ўқилмас жон орасига бўлак сўз кирса гар,  
Бир ибора иккимиз жондек замон достонида.

Иккимизни ким жудо қилмоққа қасд этса агар,  
Жонидан безор эрур у, қасди бор ўз жонида.

Тоабад сиз бирла дўстлик, жонажонлик рамзи  
деб,  
Бу ғазални куйладим, Чустий, совет давронида.

## ЖОНОНИМА

Гар хиёнат айласам жондан чучук жононима,  
Бошими кессин қилич, ханжар қадалсин жонима.

Ишқ ўтин ўт хонаси бўлмиш дилим ёшликданоқ,  
Кул бўлур кирса ғараз-ла ким бу оташдонима.

Жону жисмим меҳрини сақлар бу оташхонада,  
Бевафолик-ла мунофиқлик келолмас ёнима.

Минг маломат бирла, минг иғвою бўҳтон барчаси,  
Доғ сололмайдир яна минг йилда ҳам виждонима.

Ҳар баланд тоғни кўчиргил, деб ишорат айласа,  
Завқ ила бир гард янглиғ қўндирай мужгонима.

Чорласа бир марта, мен минг марта лаббай, деб  
борай,  
Хуш келурману дилим тахтидаги султонима.

Пок ишқига атаб кўнглим уйим қилдим бино,  
Ургилай, Чустий, тасаддуқман гўзал жононима.



## БОҒ ИЧРА

Кўзим гул терди сенда яшнаган икки яноғ ичра,  
Тушим эрдиму терган гулларим йўқдир қучоғ ичра.

Юзингдан рашк этарди гул, тикан нишига дуч  
келди,  
Рақобат шумлиги тиқди аёгин лойга боғ ичра.

Чибинлар айланурлар, жин чироғлар устида, мен-чи,  
Юзингни фарқ этар парвонамен минг-минг чироғ  
ичра.

Улуғ сув қадрини билмай, югурди, елди ҳар ёнга,  
Бироқ тўрга илинди-ю, балиқ қоврилди ёғ ичра.

Умид дарёсига фарқ ўлди кўнглим, сабр этар  
йиллар,  
Сен эрсанг беҳабардирсан ҳамон нозу фироғ ичра.

Табиатда булоқларнинг кўзидан сув чиқар билмам,  
Булоқларнинг кўзи, ё ишқ элин кўзи булоғ ичра.

Маломат айламишлар гул билан булбулни қузғунлар,  
Қачон ҳамхона бўлмиш гул билан булбул булоғ  
ичра.

Висолин мевасидан бормукин Чустийга деб эрдим,  
Саволимнинг жавоби айланур ширин дудоғ ичра.

## НАҚҚОШИГА

Эй Ватан жоним фидо бўлсин юзинг наққошига,  
Таъзим ўргатди кулиб илҳом парисин қошига.

Лиммо-лим меҳринг дури тўлган хазинагдир  
юрак,  
Бошқа дур наздимда ўхшар дашту саҳро тошига.

Сўзда номинг бўлса, дилларга кириб у жойланур,  
Ерга ҳеч пайти тўкилмас, ўхшамас кўз ёшига.

Ҳар киши ою қуёшдек сенга хизмат айласа,  
Ер кўтаргай кўккаю халқим кўтаргай бошига.

Айланай сендан Ватан сидқ ила умрим борича,  
Тўхтамай ҳар лаҳза ўхшаб худди Ер Йўлдошига.

Мужда берди мўъжизанг тинчлик тўйидан кўкка  
ҳам,

Қолмади иш энди ўтмишнинг чопар извошига.

Завқ ўтида кўк танурин қиздириб нонвой фалак,  
Чапчапу ширмон ёпибдур, эл келур тўй ошига.

Эрку меҳнат, бахту иқбол катта дастурхонидан,  
Ризқ улашди турли эллар ёру дўст қардошига.

Ҳикматинг созин чалур осмонда минг хушхон эли,  
Тўй хатин тарқатди халқимнинг қарию ёшига.

Ургулай таъзим этиб Чустий ташаккурлар билан,  
Жон тасаддуқдир дедим сендек улуғ тўйбошига.

## ҲАҚИҚАТ

Қуш эмас ўз боласига оғзида дон бермаса,  
Одам эрмас дўсти оч қолганда у нон бермаса.

Гул эмас, ҳид бермаса, гулзор эмас гул бўлмаса,  
Тоғ эмас, тупроғ эмас у бағридан кон бермаса.

Дўстлик лофин уриш беҳуда, у маккорлик,  
Қон керак бўлганда жон дўсти учун қон  
бермаса.

Кучли душман устидан топмоқ зафар осон эмас,  
Бир ўйин майдони у — майдонда қурбон бермаса.

Севги бошидан балони қувмаса ошиқ деманг,  
Жон учун жон олмаса, жонон учун жон  
бермаса.

Ширини дилжў севиб ҳар кимни Фарҳодим демас,  
Қудрати чўл бўйнига нуруни маржон бермаса.  
Чустий эрмас ёзмаса ҳаққони, халқнинг  
меҳнатин

Эл уни шоир демас, мадҳига дoston бермаса.

## ЗАФАРЛАРДАН-ЗАФАРГА

Жаҳон муҳтож эса шамсу қамарга,  
Улар ошиқ эрур сендек башарга.

Фалакда бир ҳилолу, сенда икки  
Ҳамиша кўпчилик киргай назарга.

Қуёш чиқдиму тонг дарвозасидан  
Ва ё сен кўкка чиқдингму сафарга.

Сочинг толига дил шеърини боғлаб,  
Етакларсан шаҳарлардан-шаҳарга.

Лабинг ҳалвосини таъми бузилгай  
Чибин қўндирмагил ҳаргиз шакарга.

Сенинг ишқинг бўлиб зўр раҳнамойим,  
Мени бошлар зафарлардан-зафарга.

Ҳунарсиз Чустий юрган телба эрдим,  
Олиб кирдинг мени шеърӣ ҳунарга.

## ТОНГ, БЎЗ АРҒУМОҒИНГ

(Совет Иттифоқи Қаҳрамони  
Аҳмаджон Шукуровга)

Шер йигит, бўлди сипар, етти қават осмон сенга,  
Найза тешмас кўкрагингни, тоғлар қалқон сенга.

Қен кечар чоғинг келиб Рустам узангингдан ўпар,  
Чунки жанг кунлар гулистон эрди бу майдон сенга.

Бир томонингда Гўрўгли, бир тарафдан Алпомиш,  
Айланиб парвона бўлди қанча минг арслон сенга.

Рўбарў келгани қирдинг, қочганин топдинг қувиб,  
Ишлатолмай доғда кетди ҳийласин шайтон сенга.

Фахр этар ўзбек эли сендек баҳодирлар билан,  
Тонг сени бўз арғумоғингу шафақ — алвон сенга.

Учмагай номинг бу дунё борича халқ бирла сен,  
Қутлу бўлсин бу шарафлар бирла бу унвон сенга.

Чустий илҳомим қалам, дафтар газаллар  
Тазрифинг дoston этай ўлгунча беармон сенга.  
садқадир,

## СОАТГА ҚАРА

Эй фалак, чиқди қуёшим бу латофатга қара,  
Сабъаи сайёра бу тонгги саёҳатга қара.

Васлидан ҳар кун қуёш ҳам баҳраманддур  
кечгача,  
Кўрмаса бир тун чидолмас беқаноатга қара.

Икки хат кўрсатди оламга вафо достонидан,  
Қайдасан Фарҳоду Ширин бу ҳикоятга қара.

Бегаразман деб ёноғидан ўпиб қочди сабо,  
Эл кўзини чалғитиб қилган хиёнатга қара.

Бир қарашда пайқаб олди кўкдаги зуҳрогача,  
Кўз очиб султон Улуғбек бу башоратга қара.

Ҳар куни ер куррасин минг марта  
айлансам не тонг,  
Ишқида қалбимдаги сўнмас ҳароратга  
қара.

Энг улуғ тўйдан хабар берди насибам бор экан,  
Тоабад поёни йўқ бахту саодатга қара.

Қўрқма сўзланган қиёматдан ниҳоят эй  
кўнги,  
Боқмаса ёринг у кун мудҳиш қиёматга  
қара.

Сарв ҳам хизмат учун бел боғламиш гулшан аро,  
Они ҳам шайдойи қилган қадду қоматга қара.

Эй фалак юлдузларингни ҳар бирин бир  
кўз қилиб,  
Дилни шайдо айлаган ҳусну малоҳатга  
қара.

Қайси кун кулбанг аро меҳмон бўлурман деб эди,  
Ваъда вақти ҳам яқин, эй Чустий, соатга қара.

## БУЛБУЛИГУЁ ДЕМА

Билмасанг сўз маънисини ҳар сўзни бемаъно  
дема,

Кўрмаган хобингини сен беҳуда бир рўё дема.

Сўзга берсанг майли нардозу бўяб қўйма уни,  
Қалби сайқалсиз бўялган юзини сен зебо дема.

Қанчалик кўп бўлса илми, қанча кўп сўз билса  
ҳам,

Билмаса эл маъниси недур, уни доно дема.

Гар десанг олтин гапинини бўлмасин сийқа чақа,  
Сийқа гапларни хушомад айлабон тилло дема.

Майналар ҳар шохда булбулларга тақлид айлагай,  
Майна бўлма, сен уларни булбулигуё дема.

Дўстлик чанқоқларин меҳр ила сероб этмаса,  
Бу каби қалби қуруқларни дили дарё дема.

Маъни токида узумга етмаса бўйинг агар,  
Ғўр экан деб тулкидек, ғўр сўзларинг асло дема.

Жаҳли чиққанда келур жоҳилнинг оғзидан кўпик,  
Бу қозон ичра валақлаб қайнаган ҳалво дема.



Эл кўзида ўйнашур паррандалардек бейбо,  
Айб эмасму сен уни одам дема, асло дема.

Ким деса бас қил, ёмон хулқингни қўй, бўл  
одамий,  
Унга раҳмат де, сира бу тухмату игво дема.

Тутдим элга гул узиб, Чустий ғазал гулзоридан,  
Гар муаттар бўлмаса ҳаргив гули раъно дема.

## ОМОН БУЛСА

Қилур ишқимни фош кирпикка қўнган ёш омон  
бўлса,  
Унутмас ёр ҳуснин кўздаги наққош омон бўлса.

Маломат тошини отгучилар кўп, мунча севдинг деб,  
Ўзи бўлгай хижил бир кун, өтилган тош омон  
бўлса.

Сирим қалбимни ҳаргиз тирнамас, сайқал берур  
унга,  
Муҳаббат хонасидан бохабар сирдош омон бўлса.

Ёнингдан кетса майли, икки юзли баъзи ёлғон дўст,  
Азизлар дейдилар: дўппи топилгай, бош омон  
бўлса.

Эл ичра мақол бор, ўсма кетгай қош қолур дерлар,  
Чирой ўзгармагай ҳеч, ўсма кетса, қош омон бўлса.

Толиқмайсан, адашмайсан улуғ манзилга етгайсан,  
Ёнингда ҳам сафар доно, буюк йўлдош омон бўлса.

Ҳавас айла мудом умри узоқлар умрини Чустий,  
Ошарсан тўқсонун юздан келувчи ёш омон бўлса.

## ОТА

Хонадон султони яъни энг буюк одам, ота,  
Соябон, пушти паноҳу меҳри бир олам, ота.

Фаслимиз тўрт фасл эрур аввалги мавсумдир  
баҳор,  
Яъни ундирган менинг умрим гулин — кўклам,  
ота.

Парвариш айлар, авайлар турли орзулар қилиб,  
Доимо фарзандларин меҳри билан хуррам, ота.

Яъни фарзандим ватанпарвар чин инсон бўлса деб,  
Эларо тинмай ҳалол меҳнат қилур ҳар дам, ота.

Оғриси фарзанд боши бошдан-оёғи оғригай,  
Бўлғуси ҳар дардига турли даво, марҳам, ота.

Хону мону, молу жонин сарф этар фарзанд учун,  
Ҳиммати чексиз саховат бобида ҳотам, ота.

Одамийликнинг ҳаёт бобида минг бир маънисин,  
Ургатувчи аввало аллома устоз ҳам ота.

Ҳар бало-ю, ҳар қазо келса чекинмас ҳеч қачон,  
Бу ҳаёт йўлида ҳар дам бардаму илдам, ота.

Айладим Чустий қўлим кўксимда таъзим тоабад,  
Мен учун пушти-паноҳу меҳри бир олам, ота.

## ҚАДРИН БИЛМАСА

Дил эмас у дил агар дилдор қадрин билмаса,  
Тил тутилмасму ширин гуфтор қадрин билмаса,  
Йўлдан озгай, йўлда қолгай, етмагай манзилга ул,  
Ҳамнафас ҳам жонкуяр ҳушёр қадрин билмаса.  
Ким уни одам қаторида ҳисоб айлар эди,  
Халқу юрту, яхши дўсту ёр қадрин билмаса.  
Лаззати бир дамча йўқ, юз йил умр кўрганда ҳам,  
Эр билан хотин ширин рўзгор қадрин билмаса.  
Ул киши бир томчи сувга зор бўлгай бир куни,  
Олдидан оққан тиниқ анҳор қадрин билмаса.  
Нокасу нодан десам, бу сўз хато бўлмас сира,  
Йўқни ишлаб сотмаса, у бор қадрин билмаса.  
Қуп-қуруқ қалби гиёҳсиз, чўл эрур Чустий унинг,  
Илму фан ҳам санъату ашъор қадрин билмаса.

## ҒАЗАЛХОНМАН ДЕСА

Қўйма йўл бегона ўт боғ ичра райҳонман деса,  
Қувлагил қузғун агар булбулча хушхонман деса  
На керакдир сунбули юзи қаролик айлабон,  
Бу саодат бегида ҳоли паришонман деса.  
Бу гўзал ҳуснингга ҳаргиз ҳам яқин келтирмагил,  
Ҳар паришон мўй сенга қошу мужгонман деса.  
Парчалангай шер чангалида ёввойи мушук,  
Майда жониворларни еб ўрмонда султонман деса.  
Не зарар етгай қуёш бирлан фалакнинг қасрига,  
Дўқ уриб ҳар бетамиз қудратли вулқонман деса.  
Дўстлик чўпонлари яйловларин сақлар омон,  
Ким ишонгай бўрилар қўйларга чўпонман деса.  
Бу табиий сўз эрур вайроналикдан бир дарак,  
Яъни бой ўгли уялмай шоҳи давронман деса.  
Тинч-омонлик, дўстлик таърифин айлар тоабод,  
Давр аро ҳар кимки Чустийдек ғазалхонман деса.

## НОЗ ЭТМА, НОЗ ЭТМА!

«Дил боғидан бир гул уздим,  
Ол ёр ноз этма, ноз этма!  
Оласан деб мен кўз тутдим,  
Дилдор ноз этма, ноз этма!»

Юлдузимсан осмонимда,  
Сўнмас гулсан бўстонида.  
Сенинг номинг дебочадир,  
Юракдаги достонимда.  
Ол ёр ноз этма, ноз этма!  
Дилдор ноз этма, ноз этма!

Мен сен билан сурсам даврон,  
Юрагимда қолмас армон.  
Бевафолик қилма ёрим,  
Қатъий бўлсин аҳду паймон.  
Ол ёр ноз этма, ноз этма!  
Дилдор ноз этма, ноз этма!

Кўнглим боғин гуландоми,  
Тонгимизнинг йўқдир шони,  
Тошга ўйган хат ҳам ўчар,  
Вафоликнинг ўчмас номи.  
Ол ёр ноз этма, ноз этма!  
Дилдор ноз этма, ноз этма!..

## АЖРАЛМА

Ироданг пухта бўлсин, аҳду виждонингдан ажралма.  
Чекиб беҳуда қайғу, рангу дармонингдан ажралма.

Учиб ҳар боғда-ю: ҳар шохда юрган баъзи қуш  
янглиғ,  
Бўлиб лочин асири, бемаҳал жонингдан ажралма.

Агар осмон эсанг ҳам кўзга юлдузсиз кўринмайсан,  
Фалак бўлмоқ учун хуршиди тобонингдан ажралма.

Эшит, дўстим, азиз жонингдан ортиқдир азиз  
дўстлар,  
Ҳавойи сўзга учма, дўсту конингдан ажралма.

Гаразлик сўзни айтган одамга қулоқ солма,  
Ёмонлабди мени деб, ўз қадрдонингдан ажралма.

Ўзинг меҳнат қилиб топгил, егил қандингни ур  
дўстим,  
Бировлар нонини ейман деб, ўз нонингдан ажралма.

Умининг бўлса Чустийдек гўзал мангу баҳорингдан,  
Ҳамиша сайра эй булбул, гулистонингдан ажралма.

## ҲАР НАФАС БАЙРАМ МЕНГА

Минг ҳавас бирлан назар ташлар бутун олам менга,  
Чунки дилдорим ҳамиша дилбару ҳамдам менга.

Ғамли кўрсам ғам босар, хуррам эса хуррам бўлур,  
Қатра нам кўрсам кўзида, сел бўлур у нам менга.

Ғар тикан кирса қўлига, санчилур у менга ҳам,  
Мен даво излайман унга, у бўлур малҳам менга.

Унга мен ошиқлигим исбот этарман ҳар нафас,  
Дилраболикни у ҳам исбот этар ҳар дам менга.

Жонфидо қилсам йўлида, кетди жон, деб ғам емам,  
Жон бўлур жисмимаро қошимда жонон ҳам менга.

Меҳрибон одамни севдим, меҳри ҳар дам ортадур,  
Солди чексиз ишқи покни ҳазрати одам менга.

Истагидир истагим, маслақларидир маслагим,  
Кимки унга ёқмаса, албатта, номаҳрам менга.

Хоҳи чўлда, хоҳи кўлда, хоҳи ўтда у билан,  
Қайда бўлмай, Чустий, бўлди ҳар нафас байрам  
менга.



## МЕҲМОН ОЛДИГА

Жөн-танымда талпинур чиқмоққа жонон олдига,  
Чиққали гўдак шошур албатта меҳмон олдига.  
Меҳри ишқи мевасин тутдим юракнинг боғидан,  
Дўсти дастурхон ёзур ёру қадрдон олдига.  
Севги юргай деб супурдим боғдан ағёрни,  
Хору хасни тўпламас эл боғда райҳон олдига.  
Келди ёр, ҳуснига мен таъзим билан боқдим

бироқ,

Тушди офтоб нури шул дам худди айвон олдига.  
Бошқаларга боқма ҳаргиз севгинг озор топмасин,  
Қатъий қўйдим мен бу сўзни қалбу виждон  
олдига.

Сўзладинг, э дил, ҳақиқатдан, мисоли чўларо,  
Бир пиёла сув кетирдинг ўртаган жон олдига.  
Ҳар кишининг ҳам ўзича нозу истиғноси бор,  
Келмагай ҳар кимса ҳам ҳар қайси инсон олдига.  
Гарчи бу шеърнинг Муқимий бирла Фурқатдан  
кейин,

Чустий келтир тухфа деб ҳар бир ғазалхон  
олдига.

## КЕЛМАСА

Келмас ошиқ кулбасига файз, жонон келмаса,  
Бу қуруқ тандан на ҳосил жисмаро жон келмаса,

Гар очиқ бўлган билан ул уй лаҳаддан фарқи  
йўқ,  
Бир-бирин ҳолин сўраб ёру қадрдон келмаса.

Эл кўзида катта зулмат олами бўлгай фалак,  
Тунда ою кундузи хуршиди рахшон келмаса.

Бунчалик равнақ қаердан эрди кўнглим мулкига,  
Эзгу ниятлар билан озода меҳмон келмаса.

Жонажон дўстлик матоин эл учун ким келтирур,  
Тинч-омонлик мулкидан дўстона карвон келмаса.

Парда тортар гулга ўргамчик, агар ўз боғига,  
Ҳар куни гул қадрини билгучи боғбон келмаса.

Аҳли суҳбатлар сўзи бўлғуси болдан тотлироқ,  
Ногаҳон суҳбатаро бемаъни нодон келмаса.

Ер юзи меҳмонимиздир, ер юзин меҳмони биз,  
Рози эрмасман ҳасадчи оғзидан қон келмаса.

Нола айлардинг Муқимий янглиғ эй Чустий  
мудом,  
Яйратиб қадрингга етган ушбу даврон келмаса.

## ОЙ РАВОҒИНГ УСТИДА

Айланур давлат қуши олтин тароғинг устида,  
Не тароғким, қуш қаноти эрди боғинг устида.

Қошларинг учди қиёлаб, чарчади, роҳат учун  
Ухлагандек бош қўйиб икки қабоғинг устида.

Дил қуши баднафслигидин туш кўриб айлар  
хаёл,  
Дона термоқлик билан тўймас дудоғинг устида.

Қўнмасин деб айланур чоғидаги парвоналар,  
Киприкинг сақлар мудом икки чироғинг устида.

Осмон бел боғлади Фарҳодлик даъво қилиб,  
Сен яшаб ўсган диёринг бирла тоғинг устида.

Ҳар куни бир кўргали муштоқ ўлиб ҳуснинг —  
қуёш,  
Чустий остонангда, ой заррин равоғинг устида.

## БЎЛМАЙ ТУРИБ

Сўнгра ундан ажрама умринг адо бўлмай туриб,  
Ҳар йигитни имтиҳон эт, ошно бўлмай туриб,

Дори номини ололмас, ердан унган ҳар гиёҳ,  
Токи ул эл дардига яхши даво бўлмай туриб.

Раиғнарастлар ҳоли сир кўчганда маълум бўлгуси,  
Эҳтиёт бўл, обрўйингдан жудо бўлмай туриб.

Ғораро, дерлар, илон улғайса одамни ютар,  
Сен унинг бошини янчгил аждаҳо бўлмай туриб.

Ёру дўстингни, диёрингни қилолмайсан ризо,  
Яхши одоб ўрганиб, ақлинг расо бўлмай туриб.

Узр учун бўйнингни эгмайсан кишилар олдида,  
Ҳар хатодан холи бўлсанг бир бало бўлмай туриб.

Дейдилар: балким хатар бевақт қилган яхшилик,  
Ўз ишинг энг яхшидур қилсанг қазо бўлмай туруб.

Тоза тут дил кўзгусин сайқалга муҳтож этмагил,  
Бенамуд бўлмас юзинг, кўнглинг қаро бўлмай  
туриб.

Чустий шеърингнинг юзидан ҳам дили бўлсин  
гўзал,  
Севмагай ҳеч кимса назминг дилрабо бўлмай  
туриб.

## ҲАСТИ МАХДУМ

«Қизил Ўзбекистон» газетасида босилган Мавлоно Собир Абдулло Қўқонийнинг «Наштар» орқали Махдумга берган маслаҳатномаларини ўқигач, илҳомланиб, қуйидаги насиҳат рисоласини назира шаклида тақдим этдим.

Ҳасти Махдум сизни иблис минди зўр эшшак  
қилиб,  
Навшадир қуйди думингиз остига чўғдек қилиб.  
Йўргалаб, ирғишлабон сиз етдингиз меҳробгача,  
Алдадингиз содда одамларни хўб тентак қилиб.  
Рўзаман деб кундузи, вино билан оғиз очдингиз,  
Тўрва осди буруннгизга кечқурун илгак қилиб,  
Тўғри юрганларнинг устида юарсиз арз этиб,  
Муттаҳам Махдум на дерсиз ир-иру ак-ак қилиб.  
Бердилар Фитррўзани (ҳурматли) Холматқорига,  
Қўйдилар сизда тама шохини бекуртак қилиб.  
Катта масжидга у вақт сизни имом қилган эди,  
Сир очилдию думингиз тугдилар турмак қилиб.  
Номингизни фитна Махдум, ҳам ғараз Махдум  
дедим,  
Бу сўзимни эл қабул қилмоқда зўр қарсак қилиб.  
Гар йўқолса жойнамоз, ул ҳам уйингиздан чиқар,  
Амри-маъруф ҳам қилурсиз, бетингиз пўстак  
қилиб.

Гоҳи бедин, гоҳи динлик, эй мунофиқ, лаънати,  
Ким учирди сизни бу хилда ало лайлак қилиб?  
Индамайсиз нега ул кавш ўғриси устида ҳеч  
Бердингиз-ку, унга ўн сўмликни бир турмак қилиб,  
Кўчдингиз майхонадан, исқирти кўкнорхонага  
Ҳийлакор Махдум, ичарсиз чойни ҳам коньяк  
қилиб.

Сиз яқин борганда тобут қалтираб, ранги ўчар,  
Зўр қароқчидек шиларсиз устини луччак қилиб.  
Сиз каби оқпадарни эл уйига йўлламас,  
Кавшингиз ҳам кулди сизга ҳар қадам жирттак  
қилиб.

Эл кўзидан энди ўз ифлослигингизни ташинг,  
Шеърингизнинг замбарига ғилдирак ғалтак қилиб.  
Собир Абдулло берибдур сизга яхши маслаҳат,  
Чустий, мен урдим насиҳат толидан калтак қилиб.

## ТИНЧЛИК ҚИЗИ

Лабинг кўрди-ю, ғунча тишлади лаб,  
Ўзидан ҳам уялган қизга ўхшаб.

Сени севган кўнгилга қайғу сиғмас,  
Юзинг саҳнида шодлик очди мактаб.

Табассум дарсин олган барча шоир,  
Камол топди ширин хулқингни мақтаб.

Жаҳон булбуллари боғларни кезди,  
Сени топди менинг боғимдан излаб.

Тикандан, ҳар нечук офатдан асрай,  
Сўзим пардоз эмас, кетмасман алдаб.

Кўзинг, қошинг, сочинг, холинг юзингда,  
Гўзаллик мўъжизотидир мураккаб.

Замон сиймоси-ю, тинчлик қизисан,  
Яшар минг йиллаб эл номингни куйлаб.

Мудом хушкайф этар Чустийни меҳринг,  
Қўлида таърифинг — жоми лабо-лаб.

## ҚУЁШГА ХИТОБ

Э қуёш, тутма жамолингга ниқоб,  
Пахтакор қалбига солма изтироб.

Яхшиси шул пахта майдонин қизит,  
Дур терар минг-минг жамоли офтоб.

Бошида нарвона бўлсанг арзигай,  
Олиҳиммат, ҳар бири олижаноб.

Жонкуяр авлод ҳашарга келдилар,  
Элдан орта қолмагил, боргил шитоб.

Э қуёш, дўстлик, қадрдонлик шудур,  
Эл каби сен ҳам талабга бер жавоб.

Гар қўшолсанг ҳисса имкөн борича,  
Ҳеч қачон виждонимиз чекмас азоб.

Сенда ҳам борку ҳаво ранглик этак,  
Нурга тўлдир, раҳмат олгил беҳисоб.

Сендан ўтмоқда пўлат отлар чопиб  
Номларига ёзилур заррин китоб.

Э қуёш, кирма булутни қўйнига  
Сенга бу мардона халқингдан хитоб.

Пахта тергил Чустий бирла ёнма-ён,  
Офаринлар дейди танбуру рубоб.



## МУНОСИБ

Ҳар сўзки десанг, бўлсун ул инсонга муносиб,  
Сўзлаб нетасан бўлмаса давронга муносиб.

Кимки Ватанин севмаса жисмидаги жондек,  
Жон унга эсиз, ул тан эмас жонга муносиб.

Кўнгил уйини покиза тут, сўнгра келур ёр,  
Мулзам сен уйинг бўлмаса меҳмонга муносиб.

Четдан келадур қарғалар овози ёқимсиз,  
Булбул шу учун бўлди гулистонга муносиб.

Чин ошиқу маъшуқни баланд бўлди макони,  
Кўрдингми, қуёш ой билан осмонга муносиб.

Нон тепкилик этган киши расвои жаҳондур,  
Ҳар кимсани ҳам кўрмагай эл нонга муносиб.

Сендан абадий розиман эй покиза кўнглим,  
Бўлдинг негаки, сидқ ила жононга муносиб.

Чустийга дедим, сўзнинг узун умрини ўйла,  
Ёзма ғазалинг бўлмаса девонга муносиб.

## БУЛИБ

Дил уйида қолди ишқинг, бир умр мезбон бўлиб,  
Келмади у кетгали уч кунгина меҳмон бўлиб.

Қай куни ёқтирди дил кошонасин меҳринг  
сенинг,  
Элга кирдим шунда мен ҳам яъни чин инсон  
бўлиб.

Чўлни кездим, тоғни кездим сен ишорат  
айлагач,  
Уйғониб Фарҳоду Мажнун қолдилар ҳайрон  
бўлиб.

Ахтариб мислингни топмай иқлимида офтоб,  
Айланиб Ер куррасин юрмакда саргардон бўлиб.

Жон сени жонон дедию мен бўлай қурбон дедим,  
Мен каби шайдони ҳеч кўрганмидинг жонон  
бўлиб.

Сен дилим торини чертдинг, мен тараннум  
айладим,  
Эларо тарқалди Чустий қиссамиз дoston бўлиб.

## БУЙРУҚ БЕРДИ ОФТОВ

Косаси эл бошидан, майхонада қондан шароб,  
Бу жаҳон жаллоди одам бағридан қилди кабоб,

Сиз уни инсон деманг, аждар каби одам ютар,  
Тутмиш одам пўстидан зоҳирда устига ниқоб.

Қолмасин дунёда малъун зотидан бир дона ҳам,  
Мард йигитлар парчаланг, яксон қилинг, бўлсин  
хароб.

Бул жаҳон мазлумларин озод этинг чангалидан,  
Бўлмагай дунёда қулликдан ёмон, қаттиқ азоб.

Номингиз олтин суви бирлаи ёзилди, мардлар,  
Ҳеч йўқотмас сизни тарихлар — замонлар, бу китоб.

Йўқ бўлур албатта, Гитлер бирла ул гитлерчилар,  
Шонли аскар бирла халққа берди буйруқ офтоб<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Компартиямиз, демоқчи.



Тўйга келганлар тамошани баланддан қилгали,  
Тикди юлдузлар каби кўк томига нурдан ўтов.

Тўй қилармиз, яйрашармиз, хуш келибсиз дўстлар,  
Бўлди табрик йўлида тулпор қалам — олтин жилов.

Овда юрдим мен ғазалнинг мур-зорида мудом,  
Унгидан келгай яна Чустийга минг йилларча ов.

## ЕР-ЕР АЙЛАНГ

Ватан ошиқлари мардоналикни барқарор айланг,  
Дилида ишқи йўқ чўлни муҳаббатлик диёр айланг.

Тамошо айламоққа келмадим мен бунда, э дўстлар,  
Қўяй деворига бир гишт мени сафга қатор айланг.

Бино бўлсин иморатлар, баланд кошонаю даргоҳ,  
Насими субҳи келгай саҳнига, бир лолазор айланг.

Самосидан қувинг, ҳаргиз қора қузғунга йўл  
берманг,  
Жаҳон булбулларин бунда очилган гулга ёр айланг.

Қуёш тўйхонасига келди Фарҳод ясан бирлан,  
Фалак юлдузлари Ширинни бул кун ёр-ёр айланг.

Бунинг заркокилин олтин лаганларга солиб қизлар,  
Енар машғал каби ҳар мамлакатга ошкор айланг.

Муродим шулки, тўйғайман жамолига қараб,  
Чустий,  
Қаторингизга тортиб бу зафарда номдор айланг.

## ЁР-ЁР АЙТИБ КЕЛИНГ

Бир улуг иш бошладик дўстларни, ёр, айтиб  
келинг,  
Зўр маҳоратлик кишиларни қатор айтиб келинг.

Бир умр шўр остида қолган қадимий Мирзачўл  
Гулласин гулюзлиларни, гулузор, айтиб келинг.

Ҳар тўкилган терни минг гавҳарга айлантиргали  
Ўлкамизга ҳар баҳодирларки бор, айтиб келинг.

Нозу неъматлар тўкиб халқни ясантирмоқ учун  
Богбон юз мингу, юз минг пахтакор айтиб келинг.

Офтоб қиш кунлари ортиқча қишлаб қолмасин,  
Мирзачўлга эртароқ ҳар навбаҳор айтиб келинг.

Чўл билан дарё тўйи — минг ошиқу маъшуқ  
тўйи,  
Бу улуг тўйхонамизга, «ёр-ёр» айтиб келинг,

Бу улуг ишда бутун халқим сафарбар бўлганин  
Қолмасин Чустий эшитмай, ошкор айтиб келинг.

## БЎЛСА КИТОБ УЛФАТИНГ

Тўлқин урар ҳимматинг, бўлса китоб улфатинг,

Юксалади ҳурматинг, бўлса китоб улфатинг.

Кўрсатур олам юзин, айтади Ленин сўзин,  
Дўстингу ҳамсуҳбатинг, бўлса китоб улфатинг.

Ҳар варағи бир чаман, қиш куни ҳам гуллаган,  
Мангу бўлур роҳатинг, бўлса китоб улфатинг.

Бўлма узоқ ёнидан, дур терасан конидан,  
Бу абадий давлатинг, бўлса китоб улфатинг.

Йўқ этиб ой доғини, сайр этасан боғини,  
Кўкка тўлур шуҳратинг, бўлса китоб  
улфатинг.

Мардлигу, илму адаб бергуси қилсанг талаб  
Бўлса ўқиш одатинг, бўлса китоб улфатинг.

Чустий китоб таърифин денгизидан томчи бу,  
Учмағай асло отинг, бўлса китоб улфатинг.



## УЗИНГИЗДАН КЎРИНГ

Боқсангиз кўкка қуёш ёнса, юзингиздан кўрунг,  
Ўт тушиб чақмоқни куйдирса, кўзингиздан  
кўринг.

Кетмаса остонангиздан ошиқ аҳли тоабад,  
Бунга ҳайрон бўлмангу берган тузингиздан  
кўринг.

Лаълингизданму асал олди дилим сиз ранжиманг,  
Бу ҳунарни менга бахш этган сўзингиздан  
кўринг.

Олам аҳлини комига ҳар лаҳза неъмат тўлганин  
Бошқадан эрмас сахий ёзу кўзингиздан кўринг.

Кўзларим мардумлари сизга боқиб лол ўлганин  
Лаълингиз узра қорайган ёлғизингиздан  
кўринг.

Лаҳза-лаҳза ошиқу шайдо кўпаймоқ хислатин,  
Ойдан эрмас, тонгда равшан юлдузингиздан  
кўринг.

Чустийни эслаб кўзингизга агар ёш олсангиз,  
Бунча бепарволигингизни ўзингиздан кўринг.

## АҚЛИ РАСО БЎЛСИН ДЕСАНГ

Ҳар нафас фарзандларимдан эл ризо бўлсин

десанг,

Айла яхши тарбият, ақли расо бўлсин десанг.

Бир-бирингни ҳурмат эт доим, ота бирлан она,

Гар жигарбандим адабли, боҳаё бўлсин десанг.

Ҳиммату мардоналикдан ҳар куни бергин сабоқ,

Нуридийдам эларо ҳожатраво бўлсин десанг.

Яхши хулқу, тўғрилиқ нурина ёқ қалби аро,

Яхши ният бирла яхши муддао бўлсин десанг.

Ақлу тадбир дарсидан қилгил ҳамиша баҳраманд,

Фикру зикри халқига мутлақ даво бўлсин десанг.

Қилмагил элга хиёнат, бўлма игво бандаси,

Эларо фарзандларингни беҳато бўлсин десанг.

Доимо бўлсин уйинг ҳам сидқу меҳнат мактаби,

Бахту иқболи уларнинг доимо бўлсин десанг.

Билдир инсон бирла даврону Ватаннинг

қийматин,

Элда наслинг мўътабар ҳам бебаҳо бўлсин

десанг.

Яйрасин бағрингда, лекин эркалатма бемаҳал,

Ҳар маҳал қалбида меҳрим жо-бажо бўлсин

десанг.

Кел, ўғил-қизларни, Чустий, айла яхши тарбият.

Эларо ўз аҳдига аҳли вафо бўлсин десанг.

## ВАСИЯТ

(Ватан урушида қаҳрамонларча  
ҳалок бўлган фарғоналик  
Қурбон Умаров тилидан)

Дўстларим, фикрим билинг қилган баёнимдан  
менинг,  
Ҳамма меҳнаткаш азизроқ танда жонимдан  
менинг.

Кўкрагим ўққа сипар қилдим, будур мардоналик,  
Мен билурман сўзлашурсизлар нишонимдан  
менинг.

Розиман, кетдим бу дунёдан, фашистни йўқ  
қилинг,  
Бу васият чин юрак бирла забонимдан менинг.

Ҳамма авлодим, келинг, қардошингиз қонин  
тиланг,  
Арғувон бўлди бу майдон саҳни қонимдан менинг.

Мард элим, бир қатра қонимга олинг минг қатра  
қон,  
Дарди кетсин ерда ётган устixonимдан менинг.

Ўзбек ўғлиман, қалам тутган қариндошлар,  
ёзинг,  
Сўзласин келгуси авлод дostonимдан менинг.

Халқнинг қурбони бўлдим, менга бу шону шараф,  
Қабрима гул ўтқизинг ўз гулистонимдан менинг.

## ҚЎҚОН, ЖОНИМ МЕНИНГ

- Хўб ширин шаҳду шакардурсан, Қўқон, жоним  
менинг,  
Мунча ҳам одамсевардурсан, Қўқон, жоним менинг,  
Боғларинг ободу хўб меҳмонсевар озод элинг,  
Баркамол зебо шаҳардирсан, Қўқон, жоним менинг.
- Мисли йўқ гавҳар хазинанг, пахта майдонинг  
сенинг,  
Ҳар қадам бир кони зардурсан, Қўқон, жоним  
менинг.
- Атласинг офтоб тўқиб, ой қизларинг яйраб кияр,  
Кўкда ҳам сен жилвагардирсан, Қўқон, жоним  
менинг.
- Санъатинг ороми жон, шоирларинг ширин забон,  
Фанда ҳам соҳибзафардирсан, Қўқон, жоним  
менинг.
- Қаҳрамон халқинг улуғ ишларга қўшди ҳиссасин  
Шуҳратинг зўр, мўътабардирсан, Қўқон, жоним  
менинг.
- Чустий сенда етти боғдан етти даста гул терар,  
Юрт-элим севган шаҳардирсан, Қўқон, жоним  
менинг.

## ЯШАНГ

Эй азизлар, энг сахий давлатли мезбондек яшанг,  
Бир-бирингизга ширин суҳбатли меҳмондек яшанг.

Ҳар нафас бир янги меҳру оқибат пайдо қилиб,  
Эру хотин янги ошиқ, янги жонондек яшанг.

Қўлма-қўл бўлсин ҳамиша мадҳингиз тўлган  
китоб,

Эл ичинда маънилик энг яхши дostonдек яшанг.

Мавж уринг Сайхун билан Жайхунга ўхшаш  
доимо,

Маърифат мулкида Уммону Зарафшондек яшанг.

Ер каби серҳосилу деҳқон каби мардонавор,  
Боғ каби яшнаngu қудратли Тянь-Шандек яшанг.

Давримиз тўй устига тўй келтирибдур эл учун,  
Тўйга чорланг ер юзин, бу даври даврондек яшанг.

Бир-бирин қадрига етмаслик жаҳонда ваҳшийлик  
Кўрсатинг одамлигу энг яхши инсондек яшанг.

Айласин доим лабингизда табассум жилвалар,  
Сизни кўрган яйрасин сўлмас гулистондек яшанг.

Эй қуёш насли, қуёшдек умрингиз бўлсин узун,  
Коммунизмни қуриб юлдузли осмондек яшанг.

Сиз билан Чустий жаҳонда мингга кирса не ажаб,  
Истагим шеърим танида бир азиз жондек яшанг.

## НАЗАР ТАШЛАБ КЕЛИНГ

Гоҳи-гоҳи дилбарим менга назар ташлаб келинг,  
Кийна бирлан нозингизни орқага ташлаб келинг.

Ишва бирлан ғамзага турли ҳунарлар ўргатиб,  
Ҳусн ҳикматхонасида чин вафо ишлаб келинг.

Сизга термулган кишининг хулқи яхши бўлмаса,  
Унга танбеҳ бергали лаб бурчини тишлаб келинг.

Навбаҳор чоғи менинг қалбимга меҳмон  
  бўлдингиз,  
Минг баҳор шул жойда мезбон бўлгали хушлаб  
  келинг.

Бахту, иқболу саодат толиу омад билан,  
Мен томон илҳом парисин, эй гўзал, бошлаб  
  келинг.

Кўз агар сиздан бўлакка боқса, сиз одил бўлиб,  
Қилмишига лойиқ у хил кўзни бир ёшлаб  
  келинг.

Бир нигоҳингизга Чустий минг ғазал тухфа  
  қилур,  
Гоҳи-гоҳи дилбарим унга назар ташлаб келинг.

Энг муқаддас зўр китобнинг соҳиби,  
Тарихий девон ўзинг, дoston ўзинг.

Ер юзин халқига дастурхон солиб,  
Айлаган меҳмон сахий мезбон ўзинг.

Доимо мен сен билан, сен мен билан,  
Мендаги имон ўзинг, виждон ўзинг.

Чунки сен Ленин билан бир, ҳамнафас,  
Элни этдинг шоду беармон ўзинг.

Сенга қутлов ёзмаса, синсин қалам,  
Унга берган энг улуг имкон ўзинг.

Эргашиб мақсадга етди Чустий ҳам,  
Олиҳиммат, марду чин инсон ўзинг!

## ЁЛҒОН ДЕМАНҒ

Сизга мен шайдо десам, ёлғон деманг,  
Сўзласам ёлғон, мени инсон, деманг.

Куйдирур қўлни қўлингиз ушласам,  
Ёнган ўтни ушламоқ осон, деманг.

Бир умр сиздан, нигорим, айланай,  
Айланиб кетгучи бир меҳмон, деманг.

Бир жаҳон олтиндан ортуқсиз менга,  
Бу сўзимнинг жони бор, бежон, деманг.

Юз синовдан ўтди, сиздан кечмади,  
Ошиқи содиқни бевиждон, деманг.

Тухфа қилдим сизга дил ёқутини,  
Дур эмас, бу қадри йўқ, арзон, деманг.

Бўлди Чустий ишқингизнинг телбаси,  
Сиз уни беҳуда саргардон, деманг.



## ЙЎРҒАЛАНГ, ДЕМАНГ

Тош қиррасида тошбақани, йўрғаланг, деманг,  
Икки оёғи бор кишини, ҳаққаланг, деманг.

Гар бўлса ўғри улфатингиз, сиз бўлиб пишанг,  
Инъом хушомади билан, элни таланг, деманг.

Инсоф дўкони тўлди қаноат матоига,  
Ҳиммат пулига олинг, оёғим яланг, деманг.

Май тўлдириб ювинди ваё ит ялоғига,  
Маст айлабон ўтар кишиларни, таланг, деманг.

Ҳайдангки пашша қўнса ширин шаккар устига,  
Ҳаргиз силаб қанотларини, эркаланг, деманг.

Аҳбобингизда бўлса агар илгида ҳунар,  
Ҳаммом ўчоғи ичра бориб, ўт қаланг, деманг.

Тушда шамол учирса, булутни миниб олиб,  
Элга аёгингизни узотиб, яланг, деманг.

Сичқон унини нараи шер деса ҳар киши,  
Донишни бешасида бу одам, фаланг, деманг.

Ақлу кўнгил қўшилди бу сўзларга беибо,  
Лекин бу сўзда Чустий, қалам иккаланг, деманг.

## ЛЕНИНДАН НИШОН

Ер юзи саҳнида қудратли макон Ленинград,  
Юлдузинг — халқинг, ўзинг — кенг осмон,  
Ленинград.

Сенда шонлар, сенда жонлар, сендадир сўнмас ҳаёт,  
Сенда завқим, сенда шавқим, тоза қон, Ленинград.

Ўзбекистон олди мардликларни халқингдан сабоқ,  
Отланиб юрдик ҳимоятга шу он, Ленинград.

Сен ҳимоят айлагансан кўп жафокаш халқни,  
Жумладан ўзбек элига меҳрибон, Ленинград.

Биз бугун турдик оёққа сен учун, халқинг учун,  
Биз билан сен, сен билан биз жонажон, Ленинград.

Қон керакми, жон керакми, неки бўлса, бизда бор,  
Қаҳрамон халқингга тайёр қанча дон, Ленинград.

Хор эмас гўдақларинг, гулбоғимизда яйрашур,  
Кўксимизда худди Лениндан нишон, Ленинград.

Сенга қасд этган балоларнинг балогардони бор,  
Сақлағай ленинчи авлод посбон, Ленинград.

Ўзбекистон халқи жон тикди, қасамёд айлади,  
Шум фашистга бўлмағай ҳеч ошиён, Ленинград.

Қолмағай, албатта, бу йилда у малъун зотидан,  
Шаккимиз йўқ, шубҳамиз йўқ, бегумон, Ленинград.

Ёшу кекса, қиз - жувонлар, қанча шоирлар билан  
Чустийнинг ўтдик саломи армуғон, Ленинград.

## ЯНГИБОД

1968 йил Янгиобод маҳалласида  
Зокир Ҳабибий, Собир Абдулла ва  
мен маҳалла аҳолиси билан учра-  
шув пайтида машқ қилинган.

Маҳалла исми-жисми Янгиобод,  
Эли чин бахтиёр озод, умрбод.

Кўриб Кавказ эли ҳар бир дарахтин,  
Ана дерлар Санавбар, сарву шамшод.

Жамоли орттирар Тошкент жамолин,  
Яшар бунда қўли гул одамизод.

Шифокору ҳунарманд яхши олим,  
Ажойиб ҳар бири — бир соҳиб ижод.

Етук фазл аҳли кўплаб маскан этмиш,  
Эрур шуҳратли нодир, фанда устод.

Садоқат ҳам вафою, мардликни.  
Булардан ўрганур Ширину Фарҳод.

Бу элга тиз букиб таъзим этарди,  
Агар бўлганда Моний бирла Бехзод.

Бадавлат, иттифоқу олийҳиммат,  
Аҳоли бир-биридан доимо шод.

Қуёшу ой келиб ҳар кун саломга,  
Деюр: минг офарин эй моҳир авлод!

**Дилим шаҳридаги шеърий маҳаллам,  
Мисоли Янгиобод бўлсин обод.**

**Ғазалда янги уй бунёд этардим,  
Маҳаллам бўлса Чустий Янгиобод.**

## АЗКИЁ

Бир ажаб хурсандлик, олам хушҳаво,  
Ичмасанггам бергуси кайфи сафо,  
Дардинга малҳам, касалларга шифо,  
Айлагай бегонани ҳам ошино.

Хислати кўп яхши одат азкиё,  
Бахш этар дилларга роҳат азкиё.

Азкиё нодир заковат меваси,  
Азкиё юксак фасоҳат меваси,  
Азкиё сўзда балоғат меваси,  
Азкиё нозик зарофат меваси.

Кулдириб бергай ҳаловат азкиё,  
Дил ҳузури, жонга роҳат азкиё.

Кулку бирлан қиш баҳорга айланур,  
Кулку ҳар бир чеҳрага пардоз берур,  
Кулқудан тошгай киши чексиз ҳузур,  
Яйрашиб ишлаб, кулиш даври эрур.

Беғараз соғу саломат азкиё,  
Янги умру жонга роҳат азкиё.

Топса равнақ хушҳаво бирлан фалак,  
Азкиё нури-ла равшандир юрак,

Ғунча диллар гулга айлансин десак,  
Маззалик кулку керак, кулмоқ керак.

Тўйда худди нозу неъмат азкиё,  
Дилга сайқал, жонга роҳат азкиё.

Азкиё дорулфунуни анжуман,  
Бундаги ҳозиржавоблик катта фан,  
Қайси одам бермаса бу сўзга тан,  
Айтишиб кўрсин-чи, Ижроқўм<sup>1</sup> билан

Бергуси сўзда башорат азкиё,  
Беқалам қилгай китобат азкиё.

Кимда бўлса ушбу истеъдод агар,  
Қанча мазмун бирла бир сўз ишлатар,  
Қочирим гаплар билан баҳринг очар,  
Яъни сўз тиғида қилни қирқ ёрар.

Кўрсатур турли жасорат азкиё,  
Дилга сайқал, жонга роҳат азкиё.

Азкиёчи оғзаки «Муштум»чидир,  
Тозалангай бўлса баъзи қалби кир,  
Бегараз танқид қилур, йўқ бунда сир,  
Кел, кулайлик, яхши пайровдан гапир.

Беҳиёнат, бежиноят азкиё,  
Дилга сайқал, жонга роҳат азкиё.

Маҳсум Абдулҳай бу фанда мўътабар,  
Ҳам Расулқори билан Ғойибназар,  
Гап заводи бўлса ўлкамда шулар,  
Бўлса Йўлдошхони Насриддинга пар.

---

<sup>1</sup> И ж р о қ ў м — машҳур аскиячи Аминбуванинг лақаблари.

Кулкига айлар зиёфат азкиё,  
Бахш этар одамга роҳат азкиё.

Ургулай сендан гўзал дилбар диёр,  
Танти хушчақчақ элинг қалби баҳор,  
Нуқтадон тошкентликлар бир қанча бор,  
Лутф сўзлаб кулдирур беихтиёр.

Кулмасак бизга на ҳожат азкиё,  
Дилга сайқал, танга роҳат азкиё.

Кулдилинг қаҳқаҳлашиб, кулсин элим.  
Тинч-омон хўп яйрашиб кулсин элим,  
Кулдилинг пайравлашиб, кулсин элим,  
Қалби дарёдек тошиб кулсин элим,

Чустийга ёшликдан одат азкиё,  
Маънилик бўлсин ниҳоят азкиё.



## ҚАШҚАДАРЕ

Тасанно, олиҳиммат, Қашқадарё,  
Буюк халқингга раҳмат, Қашқадарё.  
Баҳор ноз этса ҳам кўнглини топдинг,  
Бу энг нодир фазилат, Қашқадарё.  
Билурсан сув билан тупроқ тилини,  
Саноксиз сенда хислат, Қашқадарё,  
Бўлиб қойил табиат сенга таслим,  
Буюкдир сенда қудрат, Қашқадарё,  
Яшил шохларда юлдузлар яратдинг,  
Ажойиб аҳли ҳикмат, Қашқадарё.  
Чаноқлар ҳар бири гавҳар пиёла,  
Бўлибсан хўб бадавлат, Қашқадарё,  
Хазина эшигин очдинг жадаллаб,  
Яша соҳиб саховат, Қашқадарё.  
Биринчи маррага етдинг биринчи,  
Бир олам сенга ҳурмат, Қашқадарё.  
Ғазалдан шаънингга хирмон қилурман,  
Сени айлаб зиёрат, Қашқадарё.  
Ҳавас айлаб сенинг бу суръатингни  
Қуёш ҳам бўлди улфат, Қашқадарё.  
Хазинанг манбаи ҳар бир машинанг  
Бу таърифим ҳақиқат, Қашқадарё.  
Улуғ тўй олдидан этдинг Ватанда  
Етиб ортар зиёфат, Қашқадарё.  
Яна келгуси йиллар ҳосилидан  
Бу йил бердинг башорат, Қашқадарё.

Кўриб ҳуснингни аввалроқ дегандим:  
Экан кони малоҳат, Қашқадарё.  
Бугун менда тасаввур юз баробар,  
Тоғибсан зебу зийнат, Қашқадарё.  
Қалам чўл ўрнига гул ёзгай энди,  
Сенинг бағрингда жаннат, Қашқадарё.  
Қутлуғ мақсадга етгайсан ҳамиша,  
Садоқатли боғайрат, Қашқадарё.  
Улуғ Ленин қўлин елкангда кўрдим  
Сенга лойиқ бу ҳурмат, Қашқадарё.  
Фаровон нозу неъмат, санъатингдан  
Ватан тоғди ҳаловат, Қашқадарё.  
Зафар бўлсин муборак э, забардаст,  
Буюк бахту саодат, Қашқадарё.  
Қўлим кўксимда таъзим бирла Чустий,  
Дедим минг марта раҳмат, Қашқадарё.

## ҲАЁ ҚИЛАСИЗ

Кўзимни боқмасидан мунча ҳам ҳаё қиласиз,  
Ҳаёю ғамза билан элни ошно қиласиз.

Кўришга сизни тўлин ой фалакда саргардон,  
Қаю тун ичра чиқарсиз, қачон вафо қиласиз.

Қуёшни заррасига бир кулиб назар ташланг,  
Жаҳон хазинасида дурри бебаҳо қиласиз.

Тарарда кокилингиз кипригим тароқ айлай,  
Кўзимни равшан этурсиз, дилим ризо қиласиз.

Кўнгил пиёласи пурбода, лаълингиз тўла май,  
Уруштиришга қадаҳни нечук ибо қиласиз.

Чиройда айласа даъво чаман гули сизга,  
Баҳона бирла узиб шохидан жудо қиласиз.

Муҳаббат асли надир билсангиз агар, дўстим,  
Бу йўлда Чустий каби жонингиз фидо қиласиз.

## ЯХШИЛАРДАН ЯХШИСИЗ

Сиз гўзаллардан гўзал ҳам яхшилардан яхшисиз,  
Айтаман бу сўзни ҳар дам, яхшилардан яхшисиз.  
Дедилар: ҳар гулда рангу бўю жилва бошқача,  
Бошқасига асло боқмам, яхшилардан яхшисиз.  
Дилраболик мулкининг аълолари мафтунингиз,  
Бўлдингиз машҳури олам, яхшилардан яхшисиз.  
Элга таъзим этдингиз, олди сабоқ кўкда ҳилол,  
Таъзим айлар қурган одам, яхшилардан яхшисиз.  
Яхши айларсиз ёмонни бу фазилат кимда бор,  
Сизда минг хислат мужассам, яхшилардан

яхшисиз.

Эй замонам фахрию даврим қизи, эл дилбари,  
Сиз билан фахр этди ўлкам, яхшилардан яхшисиз.  
Арзигаёй фахр этса сизни мақтаёлган ҳар қалам,  
Чунким бўлгай сизга ҳамдам, яхшилардан

яхшисиз.

Тўй билан тинчлик учун, Чустий, тасаввур

айласам,

Ҳиссангиз кўп ҳаммадан ҳам, яхшилардан

яхшисиз.

## ПАХТАКОР ҚИЗГА ЖАВОБ

Етиб келди хатингиз, яхши соатда саломингиз,  
Кетурди гавҳаристондан хабар ҳар бир каломингиз.

Баҳор келди-ю, қорлар ҳам эриб бўлди равон дебсиз.  
Табиат тиз чўкиб бўлмиш садоқатли ғулومингиз.

Пўлат бедов миниб, майдонга чиқдим деб  
ёзибдирсиз,  
Менинг ҳам ғайратимга қўшди ғайрат бу паёмингиз.

Жуда шод этдингиз дурдона сочдим деб бериб  
мужда,  
Муборак, янгидан бу ишда илғорлик мақомингиз.

Хатар кўрмай униб-ўссин, сира офатга йўл  
қўйманг,  
Қиёмга еткизур ҳосилни меҳнатда қиёмингиз.

Кўнгиллар оламин қилди мунаввар офтоб янглиғ,  
Чироқлар ёқди бу кун ой дилига эҳтиромингиз.

Баҳор ҳам лоладан қилди пиёла сизга ўхшай деб,  
Ҳаёт завқига тўлмиш чунки сизнинг бахт жомингиз.

Ғазал бирлан жавоб ёзди хатингизни ўқиб, Чустий,  
Бу хатни машҳур этди эларо Машҳура номингиз.

## БАЛАНДПАРВОЗ

(Юсуф Сарёмийга назира)

Гўзаллик оламида айладинг баландпарвоз,  
Юзинг жилосидан ой берди ҳуснига пардоз.

Жамолинг ойнасида қуёш кўрар ўзини,  
Унинг кўзини сочинг бирла тўсма, эй танноз.

Фалакда шамсу қамар, ерда сен сочарсан нур,  
Юзинг ҳароратидан иккисин ҳарорати оз.

Уларда қошу кўзу, лаълу холу мужгон йўқ,  
Қани уларда ширин тил била ширин овоз.

Кўзинг кароматидан қишда ҳам юзинг гулгун,  
Бу мўъжизангни кўришга келур баҳор ила ёз.

Юзингда терларинг акси фалакда юлдузлар,  
Гўзаллигингга мисол йўқ бу фанда сен мумтоз.

Лабинг латофатида баҳра олмаса ёқут,  
Бўлолмагай эди бу олам ичра жилваси соз.

Қалам қўлида кутар қошларинг ишоратини,  
Имо-ла Чустийга, эй нозанин, айлама ноз.

## КЎРИНМАЙСИЗ

Қаердасиз гўзалу дилрабо, кўринмайсиз,  
На бўлди, менга азиз ошно, кўринмайсиз.  
Ҳамиша жилва берур дилда чеҳрангиз аммо,  
Кўзим самосида эй маҳлиқо, кўринмайсиз.  
Кўришга сизни соғиндим, соғинмадингизму?  
Саломим айтмадиму ё сабо, кўринмайсиз.  
Қуёш фалакка қадам қўйса сизму деб боқаман,  
Дилимга бергали нуру зиё, кўринмайсиз.  
Бор эрди ҳар куни бир учрашишга ваъдангиз,  
Не бўлди ваъдага этмай вафо, кўринмайсиз.  
Этарди ақлингиз ақлим билан ширин суҳбат,  
Қаерда қолдингиз ақли расо, кўринмайсиз.  
Фалакда юлдуз эли тузди анжуман ҳар тонг,  
Кўзим қидирди бу мажлисаро, кўринмайсиз.  
Ғазаларимга берурсиз баҳо десам, Чустий,  
Қачонгача манга эй бебаҳо, кўринмайсиз.

## УЗМА ҲАРГИЗ

Дўстлик танобин элдан эр бўлсанг узма ҳаргиз,  
Шох бўлса ҳам бошингда одамни сузма ҳаргиз.

Обрў иморатининг девори яхши ният,  
Десанг бузилмасин бу, ниятни бузма ҳаргиз.

Покизалик муҳити гарқ этса, майли, фахр эт,  
Қон кўлида чўмилма, қон ичра сузма ҳаргиз.

Ҳар кимга сўзлаганда, сўз ўлмасун, десанг гар,  
Бемаъни жумла тузма, ҳеч тузма, тузма ҳаргиз.

Тил ўйнатур илондек ёлғончи бўлса ошиқ  
Ўтказмай имтиҳондин, кўзингни сузма ҳаргиз.

Тайёр эса текин ош, кафтгир қўлингда бўлса,  
Кафтгирни сен улоқтир, ул ошни сузма ҳаргиз.

Ҳеч тенги йўқ гўзаллик, Чустий, садоқатингдир,  
Дўстлик танобин элдан эр бўлсанг узма ҳаргиз.



## ҚАЙСИ ЮЗ

Гул юзинг фасли баҳор, лаълинг, яноғинг фасли куз,  
Кўзларим сайрига тўймас бўлса умрим мингу юз.

Ун саккиз йилдир лабингни чашмасидан сув ичиб,  
Ташнаман дейди ҳамиша лаб ялаб холинг ҳануз.

Лаб аросидан тилинг чиқти ширинлик олди қарз,  
Мен дедим ёшинмагил, қайтиб чиқиб қарзингни уз.

Майли бузсанг ҳам дилим кошонасин шўхлик қилиб,  
Розиман аммо демасман мен билан аҳдингни буз.

Паст эмас ё шўр эмас, ишқим таомининг тузи,  
Тушмасин ҳеч кимсанинг бир умр ҳалвосига туз.

Қайнатар дарё сувини томса гар қайноқ ёшим,  
Тош эриб оққай бўлиб сув, қолмагай дунёда муз.

Гоҳи-гоҳи илтифотинг менга махфий бўлса бас,  
Мен демасман: қошни ўйнат, ғамза қил, кўзингни  
суз.

Ой юзида билмадим, Чустий, маломат доғи бор,  
Бўса олган қайси лабинг, бўса берган қайси юз!

## МЕҲМОНИНГИЗ

Дилни тешди ўйнақи мужгонингиз,  
Шул сабаб мен ҳар нафас қурбонингиз.

Телбасан деб кулманг эй доно пари,  
Чунки мен бир ошиқи нодонингиз.

Кўча-кўйда зору сарсон айлаган,  
Менга берган ваъдаи ёлгонингиз.

Офтоб қалбидаги ловуллаган,  
Ноз ўти ҳам оташи ҳижронингиз.

Боғаро булбул билан чақчақлашур,  
Субҳидамлар гунчайи хандонингиз.

Етти осмон гумбазига чўққиси,  
Пахтадан сиз тиклаган хирмонингиз.

Мисли йўқ турли гўзаллик сизда бор,  
Борму айтинг бошқа бир армонингиз.

Зарра армон қолмас эрди менда ҳам,  
Чустийдек бўлсам агар меҳмонингиз.

## ЮЗИНГИЗ

Кули йўқ чўғга ўхшайдур юзингиз,  
Юракка ўт сочар ўйнаб кўзингиз.

Мени айб айламанг ёлгончи сен деб,  
Бу сўзни менга ўргатган ўзингиз.

Қуёшзода десам арзийди сизни,  
Ёнар ўтдан ҳам иссиқ юлдузингиз.

Кўзимдан бир қарочуқ туҳфа қилдим,  
Лаб узра жўра бўлсин ёлғизингиз.

Олур булбул сабоқ кўнглим қушидан,  
Муҳаббат дарсидир менга сўзингиз.

Бир олам жилваси бор чеҳрангизда:  
Сочингиз — тун, юзингиз — кундузингиз.

Фароғат бахш этар боққанда кўнглим,  
Ажойиб ўйнаб икки қундузингиз.

Асалга ўч эрур, Чустий, қалам ҳам,  
Қаламни бунга ўргатган ўзингиз.

## ОЛТИН СОЗ

Тилим дўстлик куйин куйлар, қўлимда янграр  
олтин соз,

Етушди етти иқлим халқига ҳар дам ширин овоз.

Ғамим йўқ ҳар нечук иғвосидан бир зарра ҳам  
қўрқмам,

Нечунким жумла меҳнаткаш жаҳонда мен билан  
ҳамроз.

Гувоҳим дўстлигу бирлик, муқаддас аҳду паймоним,

Мени одам деманг то ўлгунимча бўлмасам дамсоз.

Ҳама иш мўътабар, тинчлик ишидан мўътабар иш  
йўқ,

Танингда бўлса жонинг эй қалам ҳар лаҳза  
мадҳин ёз.

Қуёш бир қатрага сиққай нечук дунёга сирмас ул,  
Дегил у муттаҳамга этмасин ўз умрига кўп ноз.

Дақиқа озу аммо, бир жаҳон иш унда ҳал бўлгай,

Қадам қўй катта ишга иккиланма дема умрим оз.

Қулоғимга деди халқим қариб қолдим демай

Чустий,

Баландпарвоз қил руҳинг танингдан айламай парвоз.

## ЎЗИНГИЗ

Айдим анга дилрабо ўзингиз,  
Этган мени мубтало ўзингиз.  
Айди дилингизда хасталик бор,  
Мен унга дедим даво ўзингиз.  
Боқсам қараманг деди, дедимки,  
Нега қиласиз имо ўзингиз.  
Чимрилди деди, ҳаё қаерда,  
Айдим мен учун ҳаё ўзингиз.  
Кулсам деди, норасо экансиз,  
Айдимки, етук расо ўзингиз.  
Ошиқлар аро деди кулимсиб,  
Шўх телбаси мутлақо ўзингиз.  
Улдим-ку десам, дедики найлай,  
Ўз жонингизга жафо ўзингиз.  
Чустийга нигор таъна қилманг,  
Бўл менга деган фидо ўзингиз.

## КОММУНИСТ

Бир йигит берди салом менга, улуғ сиймо эди,  
Мен алик олдим нигоҳи анча сермаъно эди.

Энди кўрган бўлса ҳам ўттиз баҳорни кўзлари,  
Кўпни кўрган, кўпни билган бир ажаб доно эди.

Эл учун гул ундириб, чўлларни яшнатган, яна  
Маърифат чанқоқларига илми бир дарё эди.

Катталарга ҳурмату ёшларга шафқат қилгувчи,  
Жонкуяр, камтар, фаросатда у беҳамто<sup>1</sup> эди.

Шунча ҳам хуш гап бўлурму одам авлоди,  
кўринг,  
Анжуман гулзорида бир булбулигўё эди.

Сўзлашишда кўзларига тик қаролмас эрди кўз,  
Чеҳрасида шуълалик бир парча нур пайдо эди.

Ҳал қилур эрди шошилмай ҳар муаммо бўлса ҳам  
Қалби бир оламча бўлса, фикри бир дунё эди.

Минг яша умринг узун бўлсин, дер эрди кексалар,  
Хулқу одоб ганжидан ёшларга серсавго эди.

---

<sup>1</sup> Б е ҳ а м т о — тенги йўқ, мислсиз.

Кибри йўқ, игвоси йўқ, тинчликсевар, олижаноб,  
Беғараз, виждони поку қалби мусаффо эди.

Аҳди маҳкам, марду майдон, содиқу собит қадам,  
Қайси бир ишга қўл урса, ҳаммадан аъло эди.

Дўсти кўп, ул сўз топиб душманни ҳам дўст  
айлаган,  
Ҳар сўзи бир гавҳару ҳар лафзи бир кимё эди.

Нафсини пухта жиловлаб, йўлга солган қаҳрамон,  
Қайда хизмат қилмасин, ул боши беғавго эди.

Шул сабаб халқу Ватан даври уни обдан севиб,  
Юлдузу, еру қуёш ҳам ҳуснига шайдо эди.

Сўнгра билдим кимлигин виждонли коммунист  
экан,  
Меҳрибон бўлди менга, Чустийга чин ошно эди.

## САРДОР КҮРИНДИ

Тинчлик юзининг кўзгусида ёр кўринди,  
Фарҳодига Ширин каби дилдор кўринди.  
Ошиқ элидек ёр висолига етишмиш,  
Ер сийнасига сийна қўйиб қор кўринди.  
Ёйилди баҳор йўлига оқ шоҳи пойандоз,  
Келмоқда яқин юзлари гулзор кўринди.  
Ҳай-ҳай бу ажаб мўъжизалар мўъжизасидир,  
Ер уйқусида қор била ҳамкор кўринди.  
Тупроқ қизи ҳам кийди кумушрангли либосин,  
Меҳнат тўйига келгали тайёр кўринди.  
Деҳқон дилига берди жило қор жилоси,  
Бултургиданам ғайрати бисёр кўринди.  
Тинчлик бошидан сочгали дурларни булутлар,  
Кўк иқлимида ҳиммати бисёр кўринди.  
Кўк отни эгарлабди қуёш катта улоққа,  
Совринчи улуғ партия сардор кўринди.  
Тинчлик била эл бир-бирига қор отиб ўйнар,  
Чунким ҳамма эл бизга тарафдор кўринди.  
Қиш чилласида қалбимаро бир чаман очдим,  
Чустий бу чаман саҳнида ҳам бор кўринди.





## ВАТАН ИШҚИ

Мени сайратди ҳар тонг бу гулистонда Ватан ишқи,  
Фақат бир мен эмас, гул бирла райҳонда Ватан  
ишқи.

Муҳаббатномадир ҳар бир дарахт япроқлари боқсам,  
Ажойиб куйлатур қушларни ҳар онда Ватан ишқи.

Латофатли кўринди ҳар гиёҳ меҳри билан унғач,  
Ариқларнинг зилоли бирла боғбонда Ватан ишқи.

Очиб завқим кўзин кўрдим, саросар мавж урар ҳар  
дам,  
Улуғ Жайхун билан Сайхун, Зарафшонда Ватан  
ишқи.

Мунажжимлар, муҳандислар, ҳаво сайёҳлари бирлан  
Баробар қаҳрамон чўпону деҳқонда Ватан ишқи.

Чирик бир парча қоғозга баробар келмагай қалби,  
Ҳақиқий бўлмаса, Чустий, ғазалхонда Ватан ишқи.

## БАХТ КЎЗГУСИ

Бахтимизнинг кўзгусидан, э Ватан барнолари,  
Жилваланди кўзга хушранг Мирзачўл раънолари.

Сув тилаб минг йиллар ўтди қақшади бечора чўл,  
Қайси куч-ла сув берарди чўлга у мирзолари.

Халқ ўчиргай унда авж олган табиат гулханин,  
Бошлади шонли курашга халқимиз донолари.

Ёнган ўт ўрнида бўлгай энди ранго-ранг чаман,  
Нур сочарлар бунда давримнинг қуёш сиймолари.

Қоп-қаро райҳонлари пайваста қошлардин дарак,  
Мирзачўл шайдоси бўлмасму жаҳон зеболари.

Мирзачўл ҳарфини ёздим дафтарим бўлди чаман,  
Гул терар маъшуқларига ошиқи шайдолари.

Чустий, қурбони бўлай дерман бу сўз ҳалво эмас,  
Чин садоқатдур бу сўзнинг энг ширин маънолари.

## БУЛА ҚОЛДИ

Ой қалби юзинг бирла мунаввар бўла қолди,  
Ҳуснингга қуёш қайда баробар бўла қолди?!  
Қоғаз, нетайин, етмади васфингни ёзишда,  
Ер бирла фалак иккита дафтар бўла қолди.  
Тол кўчатига меҳр ила ул кун назар этдинг,  
Бўстонлар аро сарву санобар бўла қолди.  
Кўрдим неча бор ҳар қадаминг мўъжизасини,  
Тунроқлар ўпиб жилвали гавҳар бўла қолди.  
Кўз элчисини йўллаб эдинг олам элига,  
Бе жангу жадал қалби мусаххар бўла қолди.  
Ишқинг йўлига солди етаклаб мени меҳринг,  
Ёшликда қўлим ушлади, раҳбар бўла қолди.  
Шаънингга ёзилган газалу неча мухаммас,  
Тинчлик тўйининг базмида дилбар бўла қолди.  
Саксонда жамолингни кўриб қайта ёшардим,  
Иккинчи умр менга муяссар бўла қолди.  
Чустий қалами таърифинг этганда, саболар  
Зулфингни ёзиб эрди, муаттар бўла қолди.

## ҲАЁТ ҚАСИДАСИ

Саҳар гул дафтарини очгали боди сабо келди,  
Бу дафтарга юракдан ёзгали бир муддао келди.

Қалам ушлаб, тафаккур айлаган чоғда хаёлимга,  
Муҳаббат дардин изҳор айлаган Зебуннисо келди.

Малика бўлса ҳам кечди замонни тож, тахтидан,  
Кўзини олдига шоҳлик сурати мисли гадо келди.

Ёнида Нодира, Маҳзунаю Меҳри Самарбону,  
Бўлиб саф-саф аламлар тигида бағри яро келди.

Юракда ҳар бирин дарди бутун оламга сиғмайди,  
Ғарибу, ожизу мазлумаю, мотамсаро келди.

Тасаввур қилдимۇ ҳайрат билан босди таассуфлар,  
Шу фурсат эрди қошимга кулиб бир дилрабо келди.

Қуёш чиқди десам, шу дам замонамнинг  
қуёшидан,  
Қулоғимга ёқимли турфа лаззатли садо келди.

Кўзим олдига ногоҳ турфа-турфа жилвалар айлаб,  
Саодат оламин зебо париси маҳлиқо келди.

Латофат гулшанин ҳуснида кўрсатган ҳақиқат  
шул,  
Деган ҳар бир томондан қалбу жонимга нидо  
келди

Белин хизматга боғлаб тикка қолди сарв ила  
шамшод,  
Бутун бошдан-оёғи мўъжиза, қомат расо келди.

Уликка жон кирур нозик табассумла нигоҳидан,  
Кишига умри боқий бергувчи дорилшифо келди.

Фаросат, ақлу идрок, олиҳиммат — ҳаммаси  
мавжуд,  
Чин инсонлик мужассам қалби дарё бебаҳо келди.

Ширин сўзу қаро кўз нозанинлар нозанини ҳам,  
Дилида чин муҳаббат қиссаси аҳли вафо келди.

## УЗОҚДАГИ ДИЛБАРГА

Айтинг, гўзалим, ёру қадрдон бўласизми?  
Юлдуз элига ой каби меҳмон бўласизми?

Бу кўкда қуёш нури билан жумла жаҳонга,  
Ҳар тонгда латофат-ла намоён бўласизми?

Озод бўлибон бир йўли ағёр элидан сиз,  
Ҳурдек ясаниб, зубдан даврон бўласизми?

Гул фасли келиб ҳамма чаман сайрини айлар,  
Сиз ҳам очилиб менга гулистон бўласизми?

Бир нома ёзибсиз, бу хатингизга фидомен,  
Дабсизки, бу йўл истаса қурбон бўласизми?

Ишқ аҳли йўлингизда қилур жонни садоға.  
Жон кетса, бу жон ўрнига сиз жон бўласизми?

Номамни жавобини кутиб, қолмади сабрим,  
Айтинг, гўзалим Чустийга жонон бўласизми?

## Қ У М Р И

Янгиқўрғон район ҳашаматли кошона  
ичидаги бир жуфт сайроқи қумрига  
бағишланган ғазал.

Сабаб недурки, савтинг ғамгину мунгли, ҳазин  
қумри,  
Агар чанди ҳазиндур, лекин овози ширин қумри.

Ажаб кулранг либосинг остида бир лахча ўтдирсан,  
Дилинг ичра яширмишсан муҳаббат оташин қумри.

Тилинг бирлан дилинг «ё дўст!» оҳангин қилур  
такрор,  
Бу талқин бирла дўстликка чақирдинг эл дилин  
қумри.

Агар-чи, бир сиқим парсан, табиат мўъжизотисан,  
Эдинг ишқ оташи ичра самандарга яқин, қумри.

Муборакбод этарман ёр васлига етибдурсан,  
Гўзал кошонада бўлдинг куёв бирла келин, қумри.

Сени табриклашурлар яхши сайраб саъвалар,  
жўрлар,  
Қабул эт ёру дўстларнинг унутма табригин, қумри.

Муяссар бўлди бизга суҳбат этмак Янгиқўрғонда,  
Гўзал кошона ичра хушнавоу нозанин, қумри.



Мисолин кўрмадик биз Ўзбекистонда маконингни,  
Ташаббускорларига биз дедик: «Минг офарин!»

қумри.

Дилин кўзи очиқ булбуллларинг келса, дуомиз айт,  
Насиб бўлса келурмиз суҳбат этмакка тагин, қумри.

Мингу тўққиз юзу ҳам етмиш олтинчи йилу апрель,  
Эди ўн саккизинчи ушбу тарих ўчмасин, қумри.

Камолиддинга раҳматлар дедик Чустий-ла ўртоқлар,  
Ўзингдек сайратиб қўйдинг омон бўл, офарин,

қумри.

## ЖОНОН ПИЁЛА

Сутдек хамир йўғирди минг-минг зувола қилди,  
Ҳар бир зуволасидан жонон пиёла қилди.

Эпчил қўлини кўрдим, гул солди турли-турли,  
Гўё шу гулни баргин булбул рисола қилди.

Аксим кўринди боқсам рангин тиниқлигидан  
Бундай нафис безакни Раъно-ю, Лола қилди.

Зарҳал лабиму ёким икки ҳилол бирикмиш,  
Бу бебаҳо ҳунарни моҳир Ҳилола қилди.

Жонон пиёламизни наққоши Чин кўриб дер:  
Санъатли Ўзбекистон шайдою вола қилди.

Қалбида шўх тараннум оҳанг билан жаранглар,  
Чертмангки, черткилар еб ўтмишда нола қилди.

Жонон пиёла бирлан илҳом пиёласини,  
Чустий: «Баҳо беринг», деб элга ҳавола қилди.

## МУДДАОЛАРДАН ҲАЛИ

Дилда кўндир муддаолардан ҳали,  
Кўзда бор равшан зиёлардан ҳали.

Найда жон йўқдир, вале найчи тирик,  
Унда чексиз хушнаволардан ҳали.

Хасталикдан қўрқмадим ёр ишқида,  
Мен учун беҳад даволардан ҳали.

Кўрмадим умрим аро ҳаргиз зиён,  
Меҳрибон ақли расолардан ҳали.

Лекин офтоб қанчалик нур сочмасин,  
Топилур кўнгил қаролардан ҳали.

Шакли одамдир илон янглиғ чақар,  
Учрагай бундай балолардан ҳали.

Ҳожатинг айтсанг, қилур сендан тилак,  
Дуч келур бундай гадолардан ҳали.

Гул узиб, санчар тикон боғбонга ҳам,  
Борку бундай беҳаёллардан ҳали.

Чустий, бу сўзга амал қил, сенда ҳам  
Балки бор баъзи хатолардан ҳали.

## БУХОРО НАСЛИ

Бир гўзал келди қошимга, сенга ошноман, деди.  
Қайга борсанг доимо ёнингда пайдоман, деди.

Қоматим қалбнинг биносини мадори жисм аро,  
Кўзларим ёнган чироғнинг, кўнгил ороман, деди.

Талъатим гул баргидан нозик, чиройимдир вафо,  
Яшнаган санъат гулистонида раъноман, деди.

Мен дедим: бу ҳусни-ла ойнинг қариндошимсан?  
Менми — авлоди қуёш, насли Бухороман, деди.

Истиқомат бўлди менга Ёиждивон осмонида,  
Ёру жўрам бирла нур сочган сурайёман, деди.

Менга боқ, аксинг кўрингай ошиқи шайдо эли,  
У тиниқ ойналардан ҳам мусаффоман, деди.

Боғда булбуллар эшитти, сен эшитдингму, дедим,  
Беғараз бу талъатингга Чустий, шайдоман, деди.

## ҲИЛОЛ УПАРДИ

Ёнбошлаган юзингни саҳнида икки қошми?  
Ухлаб қолибди, уйғот, серуйқу икки ёшми?

Сочингда шона кўрдим, ёки ҳилол ўпарди,  
Ой бирла тун боқолмай қочди, юзинг қуёшми?

Икки лабингда кўрдим, икки ҳабаш қоровул,  
Қизғанди бир-биридан, лаълингда бол талошми?

Олди кўнгил тилингдан, эй ёр, турли лаззат,  
Юртинг Душанба ёки Озарми ёки Шошми?

Ширин табассумингдан Фарҳод тирилса мумкин,  
Обихаёт йўлига васлинг йўли тутошми?

Ёнингда мен ҳамиша, аммо кўзинг бўлакда.  
Ошиққа ноз қилмоқ ё сенга нону ошми?

Темир билан пўлатни ишқим ўти қилур сув,  
Тафт ўтмади дилингга, бағринг шу хилда тошми?

Чустийни лол қилган сен куйлаган мақомлар,  
«Наврўзу» ё «Муножот», «Ушшоқми»,

«Дилҳирож»ми?

## КИМ ЕТДИЮ КИМ ЕТМАДИ

Бу зафар дунёсига ким етдию ким етмади,  
Мақсадин маъносига ким етдию ким етмади.

Қонлари гул бўлди бирлик қасрининг деворига  
Бу бино оросига ким етдию ким етмади.

Ҳар бир инсон борки, унда турли-турли орзу,  
Орзу ашёсига ким етдию ким етмади.

Ҳамсафарлар биз бу йўлда барчамиз олдин-кейин,  
Гулшан зебосига ким етдию ким етмади.

Баъзи-баъзи дилрабо етди ўзин шайдосига,  
Ери бепарвосига ким етдию ким етмади.

Баъзилар тоғлар кесиб чўлларни бўстон этса ҳам,  
Ширину Лайлосига ким етдию ким етмади.

Илми дониш мактабин фаҳм айлаганлар беҳисоб,  
Илмнинг маъносига ким етдию ким етмади.

Бир улуғ давронга етдикким, бунинг тимсоли йўқ,  
Даврнинг аълосига ким етдию ким етмади.

Қарзимиздир етмаганлар руҳини шод айламак,  
Бу фикр ижросига ким етдию ким етмади.

Шукр қил, эй Чустий, қондирди сени «Баҳрин  
нажот»,  
Бу шараф дарёсига ким етдию ким етмади.

## ИККИ БАЛО

Дейдилар икки бало ошиққа икки қошни,  
Тил кесилмасму бало деса икки сирдошни.  
Киршиким устида ёшим ўйнади ёшлик қилиб,  
Мен қарини куйдириб, шўрин қуритма ёшни.  
Васл дастурхонига йўлатма ағёримни ҳеч,  
Эл мақолида емас ит ҳам шериклик ошни.  
Бир майизни қирқ бўлиб ерлар самимий

дўстлар,

Севгида лекин қабул этмайди эл кундошни.  
Бир ишорат айласанг, бошим-аёғ айлаб борай,  
Зора қучгайсан аёғ ўрнида борган бошни.  
Бошими жаллоди ҳажринг олса мен қандай  
борай,

На қилур эрди нигорим ошиқи бебошни.  
Эларо нархини оширдим кўзларим қонин сочиб,  
Айладим ёқут рақиблар менга отган тошни.  
Ким қилур мендек, ёмонлик айлаганга яхшилиқ,  
Қайси ошиқда кўрибсан бу каби бардошни.  
Эларо ҳурматлию пири бадавлат айладинг,  
Хоксору камтарин Чустий каби қаллошни<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Қ а л л о ш — назарга тушмаган, фақир.

## ХҮБ БҮПТИ, ХҮБ БҮПТИ

Деди: ёрим фидо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти,

На этсам мен, ризо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Муҳаббат оташи тушса куйиб тоғлар бўлур сурма,  
Сен ундан беибо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Тиланчилар каби ҳар бир эшикни қоқма, эй ошиқ,  
Гадолиқдан жудо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Висол истар эсанг, бу йўл аро тарк айла ишратни,  
Ҳалол меҳнат аро бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Менинг ҳуснимни Лайло деб, ўзингни айлама  
Мажнун,  
Бу маънида расо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Муҳаббат базмини танбури бўлсанг, бўлма бе парда,  
Ёқимли шўх наво бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Бошингга келса юз минглаб қилич, эл меҳридан  
кечма,  
Элинг қалбига жо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Тилимдан маъни қандин ол, лабимдан яхши сўз  
болин,  
Енимда доимо бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.

Ҳужум этса бало ишқимда, Чустий, қўрқмагил  
аммо,  
Балога сен бало бўлгил, дедим: хўб бўпти, хўб  
бўпти.



## СЕНИ

Ташналик қилмиш агар саҳро мени, дарё сени,  
Роз этишга айламиш гўё мени, ошно сени.

Ол юзинг акси кўзимда, қонга йўқ ҳаргиз ўрин,  
Боғи ишқ этмиш ажаб шайдо мени, раъно сени.

Дўстлик дарсини олдим етти юлдуздан сабоқ,  
Гарчи ағёр кўрсатар адно мени, аъло сени.

Қайга тушса нури ҳуснинг, эй латофатлик қуёш,  
Ишқинг этмиш заррадек пайдо мени, якто сени.

Бир қиё боқмоқ учун кимдан ибо қилдинг, дегил,  
Эл демас Мажнун каби расво мени, Лайло сени.

Сен учун қўйдим қадам, шамшир дамидин  
қўрқмадим,  
Топмасни ағёримиз танҳо мени, асло сени.

Ғам емасман, Чустий, ўқ санчилса дилга — завқу  
шавқ,  
Этмиш ўз заҳмига бепарво мени, доно сени.

## БЎЛУРМУ

Недур деб исмингизни сиздан сўраб бўлурми?  
Ноз айлаб айтмасангиз, унга чидаб бўлурми?

Ўйнаб сабо сочингиз торини кетди ташлаб,  
Жон риштасини унга, айтинг, улаб бўлурми?

Дил лаб очувди, айдим: шошма, куйиб кетарсан,  
Борму эсинг, қуёшдан бўса тилаб бўлурми?

Мижгоним игнасига дурдоналар тизибман,  
Юпқа яқога шундан тугма қадаб бўлурми?

Нур қайда бўлса, сўзсиз, кўз шу томонга тушгай,  
Сиздан бўлак томонга, айтинг, қараб бўлурми?

Сиз деб тикан азобин чекди қўлу оёғим,  
Қўл бўлса «тегма, нозик», гул дасталаб бўлурми?

Кўнглим биносини Сиз нақшу нигор этарсиз,  
Минг офарин демакдан бир ўзга гап бўлурми?

Чустийга мақтаб эрдим, мен ҳам кўрай деди ул,  
Шеъринг, дедим, кўришга балким сабаб бўлурми?

## ЧИН ИНСОН БЎЛИБ ҚОЛДИ

Сени ким севди бу оламда чин инсон бўлиб қолди,  
Ениб ишқинг ўти, ер сийнасида қон бўлиб қолди.  
Кўзим ҳар лаҳза дийдорингни кўрмакликка, эй  
дилбар,

Таним қасрида руҳим қанча йил меҳмон бўлиб  
қолди.

Узатди сенга соқий май, уни олмай кулиб қўйдинг,  
Пиёла оғзин очганча боқиб, ҳайрон бўлиб қолди.  
Малоҳатингга қойил, мўъжизангдан жоним

ўргилсин,  
Изинг ўпган гиёҳлар сунбулу райҳон бўлиб қолди.  
Муҳаббатномалардан икки хат кўрдим жамолингда,  
Бу хатнинг ҳар бири ҳуснингга бир дoston бўлиб  
қолди.

Узин доно тарашлаб ишқдан бегона бўлганлар,  
Сенинг ошиқларингнинг олдида нодон бўлиб қолди.  
Сенинг мадҳингни бир шоир каби ёздимми ё йўқми,  
Билолмам бу муаммо, дил аро армон бўлиб қолди.  
Мени бир марта Чустий деб тилинга олганинг ёрим,  
Сўзимни ҳуснию шеърим танида жон бўлиб қолди.



Ҳар ишоранг катта ҳосил бирла тўйлардан дарак,  
Айлагил минг йил шу хил имо май байрами.

Карнайу сурнай садога кирди танбур ҳам дутор,  
Ой эшитгач дейди: ерда маҳлиқо май байрами.

Дору дармонлар кетирдинг тинч-омонлик илгида,  
Бу уруш дардига бўлғуси даво май байрами.

Мўйсафид Чустийга бердинг янги ёшлик  
  муждасин,  
Туҳфа қилдинг ошнога ошно май байрами.

## ОВОРА БЎЛМА, ДЕЙДИ

Ёр айланай десам мен, сайёра бўлма, дейди,  
Севдим десам, кулимсиб: овора бўлма, дейди.

Йўлингда хону моним сарф айлайнму десам,  
Бору йўғингдан ажраб, бечора бўлма, дейди.

Дил хомтаъмалик айлаб, борган эди яқинроқ,  
Мужгон тигига учраб, минг пора бўлма, дейди.

Қирпикка томчи-томчи ёшим югурган эрди,  
Раҳми келиб нигорим: фаввора бўлма, дейди.

Қоши билан кўзига кўз ташлаган юракка,  
Васл истасанг мабодо сен қора бўлма, дейди.

Мақтарди гулни булбул Чустий чаманда унга:  
Ёримга тенг эмас гул, овора бўлма, дейди.

## АҚЛИ РАСОЛАРНИНГ ИШИ

Халқини шод айламоқ ақли расоларнинг иши,  
Элни ранжитмоқ ҳамиша беҳаёларнинг иши.

Ҳар кишининг умрида ўз нияти йўлдошидир,  
Ниятни покйза тутмоқ бериёларнинг иши.

Ҳар гўзалга хомтаъмалик бирла бош эгмайди  
мард,  
Ҳар эшикда сарғайиш шилқим гадоларнинг иши.

Гар бало тиғи бошинга келса, қалқонинг бўлиб,  
Сақламоқлик заҳмидан чин ошналарнинг иши.

Игна санчиб, бир кулиб қўйган шифокорлар  
каби,  
Нозу ҳам лутф айламоқлик дилраболарнинг иши.

Учраганда бир-бирин ҳуснига хол пайдо қилур,  
Бу ажойиб мўъжиза кўзи қароларнинг иши.

Бошқасига мубталоликдан кўнгилни сақламоқ,  
Доимо Чустийга ўхшаш мубталоларнинг иши.

## МИНГ БАЛОНИ ЕНГАДИ

Пок диллар оқибат кўнгли қарони енгади,  
Чунки нур сочган қуёш мудҳиш ҳавони енгади.  
Маънилар тонгида гар фикрим қуши ёзса қанот,  
Боғу кўлда қолдириб, боди сабони енгади.  
Ким ҳақиқат дорисини ҳар лаҳза истеъмол этар,  
Ул киши ҳар қанча дарди бедавони енгади.  
Оқила, ифбатли қиз ҳуснида нуқсон бўлса ҳам,  
Эларо баъзи ҳаёсиз маҳлиқони енгади.  
Ошно бўлсанг, самимий бўлки, қурбонинг бўлса,  
Чунки содиқлик мудом кизбу риёни енгади.  
Баҳс майдонига кирса биргина аҳли расо,  
Ишлатиб донишни, минг-минг норасони енгади.  
Мисни ҳам олтинга айлантирса мумкин кимё,  
Қайси нодон айтадур мис кимёни енгади.  
Сўзнинг энг ҳикматлиси шул, раҳмат олгил.  
раҳмат ол,  
Дейдиларки, битта раҳмат минг балони енгади.  
Элга хизмат айла Чустий, эл ризосин ол мудом,  
Эл ризосин қудрати, балким, қазони енгади.



## Я Х Ш И

Саодат офтоби нур сочиб бўлди ҳаво яхши,  
Ёмонлар маҳв ўлиб, афзун бўлур олам аро яхши.

Тараннум айлашур маънавий гулистонида булбуллар,  
Қулоғимга келур ҳар лаҳза сермазмун садо яхши.

Суви йўқ дарёдан чанқоқ учун бир томчи сув аъло,  
Ақлсиз кексадан, дерлар: кичик ақли расо яхши.

Қўлингда бўлмаса буғдой нонинг, буғдой сўзинг  
бўлсин,  
Амал қилсанг бу сўзга эл берар сенга баҳо яхши.

Тилида ошною қалбида бегона бўлгандан,  
Тили бегонаю қалбида бўлса ошно яхши.

Тамаъ хор айлагай дерлар, бу сўз ҳаққонидур аммо  
Бахил бойдан дилда ҳиммати бўлган гадо яхши.

Кичик бир томчимен, Чустий, ва лекин дилда  
завқим бор,  
Улуғ дарё билан бир йўлда, дерман, муддао яхши,

## АЖОЙИБ ЭРТАДАН...

Ажойиб эртадан бизга хабар берган бугун яхши,  
Букун ҳам эртадан порлоқ кейин келгуси кун  
яхши.

Фалак дерлар стунсиз, шу сабаб вайроналик  
кўпдир,  
Демак тинчлик биносин тиклаган маҳкам стун  
яхши.

Уруш зулмотидан осмон мусаффо бўлмоғи доим,  
Фақат бизлар учун эрмас, бутун дунё учун яхши.

Қуёшнинг нурига тик боққучи кўзлар оқиб  
тушгай,  
Шунинг-чун дунёда кўршапшарак хайлига<sup>1</sup> тун  
яхши.

Балон ногаҳондир уй тўсатдан куйса, кул бўлса,  
Дегай эл бехатар ўтдан бурун чиққан тутун яхши.

Қуруқ шох мева бермас-ку, вале элга ўтин бўлгай,  
Қуруқ сўздан кўра рўзгор учун даркор ўтун яхши.

Умидинг тонгида мақсад юзи гар жилвагар  
бўлмас,  
Муродинг васлини этса муяссар кечқурун яхши.

Емон кун келмасин Чустий ҳаётда яхши кунлар  
кўп,  
Букун ҳам эртадан порлоқ кейин келгуси кун  
яхши.

---

<sup>1</sup> Х а й л — тўда (форси).

## ГУЛ МАВСУМИ

Гул мавсуми дилдорим, гулшанда жило қилди,  
Гул новдаси таъзим-ла ҳурматни бажо қилди.

Иқболини куйлашда гул шоҳини соз айлаб,  
Завқи билан булбуллар минг тилда садо қилди.

Севгимда гўзалликни кўрганда хижолатдан,  
Шабнам дема, гулларни тер босди, ҳаё қилди.

Кўксидаги юлдузга термулди қуёш кўкда,  
Қутлуғлади оҳиста, бир кулди, имо қилди.

Қўл солди булоқларга, шўхлик била сув сочди,  
Ҳар томчиси бир япроқ устида жило қилди.

Ким кўрса бўлур шайдо бу ҳусну латофатга,  
Халқ олдида ҳар лаҳза аҳдига вафо қилди.

Ҳар жойга қадам қўйса бир меҳри гиёҳ унди,  
Чустий ҳам унинг меҳрин ўз қалбига жо қилди.

## ЛЕНИН СУЗИ

Ер юзида ҳамма сўздан мўътабар доно сўзи,  
Мўътабарлар комида шаҳду шаккар доно сўзи.

Дилга дил, жонингга жон, жисмингга қувват  
манбаи,

Бахту толе марказига йўл очар доно сўзи.

Чўлга руҳ, элга ҳаёт, оламга нур бахш айлабон,  
Ҳикматин кўрсатгай осмонга қадар доно сўзи.

Қанча офот лашкари даҳшатли қилганда ҳужум,  
Элни ғойиб айлабон, берган зафар доно сўзи.

Тинч-омонлик дафтарида бир варақ бўлди фалак,  
Бу варақда ер юзига жилвагар доно сўзи.

Зарралар ҳам бирлашиб, эл хизматин айлармиди,  
Бўлмаса аҳли тафаккурда агар доно сўзи.

Турли қушларнию боғлар булбули гўёларин,  
Завқ бирлан сайратур шому саҳар доно сўзи.

Қанча минг йилдан кейин келгуси фарзандларга  
ҳам,

Берди бахту толедан хушхабар доно сўзи.

Яъни доноликда машҳури жаҳон Ленин эрур,  
Қанча олсам оғзимга ёғдек ёқар доно сўзи.

Элга маъқул бўлмас эрди балки Чустий шеъри ҳам,  
Рамзу мазмун бермаса унга агар доно сўзи.

## КЎРГИМ КЕЛУР КЎРГАН САРИ

Кирди меҳнат гулшанига ўн саккиз ёшлик пари,  
Ул пари ҳуснига ошиқ бўлди гулшан гуллари.

Ўрганур нозик табассумни лабидан ғунчалар,  
Қанча боқсам, шунча оз, кўргим келур кўрган  
сари.

Кеча-кундуз бошидан парвона янглиғ айланур,  
Ошиқи шайдо бўлиб осмоннинг икки дилбари.

Жон эмас, ул жон агар унга тасаддуқ бўлмаса,  
Чунки у давримни шайдоси эрур мен сингари.

Қолди-ку, ишқу муҳаббат йўлида биздан кейин,  
Гарчи ўтган бўлса ҳам Фарҳоду Мажнун илгари.

Ҳар куни бир тўлмаса таърифу тавсифи билан,  
Розидурман парча-парча бўлса кўнгил дафтари.

Ёнида кўрди, деди: «Эй Чустий, аҳволинг қалай»,  
Шу замон бўлди муяссар менга оламнинг бари.

## ПАХТА ҚАСИДАСИ

Сифотин дафтари ою қуёшу баҳру бар бўлди,  
Жаҳон халқи бунинг кўп хислатидан баҳравар  
бўлди.

Чигит дерлар, вале қийматда гавҳар донадан ортиқ,  
Қаерга эл уни экди, у ер тупроғи зар бўлди.

Очилди, қанча минг йил банд эди ернинг тилисмоги,  
Тилисмот қуфлини очгувчилар меҳнатчилар бўлди.

Ўзига бокира ерларни аҳд этди йигит деҳқон,  
Бўлиб тўй устига тўй, бир-бирин доим севар бўлди.

Табиат доялик қилди, она-Ер кўрди фарзандлар,  
Гўзал оқ юзли гўдаклар жамоли жилвагар бўлди.

Ниҳолин сақлади селу, шамолу дўлу офатдан,  
Балолар найзасига пахтакор кўкси сипар бўлди.

Зафар достонига япроқларин очди варақлардек,  
Бўлиқ ҳар бир тупи гўёки сермазмун асар бўлди.

Бақувват шохлари дўстларга дўстлар қўл узатгандек,  
Яқинлашди, ўсишди елкадошу сарбасар бўлди.

Неча марта оёғин остини юмшатди техника,  
Таралди, илдизи яйраб, бўйи яшнаб ўсар бўлди.

Суғорди сувчилар, чанқатмади, шарбатга қондирди,  
Ниҳоллар комига ҳар томчиси болу шакар бўлди.

Чамандек гулларию беҳисоб бошида зар шона,  
Келинчакдек юз очди ошиқи Шамсу Қамар бўлди.

Чаноқлар кулди гавҳар сандуғидан қопқоқ очилди,  
Ҳалол меҳнат туфайли бахтимизга серсамар бўлди.

Парилардек оқ олтин чорлади ошиқларин имлаб,  
Эшитган юз яшар ҳам завқ ила ўттиз яшар бўлди.

Шаҳарлик, тоғу тошлик барчаси ҳам пахтакор биз  
деб,  
Териб олмоққа эл юрди, зафар узра зафар бўлди.

Баробар келмади юз қўл теримда бир машинага,  
Вале бўш келмади эл ҳам қарори ким ўзар бўлди.

Қуёш нури юзида жилвагар бўлди десам пахта,  
Юзин нури қуёшнинг чеҳрасида жилвагар бўлди.

Уруш майдонига кимки ҳайиқмасдан қадам қўйса,  
Уни тинчликсеварлар зарбидан бели синар бўлди.

Очиб кўз ҳар нафас ҳурмат кўкида сайрини кўрдим,  
Жаҳонга нур сочиб дўстлик, қуёш ёнида нар бўлди.

Башорат, мўъжизот, сеҳру кароматлардан ортиғроқ,  
Ильичнинг ҳикматидан юртимиз шоми саҳар бўлди,

Яша эй Ўзбекистоним, яша эй пахтакор авлод,  
Сени таъриф этиб Чустий қаламда мўътабар бўлди.

## ЎЙНАДИ

Томчи-томчи киришимнинг устида ёш ўйнади,  
Худди симдорда юриб чаққон неча ёш ўйнади.

Ишқида тифли<sup>1</sup> фалак мажнунлигимни билди-ю,  
Учди юлдузлар деманг, менга отиб тош ўйнади.

Дилбарим фасли баҳор келмоқчи эрмиш, эшитиб,  
Шодликдан ёру дўст, қавму қариндош ўйнади.

Сув сепиб кўкдан булут, йўлини супурмоқда  
Ушбу ҳурматни кўриб бир қанча фаррош ўйнади.  
сабо,

Ким ўзарга баҳс этиб икки қаро кўз устида,  
Бир-биридан қолмайин икки қаро қош ўйнади.

Номи ўчмай кўкка боши етти ул ошиқниким,  
Халқ учун қар лаҳзада жон ўйнади, бош ўйнади.

Нега шуҳрат тонди Чустий эларо, боис шуким,  
Ишқ майдониаро ҳаддан оғир тош ўйнади.

---

<sup>1</sup>Т и ф л—ёш бола.



## РАҶС АЙЛАДИ

Саҳна боғида ажойиб дилрабо рақс айлади,  
Уйнатиб гул шохларин ёки сабо рақс айлади.

Бирга-бирга ўйнади жону кўнгил беихтиёр,  
Ҳаммани айлаб асиру мубтало рақс айлади.

Қўллари гоҳ соябон, гоҳи белин қимчиб кулиб,  
Гоҳ бураб оппоқ ипакни маҳлиқо рақс айлади.

Саҳна одобини кўрдим баркамол раққосада,  
Юзда жилва, кўзда бир олам ҳаё рақс айлади.

Кирди шогирдликка фахр айлаб чаман  
товуслари,  
Чунки санъат бобида машқи расо рақс айлади.

Ё симоб эрди тани бизни симоб этдимۇ ё,  
Ғамза қилди титратиб бизларни ё рақс айлади.

Рақсида чексиз зафар эрку омонлик рамзи бор,  
Шул эди Чустийга айна муддао рақс айлади.

## ЎЗБЕК ДИЛОВАРИ

(Ўзбек паҳлавони Тўланбой  
Қурбоновга)

Элим дил лавҳига э, паҳлавон нақш этди отингни,  
Ёзарлар кўп замонлар сафҳалар ичра сифотингни.

Қаламкашлар сени номинга дoston ёзсалар арзир,  
Замон шаҳномаси ичра улуғлаб насли зотингни.

Салобат кўҳи қофин устида симурғму дерлар,  
Кериб майдонаро кирганда сен икки қанотингни.

Сен иргитган тошинг юлдузга ўхшаб учди осмонда,  
Бўлиб сайёралар мафтун ҳавас айлар ҳаётингни.

Жаҳон Элбрусига тенглашди қадду қоматинг  
шаксиз,  
Тянь-Шань титради кўрганда савлат ҳам саботингни.

Қачон майдонга тушсанг, бўлмадинг мағлуб, зафар  
топдинг,  
Диловарлар тасанно дейди кўргач кашфиётингни.

Қўқондан ўлкаларга Ўзбекистон номини ёйдинг,  
Қуёш ўз нурига ўхшатди бу ёйган бисотингни.

Сени тенгсиз сифотинга эрур кам неча мажмуа,  
Нечук биз сизга бир вараққа таърифотингни.

Еқимли хулқу одобинг элингни айлади мафтун,  
Қўлингдан берма бу ҳурматни, қилғил аҳтиётингни.  
Отанг бирлан онанг ҳам халқу устозингга минг  
раҳмат.

Кўпайтир эл аро шогирду ботир зурриётингни.

Дедик Чустий, Салоҳий э, Тўлан ботир Сабо бирлан,  
Жаҳон майдонида ўйнат, ҳамиша учқур отингни.

## ШЕКИЛЛИ

Бу қоғоз устидаги йўрғажон қалам шекилли,  
Элини ҳурмат этар шунга боши ҳам шекилли.

Дилида борини яйраб кўчирди дафтарга,  
Жаҳонда бу каби рост сўзлагучи кам шекилли.

Кимики тошбақага деса гар улоқ чопгил,  
Бу ишга мажбур этишлик унга ситам шекилли.

Чумоли хилига тоғни кўтар деди кимдир,  
Қулоқ солинг у фалокатни қорни дам шекилли.

Ҳовузда, кўлда кулар оғзи эгри қурбақалар,  
Бировни ҳолига жиртак чалувчи ҳам шекилли.

Чаманда сайраса булбулга дўқ қилар қарга,  
Ўзини айбини билмайди, муттаҳам шекилли.

Фалакка чиқса тўлун ой, кўриб ҳурар итлар,  
Кучукчалар эшитиб дедилар дадам шекилли.

Ҳаётимизни кўролмай юрибди кўршапалак  
Қаноти шалпаяди, балки ости нам шекилли.

Товуқни еб қўйишиб, тулкига қилур бўҳтон,  
Булар таомлари бўри билан баҳам шекилли.

**Бу хилда ўғри, хиёнатчи муттаҳамларга  
Бу сўзларим ҳаммаси зарбали алам шекилли.**

**Демангки, яхши-ёмон фарқидан гапир, Чустий,  
Бу хилда сўзга чечан мен эмас, қалам шекилли.**

## ЎЗИМ, ДЕДИ

Офатижон, десам кулиб, роҳатижон ўзим, деди,  
Роҳатижонимсан, десам, офатижон ўзим, деди.

Майли, на бўлса, дилбарим, менга кулиб қара,  
дедим,  
Ҳеч аримас табассумим, шўхи замон ўзим, деди.

Ишқ эли болари каби тўрт тарафида айланур,  
Бунга сабаб надур, десам, ширин забон ўзим, деди.

Келса бошингга юз бало ишқи бало экан, дема,  
Меҳри-ла шафқат этгучи роҳатижон ўзим, деди.

Жон керак, эрса, жон ўзим, дилбару қадрдон ўзим,  
Ошиқ элига хонумон, жону жаҳон ўзим, деди.

Унга дедим замон-замон — сен била, Чустий,  
жонажон,  
Ноз ила ғамза дастидан берган омон ўзим, деди.

## СЕВМАЙ БЎЛУРМИ СИЗНИ

Эй дилни дилрабоси севмай бўлурми сизни,  
Ойларни маҳлиқоси, севмай бўлурми сизни.

Ноз ўзга, ғамза ўзга, сирли карашмангиз бор,  
Сев дейди қош имоси, севмай бўлурми сизни.

Феруза дарчасидан ойу қуёш мўралар,  
Сиз асли муддаоси, севмай бўлурми сизни.

Кўзгу жамолингиздан касб айламиш жилолар,  
Кўнглим жаҳоннамоси, севмай бўлурми сизни.

Ҳар бир табассумингиз ҳар бир нигоҳингиз ҳам  
Дил дардининг давоси, севмай бўлурми сизни.

Одобу иффатингиз элда намуна бўлди,  
Мен хулқингиз фидоси, севмай бўлурми сизни.

Севдим дедимми, севдим, Чустий бўлак сўзим  
йўқ,

Эй дилни дилрабоси, севмай бўлурми сизни.

## ТИЛАГИМ

Жонга жафолар излама, изла умр бақосини,  
Элга ёмонлик айлама, айлагил эл ризосини.

Ақли расодан ажрама, ажрагил норасосидан,  
Бошга балони хушлама, хушла хуши расосини.

Меҳр танобини узма, уз жаҳлу ғазаб танобини,  
Қилма деганни қилма, қил севгини муддаосини.

Севги йўлида тўхтама, тўхта қачонки жон кетар,  
Боқмаса ёринг, ўйлама, ўйла гўзал вафосини.

Нозинг ипини ушлама, ушла қўлимни, дилбарим,  
Қўйма бу қўлни, ташлама, ташла кўзинг қиёсини.

Менга лабингни бурма, бур тўғри йўл ила, мен  
борай,  
Жаҳл тўнини кийма, кий яхшилигинг либосини.

Қавли бузуққа боқма, боқ Чустийга, чунки  
содиқинг,  
Зоҳири дўстни кўзлама, кўзла дил ошносини.



## НАВОИЙ

Адаб мулкин гулистони — Навоий,  
Адиблар фахри, достони — Навоий.

Қаламга жон кирар мадҳин ёзарда,  
Ғазаллар жисмининг жони — Навоий.

Тафаккур оламида марди майдон,  
Азиз ўзбек шараф-шони — Навоий.

Қаламкашлар агар бўлганда минг саф,  
Баҳодир бош қўмондони — Навоий.

Ҳисобсиз маънавий боғларга боқсам,  
Аларнинг катта боғбони — Навоий.

Жаҳонда қилди чексиз одамийлик,  
Буюк инсонлар инсони — Навоий.

Навоий қадрига етди замонам,  
Бу даврон янги даврони — Навоий.

Унинг шогирдларин шогирдиданман,  
Хазина менга — девони Навоий.

Қўйиб кетди ҳисоби йўқ асарлар,  
Эрур нодир асар кони — Навоий.

**Менинг шеъримга ҳам андоза бўлди,  
Етук мезонулавзони — Навоий.**

**Дедим таъзим этиб, алқисса, Чустий,  
Сухан шоҳию султони — Навоий.**

## НАЙ

Агарчи, айрилиқдан нолаю фарёд айлар най,  
Ажабким, гамли кўнгилларни йиғлаб шод айлар  
най.

Неча жойдан тешилмиш бағри ҳижрон ханжари  
бирлан,

Дили вайрону дил вайронасини обод айлар най.  
Куйиб-ёниб элига нур берган шаъмлар янглиғ,  
Фигон бошлаб аламлар дудини барбод айлар най.  
Бу ҳикматлар фусун эрмас муҳаббат мўъжизотидир,  
Ўзи банду дилинг бандин ечиб озод айлар най.  
Етургай чўлда Лайлидан хабар Мажнун қулоғига,  
Уриб тоғларга савтин тешаи Фарҳод айлар най.  
Гуландом суратин авжи чизиб ишқ аҳли базмида,  
Ўзин недир ҳунарлик Монию Беҳзод айлар най.  
Ва лекин қанчаларга ёру ҳамдам бўлгани бирлан,  
У кун найзор аро қолган тубини ёд айлар най.  
Гаҳи булбул, гаҳи тўти, гаҳи қумри, гаҳи шоир,  
Бўлиб суҳбатлар ичра ранг-барнг ижод айлар най.  
Нафас дорусини най заҳмига қўйганда найчилар,  
Уларнинг номин элда меҳтару устод айлар най.  
Демангки, най жудоликдан шикоят айлагай доим,  
Ҳунарсиз найчиларнинг дастидан ҳам дод айлар най.  
Улуғ устодлар най таърифин кўп айтган, эй Чўстий,  
Улардек мадҳ этолсанг, сенга ҳам имдод айлар най.

## ҒАМНИ НА ҚИЛАЙ

Сўнгги роҳат бўлмаса, беҳуда ғамни на қилай?  
Ёр кўйин топмаган расво қадамни на қилай?

Юзда холи қоши тебрар чоғида томган сиёҳ,  
Дил қўнар манзил шудир, ўзга ҳарамни на қилай?

Дилбарим бир нутқи бирлан берди олам лаззатин,  
Тегмаган ошиқ лаби ул жоми жамни на қилай?

Кокилин ушлаб, кулиб, ёнимда ёр этди ҳазил,  
Ўзганинг васлин нетай, мен ўзга дамни на қилай?

Бу нигоримдан айирмоқ истаган ағёрни  
Пора-пора қилмаса жону танимни на қилай?

Аҳду паймонида содиқ турмас у дил эмас,  
Зоҳиран ҳар кунда минг ичган қасамни на қилай?

Қошидек тебранмаса кўз шўхлигин таърифига  
Чустий, шоир илкида тутган қаламни на қилай?

## САДАҒАНГ БҰЛАЙ, НИГОРИМ

Сени яйратар диёрим, садағанг бўлай, нигорим,  
Қарашинг менинг мадорим, бу томонга бир қараб  
қўй.

Менга йўқ гувоҳни илма, бери кел, узоққа жилма,  
Гўзалим, баҳона қилма, бу томонга бир қараб қўй.

Очиқ айтаман бу сўзни, биласанми бу рамузни,  
Уялиб қочирма кўзни, бу томонга бир қараб қўй.

Ўзинг айт, қаён кетай мен, тилагинг недур, нетай  
мен,  
Яна қанча сабр этай мен, бу томонга бир қараб қўй.

Сени ойу кун гадоинг, яна ортадур чиройинг,  
Чустий ҳам сенинг фидойинг, бу томонга бир қараб  
қўй.

## МАШИНИСТКА ТУРСУНОЙГА

Турсуной парвозини осмонда мақтаб юрсин ой,  
Турсуной янглиг тўлиб хизматда жавлон урсин ой.  
Уйнашур хат тугмалар устида нозик қўллари,  
Турсунойнинг мўъжизотин хат ёзишда кўрсин ой.  
Хоҳласа ўн беш қават қоғозга бир хил хат босар,  
Бу каромат сирларин бармоқларидан сўрсин ой,  
Меҳрини чиқ-чиқ этиб, дил дафтарига нақш этар,  
Номи ўчмасдан кўнгишлар ичра доим турсин ой.  
Ишлаганда Турсуной тирноқларининг жилвасин  
Кўкда барқ урганда кўргач, кўзларига сурсин ой.  
Турсуной иш созини чертганда рақс айлар кўнгул,  
Бу тараннум завқи бирла ёнида ўлтурсин ой.  
Бу ҳунар бирлан чаман япроғларига хат босиб,  
Айлагай булбулни ҳам ширин ғазалхон, Турсуной.  
Бахту иқболу шараф, омад, зафар ҳамроҳидир,  
Турсунойга Чустийдек таъриф ёзиб келтурсин ой.

## МЕН ҲАМ БОРАЙ

Янги олам қургали кенг чўларо мен ҳам борай,  
Чин кўнгилдан бу самимий илтижо, мен ҳам борай.

Қолдирай келгуси авлодимга шул кундан нишон,  
Меҳнатимни эл кўриб, бўлсин ризо, мен ҳам борай.

Ташна чўлга сув берай, гавҳар терай ер конидан,  
Халққа келтирмоққа дурри бебаҳо, мен ҳам борай.

Янги ерда бўлса ҳиссам, зўр армоним шудир,  
Қолмасин армон кўнгилда, муддао мен ҳам борай.

Дўстларим боғин қаторида қатор боғ айлайин,  
Саҳни бўлсин тоза дилкаш, хушҳаво мен ҳам  
борай.

Нур олай меҳрим-ла сим боғлаб Кремль нуридан,  
Шул эрур тинчлик қуёши, доимо мен ҳам борай.

Партиям, халқим, диёрим хизмати бахтим менинг,  
Чустий, бу хизматни қилмоққа бажо мен ҳам  
борай.

## ДИЛ ТАРАННУМИ

Ҳар йигит-қизда агар шарму ҳаёси бўлмагай,  
Элда унга жонкуяр бир ошноси бўлмагай.  
Бўлмаса ўғлинг-қизингнинг хулқу одоби гўзал,  
Сен учун таънау маломат интиҳоси бўлмагай.  
Ҳаддан ортиқ эркалатсанг, душманидурсан ўзинг,  
Талтайиб тантиқ ўсар, сенга вафоси бўлмагай.  
Бўлса одамдан биною бўлмаса одам каби,  
Ваҳшидан не фарқи бор десам, хатоси бўлмагай.  
Гар ёмон ўсса фалон жоҳил, фалонни ўғли дер,  
Яхши ота-онани бунга ризоси бўлмагай,  
Уз ичингдан дейдилар чиққан балога йўқ даво,  
Яхши ўстиргин, болангни бир балоси бўлмагай.  
Халқдан лаънат эмас, раҳмат эшитмоқ истасанг,  
Тарбият қилгил ўғил-қизни, жафоси бўлмагай.  
Каттага ҳурмат, кичикка бўлса шафқат қалбида,  
Бу каби доно йигит-қизнинг баҳоси бўлмагай.  
Қанча топсанг шунча кўп сочгил насиҳат гавҳарин,  
Қиймати йўқ сўзни, эй Чустий баҳоси бўлмагай.



## ДОНО БУЛМАГАЙ

Ер юзида сенга тенглашгувчи барно бўлмагай,  
Келмагай дунёга, бу оламда пайдо бўлмагай.  
Турфа одобу ҳаё, лутфу назокат сенда бор,  
Қайси бир одам сени кўрганда шайдо бўлмагай.  
Бир боқиб эрдинг, қуёш қочди фалакнинг томига,  
Ҳеч қачон ер саҳнига икки қуёш жо бўлмагай.  
Тунга кундузликни бахш этган юзингдан ўргилай,  
Тоабад сендан бўлак бир олам оро бўлмагай.  
Етти иқлимнинг китобин хатми қилган бўлса ким  
Олмаса сендан сабоқ, умрида доно бўлмагай.  
Сен билан ким ошнолик рамзини куйламаса  
Бир умр ундай киши ҳеч кимга ошно бўлмагай.  
Менга ишқинг роҳату нозинг эрур оромижон,  
Бошима на келса, ҳаргиз менда парво бўлмагай.  
Бўлмаса меҳринг сўзидан лоақал бир ҳарф агар  
Минг ғазал ёзсинки, Чустий, унда маъно бўлмагай.

## ЕЗАЙ

(Доҳий Ленинга)

Дейди ҳар бир шоиринг мадҳингга минг дoston ёзай,  
Сўзни ози яхши, мен номингга бир девон ёзай.

Таърифим умри қуёш умри билан тенг бўлмаса,  
Найлайн шоирлигим, номимни саргардон ёзай.

Келтирур ҳар лаҳзада фикринг бу оламдан хабар,  
Бу хабар элга зафар ўлгунча беармон ёзай.

Ханжарим буррон, қўлим кучли, қалам-найзам  
менинг,  
Душманинг бағрин тешиб ер қоғозига қон ёзай.

Дўстларинг йўлингга жон берса, бўлиб котиб ўзим,  
Илтифотинг махзанидин унга янги жон ёзай.

Бир табассум чоғи бор сенда, бу давронинг яқин,  
Дафтари дунёни бер илкима, мен имон ёзай.

Қолмасин армон дилимда бир ишорат бўлса бас,  
Ерда, кўкда, тоғу тошда тўй қилиб алвон ёзай!

Бир муродим бор дейин ўзбеклигимдан бу нишон:  
Дўстларимнинг олдига Берлинда дастурхон ёзай.

Осмонни базмида юлдузлар ичганда шароб,  
Ҳар бирин номига Чустий, шунда минг дoston  
ёзай.

## ҚАРАБ ҚҰЙ

Мажнун кўзидан ишвали Лайлога қараб қўй,  
Лайло кўзидан Мажнуни шайдога қараб қўй.

Қалбимни кўриш истасанг, эй дўсти азизим,  
Сермавж, тиниқ оққучи дарёга қараб қўй.

Билмоқчи эсанг қайдан эрур кўзда севинч ёш,  
Ешимни қўю кўзлари шаҳлога қараб қўй.

Булбул фақат уч ойгина гул ишқида сайрар,  
Ошиқми шу ҳам, беҳуда даъвога қараб қўй.

Сут бирла кирибдур ватаним ишқи дилимга,  
Жон бирла чиқар асли бу маънога қараб қўй.

Кўрмоқчи эсанг ошиқу беишқ кўнгилни,  
Фарқин биласан, боғ ила саҳрога қараб қўй.

Еримга кетурдим дилу жон бирла бошимни,  
Бу арзимаган кичкина савгога қараб қўй.

Дунё тўла минг турли тамошо бору, аммо  
Бир ғамза билан боқса, тамошого қараб қўй.

Ер куррасида қанча гўзал бўлсанг, очиб кўз,  
Хуснингга ғурурланма, бу зебога қараб қўй.

**Кўрмоқ тиласанг ҳуснихат умринг варағидан  
Икки кўзининг устида имлога қараб қўй.**

**Езмоқчи эсанг ишқида, эй Чустий, чийстон,  
Лаъл устидаги битта муаммога қараб қўй.**

## БУЛГАЙ

Юзингдан юз ўгирган кимсанинг  
бахти қаро бўлгай,  
Йўлингдан кимки четлар бир  
балоға мубтало бўлгай.  
Дилингдан ким дилин узса, у дел  
жисм ичра нолайиқ.  
Уй ичра неки нолайиқ, уни  
сақлаш хато бўлгай.  
Нур олмасдан кўзингдан кўз  
узоқларни кўрөлмайдир,  
Чироқнинг нури кам бўлса, у хона  
кам зиё бўлгай.  
Қадинга соя бўлмоққа чаманда  
сарвлар муҳтож,  
Уларнинг ҳожати боғ ичра сен кирсанг  
раво бўлгай.  
Тилингдан баҳрасиз булбул навосига  
қулоқ солмам,  
Дилимнинг гунчасин доғига лаълингдан  
даво бўлгай.  
Дилим ҳам сен, тилим ҳам сен, жудо  
бўлма, бошим ҳам сен.  
Нега даркор ўлур у тан агар бошдан  
жудо бўлгай.  
У кун Лайлини севди Қайс  
мажнунлик лақаб олди,

Бу кун кимки сени севса  
уни ақли расо бўлғай.  
Адашмас, йўлда қолмас, чарчамас,  
ҳаргиз, Ватан — жоним,  
Нечун ким тоабад Чустийга  
ишқинг раҳнамо бўлғай.

## ЎТДИЛАР ҚАРАМАЙ

Не бўлди ёри вафодор ўтдилар қарамай,  
Билолмадимки не гап бор ўтдилар қарамай.

Кўришга юзларини йўлда интизор эрдим,  
Қараб у ёнга менга ёр ўтдилар қарамай.

Шу бўлдимۇ менинг ишқим натижаси охир,  
Қилиб натижани бекор, ўтдилар қарамай.

Кўзимда бошқага юз марталаб қиё боқибон,  
Надур каминага бир бор ўтдилар қарамай.

Агар-чи, боқмасалар ҳам камолга етсинлар,  
Муҳаббатим мени бисёр, ўтдилар қарамай.

Омонми деб сўрамишлар бу сўздан ўргилайин,  
Агар-чи, кўзлари хуммор, ўтдилар қарамай.

Ва ё эшитмадиларму салом қилган эдим,  
Йўқ эрди ўртада девор, ўтдилар қарамай.

Бу кунму эртаму ҳол сўрсалар ажаб эрмас,  
Демайки, Чустийга зинҳор ўтдилар қарамай.

## ОЗ БЎЛМАГАЙ

Дейдилар чумчуқ семирган бирла у ғоз бўлмагай,  
Торида минг ўйнасин ўргамчи дорбоз бўлмагай.

Товус очган бирла ўрдак тухмидан ўрдак чиқар,  
Минг қанот силкитсин у товусча танноз бўлмагай.

Ногаҳон қиш чилласида йилт этиб чиқса қуёш.  
Барчага маълумки, кўкламдан бурун ёз бўлмагай.

Ҳирс майдони аро ҳар ён чошиб жавлон урар,  
Минг югурган бирла сичқонлар чавандоз  
бўлмагай.

Гар қанот боғлаб чумоли учса у қушларга ем,  
Ҳаддидан ошгучи манманларга эъзоз бўлмагай.

Эй уруш саҳнин сатанги сен хунуклардан хунук,  
Юзга сурма, бас қил, одам қони пардоз бўлмагай.

Туз ўзи оқу ва лекин тузни оқлашлик қийин,  
Ким буни фаҳм этмаса эл ичра мумтоз бўлмагай.

Минг яша даврим, ҳақиқат созини соз айладинг,  
Тоабд авжи баланд бу соз носоз бўлмагай.

Қанча кўп шод айласанг Чустий элингни шунча оз,  
Сенга ҳам юрту элингни раҳмати оз бўлмагай.



## АЛДАГАЙ

Ўйнатай деб қатра-қатра ёшни мужгон алдагай,  
Бу табиий ҳар киши ҳам ёшни осон алдагай.

Қанча йиллар ҳамнафас, ҳамдарду ёринг бўлса  
ҳам,  
Эътиқод этма, сени ташлаб кетиб жон алдагай.

Дўст эмиш нодонга дўстим, дўстими нодон демам,  
Чунки аксар пок дил донони нодон алдагай.

Тулки тулкилик қилур маккор эрур, ваҳший эрур,  
Бу таажжубким, азиз инсонни инсон алдагай.

Мен сира инсон демам алдамчи-ю, айғоқчини,  
Чунки у хил кимсаларни нафси шайтон алдагай.

Жўш уриб кўзга кўринмасдан томирда айланиб,  
Урмасанг наштар ошиб ҳаддан ҳаром қон алдагай.

Зилзила қайда бўлур, қанча бўлур маълум эмас,  
Элни гафлатда қўйиб, жонликни бежон алдагай.

Алданиш селига дуч келмай десанг чўққига чиқ,  
Ким тубанда қолса, бўҳтон сели чаққон алдагай,

Қанча алдандинг ҳаётинг ичра Чустий эслагил,  
Бўлмасанг ҳушёр яна ул аҳди ёлгон алдагай.

## ЗАФАР БЕРГАЙ

Жаҳон халқига донолар ҳақиқатдан хабар бергай,  
Улар фикрин дарахти доимо ширин самар бергай.

Яқин бўл яхшилар бирлан, вале қалбини ранжитма,  
Асалари асал бергай, агар чақса заҳар бергай.

Емондан яхшилик ким кутса оқиллар кулар ундан,  
Ким айтурки чиён ниши, илон коми шакар бергай.

Қуёш-ку, элга кўрсатгай улуғлик хислатин ҳар дам,  
Аёқ остида ер қалбини топсанг сийму зар бергай.

Кўнгил овла, кўнгил овла, кел эй дўстим, кўнгил  
овла,  
Агар дарё дилига йўл тополсанг у гуҳар бергай.

Йўлиқса душманинг ҳатто табассум-ла назар ташла,  
Жавоҳир зоти ҳар кимга баробар жилвалар бергай.

Қўлида балки тиллодан қалам тутган билан шоир,  
Ҳунарсиз бўлса элга қадр қийматсиз асар бергай.

Эмасман файласуф аммо ўқиб келдим, уқиб билдим,  
Агар кимки амал қилса, бу сўз сўзсиз зафар бергай.

Агар берган эса бир хол учун икки шаҳар Ҳофиз,  
Табиат балки Чустий назмига шамсу қамар бергай.

## БОШ БЎЛМАГАЙ

Дейдилар олтин, кумуш ош бўлмагай,  
Арпа, буғдой ҳеч қачон тош бўлмагай.

Жонфидо бўлсин тафаккур аҳлига,  
Яхши фикри бўлмаса, бош бўлмагай.

Хонадоннинг бошлиғида бўлса бош,  
Эларо фарзанди бебош бўлмагай.

Юз туман пардозу андоз этса ҳам  
Ота ҳаргиз ўғлидан ёш бўлмагай.

Жинси бору насли бор ҳар жонлини  
Ҳакка булбулга қариндош бўлмагай.

Кўзу қошдек топмаса ўз ўрнини,  
Элга ул мисли кўзу қош бўлмагай.

Бир ҳовуч дон тер бу сўздан, Чустийё,  
Арпа, буғдой ҳеч қачон тош бўлмагай.

## АЙЛАНАЙ

Ёр яшаб турган ватандан мисли дарё айланай,  
Бунга ўхшаш ёр топилмас гарчи дунё айланай.

Уйғониб тонг уйқусидан дейдилар ёрим кўриб:  
Ширину Фарҳоду Мажнун бирла Лайло, айланай.

Кокилин ҳар тери бир йўлдир қуёш иқлимига,  
Ушбу йўл бирлан юриб бормоқда боло айланай.

Шириним излаб юриб топдим бу Фарҳод тоғидан,  
Тош отар дарёга ўйнаб шўхи барно, айланай.

Саф тузиб ошиқлари ушлаб муҳаббат байроғин,  
Келдилар хизматга юз мингларча шайдо,  
айланай.

Ёзмаса мадҳин қалам, боши кесилсин жисмидин,  
Чустий аҳдим ханжари кесмоқда бурро айланай.

## АТЛАСБОФЛИК

Мақсадига еткизар ҳар бир кишини софлик,  
Ҳеч қачон манзилга еткизмайди ноинсофлик.

Алмашур олтинни мисга, мисни олтин дейди ул,  
Қилмаган бўлса агар заргарлигу саррофлик.

Арпа, бугдою нўхот, бурчоқ<sup>1</sup>ни қадрин билмагай,  
Қилмаган одам ҳаёт кашпонида аллофлик.

Ақл ила илму тамизу қобилият бўлмаса,  
Шеър мулкида қилолмас ул киши кашшофлик.

Назмимиз иқлимида кўпдир парипайкар ғазал,  
Сиз демангки бул парилар асли кўҳиқофлик.

Умр нақдини тежангу айламанг беҳуда сарф,  
Етмагай мўлжалга асло умр эса исрофлик.

Чуст шаҳрида туғилдим, шул сабаб Чустий  
лақаб,  
Отадан мерос шоирлик-ла атласбофлик.

---

<sup>1</sup> Б у р ч о қ — дона, дўл, ловия, тер қатраси.

## Ю Р А К

Бўлса бу олам бадан, унда азиз инсон юрак,  
Бўлмаса инсон бўлолмас унга минг осмон юрак.

Турли иллат, турли доғларга дучор ўлгай бадан,  
Тоза қонлик бўлмаса, гар бўлса ифлос қон юрак.

Бошларин айлантириб беҳуда восвослар билан,  
Баъзи одамларни айлар дарбадар сарсон юрак.

Маърифат, дўстлик, омонлик гаҳварин истовчига,  
Мақсадин тухфа қилур давронимиз уммон юрак.

Бўлса ҳар кимки юраксиз, бўлмагай унда ҳаёт,  
Мен тирикдурман ташаккур, менга бу даврон юрак.

Ишқ ўтига хору хас тоқат қилолмас бир нафас,  
Тоабад ишқим ўтига бўлди оташдон юрак.

Бир жаҳондан ҳам улуғ, минг шоҳу султондан  
буюк,  
Мен каби ҳар бир кишида бўлса беармон юрак.

Ерга тегмас елкаси минг-минг кураш майдонида,  
Халқимиз голиб, баҳодир, тенги йўқ полвон юрак.

Бу диёрим турли бойликларга кон бўлган каби,  
Менда ҳам Чустий ғазал дуррига бўлди кон юрак.

## НЕ КЕРАК

Яхши улфат ичра бебош не керак?  
Ошаро тиш синдирар тош не керак?

Тош керакли бўлса, йўқ оғирлиги,  
Тошча қадри бўлмаса, бош не керак?

Еирга юргай, соя, гарчи соядир,  
Йўлда ажраб қолса йўлдош не керак?

Бетутун бўлгай тутинганлар сўзи,  
Сергутун, аччиқ қариндош не керак?

Баъзилар ошингни еб бошинг ғажир,  
Тош ғажиб ўтсин, унга ош не керак?

Ёрнинг қалби чиройлик бўлса, бас,  
Бевафо бўлса, қаламқош не керак?

Уйламай қилгай ёмонликни ёмон,  
Яхшилиқ қилмоққа кенгош не керак?

Сўрма Чустийдан ёшини неча деб,  
Шеър агар маъқул эса, ёш не керак?

## ЧИРОЙЛИК

Биёбонни қилур боғбон чиройлик,  
Қилур боғни гулу райҳон чиройлик.

Бу маълум — беқуёш олам қоронғу,  
Қуёшсиз бўлмамиш осмон чиройлик.

Агар-чи, мева дастурхонда кўпдир,  
Уни албатта этгай нон чиройлик.

Гўзаллардан гўзалдир кимки доно,  
Бўлолмас эларо нодон чиройлик.

Чиройли ҳам хунук, йўқ бўлса ақли,  
Хунукни айлагай ирфон чиройлик.

Кўзингни нури ҳам оқу қорасин  
Қилур саф тортишиб мужгон чиройлик.

Фазилатлик кишилар бирла бўлгай  
Яна тобора бу даврон чиройлик.

Уйингни равнақи покизаликдир,  
Дилингни қилгуси виждон чиройлик.

Аланга бирла қон мудҳиш кўрингай,  
Кўзимга лола-ю, алвон чиройлик.



**Чиройликлар йиғилса, ҳаммадан ҳам,  
Кўрингай элга чин инсон чиройлик.**

**Ғазал ёз, Чустий, чин инсон ҳақида,  
Бўлур мадҳи билан девон чиройлик.**

## ОРОМИЖОН ҒАЗАЛ ЁЗ!

Кўрсам юзингни ҳар дам, гўё кўрилмагандек,  
Орзу гулоби завқим жомига тўлмагандек.  
Меҳринг матои дилда минг йиллаб эскимайди,  
Кўз-кўз қилурман элга, ҳаргиз тutilмагандек,  
Киприкда томчиларни тўкмоққа саъй этарман,  
Юлдузлари фалакнинг ерга тўкилмагандек.  
Кўнглим ипин маломат бармоғлари суғурди,  
Лекин бутун ҳамиша, чоки сўкилмагандек.  
Ишқинг ҳароратига жисмим чунон чиниқди,  
Офтоб ўтида тоғлар сойга қуюлмагандек.  
Кўнглимда ҳарна борин айлар тилим тараннум,  
Булбул тили чаманда сайраб тutilмагандек.  
Оромижон ғазал ёз, жон бахш этар кишига,  
Юргил жаҳонда Чустий гўёки ўлмагандек.

## ҒАЙРАТ КЕРАК

Доимо десанг туганмас, бир умр роҳат керак,  
Тўғрилиқ бирлан сенга аввал ҳалол меҳнат керак.

Бахт бир олижаноб қушким, баландпарвоз эрур,  
Бу баланд учганни тутмоққа баланд ҳиммат керак.

Кимки бу йўлда машаққатдин қочар номард эрур,  
Мард учун ҳақли кураш бирлан чидам, тоқат керак.

Халқ учун мақбул бўлишга дурри яктолар каби,  
Имтиёз этганда олий қанча бир хислат керак.

Бир томон кам бўлса, тенг турмас тарозу палласи,  
Истасанг доим улуғ ҳурматни, тенг хизмат керак.

Давримиз техника даври, фикримиз ундан баланд,  
Урганишга, юксалишга қунт керак, ғайрат керак.

Ер юзида тинч ҳаёт, дўстлик ривож олмоқ учун,  
Шу улуғ тўғри сиёсат, тенги йўқ қудрат керак.

Ойга учмоққа ясарлар илму дониш-ла қанот,  
Офарин, минг офарин, шундай улуғ журъат керак.

Э улуғвор партия, сенга ташаккур этгали,  
Юз йил озлик айлағай мингларча йил фурсат  
керак.



## ТУҲФА

Ман демасманким ғазал ёзмоққа сийму зар керак,  
Ё демасман, ойу кундек икки нур дафтар керак.

Тахланиб ётган кўнгиллар дафтарин авроқи кўп  
Не керак, илҳом деган доно, парипайкар керак.

Биргина яхши ғазал олгай кўнгиллар оламин,  
Дема бу оламини забт этмоққа Искандар керак.

Кўп санам, кўп жодуваш кўнглимга кирмоқ  
истади,  
Йўқ дедим, овора бўлма, дилга бу дилбар керак.

Ҳар гўзалдан ҳам гўзал, ҳар яхшидан ҳам  
яхшидир,  
Яъни таърифига бундан яхшироқ сўзлар керак.

Ушбу дилбар хоҳишин дарёсининг ғаввосимен,  
Менга мақсад денгизидан бебаҳо гавҳар керак.

Гарчи энг тўғри, муқаддасдир муҳаббатнинг йўли  
Лекин ошиққа садоқатдек улуғ раҳбар керак.

Бу қўшиқ Чустий, ғазал шайдоларига туҳфадир,  
Зар агар бир заррача, ишлатгали заргар керак.

## ДУСТЛИК ТАРОНАСИ

Гарчи зотан, захри қотил қилса одамни ҳалок,  
Дўст учун ютсам захар, дерман, менга май берди  
ток.

Ер учун жондан кечиш янги туғилмоқ дейдилар,  
Онадан янги туғилсам кошки жондан не бок.  
Ишқ ҳарфин вази олтин тоғидан оғир келур.  
Тортса дил мезонида, албатта, ҳар бир қалби пок.  
Меҳр боғи мевасин ингичка бўлса банди гар,  
Бир шамол бирлан бўлур ер бирла яксон мисли нок.  
Бир ювилмай чокидан кетган кийимдек баъзи дўст,  
Молу пул деб чоки йўқ дўстликни айлар чок-чок.  
Тоабад ёнгай Ватан дўстин чароғи шубҳасиз,  
Ким шу нур бирлан юраркан йўлда бўлмас хавфнок.  
Анжуман тузди бу сўз тасдиқига идроку ақл,  
Бу йиғинга Чустий ҳам жон бирла қилди иштирок.

## ГУЛИСТОН ҚИЛ

(Ҳамза Ҳақимзодага назира)

Комсомол йигит-қизлар, Мирзачўлни бўстон қил,  
Куйдириб тиконларни, ўрнини гулистон қил.

Ағдариб, чуқур ҳайдаб, ер юзига пардоз бер,  
Пахтага қуёш нурин кенглигича майдон қил.

Пахта тоғларин тикла чўққисиди юлдуздек,  
Нур сочиб бу оламга, қоматинг намоён қил.

Олмаю анор, анжир, ток экиб кўпайтиргил,  
Паҳлавон йигитлардан унга яхши боғбон қил.

Тўйга таклиф этмасдан, бор ўзинг қариндошдек,  
Эл билан кўмаклашгин, ҳамма ишни осон қил.

Сув қуёши нур сочсин, тонг юзи каби яшнаб,  
Ҳар қадамда бир машғал порласин, чароғон қил.

Қутламоққа келгайлар юртлару узоқ дўстлар,  
Жон билан қабул этгил, дил уйига меҳмон қил.

Чўлда бир рекорд қўйгил, сўзласин бутун дунё,  
Ўчмасин азиз номинг, минг варақли достон қил.

Элга гул тутиш бўлса мақсадинг агар тўйда,  
Мирзачўлга бор, Чустий, дафтаринг гулистон қил.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ, ДЕЙДИЛАР

Ғолиб эл бўлсин муборак навбахору гулжамол,  
Интизор эрди висолинга диёри баркамол.

Завқу шавқ ила азиз эл, хуш келибсиз, дейдилар,  
Марбаҳо дەر ошиқи бирлан нигоро лаъли бол.

Ҳар дарахт япроғи кафтдек бошидан инжу сочар,  
Тўй қилур боғлар аро гўёки ёри навниҳол.

Кўрсатур гоҳ беркитур юзни қуёш кўк пардадан  
Чолди ой чилдирмасин тўй гулузори эҳтимол.

Косинот янги кийиб байрамга айланди Ватан,  
Халқу булбулларда ҳам табрик шиори ҳар мақол.

Аҳду паймон базмини бошлаб юборди завқ ила  
Беҳисоб ҳосилни кўзлаб пахтакори безавол.

Йўрға, беқамчи пўлат отин эгарлаб қўйдилар,  
Қанча-қанча кучга тўлган шоҳсувори бемисол.

Кўз-кўз айлайдур жамолини зафар дилбарлари  
Дўстларим қутлуғ, ҳалол меҳнат изҳори бу висол.



Жилвагар тинчу омонликни юзи мисли қуёш,  
Кўрдию тарихнинг аввалги баҳори бўлди лол.

Минг тўққиз юз етмиш олтинчи баҳор ҳуснин  
кўриб,  
Етмиш уч ёшимда бўлдим жон нисори бемалол.

Ранг-баранг табрик гулин илҳом баҳори яшнатур,  
Ол териб Чустий ғазалнинг лолазори дейди, ол.

## ИНСОН БИЛАН ҒАЗАЛ

Даврон танида яйради инсон билан ғазал,  
Бир ном билан аталса бўлур жон билан ғазал.

Инсон ғазалга руҳу ғазал руҳ учун ғизо,  
Жону таним эрур мени даврон билан ғазал.

Кесса қўлимни ишқ пичоғи қалам қилиб,  
Сабрим саҳифасига ёзай қон билан ғазал.

Қилса ғазал замонда қуёш юзли таърифин,  
Қолмайди ерда, бўйлашур осмон билан ғазал.

Майдони ишқ ичинда шижоатли шаҳсувор,  
Жонбозу, марду, ғолибу виждон билан ғазал.

Ҳеч бир замонда нур била зулмат бирикмаган,  
Кун бирла тунга ўхшади нодон билан ғазал.

Бизнинг ғазални янги хусусияти шуки,  
Ҳар вақти бирга ишчию деҳқон билан ғазал.

Райҳону зулфу сунбул ила мушк бўйини,  
Бахш этди менга ёри қадрдон билан ғазал.

Булбул тараннум айласа гулгунча илқида,  
Шундай эмасму маънида хушхон билан ғазал.

Севгини битта дейдилару Чустий чорасиз,  
Мафтун этибди қалбини жонон билан ғазал.

## ТАНҲО БЎЛМАГИЛ

Роҳату кулфатда ҳам бе ёру танҳо бўлмагил,  
Қайғу чоғида жудо бўлганга шайдо бўлмагил.

Кундузи то кечгача, қолмай кишидан соядек,  
Кечқурун йўқ бўлғучи вақтинча ошно бўлмагил.

Томчи сув бўл лоақал лаб ташналарнинг комига,  
Чўлга боқмасдан ўтиб кетгучи дарё бўлмагил.

Майли бўлсанг ҳам тикан эл душманин кўзига  
кир,  
Боғаро ҳар қўл ўзиб кетгучи раъно бўлмагил.

Сўзи бежо, кўзи бежо топмас элда эътибор,  
Эларо сен сўзи бежо, кўзи бежо бўлмагил.

Баҳра ол мардоналарнинг суҳбатида ҳар нафас,  
Беадаб, безорилар ёнида асло бўлмагил.

Эл учун бер яхши ҳосил, майли, тупроқ ҳам,  
бўлиб,  
Золиму жаллодлар кафтида тилло бўлмагил.

Илимдан бебаҳра олимдан саводсиз яхшидир,  
Гар амал қилмас эсанг илмингга, мулло бўлмагил.

Сўзлагил, Чустий, тошиб ҳар сўзни, бўлсин  
мўътабар,  
Мағзи йўқ сўзларни деб, эл ичра расво бўлмагил.

## ҚЎЗҒОЛ!

1942

Қўзғол, қўзғол!  
Номус учун, ҳаёт учун,  
Ватан учун, авлод учун қўзғол!

Ота-она, ўғил-қизлар  
Оёқ ости бўлмасинлар,  
Мамлакатга бўлғил посбоч,  
Юргил чаққон, Ўзбекистон.

Қўзғол, қўзғол!  
Номус учун, ҳаёт учун,  
Ватан учун, авлод учун қўзғол!

Фашистлар,  
Фарзандларни етим қилди,  
Етимларнинг кўзин ўйди,  
Кўп жойларга ўтлар қўйди,  
Мазлум эллар жондан тўйди.

Қўзғол, қўзғол!  
Номус учун, ҳаёт учун,  
Ватан учун, авлод учун қўзғол!

Жонга жон ол, қонга қон ол,  
Евга от сол, бўлсин поймол,  
Юргил чаққон, Ўзбекистон,  
То қолгунча бир қатра қон.

Қўзғол, қўзғол!  
Номус учун, ҳаёт учун,  
Ватан учун, авлод учун қўзғол!  
Қонлар оқди дарё-дарё.  
Уликларга тўлди саҳро,  
Ҳеч кўрмаган буни дунё,  
Ев тухмидан қўйма асло.

Қўзғол, қўзғол!  
Ота учун, она учун,  
Оилангни сақлаш учун,  
Қўзғол, қўзғол!

## АЙНАН УШАЛ

Эл дилини шод этолсанг бегазон гулшан ўшал,  
Улса ҳам ким ўлмамиш дилларни яшнатган ўшал.

Охири дон хирмонидан қолмагайдир бир нишон,  
Қолса сендан маъни дони тоабод хирмон ўшал.

Сўз ўқин мақсад нишонига хатосиз отса ким,  
Асли тийрандозу моҳир мисли йўқ мерган ўшал.

Ким улуғдир билмасанг гар ушбу жамиятаро,  
Бўлса кимнинг ақли комил шубҳасиз улкан ўшал.

У тирик юрган билан ҳаргиз демагил у тирик,  
Қолса элнинг ҳурматидан бил тирик ўлган ўшал.

Мард душман, дейдўлар, номард дўстдан  
яхшироқ,  
Дўст агар номард эса сўзсиз сенга душман ўшал.

Қанча ўт бўлса рақибинг қалбида сенга не суд,  
Бўлса бир учқун дилингда ишқдин гулхан ўшал.

Севдим ул дилбарниким, халқу Ватан севди уни,  
Ой-у, юлдуз-ла қуёшнинг чеҳраси айнан ўшал.

Таърифин куйлаш учун танбур каби бел боғлаган,  
Ким десанг чин ошиқи шайдоси Чустий ман  
ўшал.

## ШУДИР ҚУРЪА, ШУДИР ФОЛ

Замонам берди илҳом жомида бол,  
Дилу жон олди ундан баҳра дарҳол.

Қалам қоғоз юзига берди зийнат,  
Ғазалнинг бўлди пайдо ҳуснида хол.

Юзингга, дилбарим, пардоз керакми?  
Керак бўлса ҳаё дўконидан ол!

Кўзингга сурма даркор бўлса ёрим,  
Вафонинг ҳусни, холига назар сол.

Десанг: бўлсин сўзим ўткир эл ичра,  
Тафаккур чарҳчисига чарҳлатиб ол!

Ривож истар эсанг бахтингга доим,  
Садоқатнеша бўлғил, бўлма баттол!

Десанг: руҳим ҳамиша шод бўлсин,  
Тирикликда элингни айла хушҳол.

Агарчи мева бермассан, ақалли,  
Ҳаёт йўлида бўлғил сояли тол.

**Ҳалол меҳнат, ирода, давр меҳри,  
Бири бахту бири омад-ла иқбол.**

**Келажак посбони, чин умиди  
Эрусан мужда ҳам шул: қуръа ҳам фол.**

**Ширин сўз дейдилар Чустийни нечун,  
Ширин даврон қуйибдир комига бол.**



## К У Н Г И Л

Агар эл ишқидан бебаҳра-ю, бегонадир кўнгил,  
Гули йўқ боғу гўё бечироқ тўйхонадир кўнгил.

Уни ҳар лаҳза пардоз этмаса дилдор меҳри-ла,  
Қаровсиз қолган уйдек ҳар тараф вайронадир  
кўнгил.

Жаноби ишқ ўрнига бўлак бир нашъа жойланса,  
Чилим бошига ўрнатган қаро сархонадир кўнгил.

Заҳарланган таом янглиғ тушар туфроққа  
оғзимдан,  
Агар ғайри ҳаваслар орзусида қонадир кўнгил.

Сочиб юрди яширмай ҳарна борин кўча-кўйларда,  
Уни айб айламанг ишқ ўйнаган девонадир кўнгил.

Саҳар болиним<sup>1</sup> узра севганим келгайму деб,  
бедор,  
Ётиб ором ололмай ҳар тараф тўлғонадир кўнгил.

Ватанпарварлар ишқи жойланиб олди аё Чустий,  
Кириб кўргин мунаққаш яхши меҳмонхонадир  
кўнгил.

---

<sup>1</sup> Б о л и н — ёстиқ, болиш.

## ОТА БУЙРУҒИ

Шер болам қучоғимга бир жаҳон бўлиб келгил,  
Сақлагил бу гул боғинг боғбон бўлиб келгил.

Буйруғим шудур санга зарра қайтма орқанга,  
Ёвни от жаҳаннамга, сен омон бўлиб келгил.

Кўз тутар қаро кўзлик, мунтазир ширинсўзлик,  
Бошимизга юлдузлик, осмон бўлиб келгил.

Эй йигитни мумтози, бўлмасанг агар ғози,  
Бўлмагай элинг рози, элга жон бўлиб келгил.

Ёвга бўлмагил банда, қилма бизни шарманда,  
Жонинг борича танда қаҳрамон бўлиб келгил.

Асра бўлса имонинг, жонинг Ўзбекистонинг,  
Гулласин гулистонинг, шодмон бўлиб келгил.

Ўйла оқ соқолимни, ўйла кекса ҳолимни,  
Қўйма асло золимни, навқирон бўлиб келгил.

Жонимизга бўл малҳам, ёвга сол қилич илдам,  
Чустий дер: бўлиб Рустам, дoston бўлиб келгил.

## О Т А М I

(Йўлдош Охунбобоев вафотига)

Рози бўл жонимни йўлингда нисор айлай, отам!  
Қон ёшимдан тобутингни лоззор айлай, отам!

Бебаҳо гавҳар вужудинг, меҳрибоним, ерга хайф,  
Марқад<sup>1</sup>ингни кўкда юлдузга қатор айлай, отам!

Ерга қўймам, кўкка қўймам, ҳажрингга йўқ  
тоқатим,  
Яхшироқ шулдирки, бағримга мазор айлай, отам!

Кипригимни сабза айлай кўзларимдан сув бериб,  
Бу чаман устида доим навбаҳор айлай, отам!

Хоҳи чанг, бегона хас тушса, тилим-ла тозалай,  
Асрлар кўзгуси қабринг беғубор айлай, отам!

Чустий, мен парвонадек ўлсам мазоринг устида,  
Бу яқинликдан ўзимни бахтиёр айлай, отам!

---

<sup>1</sup> Марқад — Тин олар жой, қабр.

## МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВАГА

Эл ичра азиз давр ила давронда Мукаррам,  
Гўёки ёруғ юлдузи осмонда Мукаррам.

Нуроний юзин жилваси жаннатда топилмас,  
Жаннат Ватаним ушбу гулистонда Мукаррам.

Нозик «Танавор» рақсида ул сарви хиромон,  
Дилларни асир айлади жавлонда Мукаррам.

Санъатда табиатча баҳор фасли яратди,  
Мангу бу «Баҳор», яъни шу бўстонда Мукаррам.

Эрону араб, ҳинду хабаш халқи дилида,  
Тобора ошар ҳурмати ҳар онда Мукаррам.

Рақсини эрур қойили кўрганда француз,  
Лондонда тасанно деди, Афғонда Мукаррам.

Ҳур ўлкаларим лавҳида бор номи шарифинг,  
Қардош элимиз Озарбайжонда Мукаррам.

Овозаси бор Шарқу Шимол, Ғарбу Жанубда,  
Камдир бу каби ҳеч еру ҳеч ёнда Мукаррам.

Дунё элининг қалбини хўб этди мусаҳҳар,  
Оламда саноқсиз дилу ҳам жонда Мукаррам.

Ўзбек қизию фахрию ҳам кўрки Ватанинг,  
Доим эл учун саҳнаю майдонда Мукаррам.

Рақс этса, юрак завққа тўлиб рақс этадир жон,  
Бу мўъжизанинг соҳиби давронда Мукаррам.

Санъат танининг қошу кўзи, жону дилидир,  
Яйрар абадий бахту шараф-шонда Мукаррам.

Тақдирлади даврон буни чўнг мартабаларла,  
Ленинни улуғлайди ҳар унвонда Мукаррам.

Шогирдлари бор Дилбару Раъною Дилафруз,  
Қизлар юрагим тўрида меҳмонда Мукаррам.

Кўп йиллар умр кўрмоқлиги чин тилагимдир,  
Минг йил ўқилур таърифи дostonда Мукаррам.

Табриклади олтмиш ёшини Чустий самимий,  
Эл қалбида, ҳар битта ғазалхонда Мукаррам.

## ОРИ ҲАМ, НОМУСИ ҲАМ

Сен қадам қўйдингу қочди тун кўзин уйқуси ҳам,  
Олди нур қалбим юзингдан, субҳидам кўзгуси  
ҳам.

Дилрабо кулдиргучингдан дилраболик ўрганур,  
Навбаҳорим чеҳраси ҳам, ғунчалар кулқуси ҳам.

Ким қуёшга боқса, ҳуснига жило тўлган каби,  
Жилва касб айлар жамолингдан шимол ёғдуси  
ҳам.

Солди ҳайратга мени ўткир кўзинг, донолигинг,  
Тирноғинг узра ёзилгандек фалак қомуси ҳам.

Қоматинг шайдолиғи давронда бир кунлик эмас,  
Мунтазир кўрмакка минг йиллар ўтиб, келгуси  
ҳам.

Таърифинг назмин кўзига сурма қўймоқда  
қалам,  
Кўзларига сурса арзийди Хўтан оҳуси ҳам.

Сенга топширган эди ёшлиқданоқ Чустий дилин,  
Сен билан хурсандлиги ҳам, роҳату қайғуси ҳам.

## МЕН ҲАМ

Ғазал осмонида қушдек ёзибон болу пар мен ҳам,  
Ватандан ўргилай, минг айланай шому саҳар мен  
ҳам.

Саховат авжида э ҳимматим тобора юксалгил,  
Замонда олиҳимматларла ўйнай ким ўзар мен ҳам.

Ташаккур устига юз минг ташаккур айласам ҳам оз,  
Нечунким давру даврон соҳиби, озод башар мен ҳам.

Қачонким инқилоб офтоби шуъла берди оламга,  
Уни нурын эмиб эл бирла бўлдим жилвагар мен  
ҳам.

Улуғ доҳий табассум бирла халқимга назар қилди,  
Ушал кун эл билан бир саф бўлиб топдим назар  
мен ҳам.

Уроқ ҳам болга шаклин игна санчмай дилга нақш  
этдим,  
Десам бўлмасму бу санъат билан аҳли ҳунар мен  
ҳам.

Еруғ юлдуз мени озод диёрим бирла фахр айлаб,  
Деди, кел қўлни бер, сен бирла бўлдим ҳамшаҳар  
мен ҳам.

Саҳар севгим билан тинчу омонлик созини чертиб,  
Бутун олам элига айладим чин хушхабар мен ҳам.

Демангки ерда тупроқ чангитиб юрган бир одамсён,  
Улуғ мақсад самосида қуёшла ҳамсафар мен ҳам.  
Довонлардан ошиб, халқим билан тўйга етиб келдим,  
Улуғ тўйхонада хизмат учун заррин камар мен ҳам.

Азиз дўстлар келибдирлар буюк тўёналар бирлан,  
Қуруқ келмай кетурганман дилу жону жигар мен  
ҳам.

Йигирма ёшни чўнтакка яширдим, индама, Чустий,  
Азиз республикам бирлан бутун эллик яшар мен  
ҳам.



## МУҲАББАТНОМА

Муҳаббат гул берур илгинга-ю, баъзида хайжар ҳам,  
Муҳаббат йўлдан оздиргай, бўлур энг яхши раҳбар  
ҳам.

Муҳаббат боғига кирган билур роҳат билан ранжин,  
Тикан ниш урса, гул айлар димоғингни муаттар  
ҳам.

Муҳаббат ўт қўйиб, бошдан-оёқ жисмингни кул  
қилса,  
Муҳаббат бир назар ташлаб, кулингни айлагай зар  
ҳам.

Муҳаббат бўлса инсония ҳаққоний, бу оламдан,  
Йўқолгай ерда айрим беҳаё хулқу қилиқлар ҳам.

Муҳаббат чин садоқат бирла мардлик,  
мардимайдонлик,  
Фалак мулкани сайр этдиргаю айлар мусаххар ҳам.

Жаҳон халқини дўст этгувчи омил чин муҳаббатдир,  
Шу бирлан яшнагай боғлараро сарву санавбар ҳам.

Муҳаббат ердан олгай ҳосилу тупроқни айлар д.,  
Қилиб чўлларни жаннат, этгай оламини мунаввар ҳам.

Муҳаббат номини булғовчилардан айлагай нафрат,  
Элу юрту қуёшу ою осмон бирла Хулкар ҳам.

Муҳаббат хислатин мингдан бирин айтдим,  
муродим шул,  
Соқов ҳам баҳраманд бўлсин, эшитсин баъзи бир  
кар ҳам,

Муҳаббатнома ёз, деб бу замон доноси, Чустийнинг,  
Қалам берди қўлига янги илҳом, янги дафтар ҳам.

## НАЗЗОРА ҚИЛСАМ

Кошки юзингга дилбар, минг йил наззора қилсам,  
Қасд этса кимки сенга, минг пора-пора қилсам.  
Ешликда дилни бердим, охир сочим оқарди,  
Ранг берса менга холинг, сочимни қора қилсам.  
Дардимга чора қил деб, оқ урди қанча ошиқ,  
Мен ифтихор этардим, дардингга чора қилсам.  
Дувё элин тўйингга, эй ёр таклиф этсанг,  
Жарчи бўлиб фалакда ойни нағора қилсам.  
Кўрдим табассумингни, эй бебаҳо ярим аср,  
Арзийди хизматингни тобора-бора қилсам.  
Дил шишаси висолинг атри билан тўлиқдир,  
Бўлғай жаҳон муаттар мен ошкора қилсам.  
Бир дам ҳам айрилишга Чустингни тоқати йўқ,  
Кошки юзингга дилбар, минг йил наззора қилсам.

## ЖОН, УҒЛИМ

(Ғафур Ғулом билан мушоира)

Саломимни эшит, майдонда ботир қаҳрамон ўғлим,  
Саломатмиз, саломат бўл, яша, соғ бўл омон,

ўғлим,

Жаҳондан маҳв бўлсин тоабад малъунлар авлоди,  
Қуёшдек пешвозингга чиқиб янги жаҳон, ўғлим.

Эшитдик бир ўзинг минглаб фашистлар бошин  
узмишсан,

Сенга минг офарин айтур замин у осмон, ўғлим.  
Машаққат чекканим оқланди, ўғлим, болиғ этгунча,  
Муҳаббат оқ сути сенга ҳалел ҳар бир замон,

ўғлим.

Ажойиб довурак фарзандларим бор, мақтаниб  
айтсам,

Ўзар бирла Ўсар ҳам сенга ўхшар бегумон, ўғлим.  
Ҳануз сен кўрмаган бордир уканг, отин Башар

қўйдик,

Башар бахти учун душманни қирғил беомон, ўғлим,  
Яқин кунда келурсан, келди шерим деб

қучоқларман,

Бўйингдан ўргулай, мардона бўл бу жангда жон,  
ўғлим.

Диловар қаҳрамонлик касб бўлди, жанг дастгоҳинг,  
Уриб турган юрак устига тақ Ленин нишон, ўғлим.  
Садоқат мактубин ёзди отанг Ғафур Ғулом сенга,  
Тоғанг Чустий ёзур мадҳингга юзлаб дoston, ўғлим.

## Қ А С А М

Кабоб ўлсин кўнгил сендан бўлакни ихтиёр этсам,  
Тешилсин, ўтга тушсин дилда бир ўзга қарор этсам.  
Деган эрдинг ўзинг ҳам, бу сўзинг кетмас

хаёлимдан,  
Кўзимдан айрилай ўлмай туриб ошиқни хор этсам.  
Дедилар менга, дилдоринг бўлак бир кимни ёр

этмиш,  
Бу ёлғондир, бошим кетсин, агар мен эътибор  
этсам.

Муҳаббат даштида Фарҳодга ўхшаб тоғни ағдардим,  
Умидим келгуси Ширинга роҳатлик диёр этсам.  
Уни саҳро демам, жаннатга бормам, хоки пойинг

бор,  
Етарманму сенга ҳимматла чўлни сабазор этсам.  
Кесилсин қўлларим, синсин қалам, кул бўлсин ул  
дафтар.

Сенинг ишқингдин ўзга бир ғазал ёзмоқ шиор  
этсам.

Муҳаббат номи тоғлар остида қолса эзилмайдир,  
Вужудим парчалансин Чустий, сендан ўзга ёр  
этсам.

## СОЗ ЭТ ЯНА, СОЗ БЎЛСА ҲАМ

Баъзида қишдан ёмон бўлгай ҳаво ёз бўлса ҳам,  
Баъзининг хулқи совуқ ҳар қанча танноз бўлса ҳам.

Тун эрур тун, унда гар ёнган билан юз минг чироқ,  
Тунга ўхшар қалби гар ҳуснида пардоз бўлса ҳам.

Мумкин эрмас тошбақа тухмин очиб бермоқ қанот,  
Тарбиятчилар агарда турнаю ғоз бўлса ҳам.

Яхшилар ҳар қанча кўп бўлса, яна кўп бўлса соз,  
Эларо кўплик қилур душман агар оз бўлса ҳам.

Дилни ранжитгай вале келса ёқимсиз кўп товуш,  
Бахш этар роҳат ёқимли якка овоз бўлса ҳам.

Боласин қушлар учирмас вояга етмай туриб,  
Воясиз сўзни учирма сенда парвоз бўлса ҳам.

Янги ой янглиг эгил эл олдида эй ёшлар,  
Гар мақомингдир фалак, юз шунча эъвоз бўлса ҳам.

Эй қалам тўғри юришдан толма, мағрурланма ҳеч,  
Ер билан кўк саҳни гўёки поёндоз бўлса ҳам.

Қўйма қўлдан эларо, солма ғилофига сира,  
Чустий фикринг танбурин соз эт яна, соз бўлса  
ҳам.

## ДИЛНАВОЗИМ

Сунди менга пиёла ёнимда дилнавозим,  
Тебраб лаби мақола ёнимда дилнавозим.

Нўш айлабон шаробин мастона сўзлаб эрдим,  
Айди менга уёла ёнимда дилнавозим.

У кечмайин гуноҳим этди адолатидан,  
Кўз-қошига ҳавола ёнимда дилнавозим.

Жабр этмоқ йстаб эрди, холин кафиллигида,  
Раҳм этди мен увола ёнимда дилнавозим.

Мен ҳам дедим ташаккур, эй дилбарим омон бўл,  
Кулдию тутди лола ёнимда дилнавозим.

Ушлаб қўлимни шу дам, сабр айла Чустий бир  
дам,  
Етгунг деди висола ёнимда дилнавозим.

## РАВШАН ЭРМАС

Равшан эрмас баъзига афсус муқаддас ғоя ҳам,  
Қалбига нур кирмагай бўлса қуёш ҳамсоя ҳам.

Сояси бўлгай агарчи мевасиз бўлсин дарахт,  
Мевасиз фикрин дарахти, йўқдир унда соя ҳам.

Барчага маълумки, тўлғоқ тутмагай беҳомила,  
Келтиролмас асли йўқ гўдакни минг-минг доя  
ҳам.

Онг ила виждон эрур икки қанот ҳар кимсага,  
Қолгуси ундан қуйи ҳар қанча юксак қоя ҳам.

Ризқу меҳри бошлагай, тинмай чумоли йўл  
юрар,  
Бе етов манзилга етмасдан чўкар елмоя ҳам.

Ҳамнафас бўлғил нафас борида эл ишқи билан,  
Сўнгра бўлмас ҳамнафас дунё тўла сармоя ҳам.

Парваришлаб вояга онгингни етказ, бўлмаса,  
Масхара айлар сени кўрганда ҳар бевоя ҳам.

Чустиё юксак ирода тоғини қилғил макон,  
Келса сел йўлин тўсолмас ерда минг сепоя ҳам.

## ОШКОР ЭТДИМ

Жаҳонга келдимү маълум этай, на қилдимү  
нетдим,  
Муҳаббат доясин эмдим, буни руҳий гизо этдим.

Буюклар тутдилар илгим, етаклаб йўлга солдилар,  
Муқаддас йўлга бел боғлаб улуғ карвон билан  
кетдим.

Бу йўлда ишқ устози севиб менга қалам берди,  
Ташаккурлар қилиб бу илтифотига ғазал битдим.

Илашган эрди домонимга нафси бад хашак  
янглиғ.  
Этакни бу каби олудадан мардона силкитдим.

Бироқ хобимда тулпор миндимү ёзди қанот  
қушдек,  
Кўзимни юмдимү очдим буюк манзил сари етдим.

Менга бир журъа<sup>1</sup> тегди, айлади ул журъа  
лояъқил<sup>2</sup>,  
Муҳаббат аҳлидан қолган қадаҳни тоза силқитдим.

Нигорим ишвасин тахтида менга бир кулиб боқди,  
Бошимдан ҳажр тоқисин олиб осмонга ирғитдим.

Сўзимни фаҳм этар деб ишқ майдони аро Чустий,  
Ниҳон тутмай дилимда ҳарна борим ошкор этдим.

<sup>1</sup> Журъа — қултум.

<sup>2</sup> Лояъқил — маст.



## ШИРИН СУХАН БҮЛДИМ

Қачонким мушфиқ она қорнида жонсиз бадан  
бўлдим,

Кириб жисмига руҳим нотавон бир парча тан  
бўлдим.

Туғилган кунда йиғлардим яланғоч, талхком эрдим,  
Муҳаббат дояси сут берди бир оз яйраган бўлдим.

Кўзим очдим ёруғ дунё жилосиз, тийраранг эрди,  
Агар-чи, она бағрида эдим зери туман бўлдим.

Тилимдан олди ул муҳри сукутни ишқ устози,  
Биринчи она, она дедиму меҳри билан бўлдим.

Ҳаётнинг воқеъотин бирма-бир айтмоққа ҳожат йўқ,  
Гаҳи маъюс, гаҳи мазлум, гаҳи эркин чапан  
бўлдим.

Муҳаббат мактаби менга садоқатдан сабоқ берди,  
Ўқиб ўргандим, ул кундан асири ушбу фан бўлдим.

Кўзимга жилвагар бўлди баногоҳ давр Ширини,  
Агар чандики ёш эрдим, мисоли Кўҳкан<sup>1</sup> бўлдим.

Машаққат тоғини кесмоқ учун қалбимда аҳд этдим,  
Шижоат тешасин ишлатдиму рўйинтан<sup>2</sup> бўлдим.

<sup>1</sup> К ў ҳ к а н — тоғ қазувчи (Фарҳоднинг лақаби).

<sup>2</sup> Р ў й и н т а н — мисбадан, жезбадан, тани мис,  
жез каби мустаҳкам.

Кўзимга хасга ўхшарсан деди ёрим, дедим балли,  
Вале боқдингу гул бўлдим, рақибингга тикан бўлдим.

Дилим саҳроси минг марта ташаккур айлабон  
наҳор,  
Деди, эй навбаҳор офтоби нур сочдинг чаман  
бўлдим.

Тилингдан маъни қандини тутиб олғил аё Чустий,  
Дединг мен баҳра олдим, шул сабаб ширинсухан  
бўлдим.

## **СЕНДАН РИЗО БЎЛДИМ, БОЛАМ**

**Ҳимматингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам,**

**Ҳурматингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Юз ўғилдек хизмат айлаб шодмон этдинг мени,  
Хизматингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Тупроғ олсанг, бўлсин олтин, обрўйинг ҳам  
баланд,  
Ғайратингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим, болам.**

**Сен ҳалол меҳнат қилиб, пири бадавлат айладинг,  
Меҳнатингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Айладинг юртимни жаннат зебу зийнатлар бериб,  
Жаннатингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Ота-она кўнглини олмоқни одат айладинг,  
Одатингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Ҳар она фарзанди сендек бўлса эрди кошки,  
Хислатингдан ўргилай сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Ҳодисотларнинг балою офатидан бўл омон,  
Қоматингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

**Она таърифи учун Чустийга илҳом ҳурматинг,  
Ҳурматингдан ўргилай, сендан ризо бўлдим,  
болам.**

## ОФТОБ КҮРДИМ

Эшитгил эй қуёш, сендан бўлак бир офтоб кўрдим,  
Ажойиб воқеа, ўнгиммиди ё балки хоб кўрдим.

Дилимни сув қилиб икки кўзимга тўлдириб қўйди,  
Унинг бу партавидан тинни гўёки симоб кўрдим.

Мажолим қолмади унга назар қилмоққа ду бора,  
Кўзимни юмдиму бошдан-оёқда изтироб кўрдим.

Жигардан бир хабар олмоққа жисм ичра назар  
қилдим,  
Танамнинг кўрасин устида дудланган кабоб кўрдим.

Мабодо учратиб қолсанг, қуёш, мендан салом  
айтгил,  
Висол айёмини сув устида мисли хубоб кўрдим.

Париларнинг париси, мўъжиза кўрсатди шул дамда,  
Қараб қўйгач пиёлам ичра чой эрди, гулоб кўрдим.

Отин сўрсам деди:— жон харфига нуну алиф зам  
қил,  
Ёзиб боқсам, у жонон бўлди, қоғозда жавоб кўрдим.

Яратганму муҳаббатни табиат шу туфайлидан,  
Бунинг асли билиб олмоқ учун минг-минг китоб  
кўрдим.

Танитди дўстларим бу маърифат мулкин қуёши деб,  
Узимга келдиму Чустий, кўзимда офтоб кўрдим.

## ҶАР КУНИ БИР КЎРМАСАМ

Дил ёришмас дилбаримни ҳар куни бир кўрмасам,  
Яъни офтоб пайкаримни ҳар куни бир кўрмасам.  
Бошим осмонга етарми шоду хурсандлик билан,  
Чин қадрдон дўстларимни ҳар куни бир  
кўрмасам.

Қайғурурман баъзида, баъзан ишим ўнг  
келмагай,  
Ишда лочин лобаримни ҳар куни бир кўрмасам.  
Бўлмагай оғзим ширин қанду асал ҳалво билан,  
Токи лаъли шаккаримни ҳар куни бир кўрмасам.  
Мис билан зар фарқини қилмас мени ҳайрон  
кўзим,

Заршунос ул заргаримни ҳар куни бир кўрмасам,  
Қиймати бўлмас сўзимнинг ишқ эли ичра сира,  
Сўзи дурри гавҳаримни ҳар куни бир кўрмасам.  
Боғи илҳомим эрур Чустий, ғазаллар-гулларим,  
Яйрамасман гулларимни ҳар куни бир кўрмасам.

## ДИЛНИ БЕЖО ҚИЛМАДИМ

Гул юзингдан бошқа гулшанни тамошо қилмадим,  
Бошқа бир гул меҳрини қалбимда пайдо  
қилмадим.

Чўларо ювдим юзим гардин севинч дарёсида,  
Мен биёбонда кўзим ёшини дарё қилмадим.  
Қалби бежолар юзингга кўзни бежо ташлади,  
Интиқом олдим улардан, дилни бежо қилмадим.  
Чунки ишқинг дояси мардона қилди тарбият,  
Юзига доғ солмадим, бу ишни асло қилмадим.  
Қошларинг меҳнатга чорлар, кўзларинг роҳат  
томон,

Бу тамошолардан ўзга бир тамошо қилмадим.  
Гоҳ тағофил айласанг мен сори бепарво қараб,  
Шунча бепарволигингдан сенга даъво қилмадим.  
Бол ари янглиғ сўриб меҳринг гулин бол  
тўпладим,

Чустий, умримда кепакдан элга ҳалво қилмадим.

## ДЕДИМ

Дилимни сенга узатдим, керак эмасму, дедим.  
Йигит кишига бу яхши тилак эмасму, дедим.  
Кўринди саҳнада оққуш қанотидек ёйилиб,  
Буралди, кўрдиму икки биллак эмасму, дедим  
Қулоғингга осилиб икки ёқут арз айлар,  
У балки икки бўлинган юрак эмасму, дедим.  
Табассум айлаб эдинг саҳна навбаҳор ўлди,  
Бу кулгу менга дилингдан дарак эмасму, дедим.  
Кўзинг қиёлади, ахтарди кимни шул онда,  
Хавотир ила у мендан бўлак эмасму, дедим.  
Қўлингга бу ғазалим бердимۇ қўлим тегди,  
Қўлингму ёки мулойим инак эмасму, дедим.  
Ҳавога бир назар этдинггу мен ишорат этиб,  
Ёнингда эрди-ку Чустинг, керак эмасму, дедим.

## ДАВЛАТИМ

Кишварим — қалбим: муҳаббат унда тожим,  
   шавқатим,  
 Ваъдаи ишқим бу кишвар ичра бахтим давлатим.

Айласам даъвои султонлик, эгар шаҳ қоматин,  
 Чунки шамширим садоқат, пок севгим қудратим.

Ўтга тушмасму, кесилмасму маломатнинг тили,  
 Май ичарман шавқи ёрим бирла ҳар кун ишратим.

Дўстларин дўсти эрурман, душманимдир душмани,  
 Бу сўзим ҳаққониятдир, тўғри сўзлаш одатим.

Эл мақоли: ўзни эр билсанг бировни шер бил!  
 Бўлсанг Афлотун, такаббур бўлма ҳаргиз,  
   улфатим.

Ўтда ёнсам, сувда оқсам, ё осилсам дорга,  
 Роҳатим жисмимда қонлик кўйлагимдир зийнатим.

Кипригим устига қўйса Кўҳиқоф оғирлигин,  
 Чустий деб бир боқишига арзимас бу меҳнатим.



## ДЕДИ БОБУР

Азиз эрди диёрим қошу кўзу жисму жонимдин,  
Жудолик истамасдим бир нафас ҳам бу маконимдан.

Фалак кажравлиги бирлан замон ғавғоси бирлашди,  
Тутиб пўстимни шилмоқ бўлди гўшту устихонимдан.

Туғишганлар талошиб тахту тож бегоналик қилди,  
Ғараз аҳли аюрди қанча ёру меҳрибонимдан.

Менга бир неча содиқ навкарим жонбозлик қилди,  
Улар ўтган эдилар неча марта имтиҳонимдан.

Қилич-қалқон деди, саркарда, ашъорим деди шоир,  
Хабар бергай етиб келгусига ному нишонимдан.

Муҳаббат Кобули бағрига тортти шоҳи ишқ ўлдим,  
Етарди нома гоҳо севгилим, ширин забонимдан.

Оёқ етганча кетдим, очди кенг кўксини Ҳиндистон,  
Шоҳ эрдиму фалак титрар эрди оҳу фиғонимдан.

Чидолмасдан рақиблар заҳри қотил бердилар охир,  
Мени ажратмоқ истаб бир йўла жони жаҳонимдан.

Деди Бобур ёнингда ёринг, эй Чустий, мудом  
фахр эт,  
Тополсам ёр агар мен, чиқмас эрдим Андижонимдан.

## СОҒИНДИМ

Саҳар йиғлайсан э, булбул, сўз очсам гулузоримдан,  
Қорайгай чеҳраи сунбул тутунли оҳу зоримдан.

Қаёндир кимса билмайдир, уни бағри эзилмайдир,  
Нега йил ўтди келмайдир, хабар йўқ номдоримдан.

Илинтирганму бир сайёд, ҳалок этганму ё жаллод?  
Умидим шулки, ул озод, нишон бер бахтиёримдан!

Соғиндим, тоқатимдир тоқ, кўзим кўрмоқ учун  
муштоқ,  
Хабар келтирмади тезроқ сабо ҳам шаҳсуворимдан.

Кўриб гулдек очилгайман, қилиб таъзим эгилгайман,  
Агар ўлсам тирилгайман, юриб ўтса мозоримдан.

Таним бўлса агар пора, бўларман етти сайёра,  
Чиқиб осмонга яқбора, сочай нурлар диёримдан.

Сўзим ёлгон эмас асло, қилай олтин қалам савго —  
Дедим Чустийга, ҳар доно хабар келтирса ёримдан.

## КУЗИНГДАН

Эл кўрди букун ғамзани жонона кўзингдан,  
Нур олди жаҳон халқи шабистона кўзингдан.

Тўққиз фалагу етти само, ҳур ила ғилмон,  
Инсону пари жумласи парвона кўзингдан.

Хайёми агар бўлса эди, бодани кайфин,  
Билгайди боқиб бир йўли мастона кўзингдан.

Лаълингга Самарқанду жамолингга Бухоро,  
Жон садқа, деди мардуми Фарғона, кўзингдан.

Учратса Наманган ила Қашқар йўлагиди,  
Айлангай эди Машраби девона кўзингдан.

Сийнангда яшир, очма хазинангни, ўғирлар,  
Ҳеч тўкма юзинг саҳнига дурдона кўзингдан.

Боққанда ёмон кўз сенга шул онда ўйилсин,  
Чустий садағанг ҳар куни мастона кўзингдан.

## КИМЛАР БИЛАН?

(Бир гўзалга)

Тун яримда сойири гулзор эдинг кимлар билан?  
Булбул уйғонгунча сен бедор эдинг кимлар билан?

Лолага май тўлдириб, гулшанда соқий мунтазир,  
Маст эдинг кимлар билан, ҳушёр эдинг кимлар  
билан?

Боғда райҳон барги бирлан ўйнашар эрди сабо,  
Тўдаи гул ичра сен ҳам бор эдинг кимлар билан?

Ошиқинг гул боғлади жон риптасига сен учун,  
Қайси гулни ҳидладинг сен, ёр эдинг кимлар  
билан?

Даҳрда манзилба-манзил бирга юргаймиз дединг,  
Бизни ташлаб кетгали тайёр эдинг кимлар билан?

Гарчи ушшоқ аҳлига йўқдир ажал, рашк ўлдирур,  
Чустийга айт, севгида ҳамкор эдинг кимлар билан?

## ЙЎЛЧИ КАРВОНМАН

Агар-чи, оқил эрмасман, демасман унча нодонман,  
Вале мушфиқ онадан оқ сут эмган битта инсонман.

Шунинг-чун одамийлик ўрганурман одамийлардан,  
Ҳамиша яхшидан яхши сабоқ олмоққа чаққонман.

Дилимда йўқ губору Осиё сақфида гардим бор,  
Деёлмам, «дони йўқ, беҳуда айланган тегирмонман».

Насиҳатга ўзи муҳтож, насиҳатгўйлар кўрдим,  
Амал қилмай, насиҳат айлаган одамга ҳайронман.

Бу фикримнинг гули Саъдий гулистонида ғайри  
ранг,  
Дедим узрим, улуғ устозларга ҳадди имконман.

Замон ганжинасин тўлдирмасам ҳам дурри гавҳарга,  
Дилим ёқутини тухфа кетирган йўлчи карвонман.

Самони йўқ кичик бир донаман, аммо ҳақиқатда,  
Ҳисобсиз доналар бирлан бириккан катта  
хирмонман.

Қизил гулни жаҳон булбуллари ҳам севсалар  
мендек,  
Деса арзийди, Чустий, ҳар бири, мен ҳам  
ғазалхонман.

## ЙУҚОЛМАЙСАН

Элинг севса агар, дунёдан ўтсанг ҳам йўқолмайсан,  
Севилмай кўзни юмсанг, балки роҳатда ётолмайсан.

Азиз дўстлар учун шеърим муаммо бўлмади ҳаргиз,  
Самимий бўлмасанг, фикрим тилисмотин  
очолмайсан.

Кўмиб бўлмайди ҳатто сояниким, соя асли бор,  
Кўтарма доманинг ойни этак бирлан ёполмайсан.

Ярашмас майда сўзлик сенга асло, эй расо қомат,  
Сенга сигмайди, гўдаклар либосини киёлмайсан.

Ширин суҳбатни жоҳил бирла нодондан умид этма,  
Қалампирдан шакар ҳаргиз, заҳардан бол  
ололмайсан.

Уялмасдан ҳамиша ҳар нечук хизматга бел боғла,  
Уялмай ишласанг, дўстим, эл олдида уёлмайсан.

Агар сен қанчалик сермоса, серқосил дарахт бўлма,  
Қадалса илдинг тош устига, унда ўсолмайсан.

Ватаң бир бег эрурким, бунда тошлоқдан асар  
йўқдир,  
Шу боғда ўсмасанг, тарих боғида қололмайсан.

Назаргоҳингда, эй дўстим, кўринмай қолса гар  
Чустий,  
Уни эл қалбидан изла, бўлак жойдан тополмайсан.

## УНУТМАСМАН

Мени, эй шўхи бепарво, унутсанг ҳам унутмасман,  
Солиб бошимга юз савдо, унутсанг ҳам унутмасман.

Тилим номингни тилга олмагунча сўзга келмайди,  
Қилиб минг нозу истиғно, унутсанг ҳам унутмасман.

Таним куйса бўлиб сурма, жой олгай  
сурмадонингдан,  
Билиб қўй кўзлари шаҳло, унутсанг ҳам унутмасман.

Муҳаббат сув юзида бору йўқ бўлган ҳубоб эрмас,  
Ҳамиша сенга мен шайдо, унутсанг ҳам унутмасман.

Уқир булбул манинг ошиқлигимдан қиссалар гулга,  
Эшитгуси бутун дунё, унутсанг ҳам унутмасман.

Сенинг ишқингни сақлашлик қуёшни дилда  
сақлашдир,  
Бу мушкул қанчалик аммо унутсанг ҳам  
унутмасман.

Десанг бир марта Чустий, завқ ила лаббай дегум  
минг йил,  
Сўзимда шубҳа йўқ асло, унутсанг ҳам  
унутмасман.

## СЕН ДЕРМАН

Кўзим нурида сўнмас шуълалар, эй ёр, сен дерман,  
Дилимда не кўринса менга, эй дилдор, сен дерман.

Саҳарлар еру осмон дафтарин бир-бир  
варақлайман,  
Гўзаллик бобида ким мақталур, зинҳор, сен дерман.

Вужудимни ўраб гирдоби ишқинг гарқ этар ҳар дам,  
Бу денгизга мени тортган — дури шаҳвор сен  
дерман.

Тушимда хоҳи ўнгимда асиру мубтало қилган  
Ажойиб мўъжизотингга бўлиб иқрор, сен дерман.

Фаришта, нозанин ҳуру пари, деб мақтар ошиқлар,  
Бу таърифлардан ортиқ, мисли йўқ дилдор, сен  
дерман.

Фақат гул фаслида сайровчи булбул мен эмас,  
даврим!  
Хазонсиз тоабат сайратгувчи гулзор, сен дерман.

Қуруқ сўзлар билан ёзма ғазал, кимларга ҳам  
даркор,  
Сўзимда рамзу мазмун ҳар ширинлик бор: сен  
дерман.

Қилиб минг имтиҳон, айтсангки, Чустий, кимга  
ошиқсан?  
Узингдурсан дебон такрор этиб, такрор, сен дерман.



## ЙЎҚМИКАН?!

(мутоиба)

Ҳар томон шўх-шўх боқар бир навқирони  
йўқмикан?!

Унга сўз қотсам агар менга зиёни йўқмикан?!

Кўйлаги гул баргидан юпқа, назокатли яна,  
Гулдан ортиқдир ўзи, лекин тикони йўқмикан?!

Рашк этиб холин лабидан ўзга ерга кўч дедим,  
Кўчмади, бечоранинг бошқа макони йўқмикан?!

Ҳар қадам қўйганда нозик пошнаси нақшин  
солиб,  
Йўлкалар янглиғ ўяр дилни, товони йўқмикан?!

Йўлда сочин толасини тортқилаб қочди шамол,  
Қайрилиб боқди, бироқ мендан гумони йўқмикан?!

Қилди бир жоним учун ишқида минг турли синов,  
Мен учун қолган яна бир имтиҳони йўқмикан?!

Пистадек мағзи кўринди сўзлаганда Чустийга,  
Жонфидо дейдир, бўлак ширинзабони йўқмикан?!

## ЗЕБОЛИГИНГДАН

Менинг шайдолигим зеболигингдан,  
Тилим гўёлиги донолигингдан.

Етолмай суҳбатингга зор бўлмак,  
Нигорим, анча бепарволигингдан.

Дилим саҳросини сероб этар деб,  
Умидим бор азим дарёлигингдан.

Биёбоним юзингдан бўлди гулзор,  
Тасаддуқ жонгинам раънолигингдан.

Узоқлашма кўзимдан бир нафас ҳам,  
Қараб баҳра олай барнолигингдан.

Балиғ сув бирла, мен сен бирла доим,  
Тирикман ўргулай пайдолигингдан.

Жаҳонга, Чустий деб овоза тўлди,  
Сенга мен, сен менга ошнолигингдан.

## УЙЌУДАН

Бошдаги рўмоли бўлсам, турса жонон уйқудан,  
Сурма бўлсам кўзига, тебранса мижгон уйқудан.

Юзига хол ташласам кўз мардумидан бир қараб,  
Сесканиб уйғонса, жоним унга қурбон, уйқудан.

Кўз ярим уйқуда, лаб кулжуга мойил субҳидам,  
Бир боқиб лаззат олай мен ушбу ёлгон уйқудан.

Навдаи гулга қўниб, ҳуснин гулига термулиб,  
Мен десам булбул бўлиб, тур энди чаққон уйқудан.

Илгига қўйсам хино дилдан узиб рангин гияҳ,  
Елписам, тўлғонса ушлаб даста райҳон уйқудан.

Бўйнига тақсам тизиб меҳру вафо гавҳарларин,  
Уйғонур ғабғабга шояд ботса маржон уйқудан.

Кун яримда турмаса ноз уйқудан дилбаргинанг,  
Ёз қалам Чустий билан бир катта дoston уйқудан.

## ЧЕКИНМАЙСАН

Ювиб юргил қўлингни, учраса ризқинг чекинмайсан,  
Тийиб юргил тилингни, бемаҳал сўзлаб, илинмайсан.

Агар мардоналикни оташи қалбинг аро ёнса,  
Совуқ қақшатса ҳам муфлис оловига исинмайсан.

Наминг кетмасдан одат айласанг элга эгилмоқни,  
Эгилгай сенга ҳам халқинг, эгилган бирла  
синмайсан.

Агар инсон учун сарф этсанг умрингни Навоийдек,  
Топарсан янги умру ўтган умрингга ачинмайсан.

Қаноат айла, шернинг сарқитини кутма тулкидек,  
Қаноат бойи бўлсанг, марду номардга ялинмайсан.

Қўлингда эрку бахтинг бўлмаса, Чустий, ҳаётингда,  
Лабингда кулку бўлган бирла қалбингда  
севинмайсан.

## ТУРСИН

Хазон бўлмаи мени бахтимга доим бу чаман  
турсин,  
Чаманда уйқудан, айтгинки, у нозикбадан турсин.

Сочидан ҳидламоқни истасин гулшанда сунбуллар,  
Оёғига кўзин суртишга оҳуи Хўтан турсин.

Қўлида даста райҳон навдан гул ер шипирмақда,  
Қадам қўйса бу йўлга ноз ила ширинсухан  
турсин.

Юрак меҳрин уйидир, токи ўлгунча жудолик  
йўқ,  
Танимда ёки жон турсин ва ё жонимда тан  
турсин.

Рақибни пора-пора айламак доим менинг касбим,  
Бу йўл Фарҳодимен доим менга ширин ватан  
турсин.

Муҳаббат йўлида мардоналик карвонига эргаш,  
Жаҳонда Чустий бу сўзга итоат айлаган турсин.

## **ЖОНМИКАН?!**

**Жонмикан ёрим танимда ёки жонпарвармикан?  
Бир боқиб кўнглим эритди зар севар  
заргармикан?!**

**Гул юзининг ишқида оқди вужудим сув бўлиб,  
Бахтим анҳори висолин боғига элтармикан?!**

**Кўкдаги ойу қуёшни айлаган заррин қабо,  
Ҳиммати ҳотаммикан ё ул пари пайкармикан?!**

**Ойни атрофини юлдуз қуршагандек ҳамма эл,  
Гирдидан кетмас ўраб, дил мулкига сарвармикан?!**

**Силкиниб юрганда зулфи бош аёғига қўяр,  
Ҳар қадам босган изин ўпмоқни ё истармикан?!**

**Субҳнинг юлдузлари чиқмиш тамошоси учун,  
Ёки жаннатдин кечиб келган ҳама ҳурлармикан?!**

**Чустийга қоши ишорат бирла кўрсатди қалам:  
Ҳар сўзи ёзмоқ учун достони минг дафтармикан?!**

## ВАРДОШ ЭКАН

Суратинг зебо чизибдир мисли йўқ наққош экан.  
Офтоб ишқингда кезган битта ёлғиз бош экан.  
Ёлғиз эрмас ерда юлдуз сонидан кўп ошиқинг,  
Ойнагингдан мўралар ой сен билан сирдош экан.  
Суҳбатингда кипригим устида ўйнар на қилай.  
Тўхтатиб бўлмас уларни чунки боқсам ёш экан,  
Кўзларинг устида икки ташна лаб ётмиш десам,  
Нур булоғин бўйида икки қўриқчи қош экан.  
Ким сенинг ҳуснинг қуёшидан агар юмса кўзин,  
У киши ёруғ жаҳондан баҳрасиз хуффош экан.  
Излади Чустий дилингни юмшатишнинг чорасин,  
Пок меҳнат, чин садоқат бирла зўр бардош экан.

---

<sup>1</sup> Х у ф ф о ш — кўршапалак.

## ЧУСТИЙ МЕН

Даврада Фарҳодлик базмин қизитган Чустий мен,  
Эскилик Хисравларин ерда чиритган Чустий мен.

Мен эдим ўн уч яшар даврим қуёши сочди нур,  
Зарралик вақтимдаёқ мақсадга етган Чустий мен.

Ерда тупроқ мен ва лекин ҳимматим ойдан баланд,  
Кўкдаги Зухрога улфатнома битган Чустий мен.

Тож эрур бошимда бахтим, бошқа тож даркор  
эмас,  
Чунки ҳурмат-ла бошим осмонга етган Чустий мен.

Шеърятнинг қалбига қуйгали сўз олтинин,  
Ишқ ўти-ла дил қозонида эритган Чустий мен.

Ишқ дарди бедаво деб наъра урди қанчалар,  
Бир назар этганда ёрим, дарди кетган Чустий мен.

Беғаразлик мардимайдонлик деган, бу жумлани  
Ҳам ўқиб, ҳамда кўриб, фаҳмига етган Чустий  
мен.

Чустийни тутма белин ҳаргиз ғараз бирла рақиб,  
Гарчи зўрсан, уйқудек тунда йиқитган Чустий  
мен.



## Ә К А Н

Қанча парво айласам мен ёр бепарво экан,  
Чунки ошиқ кўплигидан шунча истигно экан.  
Ишқ бозорида боқмас жонга, жон олғучи ёр,  
Жон касод, бозор қизиқ, бунда ажаб савдо экан.  
Беш дақиқа лаззати келтирди кўп йил ташвиши,  
Роҳати оз, ташвиши кўп бу қизиқ дунё экан.  
Билмасанг эшкак эшишни бу ҳаёт дарёсида,  
Кимлигинг қатъи назар, ғарқ этгучи дарё экан.  
Ишқ дарсин имтиҳонидан ўтолмай оқсасанг,  
Бош-оёқ умринг ўтиб беҳуда бемаъно экан.  
Эл назаргоҳидан ўтмай, четда қолган бесубут,  
Даргаҳидан эл бадарға айлаган расво экан.  
Ҳар бир инсон ёру юрту давридан қувланмасин,  
Юрса ҳам йўқдек вужуди кўзга нонайдо экан.  
Кўрмаса ўз нуқсини миръоти ибратда агар,  
Кўр эмасман-ку демак, маҳзи қуруқ даъво экан.  
Хайрият Чустийни маҳрум этмади нодон дебон,  
Ёри донишманд экан, устози хўб доно экан.

## **ЗЕБОЛАРИНГДАН**

**Олам тасаддуқ барноларингдан,  
Мен ҳам умрбод шайдоларингдан.**

**Эй боғу бўстон, сўлмас гулистон,  
Ой ҳам тақибдур раъноларингдан.**

**Юлдузларингни акси фалакда,  
Осмон тасаддуқ зеболарингдан.**

**Достонлар айтган обиҳаётни  
Ичдик ҳақиқий дарёларингдан.**

**Минг-минг Арасту бўлса шу дамда,  
Кўп дарс оларди доноларингдан.**

**Мингдан бирини тўёна қилдим,  
Эллик йил этган савғоларингдан.**

**Ешликда Чустий бердим кўнгулни,  
Бўлдим умрбод шайдоларингдан.**

## ДИЛИНГ ОШНОСИ МЕН

Гул юзингни булбулигўёси мен,  
Боғларингни ошиқи шайдоси мен.

Бердим ишқинг мактабида имтиҳон,  
Ундаги аълочилар аълоси мен.

Қанча ноз этсанг нигорим ранжимам,  
Чунки шайдолар дили дарёси мен.

Бир ширин сўз айтмаса менга тилинг,  
Майлига, чунки дилинг ошноси мен.

Уйнашур дилда кўзинг оҳулари,  
Дейди қалбим — оҳулар саҳроси мен.

Мен сени Лайли демам, сен ҳам мени  
Дема Мажнун, телбалар доноси мен.

Бўлса минг Ширин ўпарди изларинг,  
Бу сўзим тасдиқи мен, маъноси мен.

Сен Ватаннию Ватан севган сени,  
Десанг арзийди — жаҳон барноси мен.

Минг ғазал бир боқипингга арзимас,  
Дейди Чустий, кўзларинг шайдоси мен.

## ҚОЛМАСИН

(Партавий ғазалига назира)

Тоабад ойинаи ҳуснинг жилодан қолмасин,  
Тоабад кўнглим сенга холис дуодан қолмасин.

Хоҳи лутф эт, хоҳи жабр эт, хоҳи парво айлама,  
Майли, майли зор кўнглим илтижодан қолмасин.

Куйласин васлинг муғаннийси вафо базми аро,  
Нозу ғамзанг танбури ширин садодан қолмасин.

Тоабад гулзори авсофнинг бўлиб менга макон,  
Зикр этиб қалбим сенга мадҳу санодан қолмасин.

Ғунчаи лаълинг дилим боғида яшнаб тоабад,  
Боғи умринг булбули ҳаргиз наводан қолмасин.

Бўлмасин овора сайёди кўзинг сайд истаса,  
Интизори тийридурман мубталодан қолмасин.

Шеърингга Чустий татаббу айладим эй Партавий,  
Бу ғазал ҳам тоабад ҳусни зиёдан қолмасин.

## НЕ ЕТСУН

Эшитмоқ бошқа лекин кўз билан кўрганга не етсун,  
Баланд сайёралардек сайр этиб юрганга не етсун.

Бу оламга келиб-кетмоқ табиий бир улуғ қонун,  
Кетиш ғам келтирур, аммо келиб турганга не етсун.

Ҳалол топса, еса, кийса, қатор тўй қилса, сайр этса,  
Яшаб тинчу омонлик даврини сурганга не етсун.

Жаҳон жаннат эрур эл бир-бирига бермаса озор,  
Бутун дунёда дўстлик базмини қурганга не етсун.

Кишидан қарзи ҳам бўлмай, юзи ёруғ яшаб эркин,  
Эл олдида қизармай қандини урганга не етсун.

Бу истакларга етгай бўлса гар инсофу виждони,  
Бошин янчиб ёмон нафсини ўлдирганга не етсун.

Ҳаётнинг роҳати ҳам, давлати ҳам тўғрилиқ дерлар,  
Юракнинг соатин ҳам тўғрилаб юрганга не етсун.

Қалам илгингда Чустий, ёз, тилинг комингда, ҳақ  
сўзла,  
Азиз элдан тирик раҳмат олиб турганга не етсун.

## МАФТУНМИКИН?!

Хуснидан бир парча: ою кунмикин?!  
Ёрима ё иккиса совринмикин?!

Товланиб кетди пиёла ранги ҳам,  
Ёр лаъли шунчалик майгунмикин?!

Лабга тушмиш холи қошин устидан,  
Ишқ қонунида ё сургунмикин?

Бир боқиб дер, йилда бир келгай баҳор,  
Бошқаларга бу боқиб ҳар кунмикин?!

Меҳнати кулдургичин билдургучи,  
Икки бети шунча сермазунмикин?!

Сайраса булбуллари шайдо бўлиб,  
Қилган иғво: қарга ё қузғунмикин?!

Чўлда пайдо қилди гулшан, бир қаранг,  
Дилмикин, гул сайрида Мажнунмикин?!

Мажнун эрмас ошиқи содиқ кўнгил,  
Боғига Чустий каби манфтунмикин?!

## ОМОН БЎЛСИН

Ҳақиқат ташнасига қалби дарёлар омон бўлсин,  
Адолат мажлисида аҳли маънолар омон бўлсин.

Замона аҳлининг аъло билим илмига бошловчи,  
Ҳаёт дорилфунуни ичра аълोलар омон бўлсин.

Жамоат ҳуснини ҳар лаҳзада равшан кўриб турган,  
Жаҳон ойинаси — қалби мусаффолар омон бўлсин.

Мурувват шуъласидан ер юзи бўйлаб чироғ ёққан,  
Башорат кўки узра нурли сиймолар омон бўлсин.

Узун умру сиҳатлик элга бахш этмоққа жон тиккан,  
Муқаддас давримизда Иби Синолар омон бўлсин.

Кафил бўлган либосу, ризқ-рўзу тўйига элнинг  
Улуғ деҳқон, ҳунарманд, аҳли кимёлар омон бўлсин.

Ширин куйловчилар, раққосалар, санъатда мумтозлар,  
Гўзал давронимизда ҳусни зеболар омон бўлсин.

Ҳаёт қадрини, инсон қадрини, чин дўстлик қадрини  
Дилу жон бирла билган ёру ошнолар омон бўлсин.

Жаҳонда тинч-омонлик ҳуснидан ортиқ чирой  
йўқдир,  
Кўнайсин ошиқю бунга шайдолар омон бўлсин.

Ажойиб давримиз илҳомини Чустийга бахш этган  
Улуғ ҳикматлию ҳимматли донолар омон бўлсин.

## УЙҒОТМАСИН

Мен демасманки висол оқшоми ҳеч тонг отмасин,  
Субҳидамга денг қуёшни бир нафас уйғотмасин.

Тонгдаги бир лаҳза оромин тамошо айлайин,  
Парқу бўл жоним, ҳарир ёстиқ бошига ботмасин.

Чунки меҳнат роҳати, бу уйқу ноз уйқу эмас,  
Баъзи бемеҳнат ўзини унга ҳеч ўхшатмасин.

Тегмай ўтгил эй сабо унга, совуқ хулқингни қўй,  
Сесканиб, аччиғланиб мижгон ўқини отмасин.

Бир дами ором олиб, сонсиз зафарга отланур,  
Айтгил ул Ширинга Фарҳод, рашк отин  
Ўйнатмасин.

Дам олиш пайтида доим хоб жойи бўл, кўнгил,  
Қизғанурман у азизим ўзга жойда ётмасин.

Бу гўзалга даста гул тутган чамандан ўргилай,  
Чустийни бундан бўлак гулшан сира сайратмасин.



## СЕВГАНИМ СЕВГАЊ

Қуёш сайр айлаган тинчлик фазони севганим  
севган,  
Ватап — оромижоним, хушҳавони севганим севган.

Яшарман олиҳиммат мардимайдонлар билан бирга,  
Қадрдон, меҳрибон чин ошнони севганим севган.

Ҳаё инсон ҳаётин боғида энг яхши гуллардир,  
Бу боғда хулқи яхши боҳаёни севганим севган.

Қанотидан қуёш ўлган, сув остин сиррини топган  
Улуғ техникада машқи бажони севганим севган.

Шифо сувлар чиқарган, пармалаб ер ёғини олган  
Йигит-қизлар аро фикри расони севганим севган.

Жаҳонда тинчлик ўрнатмоқ буюк олам яратмоқдир,  
Бутун дунёга мақбул муддаони севганим севган.

Улуғвор партия йўл бошлади, жон бирла эргашдик,  
Шу йўлда Чустий мен аҳли вафони севганим  
севган.

## СОҒИНГАНМАН

Камина булбулингиз гул юзингизни соғинганман,  
Асалдан ҳам ширин бўлган сўзингизни соғинганман.

Нигоҳи дилга машғал, кўзга нур, боқсанг ҳаё ўйнар,  
Вафо қандилида ёнган кўзингизни соғинганман.

Еруғ юлдуз чарақлаб субҳидам сизга боқиб дейди,  
Жилоли кўксингизда юлдузингизни соғинганман.

Қуёш чиқмайди сизсиз, эл ишига тез чиқинг дилбар,  
Қуёш бирлан баробар кундузингизни соғинганман.

Гаҳи ўйнар, гаҳи сокин туруб дилни асир айлар,  
Кўзингиз узра икки қундузингизни соғинганман.

Дам олдик бошқа-бошқа жойда, ҳижрон анча кун  
бўлди.

Ширин суҳбат билан нону тузингизни соғинганман,

Ғазал ёзмиш бағишлаб иккимизга завқ ила Чустий,  
Баҳона шеър ўқиш аммо ўзингизни соғинганман.

## СИЗ БИЛАН

Тенглашолмас ўргилай ҳеч бир чиройлик сиз  
билан,

Доимо омад юзин бирга кўрайлик сиз билан.

Яхши ниятлар билан қўл ушлашиб ташлаб қадам,  
Сайр этиб дунё юзин бирга юрайлик сиз билан.

Кўкка чорлар давримизнинг мўъжизоти, ҳикмати,  
Ойда ҳам дўстлик биносини қурайлик сиз билан.

Қадру қиймат, олиҳиммат, мардлик майдонида,  
Орттириб шуҳрат яна жавлон урайлик сиз билан.

Бир нафар ҳам қолмасин ғам гўшасида йиғлаган,  
Кўнглини овлаб юракдан кулдирайлик сиз билан.

Иккимиз меҳру вафо денгизларида завқ ила  
Элга совға қилгали гавҳар терайлик сиз билан.

Тўйга тўй, байрамга байрамлар уланган давримиз,  
Чустий беармон яшаб даврон сурайлик сиз билан.



## ИСТАК

Юзинг тер тўкди-ю, гул унди ундан,  
Сабо хушбўй таратди элга шундан.

Таралгач сунбулинг, олам димоғи,  
Қутилди бир йўла аччиқ тутундан.

Кўзинг дорулшифосин кўрса Мажнун,  
Асар қолмас эди унда жунундан.

Буюк ишқинг дилимни этди тоғдек.  
На парво тоққа тўфону қуюндан.

Кечам ҳам кундузим сен бирла равшан,  
Ўзингдурсан чиройлик ою кундан.

Қошингдек элга таъзим этса ҳар ким,  
Мудом ҳурмат топар, тушмас ўрундан.

Олурсан қўл узатсанг истагингни,  
Фалак бошидаги заррин тутундан.

Олур Фаробий ҳам Беруний бўлса,  
Сабоқ сендай ажойиб зуфунундан.

Жаҳонга қайси кун келдинг, дилимда,  
Муҳаббат оташи ёнди у кундан.

Саломат бўл менинг бахтимга мангу,  
Бу истак Чустийдек умри узундан.

## НОДОН БИЛАН

Айламак оқилга суҳбат бир нафас нодон билан,  
Бўлгай осонроқ видолашмоқ танида жон билан.

Селни кафти бирла тўсмоқдан кўра мушкул эрур,  
Бир тариқча иш қилиш бефаҳму бевиждон билан.

Гул териш у бирла ўз умрин гулин пайҳон этиш,  
Кирмагай оқил киши гулшанаро ҳайвон билан.

Фикри бир жом сутга бир томчи заҳар солган  
каби,  
Суҳбат этмак ақли йўқ, андишасиз инсон билан.

Баъзи нодонга сўзим аччиқ даво ўрнидадур,  
Одамий баъзан қалампир-туз егай-ку, нон билан.

Бефаросатлик касалликдур, давоси кўп қийин,  
Ёндашиб қолса, баробар сенга кўрчипқон билан.

Тингла эй, Чустий мудом ақли расолар суҳбатин,  
Қолган умрингда камол топ, ўтмасин нуқсон  
билан.

## АНДИЖОН

Тақди чўл бўйнига гавҳар бирла маржон Андижон,  
Бирйўла Ширинга берди янгидан жон Андижон.

Қўлда метин, устида атлас кийиб тоғ бағрида  
Ишлади бир қанча қиз — гул юзли жонон,  
Андижон.

Тўтихон меҳнат гулистонида, яшнар Солия,  
Бу каби гулларни ўстирмоқда боғбон — Андижон.

Бўлди бу тўққиз фалак чархи тегирмон парраги,  
Тоғни сим ғалвирда элаб, тортадир дон, Андижон.

Бир қўли тоғни кесишда, бир қўли ёв бошини,  
Жонга-жон, қонларга-қон олмоқда чаққон,  
Андижон.

Тез бўлинг, олтин эшикли қасрингизни битказиб,  
Айлангиз Чустий билан дўстларни меҳмон,  
Андижон.

## ДИЛБАР СИЙМОСИ

Бир садо келди қулоғимга қадим Лайлосидан,  
Дилраболик ўрганай дер бу замон барносидан.

Утган ошиқлар сўзидан дилда бўлди бир китоб,  
Доду ғамдан бошқа бир гап топмадим  
маъносидан.

Хусну, ишқу, сидқу меҳр ила ҳаё бирлан вафо,  
Бўлди оламга ҳувайдо дилбарим сиймосидан.

Нақш этар чоғи табиат илгида шошди қалам,  
Нуқта қўйди, хол эмас қош устига шаҳлосидан.

Чехрасин кўргач, қуёшлик лофин урган офтоб,  
Бўлди ўт тўлган танурдек, кечди ўз даъвосидан.

Чиқди ойбалдоқ тақиб, кўрмоқ учун осмон қизи,  
Суқланиб ёримга боқди гумбази миносидан.

Бирлашиб дилбар тили бирлан дили қилди асир,  
Гарчи севги биттадир, мен икковин шайдосидан.

Бир ариқ қаздим юракдан нозанин боғигача,  
Сув очиб келдим букун Чустий ғазал дарёсидан.





## МУҲАББАТ ТАШНАСИ МЕН

Муҳаббат ташнаси мен, мавж урур дарёга  
қонмасман,  
Сўзимдан ҳажр тиғи пора-пора қилса тонмасман.

Мени ишқ оташи кул айлаган бу суратим қулдир,  
Маломат оташи устимда минг йил ёнса ёнмасман.

Агар жаннатда ҳурлар васлимиз бирла қувон  
дерлар,  
Ҳақиқат ҳури васли бўлмаса, ҳаргиз қувонмасман.

Ризодурман ҳаётим риштаси минг-минг узук бўлса,  
Агарда риштаи меҳри нигоримга уланмасман.

Суянтирма, таъма деворига, миннат дарахтига,  
Йиқилсам майли, муфлис такаюғиға суянмасман.

Кўришгач баъзиларни қалби сендан яхшиман  
дейди,  
Тили сен яхши дейди, бу икки сўзга инонмасман.

Кўзим уйқуга кетса, э ҳақиқат чимчилаб уйғот,  
Агар уйғотмасанг сен тоабад Чустий уйғонмасман.

## КЕТМА ЕНИМДАН

Висол базмин қозонин қайнат энди, кетма ёнимдан,  
Дилимдан ўт ёқиб унга ўтин қил устихонимдан.

Менга меърежи ишқинг бўлди маскан шукру фахр  
айлай,  
Малаклар беҳабар қолди менинг бу осмонимдан.

Жудо бўлмак жаҳонда иккимиз нуқсонимиз бўлгай,  
Сўзим исботи шулдирким яноғинг ранги қонимдан.

Тизилди кирпикимнинг риптасига бебаҳо дурлар,  
Бу дурлар дилдан очган шоду хурсанд янги  
конимдан.

Ҳавас қилса ширин сайрашни булбуллар  
чаманларда,  
Саҳарлар ёд олсин сенга ёзган достонимдан.

Яланг бош юрди Мажнун Лайли ишқи нотавон  
этгач,  
Ясантирдинг мени бошимгача ҳатто тавонимдан.

Сен эттинг имтиҳон минг марталаб бечора жонимни,  
Кечардим қолса ўтмай битта эрмас, мингта  
жонимдан.

Мусаҳҳар айладим ишқинг диёрин қаҳрамонлардек,  
Иродам бирла сабрим ўтти юксак имтиҳонимдан.

Деди хобимда Бобур Чустийё ёнинггадир ёринг,  
Тополсам ёр агар мен, чиқмас эрдим Андижонимдан.

## ИККИ ҚИРҚ ТОҒИНИ САЙР ЭТДИМ

Замон сози каби доим муҳаббат илгида созман,  
Шунингчун тинч-омонлик базми ичра ширин

овозман.

Чумолига миниб майдонга чиққан бул ҳавас эрдим,  
Қалам бўлди букун тулпориму чаққон чавандозман.  
Ҳаволаб сўфитўрғайдек чуғурлардим билиб-билмай,  
Ғазал гулзори ичра энди булбулларга ҳамрозман.  
Тўкиб тор ўйнар эрдим мен у кун ўргамчилар

янглиғ,

Бу дам мен шеърият майдони ичра ҳақли дорбозман.  
Бошим кўксимга тушган маъюс эрдим зору ҳам

маҳзун.

Элим бағрида яйраб бошим осмонда сарафрозман.  
Ёмонлик ҳавзида сузгувчи ўрдакларга айтиб қўй,  
Садоқат кўкида турна, муҳаббат кўлида ғозман.  
Агар ким бир сўз ўргатса уни устоз деб билдим,  
Буюк устозларни жону дилда этдим эъзоз ман.  
Дилим илҳом парисига гўшанка бўлди зийнатлик,  
Узин ҳусни етарлик, бермадим назмимга пардозман.  
Қадам қўйдим саломат икки қирқ тоғида сайёр

этдим,

Дилимда яхши ният, Чустий қилдим юзга

парвозман.

## ОНА ҲАҚИДА

Алвидо, эй меҳрибон, мушфиқ Онажон, алвидо!  
Барчамиз бўлдик ризо, сиз ҳам бўлинг биздан ризо.  
Қон булоғи бўлди икки кўзимиз мотам тутиб,  
Айлади бизларни шафқатсиз ўлим сиздан жудо.  
Ростгўйлик, тўғрилиқ ҳам яхшилик ўргатдингиз,  
Қолдик ажраб энди — энди ақл бўлганда расо.  
Олдингиз кирпик билан фарзанд оёғидан тикан,  
Кўрмадингиз биз учун ҳаргиз ёмонликни раво.  
Йиғласак минг зору, зору айласак минг жон нисор,  
Бир нафас эмган сутимизнинг ҳақи бўлмас адо.  
Бўлдингиз кўздан ниҳон, биз бирла аммо руҳингиз,  
Жисмингиз туфроққа эрмас, айладик дилларга жо.  
Йиғласак бизни юпатдингиз ширин сўзлар топиб,  
Хасталансак истадингиз бизга тинмасдан даво.  
Гоҳи озгин, гоҳи тўзгин, гоҳи йиглаб, гоҳ кулиб,  
Минг машаққат чекдингиз бизларни деб турли жафо.  
Юртни обод, элни шод айланг деддингиз ҳар нафас,  
Бу васиятни қилурмиз жону дил бирлан бажо.  
Хобимизда кўргали юзни ювармиз ҳар кеча  
Бергуси туш ҳам жудолик дардига бир оз шифо.  
Қабрингизни саҳнини жаннат этармиз онажон,  
Сайр қилсин руҳингиз ором олиб гуллар аро.  
Барчамиз бўлдик ризо, сиз ҳам бўлинг биздан ризо,  
Алвидо эй меҳрибон, мушфиқ онажон, алвидо!..

## БИЗНИНГ ДИЛОРО

Лабида бол ясар бизнинг дилоро,  
Хижолатдан дўконга қочди ҳалво.

Ширинроқдир ўзидан ҳам замони,  
Ширинликдан ширинлик бўлди пайдо.

Чиройли иккиси ҳам бир-биридан,  
Шунинг-чун бир-бирига бўлди шайдо.

Бир бахтим, бириси толеимдир,  
Йўқ армон, толеу бахтим муҳайё.

Булар ҳар иккиси жонимга пайванд,  
Буларсиз йўқ ширинлик менга асло,

Замону севгидан қалбимда чексиз,  
Эрур яхши тилак, яхши таманно.

Тараннум чашмасин бир томчиси бу,  
Йигилса, Чустий бўлгай азим дарё.

## БЕМАЪНИ ГАП

Бўлмасин суҳбат аро бемаъни гап,  
Айлагай бахти қаро бемаъни гап.

Лоҳас айлаб айнитур дилни мудом,  
Ёки тузсиз ошу ё бемаъни гап.

Яхши, ўйлаб — сўнгра сўзла, дейдилар,  
Йўқса бўлгай бир бало, бемаъни гап.

Одат этсанг ногаҳон қилгай ҳалок,  
Чунки дарди бедаво бемаъни гап.

Англасанг: ҳар анжуманда айлагай,  
Обруйингдан жудо — бемаъни гап.

Қанчалик бўлсанг гўзал ҳам, этгуси  
Энг ёқимсиз, баднамо — бемаъни гап.

Қувлагай одам қаторидан ахир,  
Бўлса сенда доимо бемаъни гап.

Эҳтиёт бўл, эҳтиёт бўл, эҳтиёт!  
Қилма, Чустий, мутлақо бемаъни гап!

## С А В Ъ О

Элда ким «Менман!» деса, беҳуда даъводир бу гап,  
«Ҳаммадан камман» деса кўп гапдан аълодир бу гап.

Одамийлик ҳарфидан гар бўлмаса гаплар аро,  
Шўр босиб ётган қуруқ бир чўлу саҳродир бу гап.

Меҳнату халқу Ватан, даврону тинчликдан гапир,  
Яъни ҳар бир ҳарфи гавҳар бирла тиллодир бу гап.

Қўни-қўшнинг, улфатинг шаънига бўҳтон айлама,  
Сендан эл нафратланиб айтурки «иғводир бу гап...»

Шаклинг ўзгартирма, бўлма эл аро мажнуннамо,  
Айласанг бунга амал, ҳуснингга ородир бу гап.

Беғараз дўстинг гапирганда қулоқ сол жон билан,  
Кўрсатур чеҳрангни кўзгудек, мусаффордур бу гап.

Не бўлурсан эртага турли ҳаводислар тўла,  
Ҳар нафас ҳушёр қадам қўйки муаммодир бу гап.

Мен ҳақиқат боғидан кўчат олиб келдим сенга  
Дилга ўтқаз, гулласин, минг гулдан аълодир бу гап.

Қанча донолар бу ҳақда қанча-қанча сўзлаган,  
Яхши тингла, сенга ҳам эй Чустий, савғодир бу гап.



## ҚАЙТИБ КЕТОЛМАЙДИР

Нигорим суратин ҳеч қайси наққош ўхшатолмайди,  
Кўнгил кўзгусини занг босса аксин, кўрсатолмайди.

Бунинг ишқин қуёши кўнглим осмонида сайр айлаб,  
Булут қопқон қўйиб, бу офтобимни тутолмайди.

Севинч ёшин тўсолмайди қатор кирпикларим,  
чунким,  
Булоқ мавжин балиқларнинг қаноти ҳеч тўсолмайди.

Муҳаббат Кўҳиқофида яшар Семурғди кўнглим,  
Рақибим минг қуюндек ўрласин, унга етолмайди.

Ватанда ишқ карвони билан йўлга қадам қўйдим,  
Бу йўл карвонидан Фарҳод ила Мажнун ўтолмайди.

Зулайҳо булҳавасдан Юсуфин дурга сотиб олди,  
Чин ошиқ бир жаҳон олтинга ҳам васлин  
сотолмайди.

Нигорим бор муқаддас, жумлаи олам эрур шайдо,  
Қуёш бир кўрмаса ҳар кун уни яйраб ботолмайди.

Бу дилбар Ўзбекистон дилбари ҳуснин қиёси йўқ,  
Буни бир кўрган одам лол ўлиб ташлаб  
кетолмайди.

Ўзи ёз, деб ишорат этмаса Чустийга таърифин,  
Агар минг йил қалам тутган билан бир сўз  
битолмайди.

## ШЕЪРИЯТ КОШОНАСИ

Шеърият кошонасида ёнди нур устига нур,  
Давру илҳом унга ҳар лаҳза чароғбонлик қилур.

Ҳар ғазал бир нозанин янглиғ бу уйда жилвагар,  
Суҳбат этсанг бахш этар ҳар бир сўзи жонга ҳузур.

Хулқу одоби ўзига жалб этар ҳар кимсани,  
Яъни ҳар бир жумласи маъно гулистони эрур.

Гулларин япроқлари сидқу вафодир боб-боб,  
Завқу шавқи-ла ҳаёт боғида булбуллар ўқур.

Марду майдонлик, ҳалол меҳнат, муҳаббатнома ҳам,  
Ҳар хату ҳар байтида фазлу камолин кўрсатур.

Яшнаган ташбеҳ дарахтин шохи осмонга етар,  
Истиора мавж урар мазмуни денгиздан чуқур.

Тўхтамасдан соф оқар рамзин булоғи хўб равон,  
Гаҳ ишорат, гаҳ киноят бирла бахш этгай сурур.

Вазни хўб мавзун, фасоҳат ҳам балогатда етун,  
Бир ўқиб қўймай, иложи бўлса, ёд олгинг келур.

Ғам, алам, зулму ситам, ҳижрон сўзидан сўзламас,  
Бахту иқболу саодатла жамоли нур сочур.

**Ҳар ғазалнинг сеҳру афсун мўъжизоти бўлмаса,  
Мисли бепарда рубобу бодасиз майхонадур.**

**Турли мазмун, нозу неъмат шеър дастурхонида,  
Мевасиз бўлса уни ёйма, йиғиб қўлтиққа ур.**

**Дейди доно эл қуруқ сўзлар қулоққа ёқмагай,  
Ковла мантиқ чашмасини шеърят боғига бур.**

**Авалло, Чустий, бу сўздан ол насиба, йўқ демай,  
Барчани чорлар камолот мулки сен ҳам олға юр!**

## ЭЙ, ДИЛБАР

Кўзим чархида чархла ханжари мижгонинг эй,  
дилбар,  
Нечунким занг босмиш ишқ элин қони-ла бу  
ханжар.

Уни ханжар демам, йўқ-йўқ ғуборолуд ҳар киприк,  
Кўзингни сақламоққа саф тузиб турган қаро  
навкар.

Алишмам бир сўзингни бир жаҳон инжуга  
дилдорим,  
Каломинг олдида ҳеч қиймати йўқ тош эрур  
гавҳар.

Қуёшнинг нуридан қолди узоқда зарралар ажраб,  
Шунинг-чун узмай ҳаргиз юзингдан кўзни  
ошиқлар.

Ҳалол меҳнат туфайли ҳурмат осмонида сайр  
этдинг,  
Ҳавас айлаб изингни ўпдилар Зухро билан Ҳулкар.

Ажаб эрмас сенинг ишқингда қадрим ошса эл  
ичра,  
Нечунким ҳикмат ила мисни тилло қилди кимёгар.

Сузиб гоҳи юза, гоҳи чуқур, гирдоб аро гоҳи,  
Ҳаёт дарёсида кўнглим балиғ янглиғ сени истар.

Нигорим, таърифинг ортиб қолур сиғмасдан оламга,  
Яна минг йил варақланса қуёш монанди зар  
дафтар.

Рақибингдан сирингни сақлагум эй ёр Чустийдек,  
Агар тирноғим остига юборса душманинг наштар.

## А Ё Л Л А Р

Эл борлигин асоси олижаноб аёллар,  
Ҳусни ҳаёт нури, чун офтоб аёллар.

Рўзгор мактабида олий мураббий, устоз,  
Мазмуну маъни тўлган қалби китоб аёллар.

Йўгингни бор қилгай, борингга зўр барака,  
Ҳар бир талабга уйда ҳозиржавоб аёллар.

Иффатли покдомон эрга вафо йўлида,  
Ҳар бир қадамки қўйса, буткул савоб аёллар.

Тинчликка тўн бичувчи, эркин мато тўқувчи,  
Дўстликка дўппи тиккан, ишда шитоб аёллар.

Лафзи ҳаётда гавҳар, хулқи ширину дилбар,  
Таърифи минг китобу юз боб-боб, аёллар.

Ақлингни лол қилгай, суҳбатда закки доно,  
Маъни қадаҳларида сунгай гулоб, аёллар.

Шу хилда бўлса хотин тунроғингиздир олтин,  
Умринг хазинасида дурри хушоб аёллар.

Оз бўлса-да ва лекин баъзисида бор нуқсон,  
Учрайди онда-сонда фикри сароб аёллар.

**Яхшиси жаннат айлар ҳар лаҳза хонадонни,  
Жаннатни ҳам ёмони айлар хароб, аёллар.**

**Чустий ёмонларини бўл яхши деб тилак қил,  
Эл борлиғин асоси олижаноб аёллар.**

## ДОНО КЕКСАЛАР

Баҳраманд айлаб азиз ёшларни доно кексалар,  
Айлагай олижанобу аҳли маъно, кексалар.

Аксари ёшлар улуғлик дарсин олгайлар, вале  
Тажриба дорулфунунин боши аъло кексалар.

Сўзда ҳам, ишларда ҳам, йўлларда ҳам вазмин  
бўлиб,  
Шошмагай, ҳовлиқмагай одатда асло кексалар.

Диллари ўтмиш китобию тирик тарих шулар.  
Кўп саволингнинг жавобига муҳайё кексалар.

Юзларин нури фаросат, ақлу идрок нуридир,  
Сочлари опшоқ кумушдек боши тилло кексалар.

Тош кемирган, сув симирган, ўтга кирган умраро,  
Не машаққатларни енгган бу тавоно<sup>1</sup> кексалар.

Мардимайдонлик йўлин карвони, ҳушёр раҳбари,  
Тўғрилиқ устозидир қалби мусаффо кексалар.

Кексалик боғин дарахтин меvasидир тарбият,  
Баҳра олганлар дегай минг-минг тасанно, кексалар.

---

<sup>1</sup> Т а в о н о — кучли, қудратли.

Меҳрибону жонкуяр, ёшлар учун чин соябон,  
Ёшлигидан ажраган, ёшликка шайдо кексалар.

Ёшлигингда бўл фазилат соҳиби вақт ўтмасин,  
Дейдилар ёшларни ҳар кўрганда ошно кексалар.

Хулқу одоб гулшанидан ранг-баранг гуллар узиб,  
Айлагай ҳар субҳидам ёшларга савғо кексалар.

Дейдилар оқил қариларнинг вужуди кимиё,  
Сўзларида мўъжизот қилгувчи пайдо кексалар.

Кексаларни ҳурмат этган ҳар йигит-қизлар учун,  
Доимо аъло баҳога чеккай имзо кексалар.

Кексалик кайфин суриб, гаштин суриб яйрайдилар,  
Бу улуғ давронда шукр айлайди баржо<sup>1</sup> кексалар.

Кексалар бўлсин омон, кўп йил умр кўрсин яна,  
Айласин юздан оша, тўю тамошо кексалар.

Кексаларнинг суҳбати Чустийни этди навқирон,  
Шул сабабдан ҳар нафас дилда таманно кексалар.

---

<sup>1</sup> Баржо — чидамли, матонатли, барқарор.



## СОҒИНТИРДИНГ

Хаёлинг кирди қалбимга кўзимдан қочди уйқулар,  
Тизилди шу замон киприкларимга тоза инжулар.

Соғинтирма дедим ёрим, соғинтирдинг,  
Юзингга рўбарў келди кўзим тўрида кўзгулар.

Сени сайратса ҳар тонг оразингдек Чуст гулзори,  
Наманган гулларини эслатур лаълингда кулқулар.

Лабингнинг таъми бор дерлар Косонсойнинг  
гилосида,  
Бу боғдан баҳраманддирлар жаҳонда умри мангулар.

Чучуклик ҳам ширинлик касб этар ҳар йил  
каломингдан  
Ватан олтин кузида турли-турли пишган олулар.

Қароликни кўзингдан қарз олиб, қарзин узолмасдан,  
Хижолатда қочиб юрмиш баланд тоғларда оҳулар.

Фалак Зухроси бўлсам дер дугонанг Моҳитобон ҳам,  
Қуёш қалбига ҳам солди оловни ушбу орзулар.

Балиқ сув ичра сув излар, йилим, ёрим балиғдир  
бил,  
Висолинг чашмасидан қондиролмайдур бўлак сувлар.

Юзингни кўргали келдим бўлиб бошдан-оёғим кўз,  
Кел эй Чустий дединг, кетди дилимдан барча  
қайғулар.

## АҒЁР ЁР

Қалбини қилсанг мусаххар бўлгуси ағёр ёр,  
Кўнглидан чиқсанг, билиб қўй, сенга бўлмас  
ёр, ёр.

Ёрин ағёр этсаю ағёрини ёр этмаса,  
Майли ундай дилни мардлик ханжари-ла ёр, ёр!

Кирса кўнгил боғига маҳзи хиёнат қилгали,  
Қуйруғидан ажралур тулки каби айёр ёр.

Бу саҳар боқди табассумлар билан гул ёрига,  
Чунки боғ ичра ўқур қизлар билан гулёр ёр.

Гул қизин булбулга этмишлар ниқоҳ аҳли чаман,  
Яйрашиб ҳаттоки қушлар айтишур ҳай ёр-ёр.

Пахта майдонида бундан каттароқ тўй авжида,  
Бўлди тўй аҳли билан бормоқ учун тайёр ёр.

Таъриф осмонида илҳомим қуши парвоз этар,  
Чунки доим бебаҳолик кўкида сайёр ёр.

Чустиё дафтар келинчакдир, куёв чобук<sup>1</sup> қалам,  
Шул сабабдин бир умр авжига чиқди ёр-ёр.

---

<sup>1</sup> Ч о б у к — илдам, чаққон, чавандоз.

## ЖОНКУЯР

Ўтга кирмасдан туриб ҳам қай маҳал инсон куяр,  
Қолса у номехрибонлар ичра, юз чандон куяр.

Толеи ёр бўлмаганга бўлмас эрмиш ёри ёр,  
Ул киши афсус олови ичра беимкон куяр.

Ёри бепарво қадрдоннинг дилидан ол хабар,  
Беҳабар қолса агар нонвой, танурда нон куяр.

Жонкуяр топ, жонкуяр топ, жонкуяр топ, э кўнгил,  
Бўлмаса бир жонкуяр, ғам оташида жон куяр.

Эркидан бебаҳра юрган кимсаларнинг ҳолига,  
Оқилу доно куяр, лекин қачон нодон куяр.

Икки турфа жонкуяр бор: биттаси астойидил,  
Биттасин қалбида шодлик, зоҳиран ёлғон куяр.

Меҳрибон халқимга, Чустий, бир эмас, минг  
жонфидо,  
Минг ташаккур, минг ташаккур, менга халқим  
жонкуяр.

## ХУШХАБАРДАН СЎР

Ҳаёт ширинлигининг боисин лаъли шакардан сўр,  
Унинг анвори ҳуснин шуъласин шамсу қамардан сўр.

Танимга ишининг оҳангари босқон урар ҳар дам,  
Бунинг зарбин дилимдан сачраган ҳарён шарардан  
сўр.

На билгай, сўрма булбул ноласини масту уйқудан,  
Унинг таъсирини уйғоқ қулоқ солган саҳардан сўр.

Муҳаббат оташин олам кабоби сезмади ҳаргиз,  
Бу оташ шиддатин менда кабоб бўлган жигардан  
сўр.

Унинг васлин умиди бирла кезган телба ҳолимни,  
Саросар тоғу дарё, чўлу қишлоғу шаҳардан сўр.

Жамолин мўъжизоти бирла тасҳир этди кўнглимни,  
Бу қудрат зўрлигин мағлуби бўлган сеҳргардан сўр.

Бўлақлар билмагай, завқи ошар Чустий, сабаб недур,  
Буни айёми васлидан етишган хушхабардан сўр.

## УЛДИРУР

Ўлдиrolмас юз алам донони, нодон ўлдирур,  
Ору, номусу уят, иғвою бўҳтон ўлдурур.

Сўзда-ку, жон йўқ, вале, тухмат ўқи бўлса у сўз,  
Бу муаммони кўринг, жонликни бежон ўлдирур.

Дейдилар, миннат ўлимдан ҳам ёмондир мардга,  
Эрни миннат-ла берилган ош ила нон ўлдирур.

Тўғриланмасдан илон ҳатто киролмас инига,  
Етмагач мақсадга, эгрини пушаймон ўлдирур.

Ўлдирур одамни йиртқич, бу ажаблардан эмас,  
Бу таажжубким, нечун инсонни инсон ўлдирур.

Минг эгилсинки ҳақиқат гавдаси, синмас, вале  
Рост сўзликни бўғиб баъзида ёлғон ўлдирур.

Қолмагай армон бутун дунёда кўрсам дўстлик,  
Етмасам бу мақсадимга доғу армон ўлдирур.

Бир ўлим албатта бор, э Чустий, ҳар бир жонлига,  
Дўсти йўқ одамни гам ҳар лаҳза, ҳар он ўлдирур.

## НОЛАИ ТАНБУР

Муҳаббат аҳлига оромижондир нолаи танбур,  
Бадаи мулкига чун руҳи равондир нолаи танбур.  
Етишгай ошиқ аҳлига шакаргуфтор куйидан,  
Ажойиб қесиди ширин забондир нолаи танбур.  
Агарчи анжуманда бўлмаса дилдор сиймоси,  
Ёқимли савти ёри меҳрибондир нолаи танбур.  
Вазири чун дутору, навкари бўлмиш рубобу чанг,  
Муҳаббат тахтида шоҳи жаҳондир нолаи танбур.  
Қулоғига қўниб булбул эшитгай ишқ розини,  
Чаман тўтиларига дostonдир нолаи танбур.  
Ҳамиша дардмандларга лисони дил билан сўзлар,  
Тушунмас булҳавас, сирри ниҳондир нолаи  
танбур.  
Муҳаббат риштаси белбоғи бўлмиш, тори жон  
тори,  
Ажойиб, эларо мўъжиз баёндир нолаи танбур,  
Букун Чустий билан айлар тараннум давр гулёрин,  
Ва лекин кўҳна нолишдан нишондир нолаи  
танбур.

## ЗЕРИКМАСИНЛАР

Шўхлик қилиб чаманда гул шохин эгмасинлар,  
Кирса тикони қўлга озор чекмасинлар.  
Кулбамга ўзларини тонг чоғи таклиф этдим,  
Пайқаб қолувди офтоб, ундан кечикмасинлар.  
Дил япроғин демишлар гул баргидан нафисроқ,  
Тирноқ кўтармагай у зинҳор тегмасинлар.  
Ноз элчиси қўлимга ғамза хатин кетурди,  
У хатда дебдиларки, мунча ичикмасинлар.  
Меҳру вафо, муҳаббат улфатлари эди-ку,  
Кибру ҳавога дилбар, ҳаргиз эликмасинлар.  
Чок этдилар юракни, тоқат қилиб бўлурму,  
Сунбул ипидан ўзга ип бирла тикмасинлар.  
Чустийга ҳам дедимки, мактубни озу соз ёз,  
Чунки уни ўқишда ёрим зерикмасинлар.

## ЭЙ, ВАТАН

Эй, Ватан майдонларингдан етти сайёр айланур,  
Сенга ошиқдир табиат, сенга хуштор айланур.

Айланур ер курраси ҳам, бойлигин савфо қилиб,  
Қалбига ишқинг тўлибдур, ҳар неки бор айланур.

Минг ўпар чўпон изидан тоғу қир, яйловларинг,  
Юзларин ёмғир силаб, қиш фаслида қор айланур,

Ошиқу маъшуққа ўхшайдир баҳору пахтакор,  
Бир-бирига етса ишқин айлаб изҳор айланур.

Яхши овозанг эшитгач, қайдаки бўлса рақиб,  
Дам-бадам кўзи тиниб, ҳам боши минг бор  
айланур.

Эл кўзида қуп-қуруқ донсиз тегирмондан хароб,  
Кимки бағрингда яшаб, беҳуда-бекор айланур.

Дону сув тайёрладим, мадҳинг тегирмони учун,  
Йўқса маъно қизлари бир нон учун зор айланур.

Бахтиёрликдан мудом мақтанса Чустинг арзигай,  
Ғолиб авлодинг билан ҳар лаҳза ҳамкор айланур.



## БУЛБУЛЛАР АЙТУР ЁР-ЁР

Ёр қизининг бошидан ёғдуларин сочди баҳор,  
Кўйлагига қатралардан тугмалар тақди қатор.

Айланиб боқди сабо, боғларни уйғотмоқдадир,  
Энг ширин тўй бошланиб, булбуллар айтур ёр-ёр.

Сув қилиб қор нуқрасин тоғларда офтоб зарғари,  
Жилға-жилға, сой-сой мавж ўйнаган савғоси бор.

Шўх гиёҳлар оналар қўйнида гўдаклар каби,  
Яйрашиб ер кўксини эммоқдалар лайлу наҳор.

Чалди чилдирма фалак, тўй базмида ўйнар ҳаво,  
Бу табиат одати қилмоқда инжулар нисор.

Берди ер ганжинасига ёмбу ҳар томчиси,  
Кузда олгай минг баробар олиҳиммат пахтакор.

Бу улуғ тўйдан насиба ойга ҳам, Зухрога ҳам,  
Эй, баландпарвоз элим, бир даста гул бирлан юбор.

Берди бу айём бутун олам тўйидан хушхабар,  
Энг улуғ тўёна қилгай бизнинг омадлик диёр.

Қўлни бер менга, азизим, кексалик даврин сўрай,  
Сен билан кўрсам ажаб эрмас яна етмиш баҳор,

Чунки келтурди менга ҳам эл қатори янги умр,  
Дилдаги янги қувончим юз баҳор фаслича бор.

## УН САККИЗ ЁШИНДАДИР

(Навоийга тазмин)

Кўзларим нури Фароғат ўн саккиз ёшиндадир,  
Ун саккиз минг олам илҳоми унинг бошиндадир.  
Хушхабар мактуби Чуст осмонига боргай етиб,  
Чунки нома куррамизнинг сунъий

йўлдошиндадир.

Уйғониб Беҳзод ила Моний чизарга суратин,  
Кўрдик, нозик қаламлар давр наққошиндадир.  
Ун саккиз юз йил жаҳонда ўчмасин номи дебон  
Ун саккиз хат истагим таъзим этиб

қошиндадир.

Ун саккиз фан соҳиби бўлса ажаб эрмас бу қиз,  
Ун саккиз тоғнинг виқори сабр бардошиндадир.  
Шунчалик умри узун, бахти чароғон кўринур,  
Бир қўли ҳатто фалакнинг бир табақ ошиндадир.  
Бахту иқболи шараф, омад бошиндан айланиб,  
Изларин ўпмоқ умиди субҳ фаррошиндадир.  
Лайли, Ширинлар ҳавас айлаб ҳамиша эргашиб,  
Йўлда ҳам дорилфунунда икки ёнбошиндадур.  
Чустий, бу туҳфам маоний конин инжуси демам,  
Асли устоз махзанини қимматбаҳо тошиндадир.

## ЖАМОЛИНГ

Очилди кўзлари бирдан юзингга боққан аъмолар,  
Қачон бу мўъжизотга бўлди молик Ибн Синолар.  
Лабингдан ранг ўғирлай деб узукка бўлди ёқут кўз,  
Тушиб қўлга қизарди, тиз букиб қилди таваллолар.  
Тушиб қадри сенингдек бебаҳо олдида сарғайгач,  
Қулоғингга осилди ҳасратин айтмоққа тиллолар.  
Тақинчоқ ҳуснингга зийнат десам, бу сўз хато

бўлмай,

Жамолингга жило берди сўзинг зимнида маънолар.  
Азизсан, бебаҳо, меҳнатсевар даврон қизидурсан,  
Сени кўрмоқ шараф дейди уйингда барча ашёлар.  
У кун ошиқ элини телбаю мажнун дер эрдилар,  
Бу кун ҳуснинг асири барча донишманду донолар.  
Икки қирғоғини дарё қулоқ айлаб эшитмоқда,  
Талошиб дур тишингнинг таърифин айтганда

шайдолар.

Лабинг болин мазоқин шуҳрати оламни тутмишдир,  
Сабаб шулдир дўконларда сотилмай қолди

ҳалволар.

Кўзинг ичра кеча-кундуз кўринди турфа олам бу,  
Кўриб хайратда қолди қанча-қанча кўзи шаҳлолар.  
Соқол оқин пилик қилдим, дилимдан унга ўт

бердим,

Вужудим шамъидир бу, шуъласин айла тамошолар,  
Сенинг меҳрингдан ўзга йўқ эрур Чустийда ҳеч

мақсад,

Бу сўзга еру кўк юлдузлари ҳам чекди имзолар.

## КУЛИБ КЕЛУР

Фасли баҳору боғаро тоза ҳаво кулиб келур,  
Тоза ҳавони бағрида меҳригиё кулиб келур.  
Кетди сафарга ҳуту ют, ёғдуларин сочиб булут,  
Лиммо-лим оқди болу сут, сойда шифо кулиб  
келур.

Ерни баҳорим уйғотиб, боди сабони ўйнатиб,  
Эл юрагида қўзгатиб, завқу сафо кулиб келур.  
Майса ариқ лабин ўпиб, эл келадур ғазал тўқиб,  
Қушчалар унга жўр бўлиб, боғлар аро кулиб келур.  
Турди ниҳоллар уйқудан, куртаги ғамза ноз илан,  
Шохларида ясан-тусан, юз жило кулиб келур.  
Чиқди қуёш туман қочиб, япроғидан атир сочиб,  
Кўзни бинафшалар очиб, биё-биё кулиб келур.  
Қирга йиғилди лолалар, қўлда қизил пиёлалар,  
Сайрига Қумри Лолалар, юзда ҳаё кулиб келур.  
Ёйди бутун сенин баҳор, кўргали ёри гулузор,  
Кўзлар эса хумор-хумор, қиё-қиё кулиб келур.  
Ургилайн гўзал Ватан, бошдан-оёғларинг чаман,  
Кўча тўла ҳаё билан, аҳли вафо кулиб келур.  
Фасл шарофатин кўринг, давр латофатин кўринг,  
Бахту саодатин кўринг, эл эларо кулиб келур.  
Бунча ширин замонамиз, мунча ширин таронамиз,  
Боғми, чаманми хонамиз, боди сабо кулиб келур.  
Кел яна кел, гўзал баҳор, эл сенга ҳар йил интизор,  
Гулга тўлиб гўзал диёр, элга фазо кулиб келур.  
Ҳаммада яхши муддао, қалби кутиб баҳорнамо,  
Ишга шошиб ини-оғо, қадди расо кулиб келур.  
Чустий қўлида даста гул, шеърү ғазал тўқиб нуқул,  
Дилда карашмаю усул, машқи бажо кулиб келур.

## К Е Л У Р

Ёр оёгин шарпаси жоним қулоғига келур,  
Гул ҳиди бу шарпадан кўнглим димоғига келур.

Ўзлим гардин умид шаббодаси бирлан қучиб,  
Ўпгали гул япроғидан васл боғига келур.

Ҳар саҳар кўнглим қуши парвона янглиғ пар ёзиб,  
Бу гулистон ичра бир гулнинг чироғига келур.

Тешаси Ширин, деди ҳар зарбидан Фарҳоднинг,  
Ким эшитмоқ истаса, чин ишқ тоғига келур.

Сув эмас, сут мавж уриб меҳрим булоғидан оқиб,  
Бахтиёр Фарҳоду Ширинлар равоғига келур.

Мен элим бағрига киргандек ҳавас айлаб қуёш,  
Эркалаб ҳар тонг кулиб осмон қучоғига келур.

Қанду ҳалвою асал, ҳар дам ширинлик олгали,  
Лаб ялаб, муҳтож ўлиб даврим дудоғига келур.

Топмади Искандар ул зулмат аро обиҳаёт,  
Бўлса зулматдан чиқиб юртим булоғига келур.

Бош эмас Чустий оёғу қўллим фаҳрим менинг,  
Чунки юк оғирлиги одам оёғига келур.

## СЕНДАДУР

Ишқ дардин бердингу лекин даво ҳам сендадур,  
Қайдан излардим ахир дорилшифо ҳам сендадур.

Нозу лутфинг торидан тортдим кўнгил танбурига,  
Пардалар жон риштаси ширин садо ҳам сендадур.

Ёр жабрига чидамсиз ошиқи содиқ эмас,  
Ранжимам қилсанг жафо чунки вафо ҳам  
сендадур

Қайда қолди деб қидирдим, оқибат топдим уни,  
Дилку сенда эрди, жоним мубтало ҳам сендадур.

Кимдан айларкан таманно, кимдан айларман умид,  
Нозу ғамза сендаю лутфу ато ҳам сендадур.

Тик боқолмайман юзингга, кўзларим тўсгай ҳаё,  
Кони одоб сендаю жами ҳаё ҳам сендадур.

Сен ўзинг жаннат, ўзинг ҳурсан, ўзинг кавсар  
суви,  
Бу қуёш нуридан ортиқроқ зиё ҳам сендадур.

Урмаса майли юрак ишқинг учун жой бўлмаса,  
Эй Ватан шундай баҳосиз дилрабо ҳам сендадур.

Сўзладим Чустий сени зеболаринг мингдан бирин,  
Сендадур ҳар мақсадим, чин муддао ҳам сендадур.

## ЗИНҲОР

Ичишга излама сув қон оқар анҳордан зинҳор,  
Шарафли ишга ҳаргиз айлама маккордан ҳамкор.

Чаманни тозала гулга зиёдли хору хаслардан,  
Гулидан кўп тикан бўлса, етар гулзордан озор.

Эшитсанг бир умр оҳанги кетмайдир қулоғингдан,  
Дилин созини жўр этгувчи дўсту ёрдан гулёр.

Бўлур ҳар лаҳза хурсанду бўлур рози, бўлур мойил,  
Ҳамиша ишқида ҳушёру миннатдордан дилдор.

Сўзинг буғдойини бурчоқдан ажрат, яхшилаб эла,  
Ширин нон бўлмас ун қилсанг йиғилган чордан  
ночор.

Ёнингда бўлса ҳамовозларинг, бўлғай баланд  
авжинг,  
Дегил, тарих кўзи кўрганму ёлғиз тордан сетор.

Муҳаббат хирманин ҳаргиз талатма булҳавасларга,  
Топилгуси ҳамиша эҳтиёти бордан анбор.

Ғазал бобида, Чустий, кўп эрур нуқсим, дегай  
раҳмат,

Эшитса узрини ўз нуқсига иқрордан такрор.

## САОДАТЛИ ЧАМАНДА

Саодатли чаманда сайр этарман бахтиёрим бор,  
Бу гулшан булбули дерман, қизил гулдан нигорим  
бор.

Тилимда васфи гулзорим, тиниқ қалбимда  
ашъорим,  
Қўлимда созу сеторим, макони лозорим бор.

Батан ишқида ижодим тараққий куйини куйлар,  
Бу оҳангимда халқим яшнатур машқи баҳорим  
бор.

Чаман озодидирман, ҳамдамимдир аҳли нотиқлар,  
Бериб қўл бирлашиб суҳбатда оғуши манорим бор<sup>1</sup>.

Гўзал севгим билан аҳдим ҳаёт ичра бузилмайдир,  
Муҳаббат мажлисида ёр илан тузган қарорим  
бор.

Қуёшим нур берган гулшаним равшан,  
мунаввардир,  
Тамошои чаман этмакка эркин ихтиёрим бор.

Жаҳонда мақсадим бирлик, омонлик, марду  
майдонлик,  
Азиз дўстлар билан Чустий бу йўлда бахтиёрим  
бор.

---

<sup>1</sup> М а н о р — нур, ёруғлик манбаи, машъал.





## МАШҲУР

Бир нуқтага икки хат кўз узра бош қўйибдир.  
Ехудки, икки шайдо бошига тош қўйибдир.

Ҳайратда ҳуснидан нур, номи жаҳонга машҳур,  
Сўрсам деди бу номни менга қуёш қўйибдир.

Тўй қилди субҳисодиқ, келди қуёш десам мен,  
Нурдан табақда осмон ёримга ош қўйибдир.

Тер тўкди дона-дона мардоналар юзидан,  
Тер қайси тошга томди, олтин қумош<sup>1</sup> қўйибдир.

Мардоналарга раҳмат, минг офарин дерман,  
Меҳру вафо юзига кўз бирла қош қўйибдир.

Ул одам эрмас асло, йиғлар ўзи жаҳонда  
Ҳар кимки эл кўзига ҳасрат-ла ёш қўйибдир.

Булбул мисоли сайра гулшан ватанда Чустий,  
Боғ сайрига қадамни ҳар кекса-ёш қўйибдир.

---

<sup>1</sup> Қ у м о ш — мато.

## УЙҒОТУР

Ғунчаларни боғда гар булбул навоси уйғотур,  
Мард элимни ҳар саҳар танбур садоси уйғотур.

Тонг келинчакдек кулиб оламни уйғотган каби,  
Ишга ўз шайдосини ўз дилрабоси уйғотур.

Шунга ўхшарки, дилимда уйғониш ҳар лаҳзада  
Коинок қалбин баҳор бодисабоси уйғотур.

Сен камолот кўзини очгилки маъни тонгги, бу,  
Шеър мулкин субҳининг Зебуннисоси уйғотур,

Ер дилига ишқидан турфа ҳароратлар бериб,  
Гоҳ қуёш, гоҳ хуш табиат хушҳавоси уйғотур.

Ҳалқа қоққан ким эшикда субҳидам э, дилрабо,  
Бахтиёр элни, эшит, кўклам нидоси уйғотур.

Таърифун тавсифи поёнсиз эрур бўлмас адо  
Қайси дилники Ватан меҳру вафоси уйғотур.

Чустий илҳомин кўзини уйқу босмас ҳеч қачон,  
Мудрамас асло мудом Ленин даҳоси уйғотур.

## ФИДО, ДЕРЛАР

Кўзингни кўрган ошиқлар уни тундан қаро дерлар,  
Шаби ялдони ҳам икки кўзингга мубтало дерлар.

Юзингни гулханида товланиб холинг куюб  
қолмиш,  
Бу ўтдан баҳрасизлар таъна айлаб рўсиё<sup>1</sup> дерлар.

Қамар ишқинг ўтидан кўк дилида катта бир  
чўғдир,  
Жамолингни қуёш дерлар, бу сўзни бехато дерлар.

Дилорому Зулайҳо, Лайлию Ширину Зуҳролар:  
Чиройинг олдида таъзим билан, минг марҳабо,  
дерлар.

Шу ҳам ошиқлиғ ўлмишми, йўлингда ёлғон  
ошиқлар,  
Фалакдин дод этиб, охир сени ҳам, бевафо,  
дерлар.

Муҳаббат кўчасида паст эрур Хисрав гадодан ҳам,  
Гадони шоҳ деб, ҳиммат-ла ошиқни гадо дерлар.

Бериб кўнглини Чустий мен фидо бўлдим десам  
сенга,  
Эшит атрофи олам халқи, бизлар ҳам фидо,  
дерлар.

<sup>1</sup> Р ў с и ё — қора юз, юзи қора.

## ЎТАР-КЕТАР

Кўчага чиқса тўхтамай кўзи хумор ўтар-кетар,  
Юрса йўлини яшнатиб мисли баҳор ўтар-кетар.  
Бир қарамайди қайрилиб, шўх-шўх оқувчи сув  
каби.

Ёнида ҳур дугоналар, тўрда қатор ўтар-кетар.  
Боққа кирар сабо каби сайр этадир чаман аро,  
Лола юзин қизартириб бўлса дучор ўтар-кетар.  
Гул варағида мадҳини бўлбул ўқийди завқ ила,  
Ғунча лабин буриб-буриб лолаузор ўтар-кетар.  
Тўхта десанг-да тўхтамас, умри каби қарори йўқ,  
Йиллару ою ҳафталар, лайлу наҳор ўтар-кетар.  
Орқасидан қараб қолиб менда на чора, на илож  
Ёки боқингга айлабон номусу ор ўтар-кетар.  
Узма умидни эй кўнгил, ўтса баҳор яна келур,  
Ёғса бошингга ҳажрида ёмғиру қор ўтар-кетар.  
Гарчи жаҳондан ўтса ҳам яхшини номи ўчмагай,  
Яхшилиқ айла, яхши бўл, ҳарнаки бор ўтар-кетар.  
Умринг ўтарки Чустийё ваъдани вақти ўтмасин,  
Сен ўтасанму ё сенга ваъдали ёр ўтар-кетар.

## ЯНГИ ЕШИМДИР

Бошимга таънатошин ёғдулар ул бағри тошимдир,  
Маломат тошларин остида мажруҳ хаста бошимдир.  
Умидимнинг қазонида муродим ҳосили қайнар,  
Муқаддас мақсадимда орзулар нону ошимдир,  
Йўлида термулурман ул чиқиб қолса

қаролмасман,

Қамаштирган кўзимни ҳусни нур сочган

қуёшимдир.

Ярим кулку билан менга қарашга айлаган мойил,  
Севинч ёшига тўлган кўз билан маъюс қарошимдир.  
Ало дурни киши кўрганмикин деб эрди, ул айди —  
Ало дур сурма қўйган кўздан оққан қатра

ёшимдир.

Муассир<sup>1</sup> айлаган булбуллар авжин боғаро тонгда,  
Висолин иштиёқи бирла эткан дилхиروшимдир.

Асир этган дилимни тўрт тарафдан не десам,

дерким,

Бу сирни билмасанг бил, икки кўзу икки

қошимдир.

Дедим сендек гўзални парварин этган диёримга,  
Тасаддуқман азиз халқим: бу йўлда

ишқдошимдир.

Бу назмингга сабаб не бўлди эй Чустий, деди,

айдим —

Муҳаббат бирла етмиш бешдан ўтган янги

ёшимдир.

---

<sup>1</sup> Му а с с и р — таъсирли, таъсирчан.

## УЗИДАН СЎР!

Бу қандай нур десам, ёр айди, бахтим юлдузидан  
сўр!

Агар фаҳм этмасанг, сўз оламин ширин сўзидан  
сўр!

Дедим: сочинг қароми ёки сунбул, ё шаби ялдо?  
Деди: бу нуқтани қош устида холим юзидан сўр!

Кўзинг шаҳлолигинг васфин сўрай кимдан, дедим,  
айди:

Қаро кўзларни ҳайрон айлаган оҳу кўзидан сўр!

Юзинг нурин қуёшдан майлими сўрсам, десам  
кулди,

Деди: ҳусн оламин ҳаргиз туни йўқ кундузидан  
сўр!

Дедим: лаълинг ширинми, ё шакар, ё қанд, ё ҳалво?  
Деди: бундай саволни сўрмагил мендан, ўзидан сўр!

Дедим, умринг баҳорин мевасин қайдин сўрай,  
айтгил?

Деди: неъмат тўла давронимиз ёзу кузидан сўр!

Деди: эй Чустий, шу шеъринг ошин таъмин сўрай  
кимдан?

Деди: бу луқмани халқим татиб кўрган тузидан сўр!

## НА ҲОЖАТДИР

Агар оқил киши бой берса ақлин, катта даҳшатдир,  
Бу даҳшат жонга офатдир вале душманга роҳатдир.  
Қуёш юзли эсанг ҳам тўғри йўлдан четлама асло,  
Йўлидан заррача чиқса қуёш ул кун қиёматдир.  
Бошинг ер куррасидек ногаҳон айланса ҳам шошма,  
Уни серҳосил этган вазнию сабру салобатдир.  
Сўқир кўз яхши дерлар эл, узоқни кўрмаган

кўздан,

Тафаккурнинг кўзини оч ушбу сўз айнаи башоратдир.  
Фаровондур ҳаёт, аммо, дема осон эрур турмуш,  
Унинг ҳодислари рўй бермоғи соат басоатдир.  
Амонат қилма ҳаргиз эл ишин айла мустаҳкам,  
Агар ҳар қанча умринг юзга кирсанг ҳам омонатдир.  
Уқиб билдим, эшитдим, ўтди бошимдан шулар

аксар,

Жигаргўшам амал қилсанг савоби бениҳоятдир.  
Агар шод этмаса халқини жони борича Чустий,  
Унга инсонлигу жисму юрак-жони на ҳожатдир?



## ХАТО БЎЛМАС

Агар ҳар кимсада юксак самимий муддао бўлмас,  
Етуклик мулкида у аҳли маънилар аро бўлмас.

Бу фикрим манбаи доно улуғ устозлар фикри,  
Жаҳонда тўғри сўзни нақл этиш ҳаргиз хато бўлмас.

Даволар навъи кўп, аммо фазилат мубталосига,  
Замон илму фанидан бошқаси ёқмас, даво бўлмас.

Билимдан парда боғлаб ақл агар соз этмаса созин,  
Ҳаётин танбурида элга таъсирли садо бўлмас.

Дилига ёқмаса инсонийлик порлоқ чироғини,  
Унинг исми Сафо бўлганда ҳам қалби сафо бўлмас.

Довонлардан ошиб турли машаққатлар чекиб ҳар  
ким,  
Буюк манзилга етса таърифи ҳаргиз адо бўлмас.

Ғазалга меҳнатин оҳанрабосини Чустий дарж<sup>1</sup> этди,  
Шу хилда бўлмас шеъру ғазал ҳам дилрабо бўлмас.

---

<sup>1</sup> Д а р ж — киритиш, қўшиш.

## АЙЛАМАС

Яхшилар ўз дилбаридан ўзгани ёр айламас,  
Бошига осмон йиқилса, ишқин инкор айламас.

Меҳрининг боғига сув бергай вафо анҳоридан,  
Дилбарига жабр этиб, кўз ёшин анҳор айламас.

Ҳажр тоғин кесмаса, келтирмаса мақсад сувин,  
Ёри ҳам ўз ошиқига лутфин изҳор айламас.

Баъзилар: жоним фидо деб, сўнг қилиб  
маккорлик,  
Ёрига қилган ишин ҳеч қайси ағёр айламас.

Тош эриб кетгай агар ишқ оташи олса ўраб,  
Тошжорак бўлса нигоринг, заррача кор айламас.

Бошига юз минг бало келса йўлидан қайтмагай,  
Юз маломатга дучор ўлса сира ор айламас.

Аҳдида содиқ киши ёрига бўлгай мўътабар,  
Чустий ўз аҳдида содиқ, дилбари хор айламас.

## ВАТАН ИШҚИ

Чаман булбуллари қузғун-ла ҳамоҳанг бўла олмас,  
Дилим булбулни тинглар, қарға савтига қулоқ  
солмас.

Сўзимни ёзмадим гул япроғига андалиб янглиғ,  
Хазон боди узиб шохдан, аёқ остига ташлолмас.

Қуёшни дафтар айлаб унга ёздим шарҳи ишқимни,  
Жаҳон борки бу дафтар ерда қолмас асли  
топталмас.

Шамолда лоланинг ёнган чироғи ўчмагай, кўргил,  
Шунингдек минг шамол юрсин, муҳаббат тоғи  
қўзғолмас.

Менинг ишқим гувоҳи ер билан осмон қуёшу ой,  
Кишининг тўрт гувоҳи бўлса, у ҳаргиз жазо олмас.

Ватаннинг меҳри кимда бўлмаса тилсиз балиқ  
янглиқ,  
Юрар сув ичра сув излаб вале бир ҳарф  
сўзлолмас.

Бутун бошдан-оёғин тил қилиб сўзлаб ватан ишқин,  
Топар тобора қувват, тўхтамас Чустий, дили толмас.

## КАМ ЭМАС

Бу газал таъми азизларга шакардан кам эмас,  
Лекин ифвогарнинг оғзига заҳардан кам эмас.

Ким агар тонса ҳақиқий дўстидан, устозидан,  
Эл ичинда ул киши оқпадардан кам эмас.

Кимки беюзлик биёбони аро тутса макон,  
Насли одам бўлса ҳам эчкиэмардан кам эмас.

Рангфуруш баъзан сухан бозорида чайқов қилур,  
У субутсиз дардисар ҳар дарбадардан кам эмас.

Нотавон нодону қўрқоқ, фикри пуч, нодону сушт,  
Жисм аро сув тўпланиб қолган жигардан кам  
эмас.

Тулкига шер бўл демоқлик айни нодонлик эрур,  
Бу сўзимни ким эшитмас гунгу кардан кам  
эмас.

Барқ урар ҳаққониятнинг нури бу назмим аро,  
Кўнглими равшанлиги шамсу қамардан кам  
эмас.

Тонма, эй Чустий азиз устоздан, мардона бўл,  
Бўлса рози сенга минг-минг симу зардан кам  
эмас.

## МУДДАО

Тағофил қилса маъшуқ сабр этар ошиқ, жудо  
бўлмас,  
Гўзаллар нозу истиғноси ошиққа жафо бўлмас.

Қарор эт ишқ ўтида доналардек сачрама кўнглим,  
Қарори бўлмаган кўнгилга ҳеч ким ошино бўлмас.

Уни мен севдиму у севмади, деб ўйлама ҳаргиз,  
Ғубор остида қолган кўзгуда равшан жило бўлмас.

Дилимда ифтихоримдир йўлида жонфидо қилмоқ.  
Нега даркор эрур жоним йўлида гар фидо бўлмас.

Бу йўлда қайси дил куйди, қўниб ҳуснига хол  
бўлди,  
Менинг кўнглимда ҳам шундан азизроқ муддао  
бўлмас.

Сабаб недирки Чустий халқ учун жонимни тикдим  
мен,  
Қабул этмас нигорим эл агар мендан ризо бўлмас.

## ХАЛҚ ТАЙЕР

Кимки эл қонин ичар, йиртқич эрур, одам эмас,  
Чўлда инсонга заҳар сочган илондан кам эмас.

Эрк учун ҳақли курашган элга ҳомий бўлмаса,  
Ул кишининг қавли бўш, дўстликда мустаҳкам  
эмас.

Халқ агар қон ичра қолса, дил нечук роҳатланур,  
Дўстлар қайғусидан дўстлар дили беғам эмас.

Энг чирик империя хонлари, босқинчилар,  
Кет бу ердан чунки бу сен истаган олам эмас.

Бу садо миллиарду миллионлар садосидир, эшит,  
Бу кураш мардлар учун қўрқинч эмас, мотам  
эмас.

Қўрқса душмандан киши, ўғри мушукдан фарқи  
йўқ,  
Савлати бўлган билан эр ҳам эмас, шер ҳам эмас.

Элу юртимни ҳимоят қилғали тайёрмен,  
Чустий илгимда қалам ҳеч автоматдан кам эмас.

## ИБО ҚИЛМА

Жаҳонда олиҳиммат мардлардан ҳеч гадо чиқмас,  
Бу фикримнинг китобин қанча текширсанг хато  
чиқмас.

Илонлар изларини тўғрилайман деб хуноб бўлма,  
Агар минг йил урингил бу ишингдан ҳечвақо  
чиқмас.

Агар аслида қинғирдир, мудом бўлғай иши қинғир,  
Йўниб овора бўлма, эгри калтақдан асо чиқмас.

Агарда одамийлик жонидан маҳрум эса жисми,  
Тириклар бирла қил, ўликдан ҳеч садо  
чиқмас.

Топилмайдир-ки ҳар бир кимсадан дардинг учун  
малҳам,  
Нечунким ҳар ҳаким сандуқчасидан мўмиё чиқмас.

Қўғирчоқ ўйнаган ёшлар каби суратнараст бўлма,  
Билиб қўйгил ўйинчоқдан кишига ошино чиқмас.

Дили оқ, ранг-баранг дўстлар учун жон берсанг  
арзийди,  
Самимий ошнолар жамъидан кўнгли қаро чиқмас.

Сўзингни ранги бир, мазмуни бир Чустий ибо  
қилма,  
Табийдирки гавҳар конидан гавҳар ало чиқмас.

## СУРМАГА МУҲТОЖ ЭМАС

Кўзларингиз сурмага муҳтож эмас,  
Қошларингиз ўсмани қилмас ҳавас.

Ҳар иккови гоҳи-гоҳи ўйнашар,  
Нега ўйнар, мендан ўзга пайқамас.

Жон тамошо қилгали чиқмоқ бўлур,  
Чиққани қўймас бўлиб кўкрак қафас.

Бахш этар ошиққа янги-янги жон,  
Сиз билан суҳбатдаги ҳар бир нафас.

Сохта ошиқ берса гуд бўлманг уни,  
Бўлмасин гулшанда бундай хору хас.

Кўкка бошим етди олқишлаб букуи,  
Сизга қарсак узра қарсак гулдирос.

Меҳнатингиз таърифий Чустий билан,  
Куйлади ҳар тонгда булбул басма-бас.



## ТИЛАКЛАР

Самимий элсеварлар бирла тонгда айладим суҳбат,  
Бир эрди фикримиз ҳам зикримиз ҳар лаҳза, ҳар  
соат.

Эди бу анжуманнинг боиси яхши тилак элга,  
Ҳамиша яхши ният ёру дўстларга эрур одат.

Тилаклар жумласидан тўрттасин аввал баён айлай:  
Ўзун умр ила соғлиқ, тўқлигу тинчлик каби давлат.

Ва лекин тўртта ҳодис тушмасин эл бошига ҳаргиз:  
Бири кулфат, бири офат, бири бидъат, бири миннат.

Азиз дўстларга лекин ҳар нафас тўрт нарса бўлсин  
ёр:

Ширин улфат, ширин суҳбат, гўзал санъат бирлан  
роҳат.

Буюк ер куррасида қолмасин бу тўртта мудҳишлик:  
Бири зулму бири зулмат, бири иғво, бири туҳмат.

Йигит-қизларга ҳам бўлсин муяссар тўртта зеболик;  
Етук ақлу етук одоб, етук илму етук ҳикмат.

Ва лекин тўртта мушкул тушмасин ҳеч кимса  
бошига:

Бири бевақт ўлим, қуллик, бири йўқлик, бири иллат.

Башар авлодининг тўрт нарса бўлсин нузли  
сиймоси;

Бири инсоф, бири виждон, бири сидқу ҳалол меҳнат.

Дедик тўрт нарса одам ҳуснига доғ солмасин  
ҳаргиз:  
Бири ёлгон, бири ҳийла, хиёлату ёмон хислат.

Сарафроз айласин эл ичра ҳар одамни тўрт нарса:  
Бири фарзанди қобил, бахту омад-ла буюк ҳурмат.

Кишида бўлмаса тўрт нарса чин инсон бўлур эрди:  
Бири бадмастлик, пастлик, бири кибру, бири ғафлат.

Насиб бўлсин ҳамиша тўрт яхши феъл ҳар кимга:  
Бири ғайрат, бири ҳиммат, гўзал одат, улуғ  
хизмат.

Агар тўрт нарса бўлса, ундай одам мардимайдондир:  
Ватан ишқию эл меҳри, замон фикрию пок ният.

Баён қилдинг кўнгил истакларин мингдан бирин,  
Чустий,  
Уқиб шояд дегай эл сенга ҳам устозингга раҳмат.

## МАРДОНА ЧУСТ

Боши осмонга етишди энг баланд кошона Чуст,  
Ишни кенг майдонда қойил айлади мардона Чуст.  
Янгидан машҳури олам икки тарихий диёр,  
Яъни Косонсой билан нурчеҳра кенг пешона  
Чуст.

Гова, Олмос, Чиндовул ҳам Тергачию Каркидон,  
Қандиён, Шўркент, Машат бирла етук фарзона  
Чуст.

Бу диёр бошдан-оёқ минг-минг фазилат соҳиби,  
Боғлари худди Намангону Самарқандона Чуст.  
Қаҳрамон, моҳир ҳурнардлар, адиблар бешиги,  
Паҳлавон халқи фаровон, хурраму хандона Чуст.  
Коммунизмнинг булоғи қайнаган мардлар уйи,  
Ёру дўстларга ҳамиша қалби меҳмонхона Чуст.  
Хушҳавосин мақтасам Сочи ҳавоси рашк этар,  
Дейди Кавказ қизлари ҳам: қизлари жонона  
Чуст.

Чуст оқ олтинга кону, кони тиллайи сафид,  
Тўғри сўз шулдирки, ҳатто тошлари дурдона Чуст.  
Офариннома ёзилди Чуст номига, ўқинг,  
Чунки тўйдан илгари келтирди зўр тўёна Чуст.  
Дўпписин ой мақтаса, мақтар пичоғин кун тиги,  
Мўъжизотлар кўрсатувчи мисли йўқ корхона Чуст.  
Ўзбекистоннинг баҳодир баркамол фарзандидур,  
Менга ҳам Чустий лақабни берган ота-она Чуст.

## АНА ҚАДДУ АНА ҚОМАТ

Кўзим мулкин мусаххар қилди боқсам лашкари  
хайрат,  
Дилим мулкини ҳам забт айлади шул дамда бу  
қудрат.  
У кундан то шу дам меҳринг менинг ширин  
ҳаётимдир,  
Тилим бурро қилур фикринг, дилимга бахш этар  
қувват.  
Сафар қилсам юзинг шавқи ҳамиша бўлди  
ҳамроҳим,  
Хаёлинг, қайда ўлтирсам, эрур минг йилли  
ҳамсуҳбат.  
Жамолинг нури илҳомим қизин заррин либос этди,  
Сўзимга берди зеб ишқинг сахийлик бирла беминнат.  
Дедим умринг узун, давлатинг мундан фузун  
бўлсин,  
Ана шафқат, ана ҳурмат, ана давлат, ана ҳиммат.  
Дилимнинг саҳнида жилванг билан жаннат  
яратдинг сен,  
Шукрим нақд бўлди, менга нася бўлмади жаннат.  
Сўзинг қалбимнинг уммонида бўлди бебаҳо гавҳар,  
Баробар келмагай оламда мунга ҳар нечук қиймат.  
Жаҳонда тинч-омонлик қомати сен бирла тикланди,  
Дедилар жумлайи олам, ана қадду ана қомат.  
Қаламни Чустийе жон борича тўхтатма, чаққон эт,  
Ғаниматдир ҳаётинг дер, Муқимий, Завқию Фурқат.

## БАҲОР ҚУШИҒИ

Оламга берур баҳор назокат,  
Васлидан этар нигор башорат.

Тенг келса баҳору ёр икковлон,  
Дил тоғуси неча бор ҳаловат.

Бу муждасига бўлай тасаддуқ,  
Келмоқда бу икки ёр саломат.

Туфроғни баҳор оширса тафтини,  
Қалбимда қилур қарор ҳарорат.

Кўклам шарафига шайланинг деб,  
Бизга қиладур диёр ишорат.

Ҳурматлар ила кутуб олурмиз,  
Яшнар яна пахтазор аломат.

Эл розилиғи муродимиздир,  
Дил лавҳида бу ишлар китобат.

Кошки ғазалим қазони қайнаб  
Этсам элимни қатор зиёфат.

Боримни яширмай асли ҳатто,  
Жонимни этай нисор ниҳоят.

**Дилдору қуёшу мен саноқсиз,  
Йиллар била ҳар наҳор сабҳат.**

**Айлаб сурамиз Ватанда даврон  
Беташвишу бахтиёр — бу, одат.**

**Еримнинг аниқ ризоси ҳам шул,  
Бул иш менга ифтихор, саодат.**

**Чустий, келадур баҳор ила ёр,  
Эрдинг бунга интизор бағоят.**

## ЮЗИН КҮРГАН

Юзин кўрган қуёшга кўз солурму?!  
Кичик бир заррадин баҳра олурму?!  
Сочи ошиқ бўлиб тушмиш изига,  
Йўқ эрса боши ерда судралурму?!  
Оширмақ бўлмаса қадрини сурма,  
Унинг киприкларига суркалурму?!  
Яноғи узра гофил бўлмаса хол,  
Дудоғин устидан четда қолурму?!  
Кўзидан, эй кўзим, ҳеч ёққа кўчма,  
Киши шундай ватандан қўзғолурму?!  
Кўз устида муаллақ урди қошлар,  
Жаҳон дорбози бундай ўйнолурму?!  
Анорнинг донасимۇ ё юмуқ лаб,  
Сўраб билмай киши лаззат олурму?!  
Унинг ишқин дуторидан бўлак соз,  
Агар тилло эса Чустий чолурму?!

## ГУЛ-ГУЛ ОЧИЛМАСМУ?!

Бориб ёнига ўлтирсам, нигорим ор қилмасму?!  
Тағофил айласа бир сўз демай, кўнглим эзилмасму?!

Кўримсиз бенамудманму гуноҳим на эрур билмам,  
Писанд этмай қуёш ўз заррасини кўзга илмасму?!

Кўнгил аҳволидан дилдор бепарво эрур тоқай,  
Ва ё жон офатига ошиқин дарди сезилмасму?!

Узун киприklarининг игнасин ишлатса раҳм айлаб,  
Висол дорил шифосида юрак чоки тикилмасму?!

Севинчимдан юзим япроғига ёғдиргали шабнам,  
Табассум ғунчаси борган сайин гул-гул очилмасму?!

Аё Фарҳоду Ширин, Лайли, Мажнун айлагин инсоф,  
Гўзаллик лавҳига аввал шунинг номи битилмасму?!

Ёмон кўзлар ўқига пок сийнамни сипар қилдим,  
Агар сақлолмаса ёрини ул сийна тешилмасму?!

Агар ул бўлмаса дунёда, найлай, Чустий, умримни,  
Ҳаётим гулшани ичра таним сарви йиқилмасму?!



## ДИЛРАБОСИМУ

Кел, бери кел, деган мени кўзни биё-биёсиму,  
Жонму югурган ул томон, ошиқи мубталосиму.

Лаълида кулки шевасин кўз-кўз этар табассуми,  
Дилму шошиб лабин чўзар, ёш бола иштаҳосиму.

Ерга тўкиб висол майин, телбаму у шароб ичар,  
Ошиқни пурхатосиму жонига ё жазосиму.

Гулму юзида яшнаган, меҳригиёму боғаро,  
Телба кўнгилму куйлаган булбули хушнавосиму.

Ҳинду хабаш қизига ҳам рангу жило юборгучи,  
Холу сочин жилосиму, қошу кўзин қаросиму.

Гоҳи қабоғини солур, гоҳи кулиб-кулиб боқар,  
Эркалигиму билмадим, нозиму бир балосиму.

Кўзлари ичра кўзларим бир кеча-кундузин  
кўрар,  
Ул кеча-кундузиму ё менга оло-булосиму.

Номи ғазалга руҳ эрур, ёзса қаламга жон кирар,  
Сеҳриму мўъжизотиму, Чустийни дилрабосиму.

## ЯЙРАРМУ

Киши чўлдан балиқ, дарё ичидан оҳу истарму?  
Ва ё гулхан ичидан гул узай деб, оташ ушларму?

Кишини ақли комил, йўлламас амримаҳол ишга,  
Билинг, мақсад қозони ҳеч қачон муз узра  
қайнарму?

Баландпарвоз этиб, бу кенг фазода айлаган ғавго,  
Чаманга кирса ногаҳ қарғалар булбулча сайрарму?

Ёғочга қанча минг сайқал беринг, ҳаргиз жило  
бермас,  
Кўринмас унда аксингиз яғоч кўзгуга ўхшарму?

Кўнгил оннасин босса ғубор бир дўстдан ногаҳ,  
Шошиб синдирманг они, синса сўнгра жилва  
айларму?

Дилида дўстларнинг, дўстлардан кийна жой олмас,  
Оқар сув узра ёмғир томчиси бир лаҳза тўхтарму?

У жаннат юзли ёнига чақирса бор, эй Чустий,  
Киши васлига етмасдан туриб, ҳижронда яйрарму?

## С Е Н М У

Тириклик манбаи жисмим аро жон бўлди ё сенму,  
Хаёлинг жон уйин тўрида жонон бўлди ё сенму.

Кўзим тиндиму ё олам қоронғу бўлди ҳайронман,  
Булут ичра тўлин ой кўкда пинҳон бўлди ё сенму.

Кўзимдан ёш оқар эрди, баногаҳ янги нур кўрдим,  
Куюш ёмғир ёғар чоғи намоён бўлди ё сенму.

Навоий килкидан томган сиёҳдан эрдиму холинг,  
Фасона Ширини оламга дoston бўлди ё сенму.

Ватан булбуллари чаҳчаҳлашурлар шоду беармон,  
Чаманда ғунчалар тонг чоғи хандон бўлди ё сенму.

Ҳаётим чўлларин ҳар лаҳза қондирмоққа мавж  
урган,  
Ватанда Жайхуну Сайхун, Зарафшон бўлди ё сенму.

Қўлим кўксимда таъзим айладим, давримга  
салламно,  
Дилимга нур берган фикринг имон бўлди ё сенму.

Тамомий ишқ элин қалбин мусаххар айлаган  
кимдир,  
Бу майдонда санамлар марду майдон бўлди ё  
сенму.

Кўринди менга Чустий, янги бахту янги иқболим,  
Шарафлик янги йил қалбимга меҳмон бўлди ё  
сенму.

## БИЛДИНГМУ?

Сенга жоним фидо қилмоққа мен тайёр,  
билдингму?

Парилар ҳам сени кўрмоққа бўлмиш зор,  
билдингму?

Қуёшим чиқмасанг ногаҳ менга олам қоронғудир,  
Кўрай дерман жамолинг бир эмас юз бор,  
билдингму?

Юзинг бўстонига офат шамоли тегмасин ҳаргиз,  
Гўзал боғим гулистони ўзинг эй ёр, билдингму?

Қанотим куйса ҳам парвонадек минг ўргулай  
сендан,  
Сени дерман танимда токи жоним бор, билдингму?

Букун Фарҳоду Ширин, Лайли-Мажнун достонидек,  
Дилимнинг достонин айладим изҳор, билдингму?

Шифо топгай агар бир илтифот айлаб қиё боқсанг,  
Йўлингда учраган ҳар хастаю бемор, билдингму?

Нигорим пок ишқимдан бўлак сенга гуноҳим йўқ,  
Бу айбимга бўлай Чустий каби иқрор, билдингму?

## ЛОФИ ЙЎҚ

Пахтадан ҳар бир ғарам бўлди мисоли кўҳиқоф,  
Йўқ эрур бу сўзда шубҳа, йўқ эрур бу сўзда лоф.

Дўстлик, тинчлик, ҳалол меҳнатла олий аҳли фан,  
Бу баланд ҳосил тилимотини этди инкишоф.

Дўл ўқин ёғдирди ёмғир тири борони билан,  
Пахтакор энгилмади, қилди булут ҳам эътироф.

Ҳеч машаққат, ҳеч қийинликнинг ғубори  
босмагай,  
Эларо нурунийдир ҳар кимки бўлса қалби соф.

Бир бўлур мақсуди, фикри дўстлар ҳар ишда ҳам,  
Иттифоқи бегараздир, заррача бўлмас хилоф.

Ҳар бўлар-бўлмас учун тил ханжарин ишлатмагай,  
Унда бўлгай ақлу идроку фаросатдан ғилоф.

Ушбу таърифга муносибдир забардаст пахтакор,  
Мадҳини ёзмоққа, Чустий, бўл қаламла мўйшикоф<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> М ў й ш и к о ф — қилни қирқ ёрувчи, нозик-фаҳм.

## МУБОРАКБОД, ЭЙ ЖИЗЗАХ!

Йўқолган сенда эски нола-ю, фарёд, эй Жиззах!  
Тикандан, йўқ эрур булбулларингда дод, эй Жиззах!  
Элинг жаннат яратди беҳазон, бошдан-оёғинг боғ,  
Эрур ҳар бир дарахтинг сарв ила шамшод, эй  
Жиззах!

Сочиб ул кунлар Октябрь қуёши сенга ҳам нурын,  
Қоронғулик қўлидан айлади озод, эй Жиззах!  
Учиб зулмат ўти кул бўлдию ўрнида нур гулхан,  
Саросар бўлди ғафлат уйлари барбод, эй Жиззах!  
Бадавлат Ўзбекистон кафтида бир бебаҳо гавҳар,  
Эрурсан жилвагар ҳам соҳиби ижод, эй Жиззах!  
Элинг ўрни баланд жангларда ҳам зўр иншоотларда,  
Эдим бирга у кунларни қилурман ёд, эй Жиззах!  
Сенинг мадҳинг учун ҳазрат Навоий дostonи кам,  
Етушди сенда минг-минг Ширину Фарҳод, эй  
Жиззах!

Ватан тўйи-ла олтмиш марта қутлаб айтаман,  
Чустий,  
Муборакбод, муборакбод, муборакбод, эй Жиззах!

## КЎРГАЧ

Киролмай иккилангай уйда ҳар ким илон кўргач,  
У йўлга юрмас оқил қайси бир йўлдан зиён кўргач.

Мени севмайди ёрим деб шикоят қилма оламга,  
Нечук севсинки, сенда бевафоликни аён кўргач.

Ўзи хуш кўрмагандан юз ўгирмоқлик табиийдир,  
Ўлиб ҳам яхши бўлмайсан, элу юртинг ёмон кўргач.

Қадам қўйдим бу йўлга, заррача жон хавфини  
қилмай,  
Табассум мўъжизотидан лабида янги жон кўргач.

Нигорим икки шамшир ўйнатиб майдон аро кирди,  
Дилим мулкини бердим беуруш соҳибқирон кўргач.

Агар қурбони бўлсам қайтадан дунёга келгайман,  
Бир ўлга икки ўлмас дейди руҳимни жаҳон кўргач.

Ширинлик лофин урган ҳар ширинлик кечди  
даъводан,  
Сўрарда ишқ элин ҳолин бу хил ширинзабон  
кўргач.

Ўқи тарихни, минг турли замон келди ниҳон бўлди,  
Хижолат пардасига кирди бу янглиғ замон кўргач.

Эл ичра номинг ўчмасдан юриш Чустий насиб  
бўлсин,  
Қалайсан деб қўяр-ку, лоақал дилбар омон кўргач.

## КУЗИНГ ОЧ!

Йўл пасту баланд, йўлга кирибсанму кўзинг оч!  
Хуш бирла қадам қўйғулу оздиргучидан қоч.

Юрту элу ота-она берган тузин оқла,  
Оқ бўлмасидан илгари мўйлаб-ла соқол, соч.

Тўйғаз ҳамавақт маъни элин конидан ақлинг,  
Хизмат қила олмас сенга у, қолса агар оч.

Сўзларни ясантиргучидир рамз ила мазмун,  
Ким ҳам боқадир учраса гар йўлда яланғоч.

Қалбинг еридан сассиқ алаф шўраларин юл,  
Урнига омонлик била дўстлик уруғин соч.

Тинчлик паловин ҳар кунди диққат била дамла,  
Сўз вақтида, ланж айлама ё айлама қирмоч.

Бахтинг қизи дилбарлик этар сенга шунинг-чун,  
Жон роҳатидир кўзларини айласа қийғоч.

Кел, Чустий, ҳаёт боғида булбул каби сайра,  
Ҳеч бўлма ғазал гулшанида майна ва ё соч.



## КЕКСАЛАР ҲАМ ТАЪЗИМ ЭТДИ

Пахтазорда ҳуснидан нур сочди тошкентлик қуёш,  
Умрини бўлсин қуёшдек дейдилар ҳар кекса-ёш.

Бармоғи теккан чаноқ оғзин юмолмас кулкидан,  
Тиклаган хирмонларига бўлди осмон елкадош.

Дур тилимотини олган қўлларига тўлди дур,  
Бу иши афсонавий соҳир сирини қилди фош.

Яъни меҳнатни калит этди оқ олтин қулфига,  
Ою кун бу ҳикматини кўргали қилди талош.

Бу гўзалнинг шавқу завқин кўрмаган кўз, кўз эмас,  
Севмаган дил, дил эмас, ундай кишининг бағри тош.

Мен дедим кўксингни юлдуз шаклида олтин ўпар,  
Бир кулиб қўйди севинчдан кипригига қўнди ёш.

Ҳар тарафдан қуршаб олди пахтазор юлдузлари,  
Бу қаторда бўлди зўр ғайрат билан мингларча бош.

Беҳисоб тўёна келтирмоқда олтин тўй учун,  
Кексалар ҳам таъзим этди бўлди ҳурматлик у ёш.

Мунча ҳам зебо десам, иффат, ҳаё, иқболу бахт,  
Унга бўлмишлар, чиройлик икки кўзу икки қош.

Балли устозинга, раҳмат дейди Чустий эл билан,  
Пахтазорда ҳуснидан нур сочди тошкентлик қуёш.

## БОҒБОН ҚИЗ

Кўзингдан ўт туташгандирки мужгонинг қаро  
бўлмиш,  
Хабар олмоққа бош эгмиш, қошингу мубтало бўлмиш.

Юзингда хол эмасдир, ойга қўнган элчимиз гўё,  
У жойдан хушхабарлар етказувчи ошино бўлмиш.

Сочинг уч толаси тушгач, уйингда гул экар чоғинг,  
Бири сунбул, бири райҳон, бири меҳригиё бўлмиш.

Тасаввур айлаб эрдим сендаги турли гўзалликни,  
Бири ақлу бири одоб, бири ҳусну ҳаё бўлмиш.

Табассум илмидан бердинг сабоқ гулларга гулшанда  
Дебон, булбуллар устозингга раҳмат, хушнаво  
бўлмиш.

Очиб қалбим китобин ҳар варақни кўздан ўтказдинг,  
Муниг хосиятидан насру назмим дилрабо бўлмиш.

Наманганнинг анорию, Самарқанд олмаси кўргач,  
Яноғингдан узолмай кўзларин, сенга фидо бўлмиш.

Ниҳолингдан дилига айладинг пайванд, боғбон қиз,  
Бу боғда мева бергач, Чустийдан халқи ризо  
бўлмиш.

## ОШИЁН ЭТМИШ

Муҳаббат сиғмаган кўнгил аро қузғун макон  
Этмиш,  
Муҳаббат ғунча очган дилни булбул ошён этмиш.

Дилинг чўл бўлса боғ этгай, муҳаббат қилса  
Боғбонлик,  
Муҳаббат бўлмаса боғбонда, гул ўрнин тикон  
Этмиш.

Бўлур эл бир-бирин севса, жаҳон равнақ топиб обод,  
Чунончи, дўстлик кўп ўлкани доруломон этмиш.

Бериб гул ғунча лаълига табассум ҳуснига жилва,  
Муҳаббат боғаро булбулни ҳам ширинзабон этмиш.

Жаҳолат бир-биридан ажратиб дилларни қон этса,  
Муҳаббат қанчаларни бир-бирига меҳрибон этмиш.

Кишига олиҳиммат бахш этиб, ҳам  
Мардмайдонлик,  
Улуғлаб номини оламга мангу дoston этмиш.

Чуқур сувсиз қудуқдан кам эмасдир бемуҳаббат дил,  
Уни тош тўлдириб, одатда, эл тезроқ ниҳон этмиш.

Замону халқу юртинг ошиқи шайдоси сен Чустий,  
Дилингни чунки чин меҳру муҳаббат ошён этмиш.

## БҮЛМАС ЭМИШ

Зоҳиран ҳар ошино чин ошино бўлмас эмиш,  
Ҳар ўсимлик боғаро меҳригиё бўлмас эмиш.

Қайта-қайта сўзласанг эл ичра донолар сўзин,  
Бўлса сўз ўз ўрнида ҳаргиз хато бўлмас эмиш.

Сут билан кирган эса жон бирла чиққай дейдилар,  
Ҳар ёмон ўз феълидан ўлмай жудо бўлмас эмиш.

Эру хотин можаросидан кўнгилда доғлар,  
Иккиси дунёдан ўтгач, можаро бўлмас эмиш.

Бир-бирин қадрига етгай одамийлар одами,  
Бундай одамларга оламда баҳо бўлмас эмиш.

Жонажонингдир отанг ҳам меҳрибон мушфиқ  
онанг,  
Бўлмаса сендан ризо, халқинг ризо бўлмас эмиш.

Кўзгуни чанг босса маълумдирки бермайдир жило,  
Кимнинг оқ бўлса дили, бахтиқаро бўлмас эмиш.

Чустий шеъринг ошига маънидан туз сол мудом,  
Бенамак бўлса сўзинг, таъми расо бўлмас эмиш.

## ҲИССА ҚҰШ!

Эй қалам мардона юр, даврингга ҳар дам ҳисса қўш!  
Ишла қўл, юргил оёқ чаққону илдам ҳисса қўш!  
Эй қуёш, кучли ҳарорат-ла қизит ер бағрини,  
Сувчилар, ўтказмагил фурсатни сен ҳам ҳисса қўш!  
Пахта шохи шона боғлаб ҳар нафас зеболанур,  
Эй сабо, япроғларин ўп шоду хуррам ҳисса қўш!  
Яхши ишлар кўп ва лекин, парвариш энг яхши иш,  
Ҳар тунин ўстир тетигу айла бардам, ҳисса қўш!  
Давримизнинг жону конидир оқ олтин ҳосили,  
Катта ҳосилга ҳаво, тупроғу одам, ҳисса қўш!  
Ҳар дақиқа бир улуғ хирмон кафили дер бу дам,  
Бўлмагил бу дамда бепарвою беғам, ҳисса қўш!  
Катта ҳурмат оламининг дарғаси — эй пахтакор,  
Бўл яна бундан азизу ҳам мукаррам, ҳисса қўш!  
Ҳисса қўшсанг шубҳасиз қалбимда комилдир ишонч,  
Бўлғуси бултургидан ҳам катта байрам, ҳисса қўш!  
Ҳисса қўш, э Чустий, сен ҳам тинч, омонлик  
бурчига,  
Бу шарафли ишга ҳар дам халқи олам, ҳисса қўш!

## ТАСАДДУҚ

Бўйингдан қаср айвоним тасаддуқ,  
Юзингдан юз гулистоним тасаддуқ.

Оқ олтин терган олтин қўлларингдан  
Бошим ўргилсину жоним тасаддуқ.

Ўпиб нур толалар бармоқларингдан,  
Деди, тер, қанча дурконим тасаддуқ.

Изинг ер курраси суртар кўзига,  
Бошингдан юксак осмоним тасаддуқ.

Нурафшонликда ҳар бир хирманингдан,  
Қуёшу моҳитобоним тасаддуқ.

Теримчи қиз мисолинг йўқ теримда,  
Сенга мингларча чаққоним тасаддуқ.

Чаноқлардек кулиб боққил, кулиб тер,  
Дедим Чустий, сенга жоним тасаддуқ.

## СЕНДА ЙЎҚ

Эй кўнгил нолиш йўлин чангу ғубори сенда йўқ,  
Ёрдан ранжиш хаёлин ихтиёри сенда йўқ.  
Ишқи кул қилди дебон, йиғлайдилар, кул йиғламас,  
Ҳеч қачон бундай чидамсизлик шиори сенда йўқ.  
Васлу ҳижрон нозу истиғносидир руҳий ғизо,  
Ҳар нечук ҳолатда ўзгармоқ қарори сенда йўқ.  
Ишқи обод айламин, ҳар лаҳзада сен навбаҳор,  
Сидқининг гулзоридирсан, шубҳа ғори сенда йўқ.  
Сен бир оламсан қуёшингни булут босмас сира,  
Ноумидликнинг туман босган диёри сенда йўқ.  
Тонг эмас, тиллардаги жаннат десам сен эй кўнгил,  
Чунки дунёнинг ўлик кўмган мозори сенда йўқ.  
Доим эл ишқин майин нўш эттингу махмурсен,  
Бу чучук майдан бўлак майнинг хумори сенда йўқ.  
Жон тикиб кирдинг ўйинга Чустий янглиғ давр  
учун,  
Ошигинг олчи, нечунқим, пул, қимори сенда йўқ.

## ОЛАМДА ЙЎҚ

Эй Ватан, чексиз гўзаллик сенда бор оламда йўқ,  
Бошқа бир сендек латофатли диёр оламда йўқ.

Бошладик ер Тоҳири бирлан сулув Зухро тўйин,  
Базмимиз авжида, бундай «ёр-ёр» оламда йўқ.

Лола сайлига чиқибдур, тонгда юлдузларгача,  
Сендаги осмонўпар кенг лолазор оламда йўқ.

Қишда ҳам боғинг чаман, халқнинг юзи гулгул  
ёнур,  
Иқлимингдан ўргулай, сенсиз баҳор оламда йўқ.

Ошиқинг шундай кўпайгандир, кўпаймоқда яна  
Омадинг бор омадинг, бундай барор оламда йўқ.

Юлдузинг шаъни учун ою қуёш икки китоб,  
Ушбу ўтқир кўзларингдек жилвадор оламда йўқ.

Қанча мақтаб, қанча куйлаб, қанча севса шунча  
кам,  
Сенда ўсган, Чустий севган, ёри бор, оламда йўқ.



## ТЕНГИ ЙЎҚ

Дил севиб қолган ажойиб дилрабонинг тенги йўқ,  
Меҳнат осмонида бизнинг маҳлиқонинг тенги йўқ.

Лаълу ёқуту зумуррад бирла маржонлар аро,  
Ҳаммага маълумки, дурри бебаҳонинг тенги йўқ.

Элга нур сочган қуёшимга қуёш ҳам мубтало,  
Еру кўк мулкида бундай мубталонинг тенги йўқ.

Тенги йўқнинг тенгини ахтарма ҳаргиз, эй кўнгил,  
Шубҳалансанг ногаҳон, бундай хатонинг тенги йўқ.

Меҳри берди бир ҳаво, минг йил нафас олсам етар,  
Ҳар нафас жон бахш этувчи бу ҳавонинг тенги  
йўқ.

Ишқ дардига баробар дард йўқ, аммо у ёр,  
Тил учида бўлса ҳам сунган давонинг тенги йўқ.

Бу гўзаллардан гўзал бўлмоққа боис на эрур,  
Бу гўзалда иффату хулқу ҳаёнинг тенги йўқ.

Яъни бу оромижон озод Ватан зебосидур,  
Элга бахш этгучи бу руҳий ғизонинг тенги йўқ.

Барча шайдолар аро менга боқиб: Чустий, деди,  
Мен учун бундай шараф, юксак баҳонинг тенги  
йўқ.

## БИР ВАРАҚ

Кун — ҳаётимнинг саодатномасидан бир варақ,  
Ой — муродимнинг саёҳатномасидан бир варақ.  
Кўк тилимотини очганлар ўқибдирлар фақат,  
Келгуси фанлар башоратномасидан бир варақ.  
Илмин орттирмақ учун бўлса Улуғбек ҳам ўқир,  
Ҳур замонам илму ҳикматномасидан бир варақ.  
Мен ўқиб эрдим улуғ Фирдавсининг

«Шаҳномасин»,

У менинг даврим шижоатномасидан бир варақ.  
Мактаб очдим ишқида Фарҳоду Мажнун

қайдасан,

Кел, ўқи кўнглим муҳаббатномасидан бир варақ.  
Ер билан осмон кўзим олдида гўё икки боб,  
Коинот умрим латофатномасидан бир варақ.  
Мадҳи достони учун жисмим агар шерозадир,  
Тил эса қалбим садоқатномасидан бир варақ.  
Тоғу тошларни ёриб чиққан гиёҳлар япроғин,  
Ҳар бири меҳрим ҳикоятномасидан бир варақ.  
Балки энг севган китобинг ичра хатчўп

бўлгуси,—

Бу варақ Чустий фасоҳатномасидан бир варақ.

## ЯХШИРОҚ

Нигор айлама менга нозу фироқ,  
Вафо мулкидан бўлма ҳаргиз йироқ.

Дилимни висол нурига равшан эт,  
Сира ўчмасин кўзларингдан, чироқ.

Ҳаётинг ишига тугун тушмасин,  
Ярашмас ривожинг тўнига ямоқ.

Юзинг гулларини суғормоқ учун,  
Севинчдан кўзимда бор икки булоқ.

Кўзимдан нари кетма бир лаҳза ҳам  
Менга айрилиқдан ўлим яхшироқ.

Сурайёмисан ёки Зуҳромисан,  
Мени кўкка чорлайди бу иштиёқ.

Фалакка боқиб, Чустийни излама,  
Топарсан, муқаддас улуғ ерга боқ.

## ВАҚТИМ ЧОҒ

Қуёш-ла ҳамсафар бўлди баланд олтмишта нур  
байроқ,  
Кўриб ер куррасида барча дўстлар бўлди вақти чоғ.

Бу байроғларни ўпди, кўзга сурди энг улуғ тўй деб,  
Жаҳонда қад кўтарган эл билан савлатли ҳар бир  
тоғ.

Бу тўйга олти миллион тонна оқ олтин чигитдан,  
Саралаб моҳир ишчилар саноатда чиқарди ёғ.

Палов дамлаб чиқай деб офтоб энг яхши ошпаздек,  
Кўринг, ойдек қозонда тўйини ошин, ёғин айлар доғ.

Буюк хизматга шайланган забардаст пахтакорлар  
ҳам  
Белига боғлади ҳар қайсиси олтмиш қават белбоғ.

Ёзиб олтин суви бирлан қариндошларга тўйхат, эл  
Очилган чеҳралар гул-гул, кўнгишлар яшнаган  
боғ-боғ.

Улуғ тўй боши голиб партия минг-минг умр кўрсин,  
Омон бўлсин ҳамипша бирга яйраб халқ бўлсин соғ.

**Улусни қатли ом қилмоқчиларга қатли ом келсин,  
Жаҳон халқин бошига тушмасин кулфат, дилига  
доғ.**

**Палови ўзбеки бўлсун, кабоби кавкази бўлсун,  
Тузини Москва бергай, қозоқча айла бешбармоғ.**

**Узинг севган таомингни пишир озод миллатлар,  
Ҳасад қилса кими чиқмай уйдан тишласин тупроғ.**

**Ғазал ёзгил асалдан тотлироқ, қандингни ур Чустий,  
Қуруқ қилма нонуштангни, қариларга ёқар қаймоғ.**

# МУСТАЗОДЛАР

## ДОҲИЙ ЛЕНИНГА

Ер куррасида қай куни ул бўлди намоён,  
яъни буюк инсон,  
Қулликка бериб хотима, бахш этди шараф-шон,  
ҳам онг ила виждон,  
Осмонда қуёш кезди-ю, бу ерда сочиб нур,  
бўлди яна машҳур,  
Ленин отини чўл эшитиб бўлди гулистон,  
бўлдик ҳама сайрон.  
Тарих лабига ташрифидан келди табассум,  
маъноли тараннум,  
Ҳар бир варағи янги жаҳон халқига достое  
ҳар боби нурафшон.  
Мазмуни адолат била ҳам бахту саодат,  
роҳат-ла фароғат,  
Зулму ситаму, ғам бўлибон ер била яксон,  
эл шоду фаровон.  
Кўнглим уйини меҳри кириб қилди мунаққаш,  
кел ёри париваш.  
Бу уйни қуёш хонаси дер кўрса ҳар инсон,  
бўлма сира ҳайрон,  
Арзийди фалак Зухросига нома юборсам,  
билгай ўқуб ул ҳам,  
Ленин йўлидан келди дебон мен сари карвон,  
боргай яна осон.  
Ҳар кимки бу давронни севиб даврини сурди,  
у қандини урди,

Ҳар кимки шу даврон йўлида қилди фидо жон,  
жоним деди даврон.  
Ленин сўзининг мағзини чаққан киши доно,  
енгилмагай асло,  
Донога қилур жоҳил эли қанчаки бўҳтон,  
даъволари ёлғон.  
Ким ойни этак бирла ёпарман деса, тентак,  
бешубҳаю бешак,  
Уқ отса қуёшга куладир ер била осмон,  
дерлар уни нодон.  
Бу бахт абадий, умр узун, тинчу омонмиз,  
машҳури замонмиз,  
Мақсадга етиб, қолмади бир зарра ҳам армон,  
эл дўсти қадрдон,  
Ялло қиламиз бир-биримиз бирла жўровоз,  
янграйди ширин соз,  
Ленинни севиб, куйлашамиз, Чустий ғазалхон,  
сўлмас бу гулистон.

## ЕҚУТМУ? АНОР ДОНАСИМУ?

Инсон кўзининг кўзгуси эй қалби мусаффо,  
Хуснингга тасанно!  
Ошиқлар ўтиб кўрмади ҳаттоки бу дунё,  
Бир сен каби барно!  
Илгингдан ўпиш истади бир кеча тўлун ой,  
Йўлингга сочиб нур,  
Осмон чаманидан узатиб илгида савго,  
Гулдаста Сурайё.  
Еқутму? Анор донасиму? Икки бўлинди,  
Кўрдимки лабингдир,  
Сендан уялиб гунча боқолмайди нигоро,  
Олам тўла шайдо!  
Қошингга миниб учти фалак сайрин этишга,  
Бир шўхи қаро пўш,  
Кун тунни қаро чодирини йиртди шу асно,  
Айларга тамошо!  
Жоним қўлига тутди кўнгил бўлди пиёла,  
Шавқинг била тўлган,  
Ичса бу паёламдаги шарбатни мободо,  
Маст ўлгуси дунё!  
Норинга Намаигонни анорзори фидодир,  
Фарғона тасаддуқ,  
Хуснингни кўриб бўлди йигит кекса Бухоро,  
Эй, шўхи дилоро!  
Эй, насли башар асли гўзал, қомати озод,  
Ҳар боқиши гулзор,  
Хуснингга атаб шеърин ўқир булбулигўё,  
Чустийда таманно!



## БОҶИЙНОМА

Харобат аро кирдим ошуфтаҳол,  
Май истарга илгимда синган сафол.  
Навоий («Соқийнома»)

(Навоийга жавоб)

Гўзал тонг эрди, келди қутлуғ нидо,  
Нидо соҳиби мисли йўқ хушнаво.  
Назар ташладим уйғониб ҳар томон,  
Улуғ зотга тушди кўзим шул замон.  
Саломлашгали ҳам тополмай мажол,  
Тулардим ҳузурида ҳайкал мисол.  
Дилидан-дилимга бўлиб марҳамат,  
Ярим-ёрти сўз келди тилга фақат.  
Ўзимга-ўзим аста сўзлар эдим,  
Ҳазал мулкининг бу қуёши дедим:  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Эмассан хароботилар дайрида,  
Кўриндинг ажойиб чаман сайрида,  
Бу ёнингда сунбул, бу ёнингда гул,  
Бу ёнингда райҳону жамбул нуқул.  
Сенинг ҳофизинг эрдиму андалиб,  
Солиб куйга шеърингни куйлар ажиб.  
Бу ёнингда қизлар ўқур яли-яли,  
Бу ёнингда зўр раҳнамо ҳайкали.  
Бу ёнингда фавворалар дур сочар,  
Эсиб тонг шамоли юзингдан ўпар,  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Дарахтларда қушлар ўқиб насуру назм,  
Ажаб завқу шавқ ила бошлабди базм.  
Бу ёнингда ҳудҳуд тилида мақол,  
Бу ёнингда тўрт ҳавзи кавсар мисол,  
Лаболаб маони гулоби тўла,  
Мусаффо тафаккур шароби тўла.  
Сўзингда ғазал вази авзони бор,  
Ҳузурингда Саъдию Ҳоқони бор,  
Улуғ Ҳофизу Лутфийу Жомий билан,  
Ширин сўзлашардинг қилиб анжуман.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Қучоғингда сўлмас гулистон гули,  
Боқар худди ёнингда хандон гули,  
Яноғингда порлоқ висол жилваси,  
Жамолингда фазлу камол жилваси.  
Улуғ бешта дарё<sup>1</sup> бошида мироб,  
Асал, сут, мураббо, шаробу гулоб.  
Сунарсан мудом ташна лаблар учун,  
Муҳиб, мухлис, аҳли талаблар учун.  
Ки ҳар битта назминг бўлиб бир булоғ,  
Жаҳон бўйлаб очди гўзал боғу роғ.  
У кун бўлса илгингда синган сафол.  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Қуёш талъатингни тамошо қилур,  
Фалак мартабангни тамонно қилур,  
Бўлибдир мусаххар сахо олами,  
Гадоингга ўхшар қадим Ҳотами.  
Бутун ер юзи сайргоҳинг сенинг,  
Қуёш ҳам бошингда қулоғинг сенинг.  
Етиб назму насринг Аторудга ҳам,

---

<sup>1</sup> Навоийнинг «Хамза»сига ишора.

Улуғ хайкалинг тутмиш ойда қалам.  
Бўлиб икки йўл шеъринг икки қанот,  
Чиқиб Зухрога тутди қанду набот,  
У кун бўлса илгингда синган сафол.  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Жаҳонгирсан, аммо яроғинг қалам,  
Фалак қитъасида мунажжим рақам.  
Муҳандислик эттинг ғазал қасрига,  
Билимнома қўшдинг фунун асрига.  
Адиблик жаҳонни жаҳоннамоси,  
Рамуз оламин тенгсиз алломаси.  
Дилинг мулки донишда баҳри кабир,  
Унинг асли қиргоғи йўқ беназир,  
Балоғат жамолида сен кўзу қош,  
Сўзинг гавҳару, жилваси бир қуёш.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Кўзингдан йўқолган бу кун тожу тахт,  
Бу гулшанда ҳурмат жанобингга бахт.  
Амирлик либоси эди орият,  
Азизлик либоси бу кун юз қабат.  
Рақибинг Мажиддин эрди у кун,  
Бутун ер юзин халқи дўстинг бу кун.  
Боши қолди душманни дор устида,  
Ёнар юлдузинг бу диёр устида.  
Агарчи ёнингда йўқ Хусайн Бойқаро,  
Ғазал мулкининг шоҳисан мутлақо.  
Бу кун йўқдир илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Саломингни бизларга эй номдор,  
Олиб келди беш юздан ортиқ баҳор.  
Сўзинг кўрсатиб эрди бизга жамол,  
Жамолингни кўрдик бу кун бемалол.

Ана базму тўю ана анжуман,  
Ана май, ана соқийи гулбадан.  
Ана салтанат сен учун пойдор,  
Ана ҳурмату омаду эътибор.  
Ана қизларинг, у канизлар эмас,  
Кулиб рақс этар завқ ила басма-бас.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Ана Ширининг бирла Фарҳодларинг,  
Ана Қайсу Лайлинг, паризодларинг.  
Сенинг таъзимингда Гуландом ана,  
Муродига етган, қилур тантана.  
Чизар суратинг янги Беҳзодлар,  
Деюрлар тасанно ҳур авлодлар.  
Эмассан бу кун шери занжирбанд,  
Буюк муҳтарамсан, азиз аржуманд.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Агар бўлса, Искандар Афлотуни,  
Изингдан ўпар эрди у ҳар куни.  
Агар ер юзин битта Элбурси бор,  
Сенинг доишинг чўққисига у зор.  
Фалакда агарчи наволар тўлиқ,  
Унинг сенча порлоқ Навсойси йўқ.  
Қуёш гарчи нури билан мўътабар,  
Йўқ унда сенингдек муқаддас башар.  
Агар ерга бахш этса ёмғир баҳор,  
Кўнгилларни сен айладинг лолазор.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

Агар элда олтин баҳоси баланд,  
Сенинг фикринг олдида у нописанд.  
Сенинг ҳайкалинг тахти ер курраси,  
Қўлингда Гулининг сочин турраси.

Гўзал Ўзбекистон қуёшлик диёр,  
Қувонмасму сендек Алишери бор.  
Агар паяжалашсам бу кун шер билан,  
Баробар қилурман уриб ер билан.  
Нечукким, бу майдонда соҳибқирон,  
Бобом сен, букар тиз замин у замон.  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.  
Бу кунги-ю, ўтмиш ғазалхони ҳам,  
Сенинг шавкатинг олдида бўйни ҳам.  
Улар-маънавий ғизоси сўзинг,  
Ғурурин биносига меъмор ўзинг.  
Хазинангга ворисларинг беҳисоб,  
Солибсан қуёш қўйнига ҳам китоб.  
Каминанг шу ворисларингдан бири,  
Тушиб қолса ногаҳ кўзингни қири:  
Упар кўкрагимни само ҳулқари,  
Тараннум жаҳонин буюк сарвари!  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.  
Улуғ зот Навоий, аё зуллисон,  
Сенинг етди қадрингга бизнинг замон.  
Навоий демак — Ўзбекистон демак,  
Бутун халқи шўх ғазалхон демак.  
Муродинга етган кунингдир бу кун,  
Буюк тантанангу тўйингдир бу кун.  
Кўтарди сени кўкка озод Ватан,  
Бошим Арши аълодадир сен билан.  
Келишди тўйингга бутун ер юзи,  
Элим кафтида тотли нону тузи,  
Кутиб олди ўзбек жаҳон халқларин,  
Деди ҳимматига жаҳон офарин!  
Бу кун шавкатинг Чустийни этди лол,  
Эмассан бу давронда ошуфтаҳол,  
У кун бўлса илгингда синган сафол,  
Бу кун жоминг олтин, тўла унда бол.

## МУАШШАР

### БАШАР ДУШМАНИ — ДУШМАНИМДУР МЕНИНГ

Демишлар нечадур башар душмани,  
Сўзи оғу мутлақ, заҳар кулгани,  
Чаён янглиғ наштар уришдур фани,  
Жаҳаннам ўтидур улар гулхани,  
Фақат зулм эрур, зулм эрур қилгани,  
Ғараз тўла жону қалбу тани,  
Муроди хароб айламоқ, ҳаммани,  
Ёмон дер мени сенга, сенга мани,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Бири жоҳилу доим иғво иши,  
Ўтар вайсамоқ бирла ёзу қиши,  
Киши жонига қасд эрур хоҳиши,  
Унинг роҳати бўлгай эл нолиши,  
Ғижирлаб турар бўрилардек тиши,  
Сўзидан жароҳатланур кўп киши,  
Ҳалокатга элтар унинг миш-миши,  
Ёғар унга ҳар лаҳза эл қарғиши,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдир менинг.

Бириси чақимчи қотил эрур,  
Этар ҳар сўзидан ҳаётга футур,  
Қадам қўйса дарёда ҳам ўт ёнур,  
Агар қасд этар, тоғни ҳам кул қилур,

Қуёшга чиқиб, ойга ҳам доғ солур,  
Ўзининг иши маҳзи фисқу фужур,  
Бериб элга озор, этар беҳузур,  
Юракка узоқдан туриб ниш урур,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Бири яъни тухматчи нокас бахил,  
Ҳаёт душманин каттаси бу разил,  
Чин инсонни зор қақшатишга кафил,  
Юқумли касаллар каби хилма-хил,  
Мараз қулғуна ҳам махов бирла сил,  
Беролмайди бардош агар бўлса фил,  
Кўринишда инсон, шудир азройил,  
Бу дардлар йўлиқса ҳазар айла дил,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Бири пулга қул — алҳазар, алҳазар!  
Сариқ мисга олтин ватанни сотар,  
Бу хилларни эл калтабин дейдилар,  
Гадодан тубан хор ўлур дарбадар,  
Ота-онаю ёру дўстдан кечар,  
У ҳар жойга борса бўлур дардисар,  
Уни ҳар нафас бир фалокат кутар,  
Бўлур бош кесар, сўнгра боши кетар,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.  
Булардан бири дўсти нодон эрур,  
Ваё дўстлиги маҳзи ёлғон эрур,  
Дили бошқа, тил бошқа, шайтон эрур,  
Вафо мулкидан четда сарсон эрур,  
Қурумсоқ хушомадчи ҳайвон эрур,  
Ўзича ўзи бегу султон эрур,  
Улар аслида душмани жон эрур,  
Ҳаёт ҳайф эрур, садқан нон эрур,

Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Бири майпараст, унга май бўлса бас,  
Ҳаёт унга гўё ўйинчоқ, ҳавас,  
Ичиб кулки бўлгай гаҳида қўтас,  
Унинг наздида одами худди хас,  
Ўзидан бўлакни у одам демас,  
Тани мисли жонин қушига қафас,  
Чиқар бемаҳал бу қафасдан нафас,  
Ўзин душманидур ўзи пайқамас,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Бу хиллар учун жисму жон ҳайф эрур,  
Элу юрт эсиндур, макон ҳайф эрур,  
Либосу ширин ошу нон ҳайф эрур,  
Ҳаёт лаззати хонадон ҳайф эрур,  
Шараф бирла ному нишон ҳайф эрур,  
Замин ҳайф эрур, осмон ҳайф эрур,  
Уларга бу довул омон ҳайф эрур,  
Бутунлай жаҳону замон ҳайф эрур,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.

Улуғлар деган эрдилар неча бор,  
Ўқиб эшитган эдим бир қатор,  
Улардан қолиб менга бу лолазор,  
Гўзал гулларида териб бу баҳор,  
Олинг туфҳа қилдим азиз дўсту ёр,  
Қабул этсангиз менга зўр ифтихор,  
Яна шод ўлурман, яна бахтиёр,  
Бу шеъримга Чустий эрур ҳамшиор,  
Башар душмани — душманимдур менинг,  
Башар гулшани — гулшанимдур менинг.



# МУСАММАН

## ТУЕНА

Эй, бу фалак томида сайёралар,  
Айла бизим куррага наззоралар,  
Сайр этадур бунда кўзи қоралар,  
Қанча қуёш юзли-ю, моҳпоралар,  
Лутфи, Карим, Нозимаю, Соралар,  
Дур сочадур саҳнида фавворалар,  
Янги биноларга қара беҳисоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

Уста Пўлат қомати бўлмиш стун,  
Синчи силиқ симлару темир тўсин,  
Дўниси тушгай бошидан боқса кун,  
Машғалалар ёнгану йўқдир тутун,  
Нурида юлдузлар этарлар ўйин,  
Зилзиланинг ваҳмига йўқдир ўрин,  
Сойларида сув оқадир ҳам гулоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

Турфа гўзал тоза ҳавоси баланд,  
Қанча қават ҳаммаси ҳам ойнабанд,  
Кенглигини айлади дунё писанд,  
Шухратидан бўлди жаҳон баҳраманд,  
Халқи азизу, гўзалу аржуманд  
Таърифининг таъми шакар, болу қанд,  
Ҳар бири ҳам эл талабига жавоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.  
Бир тарафи ой билан офтоб уйи,

Бир тарафи шоиру арбоб уйи,  
Бир тарафи санъати ноёб уйи,  
Бир тарафи хулқ билан одоб уйи,  
Бошдан-оёқ дўст илан аҳбоб уйи,  
Йўқ бу шаҳар саҳнида қаллоб уйи,  
Қўллари гул ишлари буткул савоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

Меҳри билан бунда Латофат яшар,  
Соҳибахон бирла Назокат яшар,  
Қанча фазилатли Саломат яшар,  
Бахту саодатла Шарофат яшар,  
Соҳир эмас аҳли башорат яшар,  
Эркину Шухратла жасорат яшар,  
Қалби очиқ чеҳраси ҳам бениқоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

Қанчаси боғбонга муносиб бино,  
Қанчаси хушхонга муносиб бино,  
Қанчаси меҳмонга муносиб бино,  
Ошиқу жононга муносиб бино,  
Барчаси давронга муносиб бино,  
Таърифи дostonга муносиб бино,  
Кўзимга ҳар ғишти эрур бир китоб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

Фатҳу зафарлар шаҳари бу шаҳар,  
Илму ҳунарлар шаҳари бу шаҳар,  
Шамсу қамарлар шаҳари бу шаҳар,  
Чустий бу Тошкенту Чилонзор эрур,  
Оқтепаси олами гулзор эрур,  
Юлдуз эли бунда бинокор эрур,  
Турфа аломат ҳунари бор эрур,  
Ун беш ого бирла ини ёр эрур,  
Бир-бирига дўсту мадаккор эрур,  
Бу коммунизм уйи олижаноб,  
Ҳаммаси ҳам тинчлик ила тўйга боп.

# МУСАДДАСЛАР

## УЛУҒ РУС ХАЛҶИДАН

Кўп фазилат кўрди бу олам улуғ рус халқидан,  
Меҳрибонлик ўрганур одам улуғ рус халқидан,  
Тошти эл заҳми учун малҳам улуғ рус халқидан,  
Келди ҳар тўю, зафар, байрам улуғ рус халқидан,  
Розидур халқим билан ўлкам улуғ рус халқидан,  
Бизга хурсандлик келур ҳар дам улуғ рус халқидан.

Бу улуғ халқ бирла эллар жону тан ҳам кўзу қош,  
Коммунизм йўлида у ҳамма миллатларга бош,  
У билан юрган киши йўлин тўсолмас тоғу тош,  
Оғамиз, чин дўстимиз, деб шодланур ҳар кекса-ёш,  
Розидур халқим билан ўлкам улуғ рус халқидан,  
Бизга хурсандлик келур ҳар дам улуғ рус халқидан.

Тоғ кесиш, олға юриш илмини ўргатган шу халқ,  
Нур ёқиш, гул ундириш илмини ўргатган шу халқ,  
Эртани бул кун кўриш илмини ўргатган шу халқ,  
Ҳур яшаб даврон суриш илмини ўргатган шу халқ,  
Розидир халқим билан ўлкам улуғ рус халқидан,  
Бизга хурсандлик келур ҳар дам улуғ рус халқидан.

Эргашиб учдик, баланд ҳулкарга етдик чарчамай,  
Эргашиб конлар аро гавҳарга етдик чарчамай,  
Эргашиб ҳар дамда орзуларга етдик чарчамай,  
Эргашиб бу хил улуғ тўйларга етдик чарчамай,  
Розидир, Чустий, элим, юртим улуғ рус халқидан,  
Бизга хурсандлик келур ҳар дам улуғ рус халқидан.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Юзингга мен каби шайдоларингдан, еру осмоним,  
Жаҳон ичра мисолинг йўқлигига комил имоним,  
Жамолингга бўлиб ошиқ туғилдим йўқдир армоним,  
Сенинг ҳар хислатинг ширин тараннум шеъру  
дostonим.

Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,  
Ўзбекистоним.

Муҳаббат гуллари тўлган гулистонингга ошиқман,  
Агар-чи, ерда мен, шавкатли осмонингга ошиқман,  
Элим ҳусни каби хуршиди рахшонингга ошиқман,  
Оқ олтин хирмонингдек моҳитобонингга ошиқман,  
Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,  
Ўзбекистоним.

Губоринг йўқ, мусаффо тупроғингдур, қалби оппоқ  
сен,  
Ватан осмонида мисли қуёш нуроний байроқ сен,  
Омонлик дилбари, тинчлик париси бирга ўртоқсен,  
Гўзал деб қанча минг-минг мақтасам ундан  
гўзалроқсен,  
Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним,  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,  
Ўзбекистоним.

Табиат атласидан атласинг зебо-ю, ранго-ранг,  
Жаҳон булбуллари булбулларингдан ўрганур оҳанг,  
Кўриб ошиқларинг сидқин рақибинг бўлди ҳангу  
манг,  
Бу оламда муродим шул неча минг йил омон  
бўлсанг,

Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним,  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,

Ўзбекистоним.

Ғанимингни тешай кўксин қаламни зўр яроғ айлаб,  
Тўсай офат шамоли келса бу кўксимни тоғ айлаб,  
Эшитсин бу фалак ою қуёшни қулоқ айлаб,  
Қизинг сочин тарайдур янги ойларни тароқ айлаб,  
Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним,  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,

Ўзбекистоним.

Қулоч ёсанг бутун осмон сиғар ҳатто қучоғингга,  
Баланд тоғлар қўяр бошини қудратли оёғингга,  
Бўлур меҳмон фалак юлдузлари юксак равоғингга,  
Зафар семурғи ҳар кун қонгали келгай булоғингга,  
Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним,  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,

Ўзбекистоним.

Дилим дарбон, кўзим посбон, самимий дастёринг  
мен,

Мислсиз бир фидойингман, йўлингга жон

нисорингман,

Азиз фарзанду жонингман, сўзида барқарорингман,  
Қаламкашлар аро Чустийга монанд бахтиёрингман,  
Дили жоним сенга қурбону қурбондир дили жоним,  
Сенга арзийди қурбон бўлса минг жон,

Ўзбекистоним.

## АНДИЖОНЛИКЛАР

Ана юрт-у, ана халқ-у, ана ширин забонликлар,  
Ана меҳмоннавозу меҳрибонлар, меҳрибонликлар.  
Ана меҳнатсеварлар, турли-турли паҳлавонликлар,  
Ана юз шунча мақтовлардан ортиқ қаҳрамонликлар.  
Ана кўкси фалак янглиғ тўла юлдуз нишонликлар,  
Бу таъриф бобининг дебочасидур андижонликлар.

Диловар кексалар тоғларга ўхшаш зўр салобатли,  
Йигитлар ҳар бири юз мардимайдонча шижоатли,  
Йигитлардек баҳодир қизлари тенгсиз малоҳатли,  
Билимлик маърифат аҳли, тафаккурда башоратли,  
Ана мақсад йўлида комронлар, комронликлар,  
Бу таъриф бобининг дебочасидур андижонликлар.

«Оқ олтин» кони тупроғию қалби дўстлик кони,  
Десам лоф бўлмагай ою қуёш ҳам икки хирмони.  
Фалак саҳнича кенгаймоқда ҳар йил пахта майдони,  
Деди: фаҳрим мадорим бу, Советлар Ўзбекистони.  
Ана бахту саодатлик, ана шавкатли шонликлар,  
Бу таъриф бобининг дебочасидур андижонликлар.

Шарафлар шуъласин кўрдим шаҳидларнинг

мазорида,

Улар руҳи юрибдур қаҳрамонларнинг қаторида.

Яшарлар тоабад эл қалбида мангу диёрида,

Қўшиқларда, ғазалларда, қаламкашлар шиорида.

Қилур ҳар лаҳза-лаҳза ёд этиб муъжаз баёнликлар,  
Бу таъриф бобининг дебчасидур андижонликлар.

Кўриб обиҳаётин ҳавзасин осмонча кенг дерсиз,  
Не осмонким, саодат, бахти омад, мавж урар денгиз.  
Бу ҳикмат соҳиби моҳир йигитлар, қанча моҳир қиз,  
Дедик, минг офарин ленинчи ёшлар қудрати чексиз.  
Борур маҳкамланиб, тобора анда жонажонликлар,  
Бу таъриф бобининг дебчасидур андижонликлар.

Саҳарлар боғларида гул терар ҳаттоки юлдузлар,  
Ширин шоирлари булбул мисолида ширин сўзлар.  
Чароғон тунларидан рашк этар ҳар кунда  
  кундузлар,  
Планлар тўлган ой янглиғ ҳамиша кўрсатур юзлар,

Ана санъат камолоти, ана тинчу омонликлар,  
Бу таъриф бобининг дебчасидур андижонликлар.

Бу эл мадҳин этай шому саҳар то танда жоним бор,  
Дилим булбул каби сайрайди, бу гулшанда жоним  
  бор.  
Ғазал ҳосиллари тўлган буюк хирмонда жоним бор,  
Севарман Андижонни, чунки, Чустий, анда жоним  
  бор,  
Ана меҳмоннавозу меҳрибону меҳрибонликлар,  
Бу таъриф бобининг дебчасидур андижонликлар.

## ДАВЛАТИ КАМ БЎЛМАСИН

Яхшилар мижгони ҳаргиз, ғам билан нам  
бўлмасин,  
Одам авлодига қасд этгувчи одам бўлмасин,  
Яхшилик душманлари умрида хуррам бўлмасин,  
Тинч-омонлик бўлсину ташвишли олам бўлмасин,  
Дилга тўлсин шоду хуррамлик, сира ғам бўлмасин,  
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Ҳар кишининг тоғани тўйга буюрсин, дўстлар,  
Яйрасин дўстлар билан даврини сурсин, дўстлар,  
Меҳнатин қойил қилиб, қандини урсин, дўстлар,  
Тан сиҳатлик-ла узоқ йил умр кўрсин, дўстлар,  
Кўрмасин дарду бало, кулфатга ҳамдам бўлмасин,  
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Билсанг, осмондан баланддир яхши инсон ҳурмати,  
Жондан ортиқроқ эрур ёру қадрдон ҳурмати,  
Барчадан юксак турур, бу даври даврон ҳурмати,  
Билгил, э, дўстим, бу сўз мазмунини нон ҳурмати,  
Ғам есин халқи учун, бу ҳақда беғам бўлмасин,  
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.

Яхшиликни қиймати шул, кийна тутмас яхшилар,  
Яхшилик бир зарра ҳам бўлса, унутмас яхшилар,  
Лутф ила инсоф булогини қурутмас яхшилар,  
Чустийдан мазмуни йўқ сўзларни кутмас яхшилар,  
Яхшилар етсин камолга, қомати ҳам бўлмасин,  
Кимки элни шод этибдур, давлати кам бўлмасин.



## БУЛСА, БАС

Бу азиз бошимда юз минг орзу бирлан ҳавас,  
Ҳар бирини бир жаҳон тенги десам ҳеч лоф эмас.  
Одам авлодига ҳаргиз бўлмасин дунё қафас,  
Олмасин райҳонлар ўрнин гулшан ичра хору хас,  
Бу жаҳон булбуллари мен бирла бўлсин ҳамнафас,  
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса,  
бас.

Ҳар кишининг орзуси эл аро дўстлар билан,  
Улчанур одам баҳоси бебаҳо дўстлар билан,  
Мотаминг ҳам юмшагай ақли расо дўстлар билан,  
Дунёда ҳар ҳожатинг бўлгай раво дўстлар билан,  
Бўлмаса дўстинг, ҳаётинг боғи асло гулламас,  
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса,  
бас.

Қолмаса дерман жаҳонда ғам булутидан нишон,  
Кўкдаги порлоқ қуёшдек бир бутун бўлса жаҳон,  
Бўлса-чи, дерман бутунлай ер юзи доруломон,  
Ҳамма уй тўйхона бўлса, ҳамма халқлар жонажон,  
Яллалар қилсам жаҳон хушхонлари-ла басма-бас,  
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса,  
бас.

Кўрмасин ҳеч кимса, ақли можаролар чеҳрасин,  
Кўрмайин мен ҳам жаҳонда бевафолар чеҳрасин,  
Чунки ҳар лаҳза кўрарман ошнолар чеҳрасин,  
Чустий, қурбони бўлай мен дилрабелар чеҳрасин,  
Бу азиз бошимда юз минг орзу бирлан ҳавас,  
Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса,  
бас.





## ҲЕЧ КИМ НАЗАРДАН ҚОЛМАСИН

Сайр этиб шамсу қамар, юрсин сафардан қолмасин,  
Еру кўкда офату, хавфу хатардан қолмасин.  
Эл учун қирғин деган қотил заҳардан қолмасин,  
Тинч-омонликнинг дарахти ҳеч самардан қолмасин.  
Одам авлодига етгувчи, зарардан қолмасин,  
Айтинг-айтинг эл аро, ҳеч ким назардан  
қолмасин.

Қўнса гар иқбол қуши ҳатто чивиннинг бошига,  
Кўргали Семург келгай дейдилар-ку, қошига,  
Бахту омад таъзим айлар меҳнату бардошига,  
Бесабаб тушмас эмиш ҳеч кимнинг оғу ошига.  
Одамийда нафси банддек дардисардан қолмасин,  
Айтинг-айтинг эл аро, ҳеч ким назардан  
қолмасин.

Илму фан ё сеҳру афсунларга моҳир бўлса ҳам,  
Чехрасидан ою офтоб нури зоҳир бўлса ҳам,  
Еру кўкда ҳар нечук ишларга қодир бўлса ҳам,  
Тенги йўқ хонандаю бемисл шоир бўлса ҳам,  
Халқ ичинда бўй эгиб таъзим этардан қолмасин,  
Айтинг-айтинг эл аро, ҳеч ким назардан  
қолмасин.

Яхши битказган каби синган суякни мумиё,  
Эл назар ташлаб, қаро тупроқни айлар кимё,  
Кимё бўлмоқ учун меҳнат керак, чин муддао,  
Бу мусаддасни тараннум айла Чустий доимо,  
Бахту толенинг дарахти ҳеч самардан қолмасин,  
Айтинг-айтинг эл аро, ҳеч ким назардан  
қолмасин.

## ЎЗБЕКМИСИЗ, ТОЖИКМИСИЗ?

Ўзга ҳамма халқлар фарқи  
осондир,  
Лекин бизлар бўлиб яқин ва  
бирдек,  
Кўрган киши сўрамоғи аёндир;  
Эй жўра айт, сен ўзбекми ё  
тожик?  
Боқи Раҳимзода.

Мархабо дўсту биродар, меҳрибон ёру азиз,  
Қалбу, жисму қош билан кўздек яқин, жондек  
лазиз,  
Бир кишидек жилвагар кўзгу аро ҳам иккимиз,  
Бир киши юрганга ўхшар иккимиз қолдирган из,  
Шунчалик монанд эрурмиз, менга ростин айтингиз,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?  
Шерсалобат, хушбичим, мардона ҳар майдон аро,  
Тоза буғдой рангу, шаҳло кўзлигу қоши қаро,  
Сочи мушкин, кўнгли оқ меҳмоннавозу дилрабо,  
Танти улфат, олиҳиммат, бир тилак, бир муддао,  
Шунча ўхшармизки, эй дўстим, тасаввур  
қилсангиз,  
Ажратиб бўлмас сира, ўзбекмисиз, тожикмисиз?  
Рудакий боғида Турдий сайр этар ўз боғидек,  
Лутфий ҳам Жомий, Навоий бир киши бармоғидек,  
Мушфиқи Машраб ғазал жомин ширин  
қаймоғидек,  
Ҳамза ҳам Садриддин Айний битта саф байроғидек,  
Биттадир услубимиз, ҳам назмимиз, мазмуниimiz,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?  
Санъатингиз санъатим янглиғ ёқимли дилнавоз,  
Мулла Тўйчи бирла Содирхон қўлида битта соз,  
Доимо Душанбанинг савтига Тошкент ишқибоз,  
Фарқимизни топмаган юз минг баҳор, юз мингча  
ёз,

Бир варақда иккимиз тарих хатига боқсангиз,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?

Саҳнамизнинг ҳуснига қўшган латофат Лутфилар,  
Тўҳфахон бирла Ҳалима савтида ширу шакар;  
Ё Саодат, ё Ҳанифа авжи бир-бирдан ўтар,  
Иккита раққосаму, ё битта товус жилвагар,  
Кўрган одам дейди, хушсиймоли кўп жонона қиз,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?

Ваҳшу Сирдарё лабидан гул табассум ўрганур,  
Қалбимиз Норақ билан Фарҳод чироғидек ёнур,  
Бир фалакда ҳуснимиз битта қуёшдек товланур,  
Икки дил бир тан аро ўртанса, бирга ўртанур,  
Менда мавж ургай табассум, сиз табассум

қилсангиз,

Ажратиб бўлмас сира, ўзбекмисиз, тожикмисиз?

Лаълига ўзбек қизин, лаъли бадахшон ўхшаган,  
Мавжига Варзоб сувин оби Зарафшон ўхшаган,  
Ҳар Хўжанд гулзорига шаҳри Намонгон ўхшаган,  
Ғарм илан Бўстонингизга Чусту Косон ўхшаган,  
Бир-бирига ўхшагандир шаҳримиз, қишлоғимиз,  
Ажратиб бўлмас сира, ўзбекмисиз, тожикмисиз?

Иккимизни сафшикан бир қаҳрамон дерлар кўриб,  
Пахтага туфроғу, кону бир жаҳон дерлар, кўриб,  
Мевасидек доимо ширинзабон дерлар, кўриб,  
Жонажон, пайвандижон, дилбандижон дерлар,

кўриб,

Иккимизга тоғу дарё бўлди таслим, букди тиз,  
Ажратиб бўлмас сира, тожикмисиз, ўзбекмисиз?

Икки чўлни иккимиз йнслаб қилурмиз бир чаман,  
Доҳий Лениннинг ўзи бу ишга бизни бошлаган,  
Биргамиз ўн беш биродар бир туғишган жону тан,  
Кимки бизга қасд этаркан, ажрагай ўз жонидан,  
Биттадур аслида Чустий, отамиз ҳам онамиз,  
Ажратиб бўлмас сира, ўзбекмисиз, тожикмисиз?

## НАМАНГАНДИР

Ватаннинг маъдани кенг пахта майдони

Намангандир,

Қаламкаш аҳлининг бир катта девони Намангандир,

Муҳаббат аҳлининг ҳам шеъру достони

Намангандир,

Азиз элнинг ҳузури, роҳати жони Намангандир,

Қуёшлик Ўзбекистоним гулистони Намангандир.

Асал кони, гўзал кони, ғазал кони Намангандир.

Саноат бирла ҳусни бир жаҳону бир гўзал олам,

Қуёш ҳам атласни шайдосию, шайдоси эрур ой ҳам,

Араб бирлан Ажам зеболарин ҳам айлабон хуррам,

Чиройига чирой қўшмиш Наманган атласи боқсам.

Шу хил назик ҳунарлар жони-жонони

Намангандир,

Гўзал кони, асал кони, ғазал кони Намангандир.

Элин номуси ори доимо таърифдан ортиқдир,

Сўзи сўз пахтакори доимо таърифдан ортиқдир,

Теримчи ҳам суворий доимо таърифдан ортиқдир,

Узум, анжир, анори доимо таърифдан ортиқдир.

Фаровон мевазорлар шаккаристони Намангандир,

Асал кони, гўзал кони, ғазал кони Намангандир.

Табиат ҳам жамолини кўриб хуштор бўлиб қолди,

Азим дарё асиру икки-уч анҳор бўлиб қолди,

Чирогин нурларидан ойга ҳам даркор бўлиб қолди,  
Эли юз-юз баҳорнинг тўйига тайёр бўлиб қолди,  
Бу тўйнинг нози неъматлик тўлахони Намангандир,  
Гўзал кони, асал кони, ғазал кони Намангандир.

Наманган бағридан янги Наманган келди дунёга,  
Баланд кошоналар пештоқи етди арши аълога,  
Унинг қандиллари шўх жилва кўрсатди Сурайёга,  
Кўзимга янги нур бахш айлади боқсам бу маъвога,  
Бу шеъримнинг тани ҳам жону дармони  
Намангандир,  
Асал кони, ғазал кони, гўзал кони Намангандир.

Бу ишлар соҳиби нодир муҳандислар-ла  
наққошлар,  
Азиз мардона меҳнаткаш улуғ ишларда  
сафдошлар,  
Қуёш авлоди Ленин насли дониш соҳиби ёшлар,  
Самарқанд ёшига етгай Наманган эй қариндошлар,  
Муқаддас катта йўлнинг битта карвони  
Намангандир,  
Гўзал кони, ғазал кони, асал кони Намангандир.

Дилимни орзулар риштасига токи қилдим банд,  
Гўзал боғига мен ҳам айласам деб битта гул  
пайванд.  
Этолсам гар Наманган халқини бу иш билан  
хурсанд,  
Қабул айлаб дегайлар балки, эй, Чустий азиз  
фарзанд,  
Бошим етгай фалакка ҳурмат осмони Намангандир,  
Ғазал кони, гўзал кони, асал кони Намангандир.



## ЭЙ ЗАМОНА, ЭЙ ЗАМОН!

(Мирзода Ишқийдан)

Фитна ёғдиргучи осмонинг, еринг ҳам фитназор,  
Дилга ҳам жойлаштирувчи қўлларинг ҳам  
зулмкор,  
Турфа деҳқон ажаб сирли уруғлик бунда бор,  
Дилга сочган бу уруғ кўзлардан унгай зор-зор,

Қайғукор деҳқон экансан бегумон,  
Эй замона, эй замон!

Дўстларга душману душманга ҳамдамсан ҳамон,  
Яхшилик қилдинг ёмонга, яхшига бердинг зиён —  
Сен ёмонни яхшилаб олқишлагайсан ҳар замон,  
Менга токай ёв бўлиб, дерсан: палону писмадон;

Душманимга сен ҳамиша меҳрибон,  
Эй замона, эй замон!

Келтириб аввал адамдан, сўнгра элтар унга бот,  
Она қорнидан мазорга элтгучи йўлдир ҳаёт,  
Ушбу йўлнинг фитнаю ташвишидан йўқдир нажот,  
Она қорнида агар билсамди бўйла кишту мот,

Она қорнин қабрим айлардим шу он,  
Эй замона, эй замон!

Уткучидирсан, йўлинг чалкаш, ўзинг беэътибор,  
Ҳар қадамда сенда хандақ ё қазилган ғор бор,

Ою кунни дарбадар қилган фалаксан, беқарор,  
Тунга чодир ёндингу бўлдинг ҳаётга пардадор,

Кўрмадим сендек субутсиз осмон,  
Эй замона, эй замон!

Судлашиб қасдим олардим, сенга даъво айласам,  
Кўп гуноҳингни ечиб, исбот этиб берсам қасам,  
Бизга эрмас, сенга қолгуси қиёматдан алам,  
Қилмишингга сен кўрарсан зўр жазою пурситам.

Эй жиноятчи фалак, феъли ёмон,  
Эй замона, эй замон!

Сенда гар бўлса адолат нега золимлар яшар?  
Тенг яратсанг олиму жоҳил бўлармиди башар?  
Жиннилардек иш на даркор эрди, сөг бўлсанг  
агар?

Эл нега шоҳу амирлар буйруғига бўйсунар?

Эй қора ниятли чарх, сенсан ёмон,  
Эй замона, эй замон!

Нотавон чумчуқни лочин ов қилиб ер, не учун?  
Ейди бечора кийикни парчалаб шер, не учун?  
Мурда ҳам охир тириларми, хабар бер, не учун?  
Келтириб, сўнгра олиб кетмоқда-ку, сир, не учун?

Бир теги йўқ хонадирсан э жаҳон,  
Эй замона, эй замон!

Не сабабдандир, гўзаллар ҳуснин этдинг офтоб,  
Шуъласидан нега ошиқлар дилин қилдинг каоб,  
Нега Ишқий оғзини боғлаб, анга бердинг азоб,  
Шу қадар сирни нега ёдимга селдинг, э хароб,

Бемаза, аччиқ заҳар тўлган замон,  
Эй замона, эй замон!

## ЮНУС РАЖАБИЙГА

Ёқимли таърифидан сўзласам эмас ажаби,  
Агарчи шоир эмас, сўзлари эди адабий,  
Мақом сулоласидан балки асли ҳам насаби,  
Лабида эрди табассум, йўқ эрди ҳеч ғазаби,  
Дилида эрди мудом давру халқу юрт талаби,  
Дер эрди саз эли устозимиз Юнус Ражабий.

Ҳамиша катта-кичикка баробару улфат,  
Кўнгил узолмас эди кимки бўлса ҳамсухбат,  
Арасту фикру Фалотуннамою пурҳикмат,  
Нечунки мўъжизаси бўлди эларо санъат,  
Ул эрди мусиқа дунёси баҳри мавжи каби,  
Дейишди саз эли устозимиз Юнус Ражабий.

Улуғ таъаббусидан «Шашмақом»га жон кирди,  
Мисоли сув томизар чоғида тирилтирди,  
Бу фан камолида Синолигини билдирди,  
Замона домига куй қушларин илинтирди,  
Вужудга келди мақом қайта, саъйининг сабаби,  
Дер эрди саз эли устозимиз Юнус Ражабий.

Дутору танбури маъшуқа шўх нигор эрди,  
Шу хилда ғижжагу чангу рубоб ёр эрди,  
Булар тилини ширин айламоқ шиор эрди,  
Эл ичра нодиру камёб бастакор эрди,  
Чоларди ўзбегу тожигу русу ҳам араби,

**Дер эрди соз эли устозимиз Юнус Ражабий.**

**Фалакка етти кичик боши камтаринликдан,  
Дили ҳамиша баҳору юзи мисоли чаман,  
Бўй эгди донишига мусиқийда ҳар бир фан,  
Шунинг учун бунга Аллома номин берди Ватан,  
Ейилди шуҳрати оламда, исмию лақаби,  
Дейишди соз эли устозимиз Юнус Ражабий.**

**Агарчи ўтли жаҳондан мақоми топди мақом,  
Ватанда олди азиз, яхши одамийлик ном,  
Совет замони бу ҳурматни айлади инъом,  
Камоли санъати Чустийга бахш этар илҳом,  
Ҳамиша ўзбек эли вориси — буюк талаби,  
Дейишди соз эли устозимиз Юнус Ражабий.**

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АБДУРАҲМОН  
ЖОМИЙ ҒАЗАЛИГА МУСАДДАСИ

(Фоний девонидан)



Ёр куйи ичра қилсам эрди маъво кошки,  
Юзни сўртгайдим юзига зору шайдо кошки,  
Кўчасидан сарвқад чиққайди танҳо кошки,  
Парда очгайди юзидан оламаро кошки,  
Гул юзин кўрсам эди, дуч келса раъно кошки.

Менга ул ой куйи бўлгач нокарак жаннат бари,  
Жаннат олдида дилим дўзахга боқмас сингари.  
Лаъли бўлгач ёқмагай оғзимга оби кавсари,  
Кўзга илмам тубини бўлса у зебо қад пари,  
Соясида чоғ этолмас дилни тўби пайкари,  
Соя солгайди менга ул сарви барно кошки.

Сарвқомат йўлига чиқдим кеча айлаб фиғон,  
Келса ул от ўйнатиб боқсам жамолига дебон.  
Эрди жоним мунтазир шул кунгача кутмоқ ҳамон,  
Ҳуснига тортиб ниқоб чиқди юзин айлаб аён,  
Гарчи ҳуснидин бугун бебаҳраман, қайгурма жон,  
Ваъда вақти эртага бўлгай мабодо кошки.

Кўнгил ул гулчеҳра дийдорин ҳавас айларди зор,  
Қасрига бермоққа юрдим ортди завқим неча бор.  
Тўсди йўл дарвозабону қанча сўздин сўнгра, бор,  
Деб ижозат берди гул сайрин этишга ошкор,  
Гул териш, гул сайридин ишқ аҳлига не фойда  
бор,  
Бўлса изи ул гулни этмоққа тамошо кошки.

Қўйки, ул гул жилвасидан дилга йўқ асло насиб,  
Гул жамолин қўй, тиконидан эмас ҳатто насиб,  
На у ширин лаб сўзидан жонга бир маъно насиб,  
На кўзимдур ул гўзалнинг ғамзасидан бенасиб,  
Васли бўлгайди дегайман манга зора ё насиб,  
Бенасибларга насиб йўқтар-ку, илло қошки.

## II

Зоҳид аҳли беҳабардир ишқнинг асроридан,  
Ишқ бозерида диннинг нархи паст, қадри тубан,  
Ақли йўлидан кечиб, дер ишққа мафтун ўлан,  
Динни барбод айламоқ ишқ одатида бўлди фан,  
Ишқ иши топмас ривож бир турса ақлу дил  
билан,  
Иккисин этгайди ишқ вайрона ҳатто қошки.

# МУХАММАСЛАР

## ЎЛКАМ МЕНИНГ

(Фахрия)

Тоабад Ёр кўррасида барқарор ўлкам менинг,  
Яъни пойдевори пухта пойдор ўлкам менинг,  
Қишда ҳам гул-гул очилган навбаҳор ўлкам  
менинг,

Тарихи минг тилда сўзланган диёр ўлкам менинг,  
Омади келган ажойиб файзи бор ўлкам менинг.

Сайр этур сарвиравонлар, қомати шамшодлар,  
Яйрашур Хисравни енган Ширину Фарҳодлар,  
Доимо дориломон тинчликсевар авлодлар,  
Умри боқийлар, азизлар, қалби пок озодлар,  
Шухрати оламга тўлган нөмдор ўлкам менинг.

Боғлари шундай гўзалки, унда йўқдир хору ҳас,  
Сайраган булбуллар овози эрур, фарёд эмас,  
Хушҳаво, осмон мусаффо, шундадир эркин  
нафас,

Ҳар қадамда учратурман турли эл айлаб ҳавас,  
Лола сайрига келурлар, лолазор ўлкам менинг.

Бир-бирин севган қадрдон иттифоқ эллар яшар,  
Кибру игводан мусаффо беғараз диллар яшар,  
Фикру зикри, маслаги бир хилда оқиллар яшар,  
Ҳар бири яхши фазилат бирла минг йиллар яшар,  
Ёр юзида хўб қозонмиш эътибор ўлкам менинг.

Икки юз турли узум ерман Самарқанд токидан,  
Ҳам Наманганнинг ширин анжир, анору нокидан,

Бахш этар юз хил қовун-тарвузни саҳни покидан,  
Ургилай деҳқонларим юксак диду идрокидан,  
Неъмати минг турдан ортиқ мевазор ўлкам  
менинг.

Волга мавжида Зарафшон тўлқини инжуси бор,  
Сайхуну Жайхун, Днепр, Ока, Болтиқ дўсту ёр,  
Кавказу Фарғона, Арман бирла Тошкент бир диёр,  
Парширар ўн бешта байроқ кўкни айлаб долазор,  
Ҳаммаси жонимдан ортиқ ифтихор ўлкам менинг.

Ҳар саҳар доно Навоий, назмила янграйди соз,  
Бобиру Машраб, Муқимий шеърига эл ишқибоз,  
Нодира, Фурқатла Завқий суҳбатимда дилнавоз,  
Мен эсам янги қаламкашларда бўлдим сарфароз,  
Назму насри, санъати эркин шиор ўлкам менинг.

Мустақим<sup>1</sup> фикрим, йўлим кенгу мусаффо, бетўсиқ,  
Одатимча иш қилурманки, баробардур ҳуқуқ,  
Тиз чўкиш, сажда қилиш одамга асло бунда йўқ,  
От эмасманки, эгарлаб солса оғзимга сулиқ,  
Менга бахш этган чин эрку ихтиёр ўлкам менинг.

Сувлари комимга қаймоғу асал таъмин берур,  
Бу демак, эрку ҳалол меҳнат туфайлидан эрур,  
Ҳар йигит-қизнинг юзида бахт нури товланур,  
Эй қуёш, кўрганмисен умрингда шундай тоза нур,  
Шарқда бошдан-оёғи шуълакор ўлкам менинг.

Пахтаси ер куррасида ўн қават бўлгай либос;  
Атласи ҳам етти иқлим қизларига келди мос,  
Нефту зангори оловин қимматидир беқиёс,  
Бу сўзимга марду майдон Ўзбекистоним асос,  
Барраси кўп бошни қилган тождор ўлкам менинг.

---

<sup>1</sup> М у с т а қ и м — тўғри.



Сўзларим кўзгусидан тарих юзи бергай жило,  
Ошиқи шайдосидир ою қуёш беиштибоҳ,  
Бу сўзим ҳаққониятдир, бунда йўқ ҳаргиз риё,  
Неки истарман муҳайё, бўлди ҳосил муддао,  
Марҳамат майдони ичра шаҳсувор ўлкам менинг.

Қиссалар бирла китобларда шуни жаннат деган,  
Куррамизнинг зийнати обод чаман, озод чаман,  
Ким кўрибдир жамбулу райҳону сумбулда тикан,  
Бу менинг ўлкам эрур бошдан-оёқ гулшан Ватан,  
Наргису раъноси сўлмас гулузор ўлкам менинг.

Мен тирик мен чунки ўлкам жисм аро жоним  
менинг,  
Доимо ризқим ҳалол, қўлда бутун ноним менинг,  
Хоҳишимча яйрамоққа бордир имконим менинг,  
Бахту иқбол омадим, юксак шараф-шоним менинг,  
Тўй қилур ҳар хонадон, сер ёр-ёр ўлкам менинг.

Менда армон на қилур, ғам на қилур, хурсанд  
мен,  
Соғ-омон, тоза жигарларга жигарпайванд мен,  
Она-юртим эркалатган эл севар дилбанд мен,  
Бениҳоя шукр Чустий бахтиёр фарзанд мен,  
Бахтиёрларнинг макони, бахтиёр ўлкам менинг.

## УЛУҒ СИЙМО

(А. С. Пушкинга бағишлайман)

Улуғ рус халқининг фарзанди Пушкин, илму  
урфони,  
Қуёш янглиғ, макони маърифатнинг юксак осмони.  
Муқаддас қалби обод бир жаҳонким, йўқ биёбони,  
Жой олди ер юзини халқин дилидан шеъри, достони,  
Унинг бир вориси яъни советлар Ўзбекистони.

Забардаст у чекинмас катта исёнкор улуғ устоз,  
Кураш майдонида зулматга қарши паҳлавон жонбоз,  
Тилим Пушкин деганда завқ ила қалбимда янгра  
соз,  
Бу таъриф бебаҳо, кўп сўзларни мадҳига оздир, оз,  
Унинг ижоди эл булбулларин сўлмас гулистони.

Туғишгандек, бугун юртимда ҳар уйларда Пушкин  
бор,  
Азиз фарзандлари бирлан ширин тўйларда Пушкин  
бор,  
Ёқимли бастакорлар боғлаган куйларда Пушкин бор,  
Муаттар айлаган оламини хушбўйларда Пушкин бор,  
Ҳамиша унга ҳамдам Октябрнинг шонли даврони.

Адибларнинг адиби шеър мулкида улуғ сиймо,  
Тафаккур аҳлининг зўр нотиқи чексиз суханоро,  
Суғорган қалби чўлларни азим дарё, азим дарё,  
Унинг ҳар бир китоби бир жаҳону боби бир дунё,  
Тили услубида сайқаллади у русча имлони.

Сўзи болдек ширин шогирдларин шогирдларидан  
мен,

Билимдон оташин шогирдларин шогирдларидан мен,  
Дилу жондан яқин шогирдларин шогирдларидан мен,  
Камина камтарин шогирдларин шогирдларидан мен,  
Бу иқбол менга ёр бўлди дилимнинг йўқдир армони.

Азиз мухлислари дунёда юлдуз сонидан кўпроқ,  
Сўзин ҳар қанча ёд олсам бўлур кўнгил яна муштоқ,  
Самимий баҳраманд бўлган кишилар менга чин  
ўртоқ,

Бу кун эл бирла Пушкинхон эрурман шоду вақтим  
чоқ,

Яшардим қайтадан Чустий бўлиб мадҳин ғазалхони.

## ШАҲРИ НАМАНГОНИ БОР

Бу қўшиғимнинг тапида жони бор,  
Бошида осмонўпар алвони бор,  
Бағрида бир улкан достони бор,  
Ҳар кўчасин боғу гулистони бор,  
Кимнинг бу хил шаҳри Намангони бор?!

Бунда қуёшлар юрадир беҳисоб,  
Олималар юзлари бир офтоб,  
Ҳар қадаминг манти-ю, барра кабоб,  
Тасма палов, ёғлиғу ширмони бор,  
Кимнинг бу хил шаҳри Намангони бор?!

Садқаси мен барча шифокорини,  
Хирмону конлардаги номдорини,  
Ер юзи мақтайди анорзорини,  
Анжир, узум, олма, бодом кони бор.  
Кимнинг бу хил шаҳри Намангони бор?!

Боғлари ҳам, тоғлари ҳам барҳаво,  
Хулқи ширин, лафзи ширин дилрабо,  
Минг йил агар мақтаса бўлмас адо,  
Санъати саз булбули хушхони бор.  
Кимнинг бу хил шаҳри Намангони бор?!

Пири бадавлат оталар-оналар,  
Атласининг ошиқи жононалар,  
Бунда кўринмас сира бегоналар,  
Чустийни кўп ёру қадрдони бор,  
Кимнинг бу хил шаҳри Намангони бор?!

## ТОНГ ЧОҒИДА

Яхши ният бирла уйғон доимо тонг чоғида,  
Сенга роҳатлар бағишлар хушҳаво тонг чоғида,  
Бўлғуси олам ажойиб дилрабо тонг чоғида,  
Айлагай чўпон найи шўх-шўх наво тонг чоғида,  
Бошласанг иш ҳосил ўлгай муддао тонг чоғида.

Яъни ҳамкоринг бўлишга бахту иқбол уйғонур,  
Омадинг боғида қушлар шоду хушҳол уйғонур,  
Сухбат этсанг толъенингни лаълида бол уйғонур,  
Мақсадинг маъшуқасининг ҳуснида хол уйғонур,  
Ёр васлидан хабар берган сабо тонг уйғонур.

Кўрсатур истак париси жилмайиб дийдорини,  
Тоза қалбинг чертадир орзу умид сеторини,  
Жилвагар қилгай ҳаётинг яшнаган гулзорини,  
Турли нотиқлар берур буткул жаҳон ахборини,  
Баҳра олгай ухламай ақли расо тонг чоғида.

Боғи япроқча табиат ҳолами инжу сочар,  
Ғунчалар булбул саволига кулимсиб лаб очар,  
Қушлар авжига чидолмасдан Адамга тун қочар,  
Эрку меҳнат дилрабоси сен билан кўнгил очар,  
Бошласанг ҳар бир ишинг бўлгай бажо тонг  
чоғида.

Ризқ учун ҳар жонли бел боғлар баробар уйғониб,  
Саъй этар қурту қумусқа турли қушлар уйғониб,

Бошлагай ўз хизматини боди сар-сар уйғониб.  
Халқидан бўлгай хабардор яхши раҳбар уйғониб,  
Шафқатидан айлагай элни ризо тонг чоғида.

Тахт этар, ер сийнасин қўйгай деб инсонлар  
қадам,  
Очгуси нуқта варақлар завқ бирла субҳидам,  
Юргай олтин қўллилар мадҳига минг олтин қалам,  
Тенги йўқ ботир йигит қиз шаънига сонсиз рақам,  
Ёзилур олтин суви-ла ибтидо тонг чоғида.

Суқланиб боққай ўзи қишлоқ жамолига саҳар,  
Жилва ҳам тотли ҳавосини ҳавас айлар шаҳар.  
Иккиси ҳар бир-биридан доим олгай баҳралар  
Термилиб мен иккисидан ҳеч узолмасман назар,  
Бир умр шайдоси мен ҳам маҳлиё тонг чоғида.

Уйғониб кўрсин сени меҳнат самосида қуёш,  
Сенга минг раҳмат дегай еру самоу тоғу тош.  
Бу улуг йўлда азизим ухлама тоғлардан ош,  
Элга хизмат айла ғафлат болишига қўйма бош,  
Кўзга уйқуни ҳаром эт Чустийё тонг чоғида.

## ВОРИСЛАРИНГ БИЗ

(Муқимийга)

Букун ворисларинг бизлар сени ул лолазорингга,  
Қўл урдик худди фарзанд мевазорингга анорингга.  
Ижозат бўлди руҳингдан туганмас навбаҳорингга,  
Сабоқлар олди булбуллар қараб назму шиорингга,  
Ўзин чоғлайди кўп эл жисмида жонлар нисорингга.

Сўзинг янглиғ кўнгилни таҳбатаҳ қон айладинг  
кетдинг,

Эмас қон, балки кўп дилни гулистон айладинг  
кетдинг,

Бу боғни сақлангиз деб, элни боғбон айладинг  
кетдинг,

Юзингга парда ёлдинг, бизга армон айладинг  
кетдинг,

Нечукким қўймади афеус ўлим ўз ихтиёрингга.

Саломномангга кўрдим фақр эли кўп мўътабар  
сенга,

Такаббур суҳбати ҳар заҳру оғудан батар сенга,  
Қилиб икки қулоғин толейинг инсонни кар сенга,  
Забунлик, ноставонлик берди бахтинг шул қадар  
сенга,

Букун ўзбек адиби, офаринлардир қарорингга.

Мисоли — марқадинг<sup>1</sup> фонус, вужудинг шамъи  
нуроний,

<sup>1</sup> Марқад — қабр.

Мунаввар тоза руҳингдан ғазалхонлар шабистони,  
Ёзилган ишқий шеъринг сатри ҳар ошиқни достони,  
Асрлар ҳайкалинг сақлар советлар Ўзбекистони,  
Уқир минг йил кейинлар ҳам шарафлар  
эътиборингга.

Қабоҳат чангалини панжаи шеъринг билан юлдинг,  
Эшон, бой, тўралар тоифасин ҳажв айладинг,  
Кулдинг,  
Ғазабнинг селига гўёки манзилгоҳ бўлиб тўлдинг,  
Тафаккур мулкининг гулзори эрдинг, оқибат  
сўлдинг,  
Кўзим тушмай, таассуф, парда ёлдинг  
гулзорингга.

Кўринди шишаи руҳингда майдек талъатинг элга,  
Буқун мастона шавқингдин олибмиз яллалар дилга,  
Муғанни олди кўп шаҳнозу гулёрингни ҳар тилга,  
Муқимий, конли бир тоғсан, хазинанг оқмагай  
селга,  
Еҳар эл бирла Чустий шамъи авсофинг мазорингга!



## БУЛБУЛИГҮЕ ЭДИ

(Марҳум устоз Мулла Тўйчи ҳофизга бағишланади)

Дейдиларки, Муллатўйчи булбулигўё эди,  
Мен дедим: минг булбулигўё унга шайдо эди.  
Чунки авжида ажаб бир мўъжиза пайдо эди,  
Бол эди оҳанги, унда замзама ҳалво эди,  
Қалбининг мавжи Зарафшон бирла Сирдарё эди.

Тошмуҳаммад ўгли Муллатўйчи ҳофиз бемисол,  
Бир дарахт эрди азим, сермева, сершоҳ, баркамол.  
Соясида ўсди, унда қанча насли навниҳол,  
Ҳофиз эрди аҳли фаҳму нуктадон, нозик хаёл,  
Азкиё бобида ҳам зукко-ю, сермаъно эди.

Ёру дўсти, улфати кўп эрди беҳад, бесаноқ,  
Олди одамгарчиликни ҳар бири ундан сабоқ,  
Доимо эл хизматида шоду хурсанд, кўнгли оқ,  
Ҳамроқул Қорию, Эрка Қори, Абдулло Тароқ,  
Холқора, Турғунсариқлар ичра беҳамто эди.

Шожалилов жўраси эрди ёнида ҳамнафас,  
Мухлиси қўшнаичи Аҳмаджон вале ҳофиз эмас,  
Бошқа хушхонлар бўлолмас эрди ҳаргиз басма-бас,  
Жўраҳон айларди Маъмуржон-ла «Гулёр»ин ҳавас,  
Савту Шаҳноз авжида у яккаю танҳо эди.

«Гиря» бирлан «Кўчабоғию», «Ироқ»у, «Чоргоҳ»,  
Ҳам «Қора кўзим»... билан айтганда «Сегоҳу»,  
«Дугоҳ»,

Этти булбуллар сукут, солди қулоқ ҳар бир  
гиёҳ.

Бўлди эл руҳига овози ғизо беиштибоҳ,  
Бир умр бизга табиатдан улуғ савго эди.

Гоҳи овози келар эрди баланд кошонадан,  
Гоҳ, Намангону Қўқон, гоҳи гўзал Фарғонадан,  
Гоҳ Самарқанду Бухородан, улуғ тўйхонадан,  
Бу каби ҳофиз тугилган қайда, қайси онадан?  
Бу саволимга жавоб бергучи нопаддо эди.

Эл дилининг лавҳида ўчмас ҳамиша номи бор,  
Мулла-тўйчи тоабод юрту элига ифтихор,  
Тарихин олтин суви-ла ёзди бу олтин диёр,  
Аҳли санъат Ленин имзоси-ла бўлди номдор,  
Мулла-тўйчи суҳбати Чустийга бир дунё эди.

## АЙЛАР

Сенинг ишқинг тушиб ҳар заррани ҳам офтоб айлар,  
Қора тош бағрига тушса, уни лаълию ноб айлар,  
Қуруқ саҳрода гул ундиргаю ундан гулоб айлар,  
Қамишга нағма боғлаб ёғочлардан рубоб айлар,  
Қурур дарё агар ишқинг йўлидан ижтиноб айлар.

Жамолинг жилвасин кўрдим чиройликлар чиройида,  
Кўринди тарҳи ишқинг нозанинлар қоши ёйида,  
Умидлик хокисорингман, маваддатнинг саройида,  
Бошим тошдек ётур кўзнинг оқиб тургучи сойида  
Дилим тўрга илинган бир балиқдек изтироб айлар.

Ҳаловат бахш этар меҳринг ўти куйдирса мен  
ёнсам,  
Вужудим парчалансин бир нафас гар севгидан  
тонсам,  
Мурувват айласанг, лутфинг булоғидан ичиб қонсам,  
Сенинг номинг-ла кўз юмсам, сени деб сачраб  
уйғонсам,

Ҳамиша сен билан бўлган юракни ким азоб айлар.

Заҳар комим аро, боис недур, лаззат берур менга,  
Хаёлинг жўраси лаззатли кайфият берур менга,  
Рақиблар гарчи тошлар ёғдириб кулфат берур менга,  
Сенинг ёдинг ажойиб катта бир қудрат берур менга,  
Олишса тулки шер бирлан ўзин албат хароб айлар.

Сенинг номинг дилим сандуғида энг бебаҳо гавҳар,  
Буни Чустий кўзи ҳар бир нафасда ўғридан сақлар,  
Мени ҳеч қўйма ғафлатда дилимни қилма кўру кар,  
Ишонганман, ишондим мен, ишонгум сенга э,  
дилбар,

Жамолинг кўрмагунча ишқи кондай хунхоб айлар.

## ХОНАДОНДАН БОШЛАНУР

Яхши фарзанд ўстиринг, ҳеч ким маломат  
қилмағай,

Сиздан ўрганмай туриб, гўдак ҳақорат  
қилмағай.

Оқил ота-она наслин бефаросат қилмағай,  
Ўз-ўзича ўсса у, озга қаноат қилмағай,  
Тарбият кўрган эса, сизни хижолат қилмағай.

Хонадондан бошланур ёшликданоқ нафъу зарар,  
Эркалатмоқ яхши, аммо ҳаддидан ошса агар,  
У бола, бўлғай муаллимларга ҳам бир дардисар,  
Бўлмағай яхши билимлик, балки бўлғай  
дарбадар,

Улғайиб қолганда у, сизга итоат қилмағай.

Эгри бўлсин, деб туғарму ҳеч она фарзандини,  
Ким ёмон ниятда ўстиргай ўзин дилбандини.  
Қай она бошлар касофатга саодатмандини,  
Ким қабул айлайди ҳар бир соҳадан қувландини,  
Яхши ота-она ҳеч шундай жиноят қилмағай.

Бўлмасин ялқовланиб, фарзандингиз текин таом,  
Булганур топ-тоза қони, бўлғуси ҳалқум ҳаром,  
Ор эмасму сиз учун олса агар безори ном,  
Қиссалардан ҳиссалар айланг қабул, хуллас  
калом,

Тўғри йўлга кирса, эгриликка одат қилмағай.

Онда-сонда учрағай, халқ ичра бундай беҳунар,  
Бир масал бордур, демишлар: бирники мингга  
урар.

Келди, лекин мардлардан дунёга мардоналар,  
Шукр этарман сўзларимдан кимки бўлса  
баҳравар,

Элга нафъи бўлмаса, Чустий китобат қилмағай.

## ФАРЗАНД УЧУН

Ота-она орзуси аввало фарзанд учун,  
Хонумонин сарф этар, ҳар доим фарзанд учун,  
Ранжимайдур чекса юз жабру жафо фарзанд  
учун.

Ҳар бирида юз тилак, юз муддао фарзанд учун.  
Яхши ота-она, яхши раҳнома фарзанд учун.

Оналар бир парча этни баркамол одам қилур,  
Пашша қўндирмай авайлаб, шафқатни ҳар дам  
қилур.

Йигласа тунда юпатгай, ўйнатиб хуррам қилур,  
Баъзилар фарзандига гўё ўзин қул ҳам қилур,  
Баъзилар эл ичра бўлгуси гадо фарзанд учун.

Чунки ота-онадан ному нишон фарзанд эрур,  
Кўзларининг нури ҳам жисмида жон фарзанд  
эрур,

Роҳати, фахри, гурури жонажон фарзанд эрур,  
Улфати, дўсти, мадори меҳрибон фарзанд эрур,  
Меҳрибонлик арзигай меҳри бажо фарзанд учун.

Ота-она яхши фарзандлар билан хуррам яшар,  
Яхши фарзандлар туфайлидан элу юрти севар,  
Бўлгай у пирибадавлат бу жаҳонда муътабар,  
Гар ёмон ўсган эса, минг алҳазар, минг алҳазар,  
Эл отар нафрат ўқини беҳаё фарзанд учун.

Куйдириб у ота-она бағрини қон айлагай,  
Халқ ичинда ҳурматни ер бирла яксон айлагай  
Яхши ўстирган эса умрин гулистон айлагай,  
Ота-она номини оламга дoston айлагай,  
Чустийдан бу армуғон ақли расо фарзанд учун.

## БИР-БИРИДАН ЯХШИРОҚ ДЕРЛАР

Қадимий бир булоқ борки, уни қайнар булоқ дерлар,  
Тубида қанча гавҳар бор, уларни шабчироғ дерлар,  
Сувидан баҳра топган дашту саҳроларни боғ

дерлар,

Бу боғлар тарихини икки минг йилдан узоқ дерлар,  
Очилган ранг-баранг гуллар тикансиз бебутоқ

дерлар.

Бу боғ бир илм эрур, боғбонлари шул фанда

моҳирлар,

Тафаккур мулкининг майдонида тенгсиз баҳодирлар.  
Бу фан тахтида султонлар, халойиқ ичра нодирлар,  
Ёзиб қолдирдилар бизга буюк устоз шоирлар,  
Асарлар турли ўлчовларда чексиз тоғ-тоғ дерлар.

Юрак гавҳарлари тўлган азим дарё ҳижо вазни,

Ўқувчига машаққатсиз берур маъно ҳижо вазни,

Замона осмонида қуёшсиймо ҳижо вазни,

Дегаймиз бир оғиздан ҳаммамиз аъло ҳижо вазни,

Аруз вазни билувчиларга қудратли яроғ дерлар.

Аруз вазнига устозсиз қўл урмоқ бул ҳавасликдир,

Ҳавас яхши, вале насту баландин пайқамасликдур,

Улар ашъорларин боғи деярли хору хасликдир,

Узун-қисқа қаноти қушларин, балки қафасликдир,

Тани бор бўлса ҳам бебошу бекўз, беқулоқ дерлар.

Бу фанни ўрганиш, қунт айласа, амримаҳол эрмас,  
Ғазалда сакталиқ нуқсон эрур, ҳусну жамол эрмас,  
Букун кўзга кўринган баъзи ёш ҳам баркамол эрмас,  
Бўлақларга не ҳам дерман, улар нозик хаёл эрмас,  
Ғазал дерлар-ку, оқсоқдир, керак қўлтиқтаёқ дерлар.

Ҳижо вазнида ёзмоқлик талабга кенг жавоб бермоқ,  
Аруз вазнида ёзмоқ созу оҳангдан ҳисоб бермоқ,  
Ҳижо вазнида ёзмоқ маъниси осон китоб бермоқ,  
Аруз вазнида ёзмоқ шоир ўзига азоб бермоқ,  
Чиқолса ўҳдасидан кетди шоирда улоғ дерлар.

Ҳижода майли Пушкин бўл, арузда бўл Навоийдек,  
Қаю ўлчовда ёзсанг, хизмат айла элга, турмай тек,  
Ва лекин этма манманлик, улуғ мақсадга бўйнинг  
эг,

Шарафли ишга ҳисса қўшгали ўлчовни қилмам чек,  
Шунинг-чун ер юзида бизни яхши иттифоқ дерлар.

Бу — маълум, уста одам: мен сира душман эмасман,  
дер,

Ва лекин меваларга йўя топилса, аста қуртдек ер,  
Ҳижочи-ю, арузчи дўстлар, иғвога барҳам бер,  
Ҳунарни йўлга сол, манзилга етгил, сўнгра кўкрак  
кер,

Бу фаннинг ҳар турин ҳам бир-биридан яхшироқ  
дерлар.

Деёлмасман ўзимни мақтаниб гўёки Бобурман,  
Камина Ўзбекистонда туғилган ҳақли шоирман,  
Таҳаллус не керак ушбу мухаммас бирла зоҳирман,  
Аруз вазнини ўрганмай бузувчиларга нозирман,  
Мени бул қаҳқаҳамдан эл ҳамиша вақти чоғ дерлар.

## ШЕЪР ФАЗИЛАТИ

Шеър юксакликда юксак, гарчи у осмон эмас,  
Шеър кўки беқуёшу бемоҳитобон эмас,  
Шеър кенг олам, бу кун бунча кенг майдон эмас,  
Шеър дур тўлган хазина, кулбаи вайрон эмас,  
Шеъриятдан бохабар ким бўлса у нодон эмас.

Шеър улкан тоғ эрур, кўп жилғалар, сойлар оқар,  
Шеър бир гулшан эрурки, гуллари хандон ёқар,  
Шеър бир қандил эрур элга чил чироғини ёқар,  
Шеър бир элчи бўлиб осмонга ҳам эшик қоқар,  
Шеърга ким мункир ўлса, ул киши инсон эмас.

Энг гўзал нозик назокат олами шеър олами,  
Энг нафису ҳам нафосат олами шеър олами,  
Хўп ширин нафису латофат олами шеър олами,  
Қилни қирқ ёрган фасоҳат олами шеър олами,  
Шеър жонлар ришасидан дер қўпол арқон эмас.

Қофия бирла радиф, ўлчоқ, ишора бўлмаса,  
Фикру мақсад, рамзу мантиқ, истиора бўлмаса,  
Ғоя-мақсад, яхши ташбеҳларга чора бўлмаса,  
Бу каби шеъру ғазал оламда зора бўлмаса,  
Кўп қаламкаш дўстлар бу бобда беимкон эмас.

Шеърият дунёсида мақсад қуёши сочса нур,  
Давру юрту халқу меҳнат, эрку дўстлар

товланур,

Бўлғуси равшан, ўқувчи қалби ҳам топгай сурур,  
Ишқ, дилдору висол мазмуни ҳам бергай ҳузур,  
Жони бор фикрим танин, Чустий сўзим бежон  
эмас.



## МЕНГА МУНОСИБ

Мадҳинг ғазали хўб ширин оҳангга муносиб,  
Мен ялла қилай ноз ила ғамзангга муносиб,  
Дил сайраши булбул каби гулшанга муносиб,  
Ҳусни чаманим аҳду вафо санга муносиб,  
Сендек дили пок, кўзи қаро манга муносиб.

Меҳрингни қанот айлабон осмонга учайми,  
Ер куррасидан сен била ё ойга учайми,  
Гулдаста узатсанг сени ё гулни қучайми,  
Нозик баданим аҳду вафо санга муносиб,  
Сендек дили пок, кўзи қаро менга муносиб.

Аслида юрак битта бўлур битта баданда,  
Бир дил мену сен тан каби озода ватанда.  
Бегонага йўл йўқ, гўзалим ушбу чаманда,  
Эй гулбаданам, аҳду вафо санга муносиб,  
Сендек дили пок, кўзи қора манга муносиб.

Сен бахту шараф, ҳурмату лаззатли ҳаётму?  
Меҳнатму ҳалол давлату, ё қанду наботму,  
Чустийга бирон сўз демадинг, сенга уётму,  
Ҳусни чаманим аҳду вафо санга муносиб,  
Сендек дили пок, кўзи қаро манга муносиб.

## ЗУЛФИНГ

Тонгнинг шамоли эсди, боғланди жона зулфинг,  
Дил созига чаманда солди тарона зулфинг,  
Ҳуснингни қуршаб олди илгида шона зулфинг,  
Ухшар қилич кўтарган соҳибқирона зулфинг,  
Чунким жаҳонда топди шуҳрат ягона зулфинг.

Аввал белинга тушди, сўнгра тизингни ўпти,  
Ювмоққа бошинг эгдинг, у денгизни ўпти,  
Сўнгра тўлганиб у сувдан чиққач, юзингни ўпти,  
Уйнаб оёққа тушди, боқсам изингни ўпти,  
Бу ишни ўргатурга қилди баҳона зулфинг.

Ушлашга қўл узатди ағёр, илги синди,  
Уз қоматинга зулфинг ошиқлиги билинди,  
Йўқса нечун вужуди минг торага тилинди,  
Ҳуснингга дом қўйди, дил қушлари илинди,  
Холинг десам лабинга сочмиш-ку, дона зулфинг.

Зулфингга боқди оҳу, шаҳлоси бўлди қора,  
Сунбул хижиллигидан тортди ўзин қанора,  
Ҳуснингни гулшанида сайр этди тора-тора,  
Ҳар торасига Чустий боғланди бора-бора,  
Чиндан қилурми билмам элга афсона зулфинг.

## КИМНИ ИЗЛАРСИЗ?

Чиройликсиз, гўзалсиз, дилрабосиз, мунча  
дилбарсиз,  
Паривашсиз, малаксиз, маҳлиқосиз, сиймпайкарсиз,  
Санамсиз, бебаҳосиз, гулбадансиз, лаъли шаккарсиз,  
Қуёшсиз, тўлган ойсиз, нозанинсиз, нозпарварсиз,  
Кўзингиз ҳар томонда, рост айтинг, кимни изларсиз?

Садоқат йўлида карвонингиздирман, танийсизми?  
Бу йўлда шоду беармонингиздурман, танийсизми?  
Қаранг, ҳамасру ҳамдаврнингиздурман,  
танийсизми?

Тасаддуқ жонгинам, қурбонингиздурман,  
танийсизми?  
Кўзингиз ҳар томонда, рост айтинг, кимни  
изларсиз?

Юзингиз рангидан пардоз олур лола яноғига,  
Қошингиз шаклини олмиш фалак олтин тароғига,  
Кўришга сизни булбуллар келибдур ишқ боғига,  
Уялсангиз, пичирлаб, айтингиз кўнглим қулоғига,  
Бу эркинлик замонда, рост айтинг, кимни изларсиз?

Бериб кўнглимни ёшликдан сизга шайдоман,  
Камина томчи, ишқингизда мавжи дарёман,  
Муҳаббатномамизга тоабат деб чеккан имзо ман,  
Тахаллус берди Чустийга элим, севдим баралло мен,  
Мени қўйманг гумонда, рост айтинг, кимни  
изларсиз?

## МЕНИ САРГАШТА

(Навойй ғазалига мухаммас)

Қуёш юзли мени ўз талъатига интизор этмиш,  
Дилимни дарду ҳижрон изтироби беқарор этмиш,  
Назар ташлаб рақиб қалбин мисоли навбаҳор этмиш,  
Мени саргашта жисмим доғ ила қон лолазор этмиш,  
Қуюн ёхуд тўкилган лолазор ичра гулзор этмиш.

Эмас қушлар навоси бенаво нолонлари гўё,  
Чўзилган тоғу қирлар гавдаси қурбонлари гўё,  
Кўзи ўқ ёғдирарму синчиклаб мужгонлари гўё,  
Танимдин қон чиқарғон ҳар тараф пайконларинг  
гўё,  
Эрур ёмғирки, туфроқдин чечаклар ошкор этмиш.

Хаёли бирла ҳар дам менга минг қайғули

кундекдир,  
Унинг ҳуснидан айру кундузи ҳам менга тундекдир,  
Бунинг устига чеккан дам-бадам оҳим тутундекдир,  
Кўнгул бирла сўнгак манқал аро ўту ўтундекдир,  
Маломат тошларин то ишқ теграмда ҳисор этмиш.

Деманг юлдузлар учди, кўкда учган учқуним  
балким,  
На тўфон мавжидир, қалбимда кучли тўлқиним  
балким.

Хаёли бирла дилда анжуман кўрган куним балким,  
Юзин май гулгин этгандин харош эрмас уним  
балким,  
Кўнгилда хор-хори нолам андомин фигор этмиш.

Юзин тоблайди зўр гулхан ёқиб кўнглим аро гўё,  
Кўзи шу ўт билан ўйнар, боқиб менга қиё гўё,  
Вужудим ишқ ўтида балки оташдонму ё гўё,  
Лаби жонимга солган шуълалар ичра қазо гўё,  
Улуғроқ лаълдан ахгар<sup>1</sup>, кичикроқдан шарор  
этмиш.

Кўзим ҳар лаҳза-лаҳза ёшиланиб, муштоқи дийдори,  
Унинг мен дардманди, бемажולי, нотавон, зори,  
Эрур жоним рамақда ишқининг ошуфта бемори,  
Ҳалоқим билгай улким, бордир ул янглиғ  
жафокори

Ки таврин ҳусн бепарволиғи олифтавор этмиш.

Вафо манзилгаҳин кўрсатса азм аҳлига тонг  
йўқким,

Висол авжин тараннум қилса жазм аҳлига тонг  
йўқким,

Ҳамоҳанг бўлса Чустий сози назм аҳлига тонг  
йўқким,

Муғанний нағмаси жон берса базм аҳлига тонг  
йўқким,

Навий риштаи жонин эшиб, чангига тор этмиш.

---

<sup>1</sup> А х г а р — лаҳча чўғ.

## ҚАРО КҮЗИМ

(Навоний ғазалига мухаммас)

Қуёш юзим келу бир тарки моуман қилгил,  
Ширин сўзим келу бир йўл ширинсухан қилгил,  
Фидо ўзум келу бир раҳми жону тан қилгил,  
Қаро кўзим келу мардумлиғ энди фан қилгил,  
Кўзим қаросига мардум киби ватан қилгил.

Сўзинг олови билан жисмим ичра ёқ гулхан,  
Кўзинг чароғи билан айла тан уйин равшан,  
Узингга, қалбим аро сайр этиб, топиб маскан,  
Юзинг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.

Мижанг ҳадангини отмоқ эсанг, мени чоғла,  
Дилимни тешса ўқинг ишқ ўти билан доғла,  
Шикорга отланасан гар рафиқу ўртоғ-ла,  
Таковарингга бағир қонидан хиво боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилгил

Юзингни тирнамасин оҳу тирноғим, эй чарх,  
Керак эрур мени янги тирилмоғим, эй чарх,  
Йўқ агарчи бош-оёқ, жисму бармоғим, эй чарх,  
Фироқ тоғида топилса тупроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна бу тоғда кўҳқан қилгил.

Қошинг ҳилолига етсун десанг кўнгулларни,  
Усиб камолига етсун десанг кўнгулларни,

Лабингни болига етсун десанг кўнгулларни,  
Юзинг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни бошдан-оёқ чин ила шикан қилгил.

Қазо нигоҳига, эй боғбон, эмас монеъ,  
Чаманнинг оҳига, эй боғбон, эмас монеъ.  
Завол шоҳига, эй боғбон, эмас монеъ.  
Хазон синоҳига, эй боғбон, эмас монеъ.  
Бу боғ томига гар игнадан тикан қилгил.

Чаманда унга дучор ўлсам, эй рафиқ, мени,  
Жафоси илги узуб сўлсам, эй рафиқ, мени,  
Фидои ғамзалари бўлсам, эй рафиқ, мени,  
Гуллоб ила юву гул баргидан кафан қилгил.

Хаёли кулбасида базми муддао тузсанг,  
Тан ичра ғамзаи завқи дилрабо тузсанг,  
Кўнгил саройи аро, Чустийё, наво тузсанг,  
Навий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Ани башоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилгил.

## ЁЗАЛАР

(Фузулий ғазалига мухаммас)

Қошларинг қушдек қабоғинг устида пар ёзалар,  
Уйғониб ноз уйқудан ё айладинг ҳомузалар<sup>1</sup>,  
Ҳар дам ундан ишқ эли маъни булоғин қозалар,  
Ҳар китоба ким лаби лаълинг ҳадисин, ёзалар,  
Риштаи жон бирла ишқ аҳли они шерозалар.

Хоҳи, кўлда, хоҳи чўлда учраган бир кимсая,  
Севги бобидан на сан ёки на ман бир кимсая,  
Бу ажаб ким лаб очиб қилмай сухан бир кимсая,  
Бу на сирдир сирри ишқинг демадан бир кимсая,  
Шаҳра душмиш бан сани севдим деган овозалар.

Мен демам вайронадан юз дўндурурлар масжида,  
Бир баланд остонадан юз дўндурурлар масжида,  
Энг буюк кошонадан юз дўндурурлар масжида,  
Шайхлар майхонадан юз дўндурурлар масжида,  
Бе тариқатларни гўрким, тўғри йўлдан озалар.

Де қачон ишқ аҳли бошидан қочибдур тиғи ишқ,  
Барча ошиққа дамидан ўт очибдур тиғи ишқ,  
Оҳ бу майдонаро қонлар сочибдур тиғи ишқ,  
Чоклар гўксимда, солмаким очубдур тиғи ишқ,  
Гўнглиминг шаҳрина меҳринг гирмага дарвозалар.

---

<sup>1</sup> Керишиб эснаш.



Сенга аччиқ сўзлаган ширин забондан инжима,  
Сен учун рамзи ҳаён бўлган зиёндан инжима,  
Ёр учун, Чустий, танингдан кетса жондан инжима,  
Эй Фузулий, ёр агар жавр этса, ондан инжима,  
Ёр жаври ошиқа ҳар дам муҳаббат тозалар.

## УЛАНДАН СЎР

(Фузулий газалига мухаммас)

Тиканлар нишини захрини гулга ёр ўландан сўр,  
Муҳаббат лолазорин кўзлари хунбор ўландан сўр,  
Фироқинг дардини ҳар дам давога зор ўландан сўр,  
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зилоли шавқ-завқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Дилим доғини, эй маҳпора, бандан ўзгадан сўрма,  
Жудолик дардига не чора, бандан ўзгадан сўрма,  
Юзинг шарҳин дейин минг бора, бандан ўзгадан  
сўрма,  
Лабинг сиррин келиб гуфтора, бандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуқтани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Гадойи кўйинг аҳволин на билсун мардуми гофил,  
Ҳақиқий ошиқ аъмолин на билсун мардуми гофил,  
Муҳаббат қийл ила қолин на билсун мардуми гофил,  
Кўзи ёшуларин ҳолин на билсун мардуми гофил,  
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Кўзимга жилва йўқдир наргиёу сарву суманлардан,  
Ҳаловат йўқ назокат лофини урган чаманлардан,  
Боқарман гул юзингга ҳеч чекинмасдан тиканлардан,  
Хабарсиз ўлма фаттон кўзларинг жабрин  
чеканлардан,  
Хабарсиз мастлар бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Ғамимдан беҳабар но ошинодан сўрма аҳволим,  
Абас йўлларда кезган норасодан сўрма аҳволим,

Сенинг деб бошима ёққан балодан сўрма аҳволим,  
Ғамингда шамъдек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу, аҳволим шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Хазон рангига айланди нетайким чеҳрайи олим,  
Кўзим хийра, гаранг бошим, нигоҳингда қади долим,  
Ўзим ҳам беҳабардирман неча ўтди моҳу солим,  
Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,  
Харобат аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Жаҳонда ишқ маъносини фаҳм этмай ўтар жоҳил,  
Агар дарёда минг йил ётса, тош бағрига не ҳосил,  
Ташаккур айла, Чустий, бўлди қалбинг ишқига  
мойил,

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардур зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

## ЕРНИНГ ВАСЛИ

(Нодира ғазалига мухаммас)

Шуъла бермас шамъ ҳусни ёрсиз,  
Бода кайфи бўлмағай дилдорсиз,  
Ишқ уйини кўрмадим беморсиз,  
Ёрнинг васли эмас озорсиз,  
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Гул узай деб хор дардин тортаман,  
Заҳр олай деб мор дардин тортаман,  
Умрлардир ёр дардин тортаман,  
Ёр учун агёр дардин тортаман,  
Кўрмадим бир ёрни агёрсиз.

Мевасиз хижлатда қолмиш аргувон,  
Айлама мадҳини, эй мўъжиз баён,  
Қилса ногоҳ азми сайри бўстон,  
Берма нисбат қаддига, эй боғбон,  
Сарвдир бу боғ аро рафторсиз.

Нолаю афғонга ҳожат қолмади,  
Ёр ҳижронига тоқат қолмади,  
Дардини чекмоққа ҳолат қолмади,  
Тан бузилди, дилда роҳат қолмади,  
Соя пайдо бўлмағай деворсиз.

Ваҳми йўқ парвога ҳаргиз нордан,  
Чекмади Фарҳод бошини дордан,

Минг маломатлар билан озордан,  
Ор қилмас таънаи ағёрдан,  
Ошиқи содиқни дерлар орсиз.

Ишқ истиқболидан оғаҳ бўлинг,  
Бахт очган фолидан оғаҳ бўлинг,  
Чустийнинг иқболидан оғаҳ бўлинг,  
Нодира аҳволидан оғаҳ бўлинг,  
Эй мусоҳибларки, мен ҳам ёрсиз.

## БИР МЕНМУ?

(Муқимий ғазалига мухаммас)

Муқимий, Фурқат ишқингда ғазалхон ўлди, бир  
манму?

Гирифтори жамолинг жону жонон ўлди, бир манму?  
Фидойи жилванг ул товуси мастон ўлди, бир манму?  
Асири чашминг оҳуи биёбон ўлди, бир манму?  
Кўруб ойна ҳам ҳуснингга ҳайрон ўлди, бир  
манму?

Кўз очдинг уйқудан ғафлат ниқобини йироғ айлаб,  
Тараб нозик сочинг ўрдинг ярим ойдан тарағ айлаб,  
Муродинг эрди билмоқ ғунчалар ҳолин сўроғ айлаб,  
Рухсор очдинг пардадан ул субҳким бир сайрибоғ  
айлаб,  
Қолиб хижлатда гул чоки гирибон ўлди, бир манму?

Жамолинг шуъласин кўрдим тўлин ойда, сурайёда,  
Қуёш тобланди ишқинг оташи ёнгучи дунёда,  
Уни ҳам ўртади меҳринг олови ҳар бир аснода,  
Куяр жисмим на танҳо ишқинг ўтиданки саҳрода,  
Тушиб бағрига яксар лола сўзон ўлди, бир манму?

Баланддур толеъинг, чокарлик айлар бахту иқболинг,  
Сўраб қўй ишқ элидан бир қалай деб ҳолу аҳволинг,  
Ҳисобсиз ошиқинг бордур, сенинг йўқ тенгу  
тимсолинг,

На ёлғиз мен асири ҳалқанӣ зулфу хату холинг,  
Лабингга банда ҳам лаъли Бадахшон ўлди, бир  
менму?

Чаман аҳли хаёлинг базмини кўрганда айб эрмас,  
Кўриб наргис изингни кўзига сурганда айб эрмас,  
Бўлиб мажнун кўнгил ишқингда оҳ урганда айб  
эрмас,

Кўйинг-да телба-ю, девонадек юрганда айб эрмас,  
Сочингдан сунбули райҳон паришон ўлди, бир  
манму?

Ичиб ҳайрат шаробин маст ўлиб, аҳли тасаввуфлар  
Қолиб беҳуш дилдан жой олиб юз минг таассуфлар,  
Малоҳат бобида олам аро машҳуру маъруфлар,  
Кўриб рамзи табассум шул эрур деб ҳусни

Юсуфлар,  
Гирифтори ўшал чоҳи занаҳдон ўлди, бир манму?

Умиди васлинг айлаб Чустий ҳам, жисми латифлар  
ҳам,

Хаёлинг кулбасида сокин ўлган муътакифлар ҳам,  
Қадам қўйди бу йўлга фикри софу мухталифлар  
ҳам,

Жамолинг лаззатидан муждалар олган ҳарифлар  
ҳам,

Келиб ойлар Муқимий янги қўрғон ўлди, бир манму?

## КУЗЛАРИНГ

(Муқимий ғазалига мухаммас)

Икки қош остидаги дорил-шифодир кўзларинг,  
Еки ишқ дебочасига ибтидодир кўзларинг,  
Кўзларинг меҳри юрак бағримга жодир,  
кўзларинг,  
Сурма қўймай мунча ҳам жоно қародир  
кўзларинг,  
Ҳар бири жон қасдига боққан балодир кўзларинг.

Сақламоққа кўзларингни даврида саф-саф сипоҳ,  
Шўхлигин исбот этарга қошларинг одил гувоҳ,  
Мунча бепарволигидан кимга бўлсам додхоҳ,  
Ошно-бегоналарга бир умр хуш-хуш нигоҳ,  
Ошноларга ғараз ноошнодир кўзларинг.

Сен учун чиндан курашган қаҳрамон Фарҳод ким,  
Қасд қилган кўзларингга Хисрави жаллод ким,  
Яхши бил ишқ оламида сайд ким сайёд ким,  
Боқмагай ошиққа саҳван ҳам қиё, фарёдким,  
Расми ойини магар жабру жафодир кўзларинг.

Олди ҳар бир боқиши ошиқ элидан жон ютиб,  
Жилвада ғамзанг ютиб, ғамзангни ҳам мижгон  
ютиб,  
Элни ҳайрон айлар эрди бир-бирин ҳар он ютиб,  
Оҳуйи Чин кўрдию шаҳлолигидан қон ютиб,  
Рашкидан овораи дашти Хитодир кўзларинг.



Кўзларингдан топдилар майхона аҳли напъани,  
Муддао шулдирки, ёлма юзга шохий пардани,  
Бир қиё боқсанг, очилгай минг кўнгилнинг  
гулшани,  
Наргиси — мастингдан узмоқ мумкин эрмас  
дийдани,  
Ёки мужгон даврида меҳри гиёдир кўзларинг.

Иккисининг нозиму ё ҳазлиму айлар ситез,  
Бир-биридан рашк этар гўёки икки ҳинду қиз,  
Мунтазирликда десам бир боқишин кўрмоққа биз,  
Интизор/айлаб ўзин ҳам ҳажрига синасиз —  
Ўз жамолини кўролмасдан адодир кўзларинг.

Соябон остида гўё икки оҳу боласи —  
Ўз тилида сўзлашур йўқ қайғуси, йўқ носаси,  
Чустий, шеърингга радиф ул қайси боғнинг  
лоласи?  
Қумрию тўтию булбул гул юзингни воласи,  
Мен, Муқимийга, ҳамиша муддаодир кўзларинг.

## БИР ҚАМАР СИЙМОНИ КҮРДИМ

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Мен учун бўлгач рақиблар хоҳиши — таъзирда,  
Бош олиб чиқдим Ватандан ҳолатим таҳқирда,  
Дарбадарликда кўзим ҳар кимда, ҳар тасвирда,  
Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда,  
Кўзлари масҳуру юз жоду эрур тасҳирда.

Тишда ҳайрат бармоғи, жисмимга тушди изтироб,  
Ҳушга кел деб, менга гўё ғамзаси сепди гулоб,  
Сесканиб кўзни очиб солсам фалакка сарҳисоб,  
Зарра-зарра зар сочар бошига ҳар кун офтоб,  
Кеча ётиб субҳ келгач чашмаи искирда.

Тун қаро мушкин сочин ахборидан бир нуқтадир,  
Ҳинду сиймоси кўзин хумморидан бир нуқтадир,  
Балки энг нозик қаламнинг коридан бир нуқтадир,  
Қоши узра холиннинг асроридан бир нуқтадир,  
Сурайи нун ўқидим пайваста ҳар тафсирда.

Ҳуснининг мафтуни бўлмишлар сағиру ҳам кабир,  
Кашмири тил ўйнатиб жоду қилишда беназир,  
Қўлни кўксимга қўйиб, бир таъзим айлаб мен  
фақир,

Айдим, эй жон офати зулфингга бўлмишман  
асир,

Айди, бу савдони қўй, умринг ўтар занжирда.

Бу савол, рамзи таманнодир дедим, айди кулиб,  
У надур, хуснингда пайдодир дедим, айди кулиб,  
Яъни бу қандай тамошодир дедим, айди кулиб,  
Нуқта лаб устида бежодир дедим, айди кулиб,  
Саҳв қилмиш котиби қудрат, магар таҳрирда.

Тут қулоқ, Чустий, эшит алқисса ул нозик бадан,  
Булбул аҳволини сўрган гунчадек бошлаб сухан,  
Бир табассум қилди-ю, менга мулойимлик билан,  
Айди, эй Ғечора, қилдинг не учун тарки ватан,  
Мен дедим, гурбатда Фурқат бор экан тақдирда.

## ТАРЖЕЪБАНД

### БАРАКА ТОПИНГ, КАМОЛ ТОПИНГ!

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Сизга оқ олтин интизор,  
Барака топинг, камол топинг!

Баракаси хона-хонадир,  
Ҳимматидан нишонадир,  
Ембу мисоли ҳар чаноқ —  
Лиқ тўла инжу донадир.

Таҳсину офарин сўзи,  
Яллаю шўх таронадир.  
Сиз била бизни чорлаган  
Партия ҳам замонадир.

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Қундузу Тожи, Гулбаҳор  
Барака топинг, камол топинг!

Истаса бахту омадин,  
Завқи билан терар жадал.  
Дилбару Қумри, Лолахон  
Бир нафас айламай ҳаял.

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!

Лутфи, Шарифа ҳам Нигор  
Барака топинг, камол топинг!

Кўкда тутибди ой этак,  
Хирмони худди кенг фалак.  
Юлдуз эли теримчилар,  
Чехраси нуру ўтюрак.

Ишга тушиб машинадек,  
Кенг кафу панжаю билак.  
Бир граммигача теринг,  
Ерни қилиб элак-элак.

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Хайри, Муборак, Эътибор  
Барака топинг, камол топинг!

Таъми замона опининг,  
Нури зафар қуёшининг,  
Ўзбек элин мисоли йўқ,  
Шухрати кекса ёшининг.

Хусни камоли зийнати:  
Жилваси кўзу қошининг.  
Фахри ҳузур ҳаловати,  
Лаззатлидир маошининг.

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Эркину, Аҳмаду, Диёр  
Барака топинг, камол топинг!

Ҳар туби катта тоғимиз,  
Неча баланд равоғимиз,

Икки қанотимиз эрур,  
Балки қўлу оёғимиз.

Ёв юрагини ёргувчи,  
Турли қурол яроғимиз,  
Уйда чироғимиз шу, ҳам  
Барча қазонда ёғимиз.

Пахта териб қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Қудрату Соли, Бахтиёр  
Барака топинг, камол топинг!

Давр яна шинам бўлур,  
Эл яна муҳтарам бўлур,  
Пахта шу куррамизга тенг,  
Ўлчаса минг ғарам бўлур.

Мирали Шернинг илгида  
Таъриф учун қалам бўлур.  
Кимники завқи ошмаса,  
Одам эмас десам бўлур.  
Келди яқин план тўйи  
Сиз била Чустий ҳам бўлур,

Пахта териб, қанор-қанор,  
Барака топинг, камол топинг!  
Сизга оқ олтин интизор,  
Барака топинг, камол топинг!

## РУБОИЙЛАР

Ҳар кимса ҳам бўлавермас хушқилиқ,  
Мардлар феълин номард қилмас, бу — аниқ,  
Бағрин ёрса гавҳар берган садафдек,  
Мардлар қилур ёмонликка яхшилиқ.

\* \* \*

Эшитдим мен қанча ақли расодан,  
Дейди, инсон холи эмас хатодан,  
Хато қилса нодон унча билинмас,  
Катта уят хато кўрсанг донодан.

\* \* \*

Ҳеч бир қарға булбулнаво бўлмайди,  
Шундай десам ҳаргиз хато бўлмайди,  
Ёлғон бўлса ширин сўздан нефойда,  
Сунъий асал чунки даво бўлмайди.

## ТУЮҚЛАР

Югурса чарчатар бўлса йўлинг ўр,  
Чиқиб қирга зафарлар буғдойин ўр!  
Кўтар хирмонни, сўнг мақсад қизига  
Дегил, э нозанин, бўл, кокилинг ўр!

Ўқини бехато урди нишонга,  
Бу мерган арзигаё олтин нишонга,  
Урушсиз давру даврон сурсун энди,  
Қўшиб иқбол ила шуҳратни шонга.

Солиб бўлмас паловни дам емасдан,  
Дедим ростин кишидан дам емасдан:  
Зериктиргай риёкор бўлса меҳмон,  
Қўйилган ошни дам еб, дам емасдан.

Қошинга ўсма қўйма, кўзга сурма,  
Юзингга кўп упо-эликни сурма.  
Берай десанг агар ҳуснингга пардоз,  
Ишингни олға сур, орқага сурма.

Билганимча сўзлай, эшит бир бошдан,  
Кўп бош албат кўп ишлайди бир бошдан.  
Тақсим айла фикрим боғин узумин,  
Бир шингилдан текса, олгил бир бошдан.

Кел, дугонанг бирла тер икки бўлиб,  
Дўст-ла нонингни е икки бўлиб,



Тез териб ол, термилур ҳар бир кўсак,  
Йўллариингга кўзлари икки бўлиб.

Қанот ёз кўк сари ўғлим баланд уч,  
Упар кўксингни юлдуз бир эмас, уч,  
Сени йиллар қилай таърифу тавсиф,  
Ёзай ҳатто ейилгунча пўлат уч.

Саодат ямғури кел, ҳар саҳар ёғ,  
Кулуб яшнайти ёмғир ёғса ҳарёғ,  
Туюқ оғи ширин бўлгай ҳамиша,  
Қозон яхши қизир доғ бўлса ҳар ёғ.

Шеърим ўқиб анча ҳайрон қолибсан,  
Ё замонда сен орқада қолибсан,  
Ҳаёт мазмунидан калланг бўш бўлса,  
Сен мисоли ишдан чиққан қолибсан.

Тўла мазмунли бўл, шеърим равон бўл,  
Саҳар тур, пахта майдонга равон бўл,  
Бўлолмассан агар олтин саройдек,  
Ақалли элга ойнаклик равон бўл.

Ерга тўқдинг йил бўйи дурдона тер,  
Тоғ-тоғ бўлсин қизим Дурдона тер,  
Таърифинг меъмориға шундай дедим;  
Бу бинога ғишт эмас, дурдона тер!

Теримчи тўлдириб гавҳар этакка,  
Борур олға тушиб, тушмай этакка,  
Қолоқлар қайда, илғор ўрни қайда,  
Назар ташланг ёқа бирлан этакка,

Мен ўғлум отини қўйдим Баҳодир,  
Бўлур деб исмига лойиқ баҳодир,

**Ҳалол меҳнат қилгувчи мардларга,  
Баҳодирлик Ватан берган баҳодир.**

**Мен демасманки, оёқ холхоли бўл,  
Ҳар тубанлик қайдидан сен холи бўл,  
Эл кўзига жилва бермоқ истасанг,  
Яхши ахлоқлар жамолин холи бўл.**

**Қўйибдирсан ики қошинга ўсма,  
Сочингга де, бўйимдан ортиқ ўсма,  
Ўқиб бўл олима, кўп фанда юксал,  
Эмас дўстинг, деса, донишда ўсма!**

## ЕР-ЁР...

(Ғазалий туюқ)

Қалбини қилсанг мусаххар бўлгуси ағёр ёр,  
Кўнглидан чиқсанг билиб қўй, сенга бўлмас ёр,  
ёр.

Ёрин ағёр этсаю ағёрини ёр этмаса,  
Майли, ундай дилни мардлик ханжари-ла, ёр, ёр!

Кирса кўнгил боғига махфий хиёнат қилғали,  
Қуйруғидан ажралур тулки каби айёр, ёр.

Бу саҳар боқди табассумлар билан гул ёрига,  
Чунки боғ ичра ўқур гуллар билан гулёр ёр.

Гул қизин булбулга этмишлар никоҳ аҳли чаман  
Яйрашиб ҳаттоки қушлар, айтишур ҳай, ёр-ёр,

Пахта майдонида бундан каттароқ тўй авжида,  
Бўлди тўй аҳли билан бормоқ учун тайёр ёр.

Таъриф осмонида илҳомим қуши парвоз этар,  
Чунки доим бебаҳолик кўкида сайёр ёр.

Чустиё дафтар келинчакдир, куёв чобук қалам,  
Шул сабабдан бир умр авжига чиқди ёр-ёр.

## МУРАББАЪ

### УЙНАБ УЧГАН КАБУТАР

Осмондаги ўйнаб учган кабутар,  
Ёр от қўйган майдонга бор, ёзгил пар.  
Қучоғига ўзинг ташла кўрганда,  
Упар сенинг қанотингдан муқаррар.

Кўзинг суртиб, қўлин айла зиёрат,  
Илтифотин сенга қилса иноят.  
Рухсат олиб сенга айтган розимни,  
Одоб бирлан қилғил бир-бир ҳикоят.

Кеча-кундуз хат олмоқдур хаёлим,  
Яширмағил, айт соғинган аҳволим,  
Кўнглим уйин ясантирдим келур деб,  
Рост айтмасанг бўйнингдадир уволим.

Сақлаб қўйдим гул боғимдан гулдаста,  
Бу гулдаста қучоғимда пайваста,  
Сўлдирмайман омон-эсон келгунча,  
Гул қўйнимда доим яшнар навраста.

Уйқу надур, ором надур билмасман,  
Осмондаги ойни кўзга илмасман,  
Пора-пора қилса тиғи жудолик,  
Чустий, ундан ўзгани ёр демасман.

## МАСНАВИЙЛАР

### ИСТАК ВА ИШОНЧ

Туриб эрди ноз уйқудан офтоб,  
Очилди ҳаётномадан тонгги боб.

Фалак сатҳидан кенг эди ҳар варақ,  
Табиат этибдур уни зарварақ.

Уқирди фалак ҳам замину замон,  
Хати бир жаҳон, рамзи ҳам бир жаҳон.

Тўлиқ эрди мазмун, муаммолари,  
Ҳақиқатда кўп эрди шайдолари.

Ишончу тилак эрди сарлавҳаси,  
Ҳаётноманинг эрди зар лавҳаси.

Варақлаб, кўзим тушди бир бобига,  
Келибдур фиёр қуввати тобига.

Уқий, мен, қулоқ сол, азизим эшит,  
Сабоқдек олиб ёд, унутма, пишит.

Эди бир йигит умридан вақтичоғ,  
Юзида баҳору дили худди боғ.

Қўлида Навоий китоби очиқ,  
Эди айни ҳикматли боби очиқ.

Ўқиб икки мисрани такрор этиб,  
Дилин дафтарига оларди битиб.

Кўчирдим кўнгил саҳифасига шу пайт,  
Ҳаёт номамиз боши бўлди бу байт:

«Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига  
сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от».

Бу сўз унда уйғотди завқу ҳавас.  
Бўлиб тонгда булбул билан ҳамнафас.

Чаман бўлсаму сўлмасам дер эди,  
Ниҳоят хазон бўлмасам дер эди.

Томошага келса қадрдонларим,  
Димоғларин чоғ этса райҳонларим.

Шифо топса сайрон бўлиб хасталар,  
Узатсам халойиққа гулдасталар.

Отилса кўнгил завқи фавворадек,  
Бўлиб томчилар кўкда сайёрадек.

Очилган гулимда тикон бўлмаса,  
Ҳавом яхши бўлса, ёмон бўлмаса.

Кишилар учун соя берсам эди,  
Чаманлар қаторига кирсам эди.

Гулим мақтови бўлса гўдакда ҳам,  
Отим бўлса ҳаттоки эртакда ҳам.

Элимни шу хил айласам баҳраманд,  
Бўлардим Ватанда азиз аржуманд.

Бу истак билан ҳам қониқмай дили,  
Кирар эрди сўзга тилаклар тили.

Дер эрдик, чўлларга дармон бўлай,  
Аму ёки Сир, ё Зарафшон бўлай.

Биёбон экан сув йўқ эрса чаман,  
Биёбон гулистон экан сув билан.

Экинларда бўлсам томир қонидек,  
Халойиққа бўлсам ширин жонидек.

Керак бўлса халқимга дон ундирай,  
Керак бўлса халқимга жон ундирай.

Булоқ бўлсам, оқсам мусаффо бўлиб,  
Уполсам юзу қўлни шайдо бўлиб.

Ариқларда дилбар бўлиб ўйнасам,  
Ва ё ташнага чой бўлиб қайнасам.

Демас чанқоған кимса инжу беринг,  
Дегай, ташнамен, бир ютум сув беринг.

Уликка, тирикка демак сув керак,  
Керак бўлса покизалик — шу керак,

Дебон Сирни бўйлаб қўярди қадам,  
Тошиб қалби дарё каби дам-бадам.

Борар эрди ёнида бир мўйсафид,  
Сўзи маънилар сандиғига калид.

Юриб бирга йўл, юрса ҳам мўл юриб,  
Тидақлар наботин борарди сўриб.

Келар эрди сув катта тоғ бағридан,  
Оқиб жилгаларда тароват билан.

Гаҳи шавқи бирлан тараннум қилур,  
Боқиб эл юзига табассум қилур.

Йигит кўрди, дарё боши тоғ экан,  
Бу тоғ қанча тоғдан баландроғ экан.

Салобатли, ҳайбатли, қудратли тоғ,  
Йигит қалбига солди меҳрин шу чоғ.

Ўзига-ўзи сўзлабон бир нафас,  
Баланд тоғ бўлишликни қилди ҳавас.

Бу истакка етсам деди кошки,  
Бошим кўкка етса эди кошки.

Қалин қордан айлай танимга либос,  
Берай сув халойиқ учун беқийс.

Кумуш бойлигимни баҳор кунлари,  
Эритсин атайлаб қуёш заргари.

Бошимга агар қанча мушт урса дўл,  
Чидам бирла енгиб чўзай унга қўл.

Қуруқ гавда бўлмай, бўлай қонли тоғ,  
Ёқай шоввалардан ҳисобсиз чароғ.

Бироқ дилга келди бўлак муддао;  
Бўлай дерки элга мусаффо ҳаво.

Ҳаво гарчи одатда кўздан ниҳон,  
У бирлан тирик эл, шудир балки жон.



Нафас олса халқим, бўлсам нафас,  
Дема, эй азизим, фақат бу ҳавас.

Ва ё ер бўлай, халқим эксин экин,  
Керак бўлса, ўйсин: қудуқ кавласин.

Бериб турли маъдан, ризо айласам,  
Қилиб ваъда элга, вафо айласам.

Бошимга кўтарсам, қадам қўйса эл,  
Сахий бўлсам албатта, бўлмай бахил.

Дер эрди: бироқ у азиз ҳамсафар —  
Табассум қўлиб қўйди оқил башар.

Шу дам бармоғи-ла соқолин тараб,  
Деди ул ажойиб йигитга қараб:

«Аё яхши ниятли ботир йигит,  
Менинг бир сўзим бор қулоқ сол, эшит.

Чаман, тоғу дарёю тупроғ, ҳаво  
Бўлиш истагинг бўлса, минг марҳабо.

Ва лекин улардан кўра кучли бўл,  
Бу мақсадга етмоққа бор катта йўл.

Ҳаёт мактабида ўқиб ол сабоқ,  
Буюк илму ҳикматдан очғил вароқ.

Матонатни, ҳимматни ўрган, йигит,  
Адолатни, ғайратни ўрган, йигит.

Фаросат, иродангни ишга буюр,  
Муҳаббат, садоқат отин олға сур.

Вафо қудратингу ҳаё зийнатиног,  
Жасорат бўлур савлатинг, ҳурматинг.

Чин инсон бўлиб меҳнат этсанг ҳалол,  
Сени изласа ҳам тополмас завод.

Чин инсон бўлиб ишга тушсанг агар,  
Табиат бутун сенга таъзим этар.

Ватанда танилсанг чин инсон бўлиб,  
Қолур ҳар сўзинг битта достон бўлиб.

Чаман тоғу, дарёю тупроғ, ҳаво,  
Сенинг хизматингда бўлур доимо.

Қолурсан улуглар каби барҳаёт,  
Ишонч бирла истакда бўлса сабот.

Эшитди бу сўзларни жони билан,  
Чўзилгандай тоғ ерга ёни билан.

Чин инсон бўлишга қасамёд этиб,  
Бу ҳиммат-ла манзилга келди етиб.

Дам олди қуёш ҳам, бу мардона ҳам,  
Дам олди чироқ бирла парвона ҳам.

Яна турди ноз уйқудан офтоб,  
Очилди ҳаётномадан янги боб.

Йигит катта мақсадга қўйди қадам,  
Қуёш учратар эрди ҳар субҳидам.

Муродингга етгил, камол, топ, дедим,  
Дилу жон-ла, Чустий, тилакдош эдим.

## Ҳ И К О Я Т

(Саъдийдан)

Ўтай яхши ном бирла десанг агар,  
Сен ўғлингга ўргатгил илму ҳунар.  
Агар бўлмаса ақлу фикри унинг,  
Нишон қолмагай сендан ўлган кунинг.  
Ота-онаси эркалатса нуқул,  
Жуда кўп қийинликни кўргай ўғил.  
Ақл ўргату тўғрилиқ, поклик,  
Севиб эркалатма, қил идроклик.  
Кичикликда таълимни мажбурий қил,  
Уни қўрқиту ҳам ширин сўзлагил.  
Ҳаваскор учун балли-балли демоқ,  
Бўлур домланинг дўқидан яхшироқ.  
Агар сенда Қорунча ҳам бўлса зар,  
Ўз ўғлингни қолдирмагил беҳунар.  
Суянма бу давлатгаким сенда бор,  
Кетар балки у бўлмайин барқарор.  
Бўшаб қолгай олтин, кумуш ҳамёни,  
Ҳеч бўшанмас ҳунарманднинг кармони.  
На билғунг фалак гардиши айланур,  
Ғарибликка солганда сарсон қилур,  
Қўлида ҳунар бўлса, бўлмас гадо,  
Тиланмас у ҳожат билан эл аро.  
Мурод топди Саъдий қаерни кезиб,  
На дарё кезиб, топди, на кон қазиб,  
Улуғларга бош эгди ёшлиқдан ул,  
Уни ҳақ, улуғликка этди қабул.

Кишиким итоат-ла хизмат этар,  
Сал ўтмай унга эл итоат этар.  
Бўлур эл ичида у шогирд хароб,  
Агар чекмас устоз йўлида азоб.  
Кўмак бергил ўглинга у толмасин,  
Кишилар қўлига қараб қолмасин.  
Ҳар одамки, фарзанд ғамин емагай,  
Бировларнинг илгида хор айлагай,  
Ёмон устага берма шогирд этиб,  
Бузар у ёмон феълини ўргатиб.  
Ўғил бўлса улфат саёқлар билан,  
Умид узсин у ота бу ўглидан,  
Ўғил бўлса нодону аблаҳ, саёқ,  
Отадан бурун ўлса яхшироқ.

## ҶИТЪАЛАР

Салом-алик талаб қилманг ҳўкиздан,  
Илиқликни умид этманг сиз муздан,  
Асалари, ари, лекин бол берур,  
Бол чиқмайди гул ҳидлаган қўнғиздан

Ошиқу маъшуқ дилида икки тор,  
Бир-бирин шавқи билан дер ёр-ёр,  
Ёд олиб икки юрак достонини,  
Ишқ элига муждалар берди дутор.

Қўноқ бирла тариқни асли бирдир,  
Буни фаҳм этмаганинг қалби кирдир,  
Қўноқ бирла тариқни келига тўк,  
Туйиб кўр, бўлмаса сўк, сўнг мени сўк.

Онда-сонда учраб қолур бир эссиз,  
Ҳалқа-ҳалқа қора сочли тантиқ қиз,  
Эслик бўлса гўзал бўлур тўқол ҳам,  
Кимга ёқар гўзал бўлса ақлсиз.

Иядингга боқсам тўрва соқол бор,  
Соқол эмас гўё бир боғ похол бор,  
Бу баҳони сенга бердик нечунким,  
Кўкрагингда тўла фосид хаёл бор.

Гул тиканлик этмаиш ҳаргиз, тикан гул  
бўлмаиш,  
Бул ажабким, насли одам ҳам тикан, ҳам гул  
бўлур,  
Икки бармоғи қулоғида ҳақиқат гавдасин,  
Ноҳақиқат боғи ичра қарға ҳам булбул бўлур.

Сўз келинин гул юзлиги яхшидир,  
Ҳар оқшомнинг юлдузлиги яхшидир,  
Икки кўзлик ёлғончи ҳар одамдан,  
Кўр бўлса ҳам бир сўзлиги яхшидир.

Хунук бўлур гўзал лабин буришдан,  
Олам юзи буриш бўлур урушдан,  
Анқовланма ёв тилини билмасанг,  
Ит мақсади маълум эрур хуришдан.

Сўзнинг рости шулким оға-инига,  
Тегиб бўлмас ҳар кимнинг ҳам жинига,  
Хоҳи кессин, хоҳ кесмасин, бари бир,  
Сўз шамширин солалмайман қинига.

Тухмат тўнин уста бичиш қийишга,  
Кучи етмас сира оғзин тийишга,  
Дўстингман, деб лоф уради шаллақи,  
Тилинг бормас уни одам дейишга.

Райҳон барги қуриса ҳам бўлмас хас,  
Боғда ўсган ҳар бир кўкат ҳид бермас,  
Гулни юлиб боғдан алаф ўстиргай,  
Гул файзидан баҳраси йўқ ҳар нокас.

Бир улфатим деди ичайлик бода,  
Кайф отига мингил юрма пиёда,  
Бода ичдим, лекин кайфим қочирди,  
Сўнгра билдим, маст эканман дунёда.

Кечолмас баъзилар бир умр ичинда  
майпарастликдан  
Уялмай фахр этурлар доимо масту аластликдан,  
Бу хилларга баҳо бермоқ учун бошни  
қотирмасман,  
Улар ўз қилмиши бирлан наъмуна зоти  
пастликдан.

Жонинг берсанг арзир баъзи инсонга,  
Баъзи инсон лойиқ эмас бир нонга —  
Унутади сени. Аммо унутмас  
Гар яхшилик қилсанг ҳатто ҳайвонга.

Мен ўйнаган нардимни,  
Билолмайсан дардимни,  
Мендан кулган, номардлар,  
Тополмайсан гардимни.

## ТАТАББУЪ

### ДАВО БУЛҒУСИ

Сазойи тиг ўлур ҳаддан тажовуз айлаган мўлар,  
Шунинг чун тигдан озод эрур мижгону абрулар.

Агар ҳар хаста ҳаддидан зиёда қилса истеъмол,  
Даво ўрнига қарши кор этар ҳаттоки дорулар.

Билинг, ортиқча хурсандлик кишини шодмарг айлар,  
Шунингдек, ўлдирур одамни қаттиқ ваҳму  
қайғулар.

Тўғон боғлаб, тўсиб сув йўли эл, ҳарён бўлиб  
ташлар,  
Ўзин меъеридан ортиқ, тўлиб тошса оқар сувлар.

Ҳамиша одамийлик ҳуснига доғ узра доғ солгай,  
Йиғинда ҳаддан ортиқ лофлар, бемаъни кулгулар.

Агар чандики уйқу хўб шириндир роҳати жондир,  
Учиргай дил уйнинг машъалин ортиқча уйқулар.

Касал қилгай асал ҳадсиз тановул айласанг, дўстим,  
Даво бўлғуси ҳатто элга меъёрда оғулар.

Агар ёшинг улуғ, лекин кичиклардан кичик бўлғил,  
Кичикдир барча тошдан, Чустийё, қимматдур  
инжулар.



## ҲАЖВИЁТ

### АРОҶХУР БЎЛМАСИН

Эл аро ҳеч кимса майхўрликла машхур бўлмасин,  
Феълининг боғин дарахтин меваси ғўр бўлмасин,  
Умрин оши тузсизу пешонаси шўр бўлмасин,  
Етти йил ётган касалдек ранги бенур бўлмасин,  
Май учун бир сўм тилаб беору олғур бўлмасин,  
Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

Ҳар ютумда ўт тушиб, бечора ўртангай юрак,  
Бу заҳар деб бужмайиб, ҳар ёққа тоблангай ичак,  
Ошқозон, ўпка, жигар бошида у чаққай данак,  
Айлагай ич қалъасида қўзғолон ёвдек демак,  
Оғзидан ҳар бир таом қайтмоққа мажбур  
бўлмасин

Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

Пул кетиб, обрў кетиб, қувват кетиб, шарманда

ҳам,

Оқибат бир шиша май олдида қул ҳам, банда

ҳам,

Лойга ботган эғнини кўрганда кулгай жанда

ҳам,

Мурданинг ундан ҳиди келгай тирик юрганда

ҳам,

Бу сўзим уқсин ўларча бурди йўқ, сур бўлмасин,

Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

Еру дўст, улфат, қадрдони кечар, танҳо қолур,  
Қалби ичра пушаймону қуруқ аъзо қолур,  
Охири қоплаб жунун бошида пуч савдо қолур,  
Ялалар ўрнида унда оҳу вовайло қолур,  
Ичса ҳам ортиқ ичиб, гавгою ур-ур бўлмасин,  
Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

Юқмасин фарзандларига бу ёмон қўрқинчли дард,  
Хонадон ҳуснига у қўндирмасин иллат-ла, гард,  
Енгилур нафси билан гар ўйнаса ул кимса нард,  
Сақлар ору номусин шарманда бўлмас бўлса мард,  
Бу сўзим баъзи қулоққа маҳзи танбур бўлмасин,  
Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

Унда ҳам бордир юрак, бошу, кўзу, ақлу қулоқ,  
Унда ҳам бор бошқалардек гавдаю қўлу оёқ,  
Нега ҳар ой ярми ҳушёрхонадир унга ётоқ,  
Ушбу хил умр ўтганидан ўтмагани яхшироқ,  
Чустиё эл авф этар деб бунча мағрур бўлмасин,  
Жонга ғамхўр бўлсину ҳаргиз ароқхўр бўлмасин.

## КУЗИНГ ОЧ, УРГИЛАЙ!

Деб эдик ташлаб ниқобингни, юзинг оч, ўргилай!  
Юз очиб келдинг, бироқ салкам яланғоч, ўргилай!

Кўйлагинг энгу яқоסי йўқ, этаксиз дейдилар,  
Тепада лайлак уя ё бир сават соч, ўргилай!

Одамийлик, баъзи бепарда кийим деб ўйлама,  
Лўлини кўрсанг дема, бахтимга фол оч, ўргилай!

Нега ўлганлар сочи сунбул сочингнинг остида,  
Эй гўзал қиз, ўйла бир фикринг кўзин оч,  
ўргилай!

Ултиришда беҳаёликдан чалишгандир оёқ,  
Доғ эрур ҳуснингга бу, эй қоши қийғоч, ўргилай!

Лабларинг атрофида холму десам писта пўчоқ,  
Боғламиш ақлинг қозони мунча қирмоч, ўргилай!

Сўзладинг менга у кун она тилингда юз хато,  
Бўлғуси токай дугонанг сенга тилмоч, ўргилай!

Энди идроку, таъмиз нонин бериб тўйғазмасак,  
Бир умр эсу ҳушинг қорни ўтар оч, ўргилай!

Обрўйим хирмони ҳосил билан тўлсин десанг,  
Умр экинзорига ифбат донасин соч, ўргилай!

Ҳар қадам ибрат кўзин очгил жигарбандим,  
қўзим,  
Яхшидан ўрган, ёмондан юр нари, қоч, ўргилай!

У мусаффо сийнада покиза сутдонни яшир,  
Ҳеч ярашмайдир яқо пастига йирмоч, ўргилай!

Янги мода шу дебон Чустига даъво айлама,  
Балки унга эътирофинг дафтارين оч, ўргилай!

## УХШАР, УХШАСА

Бир кимса бор даққоққина,  
Тилёглама юмшоққина,  
Фикрин думи чўлтоққина,  
Юрган йўли ботқоққина,  
Сарсонга ўхшар, ўхшаса.

Дўсти яқин бореа сузар,  
Пайтин топиб ишни узар,  
Селдек юриб ерни бузар,  
Бу феъли беқиргоққина,  
Нодонга ўхшар, ўхшаса.

Кўрсам уни қўзғар жиним,  
Ҳар қизни кўрса бетиним,  
Дейдики, ўлган хотиним...  
Бу сўзлари қармоққина —  
Қопқонга ўхшар, ўхшаса.

Кимдир у, айтай зотини,  
Аммо яширдим отини,  
Уч жойда бор уч хотини,  
Лекин эмиш бўйдоққина,  
Шайтонга ўхшар, ўхшаса.

Гар сўзласа игво бари,  
Черткига бопдир қаншари,

Оғзида йўқдир кавшари,  
Эски бузуқ, маймоққина —  
Гармонга ўхшар, ўхшаса.

Бу сўзларим эрмас фараз,  
Ақлий касал, фикрий мараз,  
Кўнгли тўла фисқу ғараз,  
Қалби эмиш «оппоққина»,  
Қумғонга ўхшар, ўхшаса.

Бу боғда у сассиқ алаф,  
Бўстонда йўқ унга шараф,  
Эл кўрса, қилғай бартараф,  
Очса кўзин тезроққина,  
Инсонга ўхшар, ўхшаса.

Менга дучор келган эди,  
Гердайдиди-ю, «ман-ман» деди,  
Бу феълидан дакки еди,  
Тушса яна тўқмоққина —  
Ҳайронга ўхшар, ўхшаса.

Чустий дедимки, эртароқ,  
Ҳажвимдан олсин ул сабоқ,  
Йўқса қилурман тумтароқ,  
Ҳозир сўзим озроққина,  
Достонга ўхшар, ўхшаса.

## ОДАМ ДУШМАНИ

Бир нафар ҳам қолмасин олам аро,  
Муттаҳам иғвогару кўнгли қаро.  
Бу каби тухматчилар оғзига тош,  
Бадгумонлар бошида ёғсин бало.  
Бошқалардан яхшиман дейди ўзин,  
Аслида турли гунаҳга мубтало.  
Тош отар ойнага синдиргали,  
Эси паст водону аблаҳ, беҳаё.  
Яъни одам душмани, шайтон шудир,  
У тушар одам пайига доимо,  
Қулғуна<sup>1</sup>, чипқон, мараздир ҳар бири,  
Онда-сонда бор бу дарди бедаво.  
Яхшиликни кўрмагай у ҳеч қачон,  
Пашшадан филлар ясар у мутлақо,  
Шерни дейди тулки-ю тулкини шер,  
Соддалар бўйнига минган рўдапо.  
У шакарни қум дегай, қумни шакар,  
Оқ десанг, у дейди сувни қопқаро.  
Тўғри йўлни билмас, айтсанг уқмагай,  
Умри бўйлаб йўл юрар бераҳнамо.  
У кулар меҳнатсезарлар устидан,  
У текинхўрликни ёқловчи гадо.  
Элни товлаб пул топар, умр ўтказур,  
Бу қилиқни тўғри дер, демас хато,

---

<sup>1</sup> Қулғуна — бўйинга чиқадиган хавfli яра.

Ер юзига шубҳали келган ўзи,  
Бу кабини дейдилар «модар зино»,  
На қилай, аккиламоқ итнинг иши,  
Жиплашиб қолгай кўзингда бейбо.  
Боғда юрсанг, гул димоғинг чоғ этар,  
На берур гўнгхона бурнингга, ағо.  
Одами сурат вале ҳайвон шулар,  
Яхши суҳбатни саситгай доимо.  
На керак эл ичра бу «миш-миш»чилар,  
Ҳаммасини ер ютиб тортсин жазо.  
Солма «миш-миш»га қулоқ, миш-миш»ласа,  
Эл десин мақтаб сени, ақли расо.  
Қил ҳалол меҳнат, ҳаловат шундадир,  
Бергай одамнинг жамолига жило.  
Дўст кимдир, дўст кимдир яхши бил,  
Дўстлар тушгуси жонингга оро.  
Ота-она кўнглини ранжитма ҳеч,  
Истасанг омад, уларни қил ризо,  
Икки дунёни топай десанг агар,  
Изларин айла кўзингга тўтиё.  
Элга хизмат қил улуғлик хоҳласанг,  
Сенга раҳмат айтадур ер ҳам само,  
Шеър ўқи, таърифла-ю айтгил қўшиқ,  
Яхши сўзлар топгилу қил азкиё.  
Шундадир, Чустий, ҳаётнинг лаззати,  
Шундадир бир умрлик завқу сафо!



## КИМГА У ФАРЗАНД КЕРАК?!

Бўлмаса меҳру вафоси, кимга у фарзанд керак?!  
Дам-бадам ортса жафоси, кимга у фарзанд  
керак?!

Ота-она кўнглини шод айламоқ ўрнига,  
Бўлса тузсиз можароси, кимга у фарзанд керак?!  
Онага жажжи набира чеҳрасин кўрсатмаса,  
Кеч у фарзанддан — жазоси, кимга у фарзанд  
керак?!

Онасин ранжитса кўнглин — оқмодар дейдилар,  
Шул эрур бахтин қароси, кимга у фарзанд керак?!  
Сўрмаса аҳволи зорин хаста ётган онани,  
Бўлмаса дардин давоси, кимга у фарзанд керак?!  
Тўғри йўлга бошлагай доно она бирлан ота,  
Эгри бўлса муддаоси, кимга у фарзанд керак?!  
Бўлмаса инсофу, виждону риоя унда ҳеч,  
Йўқ эса шарму ҳаёси, кимга у фарзанд керак?!  
Ҳар йигит-қиздан ота-она агар рози эмас,  
Чустийнинг бўлмас ризоси, кимга у фарзанд  
керак?!

## БЕТАМИЗ

Йўлда учраб қолди менга битта нодон бетамиз,  
Қийматин билсам, экан ҳўкиздан арзон бетамиз.

Йўқ фаросатдан дарак, идрокдан йўқдир асар,  
Онгининг илдизлари ўлгунча нимжон бетамиз

Ақлининг буғдойи бош тортганча қолмиш  
сарғайиб,  
Йўқ сомондан бошқа ҳосил, яъни бедон бетамиз.

Билмаса одоб надур, инсон надур, ҳурмат надур,  
Мен ҳам инсонман деса, бул сўзи ёлғон бетамиз.

Баъзи одамлардаги бу бедаво иллат экан,  
Топмагай ҳеч ким иложин бўлса инсон бетамиз.

Пахтада, ишда, ўқишда барча ўз касбига банд,  
Бу эса вайсаб юрар бекору сарсон, бетамиз.

Ейди от бирла эшак ишлаб кейин ему хашак,  
Беуят ялқов текиндан ахтарур нон бетамиз.

Бир куни ақли кириб, ўтган ҳаётига қараб,  
Минг йўли аттанг дебон бўлгай пушаймон,  
бетамиз.

Эҳтиёт бўлғил ғазал ёзмоққа, эй Чустий, мудом,  
Эл ғазалдан ранжигай бўлса ғазалхон бетамиз.

## ЁЛҒОНЧИЛИК

Насли одамга ярашмас, мутлақо, ёлғончилик,  
Қилгучи шармандаликка мубтало, ёлғончилик.

Ростғўйлик бергуси, ҳар дам жамолингга жило,  
Кўзгудек кўнгулни айлар қоп-қаро, ёлғончилик.

Дўстларга-дўстлар, ёлғон гапирмаслар сира,  
Дўстини ўз дўстидан айлар жудо, ёлғончилик.

Энг ширин рўзгорини, аччиқ этиб вайрон қилур,  
Ҳукм сурса эр бўлан хотин аро ёлғончилик.

Дейдилар элни ўлимдан сақлаган ёлғон раво,  
Бошқа ҳар мавзуда, аммо нораво ёлғончилик.

Келтирур турли балоларни етаклаб бошингга,  
Минг бало сардори бўлган зўр бало, ёлғончилик.

Озми, кўпми ҳар кишида баъзи нуқсон бўлгуси,  
Лекин эй, Чустий, хатолардан хато, ёлғончилик.

## ИЧКИЛИК

Бирдамас бир кун берур жонингга озор ичкилик,  
Бир балага охири қилгай гарифтор ичкилик.

Қолмагай бир зарра обрў, қолмагай сенга ишонч,  
Парча нонга айлагай балким сени зор, ичкилик.

Пул кетар, қувват кетар, рангинг кетар, ҳолинг  
хароб,  
Оғритиб бошингни қилгай эски бемор, ичкилик.

Қул бўлурсан юз грамм-элик граммга оқибат,  
Эл ичинда қилгуси шарманда-ю, хор ичкилик.

Упка-ю, қалбу жигар жисмингда безор бўлгуси,  
Айлагай ҳамда азиз дўстингни безор, ичкилик.

Хотинингдан ҳам ўғил-қиздан қилур охир жудо,  
Кеча-кундуз бўлса сенга ҳамдаму ёр ичкилик.

Ақлу ҳуш сендан кетар, ҳеч қолмагай шарму ҳаё,  
Халқ ичинда айлагай ўлгунча беор ичкилик.

Душманингдир эй азиз дўстим, қулоқ солгил менга,  
Кўп жиноятга қилур албатта тайёр ичкилик.

Айлагай бошингни хам, шохингни синдиргай сени,  
Ишда ҳам бўлсанг қилур дангаса — айёр ичкилик.

Чустиё дўстларга бу сўз маънисин такрор айт,  
Бўлмасин ҳеч кимсада такрор-такрор ичкилик.

## АҚЛСИЗЛИК

Бир эмас бошинг узра юз бало ақлсизлик,  
Қилгучи балоларга мубтало ақлсизлик.

Телба дейдилар соғлар, бағринга солур доғлар,  
Орқага қўлинг боғлар, интиҳо ақлсизлик.

Май ичишга ёр айлар, масту бадхумор айлар,  
Хору шармисор айлар, эларо ақлсизлик.

Гар юзинг мисоли гул, қадри қийматинг бир пул,  
Сенга бўлса гар маъқул, доимо ақлсизлик.

Чиндир аҳду паймони, бўлса ақлу виждони,  
Этди баъзи барнони бевафо, ақлсизлик.

Чиқмагай бошинг ғамдан, номинг ўчгай оламдан,  
Сенга гар узоқ дамдан ошно ақлсизлик.

Бошқани ўзидан кам билса, мақтаниб ҳар дам,  
Гарчи бўлса ҳам Рустам, мутлақо ақлсизлик.

Чустий гар ғазал ёзсанг, комил ақл ила ёзгил,  
Айлагай ғазални ҳам серхато ақлсизлик.

## ТЕНТАГУ АСОВ БИЛАН

Яримта оқ йўлида йўрға хушжилов бўласан.  
Топилса лиқ ютасан, тентагу асов бўласан.

Нафасда турланасан қулқули товуқ патидек,  
Шу онда дўст бўласан, бир нафасда ёв бўласан.

Учиб қолиб кўча-кўйларда, худди ҳўл тўнғак,  
Ўлик каби чўзилиб, эл йўлида ғов бўласан.

Гоҳи киролмай уйингга, эшик тагида қолиб,  
У кеча тонгача остонада куёв бўласан.

Ичишдан илгари суҳбатда хўб ширинсўзли,  
Бироқ ичиб, ғалати телбаю соқов бўласан.

Киши топилмаса гар, симёғочни калла қилиб,  
Ёриб бошингни ўзинг, жинни беаёв бўласан.

Шилиб кетиб бори-йўғинг, муғомбир ўртоғинг,  
Қолиб яланғоч у тун безгагу тумов бўласан.

Дилини айнитасан, ким сени кўриб қолса,  
Ичингда борин ташлашга худди нов бўласан.

Кўзимга суратинг одамга ўхшагай, аммо  
Ичиб олиб неча суҳбатда зўр бобов бўласан.

Оёқда тикка туролмай, эмаклабон йўлда,  
Қўлингни айлаб оёқ, тўрт оёқ улов бўласан.

Аниқ бу, чиллада мов бўлгуси мушук жинси,  
Сем асли қайси уруғдан, ҳамиша мов бўласан.

Отингни айтмадим, э бетамиз, ўзинг билгил,  
Фалони ўғли Фалони эмас, биров бўласан.

Қутил эсинг борида, энди алкаголлиқдан,  
Йўқ эрса охири элдан чиқиб, махов бўласан.

Арақ ичирма, ичир ҳажв ошини мастга,  
Қозонни қайнатавер Чустий, зўр олов бўласан.

## ЧИСТОНЛАР

Суғормоққа олиб борсам отимни,  
Олиб сув оғзига ёшин тўкар ул.

(Давот ва қалам)

Бировни юзига найзам уриб жафо қиламан,  
Бу ҳикматим била кўп мақсадим адо қиламан.

(Қалам ва қоғоз)

Оёғи йўқ, қўли йўқ,  
Тиллоси бор, пули йўқ.  
Бир чизиқда юради,  
Ундан бўлак йўли йўқ.

(Қуёш)

Жуда тез йўргалайди силжимайди,  
Тиши бору вале у нон емайди.  
Соқовлардан соқов бу «латтачайнар»,  
Тили бору вале бир сўз демайди.

(Чок машинаси)

Тухумдан чиқди бир жўжа қаноти мингдан

ортиғроқ,

Баландпарвоз этиб, қўйди тухум ҳар жойга

у эрсиз.

Инига сиғмади қайтиб, жаҳонда дарбадар бўлди,  
Бу махлуқни топинглар, ўлдириглар, туғмасин

ҳаргиз.

(Тухумат)

Вужудини яратган ихтирочи,  
Вазифа айламиш унга тешишни,  
Валекин елкадан бир мушт емасдан  
Ўзи ижро этолмайди бу ишни.

(Мих)





## МАСКАНИМ

(Девони Фонийдан)

Масканим масжид ёнидан четга тикланган ҳамон,  
Ўзни ташларман муғон дайрига ундан шул замон.

Топмасам майхона тўрида ўрин, остонага —  
Бош қўярман ёлбориб, истак-ла бу яхши макон.

Мен юриб чаққон ўзимни ташлагайман ўртага,  
Аста тақводан кечибон йўлланиб риндлик томон.

Гарчи риндлардан эмасман, гоҳи май ғавғоси-ла,  
Риндларга ўхшайин деб тортаман оҳу фиғон.

Зору хаста, нотавон жисмимни муғлар дайёрининг  
Гулханига ташлагайман ёққали ўткичсимон.

Мен ўлимнинг ваҳмида, ҳар базм аро май ичса ёр,  
Қўрқаман, қандай киролгайман бу базм ичра,  
дебон.

Ишқ аро қандай қиёмат бор экан солгил назар,  
Чунки ҳар ҳижрон туни қилгум қиёмат ончунон.

Бир фалак юлдузларини ўртамоқ мумкин бўлур,  
Бурқираб турган ниҳон доғин ўтидан бегумон.

Фониё, ўзлик юки оғир, фақирлик йўлини,  
Босгали монеъ бўлур деб ташладим мен нотавон.

## МУНДАРИЖА

Халққа бахшида ижод (Ш. Юсупов) . . .	3
---------------------------------------	---

### ҒАЗАЛЛАР

Халқ мадҳияси . . . . .	13
Ватан ашъори . . . . .	14
Москва . . . . .	15
Фарғона . . . . .	16
Фарҳод тоғида . . . . .	17
Балдоқ . . . . .	18
Дилрабо соз ва дилрабо овоз . . . . .	19
Ошноларга . . . . .	20
Наврўз қўшиғи . . . . .	21
Атласим ёр устида . . . . .	22
Қасам . . . . .	23
Чуст боғида . . . . .	24
Қаро кўзингга . . . . .	25
Ўхшатма . . . . .	26
Увол этма . . . . .	27
Фарғона дилбарига . . . . .	28
Баҳор айёмида . . . . .	29
Еримга савол . . . . .	30
Ғазалхон бўлмаса . . . . .	31
Ўйнаганда . . . . .	32
Керакмасан менга . . . . .	33
Керакмасму сенга? . . . . .	34
Ўз уволи бўйнига . . . . .	35
Уйғонмаса . . . . .	36
Хурсандлик менга . . . . .	37
Юмилгунча . . . . .	38
Садоқат мадҳи . . . . .	39
Жононима . . . . .	40
Боғ ичра . . . . .	41
Наққошига . . . . .	42
Ҳақиқат . . . . .	43

Зафарлардан-зафарга . . . . .	44
Тонг, бўз аргумоғинг . . . . .	45
«Соатга қара» . . . . .	46
Булбулигўё, дема . . . . .	48
Омон бўлса . . . . .	50
Ота . . . . .	51
Қадрин билмаса . . . . .	52
Ғазалхонман, деса . . . . .	53
Ноз этма, ноз этма! . . . . .	54
Ажралма . . . . .	55
Ҳар нафас байрам менга . . . . .	56
Меҳмон олдиға . . . . .	57
Келмаса . . . . .	58
Ой равоғинг устида . . . . .	59
Бўлмай туриб . . . . .	60
Хаста махдум . . . . .	61
Тинчлик қизи . . . . .	63
Қуёшга хитоб . . . . .	64
Муносиб . . . . .	65
Бўлиб . . . . .	66
Буйруқ берди офтоб . . . . .	67
Олтмиш ялов . . . . .	68
Ёр-ёр айланг . . . . .	70
Ёр-ёр айтиб қолинг . . . . .	71
Бўлса китоб улфатинг . . . . .	72
Ўзингиздан кўринг . . . . .	73
Ақли расо бўлсин десанг . . . . .	74
Васият . . . . .	75
Қўқон, жоним менинг . . . . .	76
Яшанг . . . . .	77
Назар ташлаб келинг . . . . .	78
Беармон бўлинг . . . . .	79
Ухшаманг . . . . .	80
Унутманг . . . . .	81
Азиз инсон ўзинг . . . . .	82
Ёлғон, деманг . . . . .	84
Йўрғаланг, деманг . . . . .	85
Лениндан нишон . . . . .	86
Янгиобод . . . . .	88
Азкиё . . . . .	90
Қашқадарё . . . . .	93
Ҳаё қиласиз . . . . .	95
Яхшилардан яхшисиз . . . . .	96
Пахтакор қизга жавоб . . . . .	97

Баландпарвоз . . . . .	98
Кўринмайсиз . . . . .	99
Узма ҳаргиз . . . . .	100
Қайси юз . . . . .	101
Меҳмонингиз . . . . .	102
Юзингиз . . . . .	103
Олтин соз . . . . .	104
Ўзингиз . . . . .	105
Коммунист . . . . .	106
Сардор кўринди . . . . .	108
Панд . . . . .	109
Ватан ишқи . . . . .	110
Бахт кўзгуси . . . . .	111
Бўла қолди . . . . .	112
Ҳаёт қасидаси . . . . .	113
Узоқдаги дилбарга . . . . .	115
Қумри . . . . .	116
Жонон пиёла . . . . .	118
Муддаолардан ҳали . . . . .	119
Бухоро насли . . . . .	120
Ҳилол ўпарди . . . . .	121
Ким етдию ким етмади . . . . .	122
Икки бало . . . . .	123
Хўб бўпти, хўб бўпти . . . . .	124
Сени . . . . .	125
Бўлурму . . . . .	126
Чин инсон бўлиб қолди . . . . .	127
Май байрами . . . . .	128
Овора бўлма, дейди . . . . .	130
Ақли расоларнинг иши . . . . .	131
Минг балони енгади . . . . .	132
Яхши . . . . .	133
Ажойиб эртадан . . . . .	134
Гул мавсуми . . . . .	135
Ленин сўзи . . . . .	136
Кўргим келур кўрган сари . . . . .	137
Пахта қасидаси . . . . .	138
Уйнайди . . . . .	140
Боғда қолди . . . . .	141
Ким кейин, ким илгари . . . . .	142
Айрилиқ . . . . .	143
Ўзбекистон роҳати . . . . .	144
Бали . . . . .	145
Кошки . . . . .	146

Ваъдалар вафоси қани?	147
Деҳқон ялласи	148
Рақс айлади	149
Ўзбек диловари	150
Шекилли	152
Ўзим, деди	154
Севмай бўлурми сизни	155
Тилагим	156
Навоний	157
Най	159
Ғамни на қилай?	160
Садағанг бўлай, нигорим	161
Машинистка Турсунойга	162
Мен ҳам борай	163
Дил тараннуми	164
Доно бўлмагай	165
Ёзай	166
Қараб қўй	167
Бўлгай	169
Ўтдилар қарамай	171
Оз бўлмагай	172
Алдагай	173
Зафар бергай	174
Бош бўлмагай	175
Айланай	176
Атласбофлик	177
Юрак	178
Не керак?	179
Чиройлик	180
Оромижон ғазал ёз!	182
Ғайрат керак	183
Ширинсўзлик	184
Тухфа	185
Дўстлик таронаси	186
Гулистон қил	187
Хуш келибсиз, дейдилар	188
Инсон билан ғазал	190
Танҳо бўлмагил	191
Қўзғол!	192
Айнан ўшал	194
Шудир қуръа, шудир фол	195
Кўнгил	197
Ота буйруғи	198
Отам!	199

Мукаррама Турғунбоевага . . . . .	200
Ори ҳам, номуси ҳам . . . . .	202
Мен ҳам . . . . .	203
Муҳаббатнома . . . . .	205
Назора қилсам . . . . .	206
Жон, ўғлим . . . . .	207
Қасам . . . . .	208
Соз эт, яна, соз бўлса ҳам . . . . .	209
Дилнавозим . . . . .	210
Равшан эрмас . . . . .	211
Ошкор этдим . . . . .	212
Ширинсухан бўлдим . . . . .	213
Сендан ризо бўлдим, болам . . . . .	215
Офтоб кўрдим . . . . .	216
Ҳар куни бир кўрмасам . . . . .	217
Дилни бежо қилмадим . . . . .	218
Дедим . . . . .	219
Давлатим . . . . .	220
Деди Бобур → . . . . .	221
Соғиндим . . . . .	222
Кўзингдан . . . . .	223
Кимлар билан? . . . . .	224
Йўлчи карвонман . . . . .	225
Йўқолмайсан . . . . .	226
Унутмасман . . . . .	227
Сен, дерман . . . . .	228
Йўқмикан?! . . . . .	229
Зеболигингдан . . . . .	230
Уйқудан . . . . .	231
Чекинмайсан . . . . .	232
Турсин . . . . .	233
Жонмикан?! . . . . .	234
Бардош экан . . . . .	235
Чустий мен . . . . .	236
Экан . . . . .	237
Зеболарингдан . . . . .	238
Дилинг ошноси мен . . . . .	239
Қолмасин . . . . .	240
Не етсун . . . . .	241
Мафтунмикин?! . . . . .	242
Омон бўлсин . . . . .	243
Уйғотмасин . . . . .	244
Севганим севган . . . . .	245
Соғинганман . . . . .	246

Сиз билан . . . . .	247
Оромижонсан . . . . .	248
Истак . . . . .	249
Нодон билан . . . . .	250
Андижон . . . . .	251
Дилбар сиймоси . . . . .	252
Ўз элингиздан . . . . .	253
Муҳаббат ташнаси мен . . . . .	254
Кетма ёнимдан . . . . .	255
Икки қирқ тоғини сайр этдим . . . . .	256
Она ҳақида . . . . .	257
Бизнинг дилоро . . . . .	258
Бемаъни гап . . . . .	259
Совға . . . . .	260
Қайтиб кетолмайдир . . . . .	261
Шеърият кошонаси . . . . .	262
Эй, дилбар . . . . .	264
Аёллар . . . . .	265
Доно кексалар . . . . .	267
Соғинтирдинг . . . . .	269
Ағёр ёр . . . . .	270
Жонкуяр . . . . .	271
Хушxabардан сўр . . . . .	272
Ўлдирар . . . . .	273
Нолаи танбур . . . . .	274
Зерикмасинлар . . . . .	275
Эй, Ватан . . . . .	276
Булбуллар айтур ёр-ёр . . . . .	277
Ўн саккиз ёшиндадур . . . . .	278
Жамолинг . . . . .	279
Кулиб келур . . . . .	280
Келур . . . . .	281
Сендадур . . . . .	282
Зинҳор . . . . .	283
Саодатли чаманда . . . . .	284
Назм ўтин баланд ёқ . . . . .	285
Машҳур . . . . .	286
Уйғотур . . . . .	287
Фидо, дерлар . . . . .	288
Ўтар-кетар . . . . .	289
Янги ёшимдир . . . . .	290
Ўзидан сўр! . . . . .	291
На ҳожатдир . . . . .	292
Хато бўлмас . . . . .	293



Айламас . . . . .	294
Ватан ишқи . . . . .	295
Кам эмас . . . . .	296
Муддао . . . . .	297
Халқ тайёр . . . . .	298
Ибо қилма . . . . .	299
Сурмага муҳтож эмас . . . . .	300
Тилаклар . . . . .	301
Мардона Чуст . . . . .	303
Ана қадду ана қомат . . . . .	304
Баҳор қўшиғи . . . . .	305
Юзин кўрган . . . . .	307
Гул-гул очилмасму . . . . .	308
Дилбаросиму . . . . .	309
Яйрарму? . . . . .	310
Сенму . . . . .	311
Билдингму? . . . . .	312
Лофи йўқ . . . . .	313
Муборакбод, эй Жиззах . . . . .	314
Кўргач . . . . .	315
Кўзинг оч! . . . . .	316
Кексалар ҳам таъзим этди . . . . .	317
Борбон қиз . . . . .	318
Ошиён этмиш . . . . .	319
Бўлмас, эмиш . . . . .	320
Ҳисса қўш! . . . . .	321
Тасаддуқ . . . . .	322
Сенда йўқ . . . . .	323
Оламда йўқ . . . . .	324
Тенги йўқ . . . . .	325
Бир варақ . . . . .	326
Яхшироқ . . . . .	327
Вақтим чоғ . . . . .	328

#### МУСТАЗОДЛАР

Доҳий Ленинга . . . . .	330
Ёқутму? Анор донасиму? . . . . .	332
Боқийнома . . . . .	333

#### МУАШШАР

Башар душмани — душманимдир менинг . . . . .	338
--	-----

Тўёна . . . . .	341
-----------------	-----

### МУСАДДАСЛАР

Улуғ рус халқидан . . . . .	343
Ўзбекистоним . . . . .	344
Андижонликлар . . . . .	346
Давлати кам бўлмасин . . . . .	348
Бўлса, бас . . . . .	349
Ҳамма мендан яхшироқ . . . . .	350
Ҳеч ким назардан қолмасин . . . . .	352
Ўзбекмисиз, тожикмисиз? . . . . .	353
Намангандир . . . . .	355
Эй замона, эй замон! . . . . .	357
Юнус Ражабийга . . . . .	359
Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомий газа- лига мусаддаси . . . . .	361

### МУХАММАСЛАР

Улкам менинг . . . . .	363
Улуғ сиймо . . . . .	366
Шаҳри Намангони бор . . . . .	368
Тонг чоғида . . . . .	369
Ворисларинг биз . . . . .	371
Булбулигўё эди . . . . .	373
Айлар . . . . .	375
Хонадондан бошланур . . . . .	376
Фарзанд учун . . . . .	377
Бир-биридан яхшироқ, дерлар . . . . .	378
Шеър фазилати . . . . .	380
Менга муносиб . . . . .	381
Зулфинг . . . . .	382
Кимни изларсиз? . . . . .	383
Мени саргашта . . . . .	384
Қаро кўзим . . . . .	386
Ёзалар . . . . .	388
Уландан сўр . . . . .	390
Ёрнинг васли . . . . .	392
Бир менму? . . . . .	394
Кўзларинг . . . . .	396
Бир қамар сиймони кўрдим . . . . .	398

### ТАРЖЕЎБАНД

Барака топинг, камол топинг! . . . . .	400
--	-----

РУБОУЙЛАР . . . . .	403
ТУЮҚЛАР . . . . .	404
Ер-ёр (ғазалий туюқ) . . . . .	407
МУРАВВАЪ	
Уйнаб учган кабутар . . . . .	408
МАСНАВИЙЛАР	
Истак ва ишонч . . . . .	409
Ҳикоят . . . . .	415
ҒИТЪАЛАР ТАТАВБУЪ	
Даво бўлғуси . . . . .	420
ҲАЖВИЕТ	
Ароқхўр бўлмасин . . . . .	421
Кўзинг оч, ўргилай! . . . . .	423
Ухшар, ўхшаса . . . . .	425
Одам душмани . . . . .	427
Кимга у фарзанд керак?! . . . . .	429
Бетамиз . . . . .	430
Елғончилик . . . . .	431
Ичкилик . . . . .	432
Ақлсизлик . . . . .	433
Тентагу асов билан . . . . .	434
ЧИСТОНЛАР ТАРЖИМАЛАР	
Ғилич бор деб . . . . .	437
Масканим . . . . .	438

На узбекском языке

ЧУСТИИ

ҲАЕТНОМА

(Девон)

Редактор *М. Ҳайдаров*  
Рассом *В. Немировский*  
Расмлар редактори *А. Мамажонов*  
Техн. редактор *Э. Саидов*  
Корректор *О. Турдубекова*

ИБ № 4115

Босма хонага берилди 02.02.88. Босишга рухсат этилди 06.06.88.  
Р 16152. Формати 70x90<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босма хона қорози № 1. Мактаб  
гарнитураси. Юқори босма. Шартли босма л. 16,38. Шартли кр.-от-  
тиск 16,38. Нашр 11,58. Тиражи 10000. Заказ № 1109. Баҳо  
1 с. 60 т. Шартнома 198—87. Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва  
санъат нашриёти 700129 Тошкент, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб сандоқ  
ишлари Давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлари  
чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент—700129.  
Навоий кўчаси 30.